

АЖИНАСИ БОР ЙЎЛЛАР

Анвар
Обиджон



Турмуш кечинмалари

БИРИНЧИ КИТОБ

ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2015

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6
О-14

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг ушбу асари «Шарқ юлдузи»да, журнал имкониятидан келиб чиқиб, анча қисқартирилган тарзда чоп этилганига қарамай, кўпчиликнинг эътиборини тортди, тезда тилга тушди. Бунақаси адабий жараёнимизда доим ҳам юз беравермайди.

Жумлалари равон, тили сершира бу китобнинг ўзига хос томонлари кўп. Шулардан асосийси – турмуш қийинчиликларини енгиб, адабиёт майдонидан ўзига кичкинагина жой топишга тиришаётган ёш қаламкаш ҳаёти билан боғлиқ реал ҳодисалар собиқ шўро даврининг сохта тарихи билан уйғунлаштирилган ҳолда баён этилганидир. Муаллиф бу асарда эски тузум даврида кечган болалиги ва замоннинг қусурларини, ҳаётимизга кириб келган алдовларни ҳамда маънавий тарбиямизга етказган салбий оқибатларини ёрқин бўёқларда кўрсатиб берган.

Муаллиф ўз кечинмаларига ёлғон аралаштирмай, борини борича ёзишга уринганини алоҳида таъкидлаб ўтган экан, биз ўқувчилар ҳам борини борича қабул қилишга интилганимиз маъқулроқдир.



БОШЛОВ

*Ҳо ишонинг, ҳо ишонманг,
ёзаётгонимда тирик эдим.*

Гулмат ШОШИЙ

*Оғзингга келганини гапира-
верма, эсингга келганини ёзавер.*

КУЛКУЛ афанди

Ёзсамми, ёзмасамми?

Ёзмасам, ўзимни ўзимдан ҳайдаб яшаёт-
гандекман. Шунинг ҳис қила бошлаганим биланоқ,
юрагим сиқилади. Ёзсам, ўзим учун ҳам, баъзи
биронлар учун ҳам қанчалар оғриқли бўлмасин,
имкон қадар, борининг борида айтишимга тўғри
келади. Акс ҳолда, бу муаллақ тарвуз узра
абдиёт уммонининг омонат кўпикчасидек кеч-
ган ҳаётим баёни табиийликдан чекиниб, бир
адибнинг навбатдаги тўқимаси юзага келади-ю,
умр ҳақиқатлари рамзи сифатида идрок этилгучи
«эсдалик» аталмиш сўз азалий қимматини
йўқотади.

Афсуски, «чинакам» деганлари ҳам барибир
нисбийдир. Ҳаётимни тевағимда юз бериб тур-
гучи воқеалардан узук тарзда тасаввур қилолмас
эканман, турли ҳодисаларга муносабат билди-
ришда ўз уқувим, ўз билимим, ўз мушоҳадам да-

ражасидан нарига ўтолмаслигимни, бу даражам эса мактангудек юксак эмаслигини олдиндан тан олиб қўяқолай. Демак, айрим масалаларда ҳақиқатга элтгучи баҳслар эшигини ланг очик қолдиришим лозим бўлади.

Истиҳолаларни йиғиштириб, шартта ёзаверсамми? Ё тилимни тийганим тузукми?

Чекдим, ўйландим; чекдим, иккиландим; охири қадрдон қаламжоним қоғозлар уюми сари ошиқди-ю, ўнг қўлим етагида «бошлов»ни чизғилабоқ, олисдаги «туғаллов» сари биланглаб йўрғалашга тушди. Буёғи энди Ўзига таваккал...



ЁҚИМЛИ ТАЖОВУЗ

*Аёлларни авайла; аёлдан
ўзингни мудофаа қил!*

Гулмат ШОШИЙ

Ҳали жуда ғўр эдим, жинсларни моҳиятан фарқлай билсам-да, булар оралиғидаги сирли назокатларни туброғигача англаб етмаган; ақлимни таний бошлабоқ топган гўзалдан-гўзал Оллоҳим сиймосини худосиз замонанинг шаккоклари хом қалбимдан чирт юлқиб ташлашга улгурмаган ғуборсизгина ёшда эдим. Ҳаётимда бирдан ўша Ғалати ойсанам пайдо бўлди-ю, мени ўзига бутунлай ўргатиб олди. Уни сеҳрли ўргимчакка менгзатардим – кўринмас тўрларини йўлимга ёйиб ташларди. Тўрига илинганимни ҳам, аста-секин

домига тортаётганини ҳам сезмасдим, саросималаниб питирламасдим. Жуссамни қанча қаттиқ чирмаса, эс-хушимдан шунча айрилиб бораверардим, қаердалигимни, нималар бўлаётганини пайқаёлмай, қарахтланиб қолардим.

Оғуши шу қадар тортимли эдики, сирлидан-сирли ойсанамим вужуд-вужудимни қўғирчоқдек пийпалаётгани, қоғоздек ғижимлаб қийнаётганини гоҳо элас-элас ҳис этардим-у, унга салгина бўлса-да қаршилиқ кўрсатмоқ, озгина бўлса-да, нафасимни ростлаб олмоқ истаги кўнглимга хуркак қушдек ров қўниб, яна нишонсиз йўқолаверарди. Момиқ бағирга тобора чуқурроқ чўкаверардим, танам ёт танага сингиб кетаётганга ўхшарди. Фақат тўрдан халос бўлганимдан кейингина, беҳад толиққаннимни, куч-мадорим аёвсиз симириб олинганини туйиб, неча муддат ланжланиб ётардим.

Ўта элитувчан бу ойсанам кейинчалик ҳам мени тинч қўймади. Балки, унга ўзим кўпроқ илиққандирман. Нима бўлгандаям, ўйлаб-ўйлаб, ҳануз баъзи бир синоатнинг тагига етолмайман – у мени тарбияладими, йўлдан урдими; саодатга етакладими, уқубатга йўлладими; учишни ўргатдими, қанотимни қайирдими? Тагин қанча умр кўрмайин, ушбу саволларга жўяли жавоб топа олмаслигим аниқ.

Доим эҳтирос қуюнлари ичра йўлиқиб, туманликда тургандек туюлиши боис, тусини аниқ ифодалашим мушкул бўлган бу Ғалати ойсанам тўғрисида, кези келгач, алоҳида тўхталарман. Ҳозир муҳими бу эмас. Асосий гап шундаки, агар

у дуч келмаса, ҳаётим тамоман бошқа ўзандан
оққан бўларди.

*Деразамга чойшаб ёпар тун,
Юлдуз ухлар, кўзларим бедор.
Тамакидан ўрмалаб тутун,
Чексизликка тирмашади зор.*

*Уйда менга гўё недир кам,
Ортиқчаман ёки уйимда.
Хаёлимда сахий бир санам
Имлар мени юпқа кийимда.*

(1978)



МЕН КИММАН?!

*Ёмонга яқинлашма! Ўзинг-
дан ҳам нарироқда юр!*

КУЛКУЛ афанди

Нотаниш кимсани кўрсатиб: «Бу ким?» – деб сўраш оддий бир ҳол. Аммо, ёнингиздагиларга кўзингизни лўққайтириб: «Мен кимман?» – деб кўринг-чи, уларнинг наздида шу заҳоти жиннига айланасиз. Шундан безиллабми, дадим ичимда, фақат баъзида ўзимни ўзим секин сўроққа тутаман: «Кимман?!»

– Ким бўлардинг, бир шоирсан-да, – шивирлаб жавоб қиламан ўзимга ўзим. – Балки ундоғроқдирсан, балки мундоғроқдирсан. Бунисини эшик-деразасиз уйингга ўрнашиб олганингдан кейин вақт кўрсатади.

Тўғри! Рўзғордаги буюмлардан қайсиниси қанчалик кадрга эгалиги улар йўқолганидан кейин, қай бирига қанчалар зарурат туғилишига қараб аниқланади.

Дарвоқе, зарурат! Одамзот ўзини ўзи исроф қилиши мумкиндир, бироқ хассос Тангрижоним сон-саноксиз бандаларни яратаётиб, лоақал бирон-бир исрофгарчиликка йўл қўйиши мумкинлигига ким ҳам ишонсин? Шундай экан, мен не мақсадда яратилдим? Бунга қандай зарурат бор эди? Бор бўлса, ўша заруратнинг ўрнини тўлдира олдими? Нега яшаяпман? Умумга тааллуқлиларидан ташқари, алоҳида вазифам нима эди? Кимман? Ким?!

Буниси биргина Яратгучининг ўзига маълумлигича қолишлигини ёшим бир жойга етганда тушундим. Бандалар таҳлил этиб, тахмин қила оладилар, холос. Тахминларнинг ҳақиқатга нечоғли яқин, шахсга бериладиган баҳонинг нечоғли адолатли бўлишини мазкур шахс ҳаётига тегишли гапларнинг қанчалар тўғри эканлиги белгилайди.

Шахснинг ҳаёти... Буни кимнинг қачон, қаерда туғилгани-ю, қандай оилада тарбиялангани; қай муҳитда ўсиб-улғайгани-ю, нималардан бешиб, нималарга талпингани; қаерларда нелар билан машғул бўлгани-ю, не мақомларга эришганлиги орқалигина ифодалаш кифоя қилмайди. Ҳаёт интилишу курашлардан, кўтаринкилигу тушқунликлардан, роҳату уқубатлардан, оғишмаслигу адашувлардан, ютуғу ютқизиклардан, учрашуву айрилиқлардан, тўғрилигу қинғирликлардан,

қониқишу аттанглардан, иноқлигу келишмовчиликлардан, улгуришу кечикишлардан, топишишу йўқотишлардан, мардлигу ғирромликлардан, ишончу алданишлардан, қисқаси – фаолият ва кечинмалардан иборатдир. Шахс ўз умри давомида минг-минглаб кишилар билан гоҳ лаҳзалик, гоҳ доимий мулоқотда бўлади, мунозара ва музокаралар юритади. Бировга фойдаси тегади, бировдан наф кўради; кимгадир зулм қилади, кимдандир зулм топади; буниси дўстига айланади, униси душманига. Шуниси қизиқки, аксарият ҳолларда ҳар ким ўзини ҳақ деб ўйлайверади. Шундан келиб чиқиб, Танграмга илтижо қилмоқчиман:

– Эй, ҳар ишга қодир Эгам, ғайритабиийдек туюлувчи бу одат кўнглимда қачон, не сабабдан зоҳир бўлганини аниқ эслолмасам-да, одмигина ибодату илтижоларимда Сизни фақат «сиз»лаб йўқлайман. Навбатдаги илтижойимни қабул этинг, эй, Тангрижоним... Художоним... Оллоҳим! Ичимдагиларни қоғозга тўкаётиб, турмушнинг зарур эҳтиёжларидан бирига айланиб бораётган ёлғонлардан нари туришимда, яхшининг яхшилигини яшириб, ёмоннинг ёмонлигини ошириб юбормаслигимда, энг машаққатлиси – аввало, ўзим ҳақимда тўғри сўз бўла олишимда менга куч ва жасорат ато этинг! Кинчи қулларингиздан бири бўлган мен бандани ҳаддимда асранг!

* * *

Шахсимни тасдиқлаш, дунёга ҳар қандай шамолу эпкиннинг эрмагига айлангучи қоғоз парча

си бўлиб келмаганимни исботлаш, Ўзи аъло қилиб ясаган ақлу онгимга муносиб хўжайинлигимни намоишлаш учун қўлимдан келганича уриндим — бир умр куйиниб-ёниқиб яшадим, сўз айтмоқни касб қилдим. Ёзганларим лоақал бу юртдаги биттагина кимсанинг диққатини тортиб, кўнглини ишғол этолмаслигига ишонгим келмайди. Балки барини ўша битта одам учун яратгандирман. Гарчи бу зотга атаб айтилган, яна айтишни истаган гапларим сон-саноксиз эса-да, унга бир савол бериш билан кифояланмоқчиман: «Мен кимман?!»

Ич-ичимдан сезяпман, бунга энг холис, энг тўғри жавобни айнан ўша битта одам топа олади. Мени ўзича билиб юрганлар ўшанда янгитдан танишади.

Баъзи асарларимда кимлигимни излашга узук-юлуқ тарзда урингандекман. Йигитлигимда ёзилган, Н. Р. хонимга аталган «Бетайин» деган шеърим шулардан бири:

*Кимлигимни сўрама, жоним,
Тугамайди айтсам достоним.
Кўп қувончлар кўрдим дунёда,
Дард ҳам чекдим ундан зиёда.*

*Покдил деб сен эслайсан кимни?
Мен эслайман болалигимни.
Виждоним-ла яшардим аҳил,
Аблаҳ эмас эдим мустақил.*

*Илк бор гуноҳ қилган кезимиз,
Кирди деймиз энди эсимиз.
Мен ҳам онгим ўсгандан буён,
Ўз-ўзимга қилдим кўп зиён.*

Майхонада орттириб улфат,
Ҳар қадаҳдан симирдим кулфат.
Бир таннозни севиб дилимдан,
Омон қолдим зўрга ўлимдан.

Қай шил ўзин кўрсатди устоз,
Ғаним топиб бўлмас бундан соз.
Дўстман дея лоф урди меров,
Энди дўстга юрак бермас дов.

Лақма кўнглим алданган сайин,
Бўла бордим аста бетайин.
Ҳар алдовдан кўзим ёшладим,
Сўнг... ўзим ҳам алдай бошладим.

Дудогингни яқин тут, жоним,
Тугамайди айтсам достоним.
Сийнангга бош қўйганим замон,
Туюлади ҳам-м-маси ёлгон.

(1978)



ҚЎРҚИНЧЛИ КЕЗҒИЧ

Танноз Ой имлагандир-
ки, шилқим Ер кезгич бўл-
гандир...

Гулмат ШОШИЙ

Болалигимдан қўрқоқ эдим. Салга таъсир-
ланиб, кўзимга тезда ёш келарди, кўнглим жуда
бўш эди. Катталар муштлашиб, бир-бирининг
бирон жойини қонатса ҳам, ҳатто, ит мушукни
вағиллатиб қувласа ҳам юрагим пўкилларди.
Гоҳо ўзимни ботир кўрсатишга уринардим. Та-

ажжубки, ботирликка астойдил берилиб кетсам, сесканчоқлик мендан чекина бориб, коронғида юришдан ҳам, энг баланд дарахтларга чиқишдан ҳам, ўзимдан зўрлар билан ёқалашишдан ҳам тап тортмай қолардим. Қўрқоқлигимни ўзгалардан яширишга, бўшанг эмаслигимни исботлашга ури-
намидим ё...

Юрагим ёрилгудек тарзда ҳайиққан пайтла-
рим кўп бўлган. Шулардан бири, маҳалламиздаги Абдурахим акани кўрдим дегунча, шувиллаб эсимга тушаверади. Ўта қаттиқ кўрқув эди бу.

Мендан ўн ёшча катта бўлган, мактабдаги энг аълочилардан ҳисобланган, хотираси кучлилиги билан ажралиб турадиган, кейинроқ асаб фаолия-
ти туйқус издан чиқиб, ўзини советлар мамлака-
тининг биринчи доҳийси Владимир Ильич Ленин деб ҳаёл қила бошлаган Абдурахим ака дадам бош тарозидор бўлган пахта тайёрлаш пункти-
да ишларди. Баъзилар унинг қорасини кўриб: «Ана, Абдурахим Ильич келяпти», дея ҳиринглаб қўйишарди. Абдурахим ака эса, уни илғамагандек бўлиб ўтирганларнинг ёнида тўхтаб, кеккайгани-
ча сайрашга тушарди:

– Владимир Ильичга ҳурмат шуми? Бойларни итдек тизғитиб, бор мулкини сен ялангоёқларга тарқатворган бўлсам-у, яна ҳамманг менга тес-
қари қарайсан? Ҳе, яхшилиқни билмаган йирво-
қилар!

Унинг пунктга ишга ўрнашиши ҳам қизиқ кеч-
ган экан. Ишга кирмоқчилигини айтса, кадрлар бўлимининг мудири олдидаги қоғоздан кўз уз-

май, ҳозир бўш ўрин йўқ, деб пўнғиллабди. Шунда Абдурахим ака: «Ий-йе! Ўзим қурган давлатда нимаичун ўзимга иш топилмасакан?» – деса, мудир: «Нималар деб валдираяпсан, ука? Кимсан ўзинг?» – деб бақириб берибди.

– Ҳали дохийларниям танимайдиган бўпқолдингми, йирвоқи? – деганича, бирдан пролетариат раҳнамосининг ҳайкалидек қўққайибди Абдурахим ака. – Лелиннинг олдида тарвайиб ўтиришга қандай бетинг чидаяпти? Тур ўрнингдан!!!

Асаб касалига чалинган кимсага расман «Меҳнат дафтарчаси» очишни истамаганлари учун, дадам Абдурахим акага норасмий тарзда иш топиб бериб, белингга этак боғлагин-у, йўлларга тўкилган пахталарни териб келиб пунктга тўкавер, пулини ўзимдан оласан, дебди. Абдурахим ака, йиллар ўтиб, деярли тузалиб кетган, энди «асабхона»да даволанмайдиган бўлиб қолганида, ўтган кунларни эслаб, дадангиз ўшанда менга ҳар куни 5–6 сўмдан бериб турарди, деган эди. У даврда битта нон 70 тийин турар экан.

Ўша пайтда тўққиз-ўн ёшларда бўлсам керак, дадамнинг ишхонасига эргашиб бориб, Қапчуғай томонга элтувчи тошйўлининг ёқасида чўзмамга юмалоқ тошчалар териб ўтирсам, ёнимдан Абдурахим ака ўтиб қолди. Йўлнинг у юзидаги «Уралзис» юк машинаси ўрнидан қўзғалаётганини кўриб: «Қани, зўр бўлсанг, Лелинни мажақлаб кўр-чи», деди-ю, орқадан бора солиб, ўзини кейиндаги қўшалок ғилдиракнинг остига ташла-

ди. Машина унинг белидан «дўк» этиб ўтган чоғда, жоним ҳалқумимдан отилиб чиққудек бўлиб, чинқириб юбордим. Шофёр машинанинг бежо дўқиллашиданми, кулоқнинг ноғорапардасини йиртгудек чинқиришимданми сергак тортиб, машинани тўхтатди. Кабинадан тушаётиб, олдин менга, сўнг орқа тарафга қаради, бирдан ранги ўчди. Атрофдан шовқин солиб етиб келганлар Абдурахим аканинг бошини кўтариб, юзига сув сепи бошлашганда, у ярқ этиб кўзини очди, ҳеч кимнинг кўмагисиз ўрнидан туриб, белига қўл босган асно бир-икки қайишди. Шўрлик шофёр шундагина ўзига келиб: «Соғмисан, инижоним?» — дея қучишга талпинган маҳалда, Абдурахим ака: «Қоч!» — дея уни нари итарди.

— Ҳамманг овора бўласан! — деди қош кериб. — Лелин ўлмайди!

Мендаги кўрқув ҳали босилмаганди, юрагим гуп-гуп тепиниб, вужудим дағ-дағ титрашда давом этарди.

Она қорнидаги бола ҳамма нарсани сезади, лекин ҳеч нимани тушунмайди. Агар туғилмасимдан олдин қаёққа йўл олишга ҳозирланаётганимни, янги манзилга кўчгач, қай муҳитда, қандай хулқ-атворли «олий мавжудот»лар галаси ичра кун кўришга маҳкум этилганимни билсам, она қорнидаёқ бундан-да ёмонроқ кўрқиб, бундан-да баттарроқ чинқириб юбормасмидим, ўз отим ўзим билан Машраб бўлиб туғилмасмидим? Зеро, бири тепадан тинимсиз ёғилиб тургувчи ўқтошлари (метеоритлари) билан, бири ҳатто ёнаётган гул-

ханни шу тахлитда қотириб қўядигандек туюл-
гувчи мислсиз совуғи билан, бири олмосни ҳам
чангга айлантириб юборувчи емирувчан газлари
билан ўта хатарли ҳисобланувчи фазо кезғичлари
орасида энг қўрқинчлиси Ер кезғичидир. Бобо
рамзига айланган Қуёш тафти, буви рамзига ай-
ланган Тупроқ озуқаси, Одам ота рамзига ай-
ланган сув мойламаси, Ҳаво она рамзига айлан-
ган, эндиликда «кислород» деб аталувчи Дам
малҳами боис ўзгача бир нодирлик касб этган бу
кезғичдаги бор мавжудотнинг сал йирикроклари,
сафга одам боласи келиб қўшилгунга қадар,
ўтхўр ва этхўрларга бўлиниб яшаган. Этхўрлик
дастидан йиртқичлик юзага келди, кучлилар куч-
сизларнинг, йириклар майдаларнинг, тезгирлар
сусткашларнинг устидан ҳукмрон бўлиши, улар-
нинг қонини ичиб тирикчилик қилиши қонуният
тусини олди. Бирдан одам пайдо бўлди. У, бир
пайтнинг ўзида, ҳам ўтхўр, ҳам этхўр эди. Онги
қанчалар ўсса, юзаки қараганда, ҳайвондан шун-
ча фарқлана борди.

Кўзга яққол ташланадиган фарқ бор-йўғи етти-
та эди: эгнига кийим кияди; иш ва ов қуролларини
ясай олади; шартли товушлар воситасида эмас,
муқим сўзлар кўмагида гаплашишни, ёзиб-чи-
зишни билади; масалликни ўтда пишириб, тузга,
кўкат-зираворларга қўшиб ейишни, мева-чевани
шарбатга айлантириб ичишни уддалайди; шароит-
га кўра ўзгариб турувчи турли қонун-қоидалар
тўқийди; ниҳоят, шулардан энг ҳайратланарли-
си – ўз турдошини ўзи қиради.

Одам боласининг бошига битган энг катта бало ҳам шу – қирғинбозлик. Бунга баҳона тикилиб ётибди – бири тўқ, бири оч; иккови ҳам тўқ-у, бири бойроқ, бири йўқсилроқ; бири дарёнинг бошида ажриқларга сув сепиб ўтирибди, бири қуйироқдаги буғдойларини суғоролмай хуноб; бири катта йўлдаги кераксиз девор, бири денгизда ҳадеб йўлингни кесиб ўтаверадиған сур рақобатчи; бири майда ва мағрур, бири йирик ва иззатталаб...

Кўриниб турибдики, агар одамлигингни тўсатдан эслаб қолмасанг, жанжалсиз, қутқусиз, фитнасиз, сўқишмаларсиз яшашнинг иложи йўқ. Бунга баҳона сероб бўлса-да, сабаби битта – очкўзлик. Ҳайвон фақат керагини олади, одам боласи керагидан минг марта ортиғини олиб ҳам яна човут солишга уринаверади, ўзини тўхтатолмайди. Йирикларнинг ошиб-тошиши майдаларнинг озиб-тўзишига олиб келгач, бирдамас-бирда иш бузилади. Гап шундаки, ҳайвонлар оламида кучлилар кучсизларни ейиши ўзгармас қонун ҳисобланса, одамлар оламида кучсизлар бирлашиб, кучлиларни мамлакат-памлакати билан ютиб юбориши ҳеч гапмас.

Тузум, жамият, мамлакатларни бир четга суриб, одам боласининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида унсур сифатида қаралса ҳам, омадинг юрмай, хира муҳитга йўлиқаверсанг, ўнта банданинг тутумидан ҳаловат топиб, элликтасиникидан ваҳимага тушасан. Булардан биттаси кўнглингни яшнатади, улардан бештаси юрагингни юмдалай-

ди; булардан биттаси ютуғингдан қувонади, улардан бештаси ютқизигингдан роҳатланади; булардан биттаси бойлигингга ҳавас қилади, улардан бештаси борингни талашга мойил; булардан биттаси сени ўстиради, улардан бештаси оёғингдан тортади; булардан биттаси истеъдодингга тан беради, улардан бештаси буни кўролмайди; булардан биттаси жонингни асрашга тиришади, улардан бештаси бошингга етишга шай. Бир тўғри сўз беш ёлғончининг назоратида.

Шу шароитда яшаб, ҳеч бўлмаса, яримта нон топиб ейишни уддалашинг, ўз ажалинг билан ўлишинг осон иш бўптими! Агар ана шундай кўрқинчли муҳитда кун кечириш учун туғилаётганимни билсам, нега энди жон-жаҳдим билан чинқирмаслигим керак экан?

Лекин, мен ҳали туғилмагандим. Аниқроқ айтсам, оиламизнинг ўзанига сал нарироқда туриб назар ташлай олишингиз учун мен ҳозир ортиқчаман.

Ҳадемай туғиламан, аммо бунинг учун қанчадан-қанча тасодифий қовишувлар туфайли ўн тўққизинчи асрнинг ўрталаригача шода маржондек битта-битта тизилиб шаклланган аجدодларим яна иккита энг тасодифий никоҳни бошдан кечириши, биринчисида – ўзига тўққина, обрўлигина хонадонда улғайган ўта кўнгилчан бир йигит қишлоқнинг энг камбағали ҳам уйлангиси келмаган ожизкўз қиз билан турмуш қуриши, иккинчисида – унинг ўғли биринчи хотинидан ажраб, лоақал бирон-бир қариндоши яшамайдиган узоқ

қишлоқдан ўзига бошқа ёстикдош топиши керак бўлади.



«УХ!» ДЕБ ЮБОРМАНГ, ОНА...

*Эси йўқ ўзини мақтайди,
эси бор аجدодларининг пи-
лигини кўтаради.*

КУЛКУЛ афанди

Баҳромхоннинг болалик, ўсмирлик даври, 25 йилга чўзилмиш жанглardan сўнг, Қўкон хонлиги ҳудуди Чор Россияси томонидан тузилган Туркистон генерал-губернаторлигига тўласича тобе этилган пайтларга тўғри келди. Бунгача эса, не-не одамкушликлар юз бермади, дейсиз.

Дастлабки тўқнашувларда енгилроқ ғалабаларни кўлга киритган руслар кўшини, юртининг чегарасидан узоқлашгани сайин, ерлари асосан ҳозирги Қозоғистону Қирғизистондан тортиб, Тошкенту Фарғона водийси қадар чўзилган, уч миллион аҳолили Қўкон хонлигининг қаттиқроқ қаршиликларига учрайверди. Энг аёвсиз сўқишувлар генерал Перовскийга қалъа ҳимоячилари: «Бизлар бир сиқим порох ва кўчада бир кесак қолгунча, ҳамма курулларимиз тамоман синиб битгунича жанг қиламиз», деб хат ёзган Оқмачитда, шунингдек, Авлиёота, Пишпек, Чимкент, Иқон қалъасида кечди. Авлиёотада черикларга кўшилиб, ҳатто аёллар ва болалар ҳам

душман билан олишувга кирди. Натижада, бирда ўликтепалар пайдо бўлди, бирда Сирдарё оқиб бораётган мурдаларга тўлди. Руслар сезиларли талафот кўрганига қарамай, янги-янги кучларни майдонга ташлаб, забткорликни давом эттираверди.

Босқинчилар хонликнинг асосий қўшинига Тошкент остонасида дуч келиб, кўп аскаридан айрилди (руслар маълумотларда ўз талафотини жуда камайтириб, душманникини эса бир неча бор кўптириб кўрсатар эди, ҳозирда ҳам тарихчиларнинг аксарияти ўша рақамларга таянади). Россиядан юборилаётган қўшимча кучларнинг кети узилмасди. Хонлик лашкарбошиси Алимкул корнидан оғир яраланиб ҳам, осилиб қолган ичакларини чап қўлида чангаллаб, ўнг қўлидаги қилич билан яна бир неча ёвни чошиб ташлашга улгурган катта тўқнашувда ҳалок бўлгач, аскарларининг руҳи синиб, асосан, мудофаага ўтиб олишгани; бундан фойдаланган руслар шаҳарга кирадиган сувнинг йўлини тўсиб қўйишни таклиф қилган Абдурахмонбек Шодмон, яширин тарзда керакли маълумотларни бериб турган Муҳаммад Соатбой, Саидазимбой Муҳаммад сингари мулкдор сотқинлар кўмагига таяниб, 1865 йилда Тошкентни ниҳоят таслим этгани; кўп ўтмай, Бухоро ва Қўқон ўртасида доимо талаш бўлиб келган Ўратепа билан Хўжандни қўлга киритиб, Худоёрхонни бурчакка қисиб қўйгани тарихдан маълум.

Бора-бора водийнинг бир қисмидагина шапалокдек ери қолган бу хонликнинг «норасмий

хон»и ҳисобланмиш Пўлатхон Туркистон генерал-губернатори билан Худоёрхон ўртасида ушбу ҳудудда русларнинг эркин ҳаракатланиши юзасидан тузилган шартномани тан олмай, 1876 йилда кўзғалон кўтарди. Шуни кутиб турган (балки уюштирган) руслар тезда қўшин киритди, кўзғалон бостирилди ва биратўла хонлик ҳам тугатилди.

*Туфлаб ташлар сувлиқ қолдигин,
Чопар эгар парчасин судраб.
Гоҳ булоққа эгилар толгин,
Гоҳ юлғунни чайнар дилдираб.*

*Изгиринага борар юзма-юз,
Гов бўлолмас чўлнинг дўнг қори.
Ўз хўжасин қидирар ҳануз,
Алимқулнинг гажир тулпори.*

(«Оқ тулпор», 1982)

Қўқонликлар билан бирлашиб жанг қилишдан кўра, душманга ўз чегаралари остонасида зарба беришни маъқул деб билган Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги эса яккамачилиқдан охири панд егач, бу паллада бир қисм ерларидан айрилиб, Чор ҳукуматининг вассалига айланиб бўлган, ҳукмдорлари қўғирчоқ тахтда омонатгина ўтиришарди.

Туркистон генерал-губернаторлиги барибир тинчини тополмади. «Олой маликаси» деб танилган аёл қўмондон Курбонжон додхоҳ ўн йилдан ортиқ тутқич бермай, русларни Фарғона водийсининг кунчиқар қисмига яқин йўлатмасдан

юрди, боскинчиларни музокара олиб боришга мажбур этди. Андижонлик Йигчи эшон (илгари ёғоч йиг ясаб сотгани учун водийдагилар уни «дукчи» эмас, «йигчи эшон» деб тўғри аташади, аслида рус тўқимачилари бу асбобни «дюк» дейди) бошчилигидаги 1898 йил исёни кўламининг кенглиги ва русларнинг жазо отряди томонидан Мингтепадаги бир неча қишлоқ ёндирилиб, аҳолиси ёппасига қириб юборилгани, ҳатто гўдакларни милтиқ найзасига илиб ўйнашгани, 415 киши суд қилиниб, эшон ва унинг яқин издошларидан 19 киши осиб ўлдирилгани, қолганларнинг асосий қисми умрбод ёки узоқ муддатли қамоқ жазосига тортилгани, Сибирга сургун этилгани каби даҳшатлари билан тарихга муҳрланди. Ўсмирлигидан рус оиласида тарбияланиб, Петербургда ҳарбий таълим олган Номоз Пиримкул ўғли юртига қайтганидан сўнг, халқининг эркини ўз фароғатидан устун қўйиб, Самарқанднинг Каттақўрғонида қасоскорлар кўшинини тузди, келгинди зўравонларни аёвсиз қийрата бошлади...

Икки-уч аждод нарисидagi бобо-момолари Марғилондан келиб, Олтиариқнинг Полосон қишлоғида (бу қишлоққа бир маҳаллар Туркистоннинг бошкенти мақомидаги Боласоғунга ҳавас қилиб ном берилган, кейинчалик шевада бузиб айтила бошланган экан) томир отган эшонлар авлодидан бўлмиш Баҳромхон теваракда юз бераётган ушбу воқеалардан озми-кўп хабардор эса-да, сиёсатга қизиқмас, отасидан, бошқа устозлардан зўр иштиёқ билан билим олар, қўйиб бериш-

са, кун бўйи хужрадан чиқмай, китоб титкилаб ўтираркан. Камгап, босиқ, такводор, ўта ройишли, доим ўйчан юрувчи йигит экан.

Баҳромхон тўғрисида гоҳ кишини ҳайратдан донг қотирадиган, гоҳ томирларнинг жиг-жигини титратиб, чуқур хаёлга чўмдирадиган талай чўпчакнамо гаплар эшитганман. Балки, ўшандай ишларга ўзим қодир эмаслигим боис улар менга чўпчакка ўхшаб туюлгандир.

Айтишларича, ота-онаси кўп бор оғиз солишига қарамай, Баҳромхон ана-мана деб, уйланишни ортга сураверибди. Охири, аллақачон уйланиш ёшига етган укаси навбатда тиралиб турганини пеш қилишгач, индолмай қолибди. Отаси енгил тортиб, агар бирор қизда кўнглингиз бўлса, буниям билиб қўйганимиз тузук, деса, у кўзида ер чизиб, аста дебди:

– Модомики, ихтиёрни ўзимизга берибсиз, энди сазамизни ўлдирмайсиз-да, отажон. Маҳалламиздаги Дўснат тоғанинг Сарвинисо деган битта кўзи ожизроқ қизи бор экан, тенгқурлари бир-бир узатилиб, унга совчи келмаётганидан ичикиб юрганмиш. Шу қизга одам киритиб, савоб олишга уриниб кўрсакмикин?

Чинакам рухонийлар орага гап қўшишнинг иложи қолмаган вазиятда сукутдан нарига ўтишмайди, ота индамай туриб қолибди. Тез орада Баҳромхонни Сарвинисога уйлаб қўйишибди.

Қачон шуни эсласам, ўзимга ўзим: «Гердайма, сен ҳеч ким эмассан!» – дея, туйқус шумшаяман. Чунки, ўзимни қанчалар маърифатли деб билма-

йин, ўзимни нечоғли одампарварликка солмайин,
кайсидир яйдоқ кўнгилга қувонч уруғини сепмоқ-
чун бу қадар улкан қурбонлиқ беришга мен ҳеч
қачон қодир бўлолмасдим. Дилпорани деб ўз ди-
лини пора қилиш! Илоҳий жасорат бу!

*Бахтиёрлар менсиз ҳам бахтли,
Дилпоралар менсиз ҳам ғамнок.
Ииқ султони менсиз ҳам тахтли,
Иират қули менсиз ҳам нопок.*

Дилпорага талпинар кўнглим...

(1973)

Отасининг вафотидан сўнг эшонлик мар-
табаси Баҳромхонга хатлаб берилибди. Одат-
га кўра, эшонлар ўзига тегишли ўрамдаги
қишлоқларни кезиб, жойлардаги муридлари
билан боғланиб туришар, аҳоли орасида диний
мавзуда суҳбатлар қуриб, туғилган саволларга
ечим топиб беришар экан. Табиийки, бундай са-
фарлардан талай назр-ниёз билан қайтишаркан.
Мутолаага ўч Баҳромхон дастлабки даврларда бу
таомилга кўр-кўрона амал қилган эса-да, бора-
бора яна китоблардан бош кўтармай ўтирадиган
одатига қайтиб, охири «мурид овлаш»га умуман
чикмай қўйибди, уйида бола ўқитиб, асосан, та-
лабаларнинг ота-онаси ҳолига қараб бериб тура-
диган мулла ҳақи ҳисобига рўзғор тебрата бош-
лабди, четдаги муридлар ўзлари уни зиёратлаб
келадиган бўлибди.

Муридлар албатта назр-ниёз билан келар,
Баҳром эшон эса, анча қашшоқлашиб қолганига

қарамай, борганда қариндошларингизга, ён-верингиздаги ғариб-ғураболарга тарқатарсизлар, деб назрларнинг бир қисмини эгаларига қайтариб берар, қолганини ўз маҳалласидаги ночорларга тақсимлашни буюраркан. Уйдагилар ундан яшириб озроқ нарса олиб қолганини сезса, мактабимиздан тушиб турган насибамиз кам кўриняптими, дея даkki бераркан.

Ёши қиркқа етиб-етмасидан Баҳром эшоннинг соғлиғи ёмонлаша борибди. Гоҳ боши айланиб, гоҳ кўзи тиниб, гоҳ ўзидан кетиб қоларкан. Тинимсиз мутолаа, ҳаракатнинг камлиги, сайл ва маишатларга майли йўқлиги, бировнинг кулфатини ўзиникидек қабул қиладиган, ҳатто китоб ўқиётиб ўз-ўзидан йиғлаб юборадиган даражада таъсирчан эканлиги уни ич-ичдан кемирмаслиги мумкин эмасди.

Тирикчиликдан ортганини тўплаб юриб, янги хужра қуришга киришган Баҳром эшон кунлардан бир куни томга васса харид қилиш, баҳонада кўкрагини шамолга силатиб келиш мақсадида аравага ўтириб, бозорга йўл олибди. Ҳаво дим эканлигиданми, бозорга яқин қолганларида аравакашга тўхташни буюриб, кўнгли беҳузур бўлаётгани, чойхонада бир пиёла чой ичиб олмоқчилигини айтибди. Ёнбошлаганича чой ичиб ўтириб, бирдан ўзини билмай қолибди, атрофдагилар силкиб-силтаб уни ҳушига келтиришгач, кўрқиб кетган аравакаш бозорга бормасдан, отни шартта ортга қайтарибди.

Баҳром эшон ҳовлига кириб келганида, уйғур оқсуяклари (оқхунлари) сулоласига мансуб онаси

Ойимбуш отин ташқидаги дарахт соясида қўшни кампирлар билан бирга чой-нонлашиб ўтирган экан. Ўғлига синчиклаб боқиб: «Вой, эшоним, рангингиз наmunча бўзариб кетибди?» – дея ўрнидан тураётганида, Баҳром эшон «кўзғалманг, онажон, кўзғалманг», деганича келиб, шолча устидан солинган тўшакнинг бир четига чўккалабди.

– Онажон, ҳозир сизга бир гап айтаман, – дея мийиғида жилмайиб сўз бошлабди у. – Гапимни тугатиб-тугатмасимдан «Уҳ!» деб юбормайсизда. Хўп денг, онажон.

– Тинчликми, эшоним?

– Шу десангиз, бозорбошидаги чойхонада чой ичиб ўтириб, салгина ҳушимиздан кетибмиз. Барака топкурлар кўпчилик бўлиб ўзимга келтиришибди. Шуларнинг орасида боласига яримта нон топиб беришгаям қурби қолмаган бирор-та бечораҳол бордирки, белбоғимиздаги пулни олибди.

Ойимбуш отиннинг авзойи ўзгариб, сўзга оғиз жуфтлаётганини кўрган Баҳром эшон шоша-пиша иккала ҳовучини ёйибди:

– Қани, дуога кўл очайлик. Омин! Мен минг марта розиман, сиз ҳам рози бўлинг, онажон, ўша шўринг қурғурнинг биздан олган пули ҳалол бўлиб юқсин, бола-чақасига буюрсин. Оллоҳу акбар!

Ўтирганларнинг ҳаммаси ҳайратдан анграйганча, юзига фотиҳа тортибди. Ойимбуш отин шу заҳотиёқ сокин киёфага кириб, «энди озгина тамаддиланиб олинг, эшоним», дея кулимсирабди.

Туркийдан ташқари арабчани, форсчани ҳам яхши билган Баҳром эшон илмга бутунлай шўнғиб кетгач, бу зотни ортиқча безовта қилмайлик деб, уламолар унинг укаси Акбархонга ҳам эшонлик ваколатини берибдилар, қишлоқларни кезиш, маҳаллий муллаларга йўл-йўриқ кўрсатиб туриш энди шу кишининг зиммасига тушибди. Бирон масалада чигаллик туғилса, Акбархон акасидан албатта маслаҳат олиб, сўнг бир қарорга келаркан.

Оқпошшо ҳукумати амалдорларининг ишончини қозонган «тайинли» руҳонийларгина жойларда қўллаб-қувватланаётган, уламога мухтож ҳудудларга айримлари янгитдан «эшон» мартабасини олган кишилар жойлаштирила бошланган даврда Акбархон эшоннинг ҳам, Баҳромхон эшоннинг ҳам муридлари камая борибди. Энг содиқ муридлар кўпроқ Сўх ва Ёзёвон тарафдан келиб туришаркан.

Муридлардан бирортаси пойига бош урса, Баҳром эшон: «Туринг, туринг, ўзим гуноҳларимдан ўтишини сўраб йиғлаб юргучи бир бандаман, менгамас, Оллоҳга юкининг», дея уни силаб-сийпалаб ўрнидан турғазаркан. Яқинларига, оиласидагиларга, айниқса, талабаларига бир сўзни бот-бот қайтариқлаб тургучи экан:

– Ҳеч бўлмаса, бекор қолганда, «субҳон олло, субҳон олло», деб юринглар, тозаланиб борасизлар.

Ана шу ажабтовур зот менинг бобом бўлган экан.

Чор Россияси йигирманчи асрнинг ўнинчи йилларига келибгина Туркистонга арзон бугдой

бериб туриш эвазига бу юртда асосан пахта етиштиришни йўлга қўйиш сиёсатини тўлиқроқ амалга ошира бошлади. Россия қишлоқ хўжалиги мутасаддиси Кривошеин бир пайтлар бу тадбирнинг улкан аҳамиятини изоҳлаб, оқпошшога: «Туркистоннинг ҳар бир пуд ортиқча буғдойи рус ва Сибир ғалласига, Туркистондаги ҳар бир пуд ортиқча пахта Америка пахтасига рақобатчидир», деб ёзган эди. Буғдой етиштириш кескин камайиб, ғўза ўстириладиган майдонлар кенгайгани сайин бир-биридан довруқли «пахтачи бой»лар ҳам кўпаяверди. «Оқпошшо» бу ўлкага саноатни олиб киришни хаёлига ҳам келтирмади, унга фақат сувтекин хомашё керак эди.

Бу давр ичида Баҳромхон ва Сарвинисодан Обиджон, Собиржон, Шафоатхон, Мадаминжон деган тўрт фарзанд дунёга келибди. Собиржон тўрт ёшида, Мадаминжон икки ёшида чечак касалидан вафот этган экан.

Туркистон тақдирга тан бергандек туюла бошлаганида, Биринчи жаҳон урушига қўшилган Россия фронт ортида ишлатиш учун бу юрт фуқароларини зўрлик билан мардикорчиликка жалб этишга киришгани ишни бузибди, халқ яна ғзабга келибди. Баҳром эшон бобомиз айни ўша паллада – 1915 йилнинг охирларида, эллик ёшлар атрофида омонатини топширган экан. 1906 йилда туғилган ўғли Обиджон ўн ёшга, 1910 йилда туғилган қизи Шафоат беш ёшга тўлиб-тўлмай етим қолишибди. Орадан кўп ўтмай, 1916 йил воқеалари – Жиззах, Тошкент,

Марғилондаги кўзғолонларнинг бошланиши ва рус хоқони Иккинчи Николайнинг буйруғи билан шафқатсизларча бостирилиши натижасида халқнинг тирикчилиги янада оғирлашиб, жумладан, бу оила бошига ҳам катта қийинчиликлар тушибди.

*Пойизингни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги...
Туркистонни қул қилган
Золим Никалай замбараги, —*

деганга ўхшаш қўшиқлар ўша замонларда тўқилган экан.

Ер ости бойликларининг мўллиги ва хилма-хиллиги саноатни тез изга солиш, жадал ўстира бориш; иқлим шароитининг қулайлиги, тупроғининг унумдорлиги ерчилик, боғчилик, чорвачиликни ўнлаб марта юксалтириш имконини берувчи олтин ўлка энди истилочиларнинг емохонасига айланганди. Туркистонликларни мағлуб этган омил замонавий замбаракларга қарши пилта милтиқлар билан чиқишга мажбур бўлинганидагина эмасди, бир сулув канизакни талашиб, бир-бирининг устига қўшин тортишдан ҳам тоймайдиган буқатабиат хоқонларга куни қолган халқнинг руҳи синиқлиги, кўзчақнатар ички маънавий қувватнинг камлиги бунга кўпроқ сабабчи эди. Ғафлатда ётган халқнинг кўзини очиш учун унинг тарихини тарғиб қилиш керак, деган сўзни Августин бежиз айтмаган. Алп эр Тўнга, Тўмарис, Ўғизбек, Амир Темур, Мангуберди

янглиғ улуғ элтузарларнинг, Қўркут ота, Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Ибн Сино, Қошғарий, Улуғбек, Форобий, Яссавий, Навоий, Бухорий каби оламга машхур зотларнинг авлоди эканидан фахрланмай қўйган, кундалик тирикчилик ташвишидан бош кўтаролмай қолган миллат барибир эртами-кеч қайсидир олғирнинг малайи бўлишга, хор-зорлик кўришга маҳкум эди. Очундаги тўрт наҳангдан бирига айланмиш Россия шундоққина тумшуғи остида турган тап-тайёр лукмани бошқа ҳаппаютарга урдириб юборишни ўзига эп кўрмаганди, холос.

Тарих ҳақида сўзлашдан доим сесканиб тураман. Бировларнинг гапига ишониб, кимнидир чалғитиб қўйишинг ҳеч гапмас. Аммо, вазият тақозо этганда, ўтмишга юзланмасликнинг ҳам иложи йўқ.

*Тарих бағрин тилганлар – зулук,
Тарихга жим боққанлар – қочқин.
Уни чаппа ўрганган – ўлик,
Уни чаппа ўргатган – сотқин.*

(«Фитрат», 1985)

Одамлар сони кўпаядими, камаядими; қайсидир хароб юрт яшнаб, қай бир ободи вайронага айланадими, чарх бир хил ғилдирашда давом этарди. Баҳром эшонга энди барибир эди, бу ўзгарувчан дунёнинг муваққат қувончлари-ю, эсғажир ғам-андуҳларидан тамоман қутулиб бўлганди.

ҚАРҒАНИШНИ БИЛМАЙДИГАН АЁЛ

*Бобо йўқ уйда тартиб,
буви йўқ уйда тарбия чала
ўликдир.*

Гулмат ШОШИЙ

Бир кўзи қандай ожиз бўлиб қолганини Сарвинисо бувимизнинг ўзи ҳам аниқ айтиб беролмасди. Отаси Дўстмат бува, тўрт ёшда чечакка чалинганинг шундай асорат қолдирган, дер экан. Чечак тошганида касал ўрнидан турмаслиги лозимлигини табиблар алоҳида тайинлашаркан, акс ҳолда тоvonнинг тагидаги яра ҳали пишмасидан ёрилиб кетса, беморнинг бир ёки иккала кўзи кўр бўлиб қолиши мумкин экан. Оқ араблар наслидан бўлмиш онаси Нозила момо эса, чечакка йўлиқишининг арафасида ўнг кўзининг қовоғари чакқан эди, ўша нарса сабабчи шекилли, деб қўяркан.

Бувимиз, саводи баланд бўлмаса-да, диди ўта нозик, фикрчан, покиза, оғир-босиқ, тотлиқўл аёл эди. Биз томонда биров тўйми, маъраками қилса, қўшнилاردан бири патир, бири сомса, бири қатлама, бири иссиқ овқат кўтариб киради. Маросим эгалари бувимдан доим ош пишириб киришини сўрашаркан, чунки маҳалланинг муллаю оқсоқоллари тиловатни тугатибоқ, ҳар гал: «Сарвинисо отининг паловидан бизгаям қолганми, ишқилиб?» – дея ҳазиломуз товуш қилиб қўйишаркан.

Бувимизнинг акаси Файзибой отани, укалари Қодирвой ва Усмон тоғаларимни яхши биламан,

сингиллари Шарофатхон билан Шаҳринисо мен туғилмасимдан олдин ўтиб кетишган экан, улардан қолган фарзандлар бизникига серқатнов эдилар.

Файзибой бува (уни «ота» дердик) бизга девор қўшни эди. Ниҳоятда ювош, оёқ судраб одимловчи киши бўлганидан дадам уни «мулла пайпоқ» дер экан. Болалигимда отамизнинг ёнига тез-тез кириб турардим, у бирон юмушни шошмасдан бажараркан, менга эртак айтиб беришни бошлар, ора-сира тошкамалагини олиб, узумга қўнган кушларга «ғур-р» этказиб тош отиб қўярди. Бир гал тош тасодифан мусичага тегиб кетганида, яримжон ҳолда қалтираётган қушни силаган асно: «Ҳа, уволгина жонивор-а, сени нима қипқўйдим?» – дея қаттиқ ачингани эсимда.

Бир куни дадамга Файзибой отамизнинг зўр эртакчилигини айтсам, ҳадеб ундан эшитавермай, ўзинг ҳам айтиб бергин-да, деб бир эртакни ўргатди. Эртаси отамизнинг олдига кириб, «яп-янги» эртакни унга сўзлашга тушдим:

– Бир боракан, бир йўфакан, Мулла Пайпоқ деган бир чол бўлганакан. Жуда имилла-а-б юраркан, чўзғил-а-б гапираркан. Овқатни эринмасда-а-н еб, шошилмасда-а-н иш қиларкан...

Шунда отам гапимни бўлиб, буни кимдан эшитганимни сўраган эди, дадам айтиб берди, дейишим билан елкаларини силкитиб-силкитиб кула кетди. Ҳақиқий Мулла Пайпоқ шундоққина қаршимда соқолини шоввалатиб ўтирганини ўшанда қаёқдан билибман дейсиз. Чунки, кекса

тенгдошлари уни бошқача лақаб билан «бақавой» деб эрмаклар юришарди-да.

Отамизни уйимиздагилар яхши кўрарди, тушликка ёки кечки овқатга чақириб туришарди. Баъзан, бир ашула эшитайлик, деб ўзича чиқиб келса, унга патефон қўйиб берардим. Ҳали ўқиш-ёзишни билмаган тўрт-беш ёшлар атрофидаги бола бўлишимга қарамай, у тингламоқчи бўлган қўшиқнинг лаппагини адашмай топишим чолни доим хайратга соларди. Дам Мулла Тўйчи, дам Ҳалима Носирова, дам Жўрахон Султоновнинг хониши янграй бошлар, мен ўзимни жаҳондаги энг мураккаб ускуналардан бирининг устасидек тутиб, кеккайганимча гоҳ патефоннинг қулоғини бураб, гоҳ ашулани ё сал тезлатиб, ё секинлатиб эшитиш имконини берувчи «тормозча»ни у ён-бу ёнга қиттай-қиттай суриб, маза қилардим.

Файзибой отанинг хотини Саддинисо отин анча саводли аёл эди, уч-тўрт эшик нарида яшовчи Жаҳон отин иккаласи бувимнинг олдида чиқиб, тез-тез китобхонлик қилиб туришар, девона Машраб, Або Муслим, Бобо Равшан каби ривоятларни, Хожа қул Аҳмад, Сўфи Оллоёр шеърларини эскича китобдан ўқишни бошлашса, мен бир четда ёнбошлаганимча берилиб тинглагучи эдим. Айниқса, оддий кимсаларни менсимовчи подшоҳу бойларнинг бошлаб таъзирини берадиган девона Машраб ҳақида эшитишни жуда хуш кўрардим. Бунинг сизга керак, Жаҳон отин китоб ўқиётган, мен томонга кўз қирини ташлаб-ташлаб кўяра, гоҳ саҳифадан кўз узиб, айрим воқеаларни

завқ билан изоҳлай кетарди. Саддинисо отинни биз «келинбу» деб чакирардик, унинг юзи ва қўлларига озгина оқ тушгани боис, баъзилар дастурхон устида ундан ўзини тортаётгандек туюлар, мен эсам бунга эътибор бермай, у узатган жийда, туршак, қоқиларни қўлидан олиб, шаппа-шуппа ейишни бошлардим.

Файзибой отамиз ҳарбийдан қайтган ўғли Ўринбойни тутинган қизи Турдихонга уйлантиргани, тўйда тенгкур улфатлари мусиқа ўрнига қарсак уриб туриб айтган қадимий кўшиққа ҳўкизча қилиқлар қилиб ўйин тушгани эсимда:

*Қўшингни судра, ҳой, ҳўкизим,
Бошингда шохинг – тошболтанг.
Ўнг сонингдан чап сонингга
Урилиб турсин чойхалтанг.
Хў-ў-ўшка, хў-ў-ўшка,
Хў-ў-ўшка, хў-ў-ўшка,
Э, ҳўш! Хўш-е!*

Юқори кўчада яшовчи Қодирвой тоғамиз тажанглиги, дийдаси қаттиқлиги, пишиқлиги билан акаси Файзибой отанинг буткул акси эди. Унинг икки фазилатини кўп гапиришарди, биринчиси – ниҳоятда мерган экан, отда кувиб кетаётиб, милтиқдан бир ўқ узишдаёқ қуённи қулатар экан; иккинчиси – ялқовтабиат эканига қарамай, устаси фаранг этикдўз бўлиб, бадавлат одамларга буюртма пойабзал тикишдан ортмас экан.

Ёши ўтиб, энди куни деҳқончиликка қолганди. Ҳовлиси қулупнайзор эди. Гоҳ уларникига бориб,

оиламизнинг эрка-тантқи фарзандига хос кекка-йиш билан тўғри қулупнай пайкали сари юрсам, Қодирвой тоға бир илжайиб, бир тумтайиб, агрофимда ўралаша бошлар, мендан беш-олти ёш катта бўлган ўғли Орифжон эгатчаларга яқинлашса, ҳозиргина единг-ку, очофат, дея уни кесак отиб ҳайдар эди.

Ориф ака ҳақида гап кетса, болалигимдаги бир воқеа эсимга тушаверади – унинг опаси яқин дугонасининг тўйида ётиб қоладиган бўлиб, колхоз раисига котиблик қилувчи эри ишдан доим кеч қайтиши боис, бизни уйга пойлоқчи қилиб кетди. Икковимиз осмачироқ ёруғида гурунглашиб ўтирсак, бир маҳал поччаси келиб, кетаверинглар, бугун ишдан эртароқ бўшадим, деб қолди. Кўчага чиқиб, бир қарасанг боғча мудир, бир қарасанг пахта териш машинаси ҳайдовчиси, бир қарасанг хотин-қизлар кенгаши раиси бўлиб, йиғинларда қишлоқ аёлларини қолоқликдан тезроқ қутулишга чорлаб юрувчи Х. опа турганини кўрдик.

Ориф ака ўша тунда ота-онаси ва бир-иккита қўшнини эргаштириб бориб, поччасини қўлга туширибди. Борганлар уйнинг эшигини муштлаб чақирса ҳам жавоб бўлавермагач, бир тепишда ички зинжирни узиб киришса, кўрпада куёв почча ёлғиз ўзи ётганмиш. У безрайиб туриб, э йўқ, бе йўқ, нимага эшигимни бузиб кирдиларинг, деб пишқирибди. Ориф ака даҳлизнинг ланг очик турган эшигини ўзи томонга қайириб қараса, Х. опа бурчакка биқинганича, ички кийимда турганмиш. У Ориф акани шапалоқ уриб ағдарибди-

да, турганларга афсуснамо чимирилиб: «Совет хукуматининг шунча таълим-тарбияси хайф сенларга! Қачон маданиятли бўласанлар, иприндилар?» – дея сузилганича чиқиб кетибди.

Ориф аканинг дастидан опасининг рўзғори бузилди, бошқа эрга тегиб, яна болалар кўрди. Бу воқеа инжиқдан-инжиқ Қодирвой тоғамизнинг эсидан чиқса чиқдики, аммо унинг хотини Сора хола ўзга аёлнинг маҳридаги эркакнинг қучоғида ётиш билан шўролар юрти маданияти ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкинлигини узок йиллар муҳокама қилиб юрди, тагига етолмай ўлиб кетди.

Сарвинисо бувимизнинг кенжа укаси Усмон тоғамиз дувонахонроқ эди. Олтмиш йилча умр кўриб, дадамнинг қарамоғида яшаб ўтди. Пул нималигини билмасди. Иш деганни қийиб ташларди. Ўзини озода тутарди, биз билан бир товоқдан овқат ерди. Уйланмади. Дадам иккови деярли тенгдош эди, бир-бирини сенсирашарди. Дадам гоҳида тегажоллик қилиб: «Кўнасанми, кўнмайсанми, энди сен кизиталокни уйлаб қўймасам бўлмайди», деса, Усмон тоғамиз: «Хотинсираган бўлсанг, ана, ўзинг ол», дея аразланиб, ўрнидан туриб кетарди. Хосият гадой деган тул хотин бор эди. У очарчилик даврида қаёқдандир келиб, шу ерда турмушга чиққан, эндиликда эридан қолган шапалоқдеккина ҳовлидаги чалдивор уйда қизчаси билан яшарди. Баъзилар уни НКВДнинг («Ички ишлар халқ комиссарлиги»)нинг русчадаги қисқартма номи) айғоқчиси дейишарди. Уйма-уй юришни хушлов-

чи бу аёл бувимизни бот-бот йўклаб турар, «келинг, мени олақолинг», дея хазиллашиб, Усмон тоғамизга ишқаланишни бошлар, тоғамиз эса уни туртиб-туртиб қарғай кетарди.

– Ношукур экансиз-ку, – деб жилмаярди Хосият опа. – Ўлсам, ҳамма мол-дунём сизга қолади-я.

Бу гап атрофдагиларга наша қилиб, баттардан кулишарди: гадойда қандай мол-дунё бўлиши мумкин? Мумкин экан. Хосият опа касалланмай кўкқисдан ўлгач, унинг қишин-ёзин кийиб юрадиган юпқача тўнидан қавиклар орасига эшиб-эшиб жойлаштирилган йирик-йирик пуллар топилгани, ўша пайтда бунча пул енгил автомашина олишга етиб ортишлигини кўшни аёллар тирик гувоҳ сифатида сўзлаб юришарди. Бу ростми, жуда ошириб айтилганми, у ёғини худо билади.

Саксон беш йилча умр кўриб ўтган Сарвинисо бувимизнинг ўзига яраша жаҳли бўлса-да, оғзидан бирор марта беҳаё сўз чиққанини эшитмаганмиз. Кимдандир ранжиб қолса: «Ҳа, сандиғинг буғдойга тўлгур», «Ху, босган изинг орқангда қолгур-а», «Ҳе, яман бўлгур», деб жавраниб кўярди. Яман бўлгуторингиз нимаси, деб кулсак, араблар томонда Яман деган обод юрт бўларкан, шунақа бой бўлгин дейман-да, дея жавоб қиларди. Қарғишларининг ҳаммаси аслида дуо эди...

Чўнг аждодларим тўғрисида билганларимнинг қисқачаси шу. Ўзимнинг пайдо бўлишимга ҳам навбат яқинлаб қолганга ўхшайди. Бунинг учун гапни отадан бошлашим лозим бўлади.

ТУҒИЛСАК ТУҒИЛИБМИЗ-ДА

*Туғилмоқлик учун ўзингга
ота қидиргил, сўнг она топ.*

КУЛКУЛ афанди

Оллоҳ нимани хоҳлаганини воқеа содир бўлмагунча била олмаймиз. Яратгувчим қадим-қадим замонлардаёқ менга ота танлаб қўйгани, унинг исми Обиджон эканлиги ҳам узоқ вақт сирлигича қолиб келди.

Обиджон отасидан етим қолганидан сўнг, ўн бир ёшга тўлиб-тўлмасидан, Николай пошшо 1917 йилнинг февралида тахтдан воз кечиб, Россияда ҳокимият Керенский бошлиқ Муваққат ҳукумат қўлига ўтди. Янги тузум ўзини ўнглаб улгурмай, Туркистондаги илғор кучлар Қўқонда курултой чақириб, Мухторият тузилганини эълон қилди.

Кузга бориб эса Ленин бошчилигидаги коммуначи большевиклар қўшин ичидан ўзларига оғдириб олган бир талай «қизил»ларнинг қуроли ёрдамида қонуний ҳукуматни тўнтариб, давлат тепасига келди. Улар Туркистон Мухториятини ҳам тан олишмади, 1918 йилда Қўқон тўпга тутилди, 18 та қишлоққа тугалай ўт қўйилди, туркий халқларга эскитдан кини бўлган дошноқи арман отлиқ қўшинлари ишга солиниб, тинч аҳоли вакилларидан ўн мингдан зиёди (баъзи маълумотда 30 минг) қарийб бутун оиласи билан қириб ташланди.

Большевикларнинг юрагини тушираётган энг катта куч аста-секин Фарғона водийсида тўпланаётган эди. Сибирда сургунда бўлиб қайтган, оврўпоча таомилларни ҳам яхши билган Мадаминбек ихтиёридаги аскарлар сони ой сайин кўпайиб, 50 мингдан ошиб бораётганди. Қизил комиссарлар уларга нисбатан «босмачи» деган таҳқирили номни халқ орасида атайлаб кенг тарқатишга уринарди. Лекин, кетма-кет жиддий зарбаларга учрайвергач, Шўро ҳукумати Украинадаги миллатпарварлар қўмондони Махно билан келишиш йўлини танлаганидек, Мадаминбекни ҳам куч сифатида тан олиб, расмий музокара олиб бориш, шартнома таклиф қилишга мажбур бўлди. Кейинчалик Мадаминбек ҳам, Махно ҳам ишонувчанликнинг қурбони бўлди, большевиклар ваъдасида турмади, уларни бошқаларнинг қўли билан ўлдириб ташлашди. Мадаминбекнинг издошлари олишувни бутун ўлка бўйлаб давом эттирган эса-да, ягона бошқарувчининг йўқлиги, тарқоқ ҳолда ҳаракат олиб борилгани Шўрога қўл келиб, миллий озодлик кураши охири батамом бостирилди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг мутлақ тасарруфидаги Қўқонда Мухторият тузилганида, Чор ҳукуматининг вассалларига айланганидан эътиборан кўҳна туркий ўлкада бирмунча бегоналашиб қолган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бунга хайрихоҳлик билдирмаган, ёрдам кўрсатиш ўрнига қаршилик қилишган эди. Большевиклар бу жойларни ҳам кўп ўтмай тўлиғича

босиб олди. Иқтисодда тангликка учраб турган Шўро учун Хоразм улгуржи ўлжага айланди. Бир пайтлар рус айғоқчиларининг ишқовига учиб, мусулмонларни маърифатли қилиш, миллатнинг кўзини очиш фидойилари саналмиш жадидларни таъкиб этган, республикачи «Ёш бухорочилар»дан уч мингга яқинини ўлдиртирган, бу билан ўз ҳалокатини янада тезлаштирган; олтин конларига, йирик захира маблағларига эга бўлишига қарамай, бу бойликларни илму фанни ва саноатни ўстиришга, черикни энг янги аслаҳалар билан куроллантиришга сарфламаган Бухоро амирининг Фрунзе вагонларга босиб жўнатган ғазнаси Худоёрхонники каби Россияда изсиз ғойиб бўлди (Худоёрхон рус банкига бор-йўғи қирқ арава кумуш танга топширгани маълум, қимматбаҳо идиш-безаклар, олтину олмослар мустамлакачи амалдорлар орасида ўзаро тақсимлаб олингани ҳақида оғзаки гаплар юради холос). Замонавий мутахассислар тайёрлаш, юрт хавфсизлиги ҳақида қайғуриш ўрнига, дабдабазлик, маишатбозлик, хурофотчиликдан боши чикмаган арбобу мулкдорларнинг топгани ҳам боласига буюрмади.

Шўро ҳокимиятни қўлга олган эса-да, бу жойларда яна оддий халқнинг нафратига йўлиқди; Бухоро амирлиги ҳудудида Иброҳимбек, турк Анвар пошшо, Хива хонлиги ўрамида Жунаидхон етагидаги ўчкорлар уларга лоақал бирон кун тинчлик бермади. Фақат, водийда Мадаминбек, сўнг Шерматбек қўшинлари қаршилиги буткул синдирилгач, «қизиллар» асосий кучни воҳага йўналтириб,

1926 йилнинг охирларидагина ютукни ўзларига оғдира олди.

Ўзбекнинг бошига кулфат қаторлашиб келаверди: 20-йиллар очарчилигида ҳар тўрттадан биттаси оламдан кўз юмди, бой «қулоқ»ларни жамиятдан суриб чиқариш баҳонасида миллатнинг минглаб асл ишбилармонлари жисмонан йўқ қилинди, сургунга жўнатилди; сўнг «маданийлаштириш» даври бошланди, эскича китоблар аёлларнинг бошидан юлиб олинган паранжиларига қўшиб гулханга улоқтирилди, мачит-мад-расалар ёпиб ташланди, давлат муассасалари раҳбарлари байрамона йиғинларда хотинлари билан «танца» тушиши русумга айланди; 30-йилларда барча тармоқларда «халқ душманлари»ни фош этиш авж олди, НКВД «учлик»лари (уч кишидан иборат трибунал) ҳукмига асосан ўн минглаб киши отиб ташланди, юз минглаби «Сталин лагерлари»га итоб этилиб, каналлар ковлаш, ўрмон кесиш, кон қазииш сингари оғир жабҳаларда текинга ишлатилди, анча қисми касалликдан қирилиб кетди; 40-йилларнинг бошларида милтик кўтаришга қурби етадиган ўзбек борки, иккинчи жаҳон уруши «кушхонаси»га ҳайдаб киритилаверди. Қарияларимизнинг эслашича, мелисалар ва аскарлар баъзида бозорга бостириб кириб, туғилиш гувоҳномаси нималигини билмай яшаб келаётган қишлоқиларни ўраб олар, ёшини аниқлаш мумкин бўлмагани учун, уларни тарозида тортиб, 45 килограммдан ортиқ чиққанларини, айримлари ҳали вояга етмаган бўлса ҳам, вокзалга

элтиб, поездларда тўғри фронтга жўнатишаркан. У пайтда республикадаги 6 миллион аҳолининг 3 миллионини вояга етмаганлар, қолган 3 миллионнинг ярмини хотин-қизлар ташкил этгани, урушга бир ярим миллион аскар жўнатилгани назарда тутилса, курул кўтаришга курби етадиган эркакларнинг қарийб барчаси қирғинга ташланган бўлиб чиқади...

Обиджоннинг етимликда кечган болалик, ўсмирлик, дуркун йигитлик чоғлари айнан ана шу даврларга тўғри келди. У 30-йиллар бошида турмуш куриб, фарзандлар кўрган эса-да, хали менинг отам эмасди, бунинг учун иккинчи марта уйланиши керак бўлади. Шунга қарамай, бундан буёғига уни, хоҳласам «дада», хоҳласам «дадажоним» деявераман. Бўлажак отангдан бегонасираб туришнинг нима кераги бор?

* * *

Дадам араб, лотин, кирилл имлоларида бемалол ўқиб-ёза олса-да, дунёвий илмларга, сиёсатга ўта бефарқ эди. Айникса, эшонлар сулоласидан бўла туриб, диний илмда ҳам оқсоқлиги кўпларни таажжубга соларди. Эҳтимол, унга сабоқ бергучи отадан ўн ёшидаёқ айрилиб қолгани, болалик ва ўсмирлик паллалари большевикларнинг Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлашдаги ур-қувала замонларга тўғри келгани бунинг асосий сабабчисидир. Тарихдан маълумки, Қизил империя даврида юрти ва миллатининг виждони бўлган зиёлилар, мол-мулки

четдан келган зўравонлар кўлига ўтишини истамовчи давлатмандлар, эътиқоди йўлида курашга кирган ҳамиятли фуқаролар қаторида мусулмон аҳлини ғайридинларга қарши оёққа тургаза олишга қодир куч ҳисобланмиш дин пешволари ҳам аёвсиз қирғин қилинган, сургунга юборилган. Уларнинг яқин кишилари, айниқса, фарзандлари доимий таъқиб ва назорат остида бўлганлар.

Буларни кўриб кўркув ва безилловлар остида қолган, Баҳром эшон ва Акбар эшон авлодларидан уй-жойлари тортиб олинган, она аждодларига қарашли ҳовлининг бир четидан кўним топиб улғаяётган дадам ўзини биринчилар қаторида янгича мактабга уради, илғор ўқувчилардан бирига айланади. Кейинчалик комсомолга (коммунистик ёшлар оқими) қабул қилиниб, 20-йиллар ўртароғида бир гуруҳ фаол ёшлар билан бирга Мирзачўлни ўзлаштиришга юборилади. Бир неча ой ўтиб, безгакка чалингани сабабли, чўлқуварлар учун махсус тикилган коржомада Полосонга озиб-тўзган ҳолда қайтиб келади. Даволаниб ётган кунлари уйига қайсидир кўрбошининг йигитлари бостириб кириб, комсомолга аъзо бўлгани учун дадамни қаттиқ ғадаблаганини, эшон отанинг ўғли бўлмаганинда жойингда отиб ташлардик, деб устида милтиқ ўйнатишганини, дадам ортиқча саросималанмай, жим тураверганини Шафоат аммам сўзлаб юргучи эди.

Олтиариқдаги Ванновский темир йўл станциясининг у юзида Туркистонда биринчи бўлиб 1906 йилда қурилган (тарихий ҳужжатларнинг

гувоҳлик беришича, ўша даврда Озарбайжонда фаолият кўрсатаётган Альфред Нобель шахсан келиб, Чимёндаги нефт захирасини чамалаб берган экан) нефтни қайта ишлаш заводи, бу юзида пахта қабул қилиш пункти жойлашган экан. Баҳром эшоннинг муридларидан бўлган Байзақ (Бойузок) қори пахта пунктида бош тарозидор экан. У киши дадамни паноҳига тортиб, пункт ёнидаги чойхонага чой ташувчи қилиб жойлаб қўйибди. Қўл-оёғи чаққонлиги, зеҳни ўткирлигини сезгач, кейинроқ ўзига мирзаликка олиб, тарозидорлик сирларини ўргата бошлабди. Бу орада дадам Сурмахон деган аёлга уйланиб, Ҳомитжон, Одилжон, Шаҳодатхон исмли фарзандлар кўрибди. Одилжон уч ёшида оғир касал бўлиб, Ҳомитжон 13 ёшида дарахтдан йиқилиб, вафот этибди. Қўшним Ўринбой аканинг айтишича, Ҳомитжон унга синфдош экан, ўртоқлари орасида ўта қувноқ, мактабда жуда аълочи экан, юрган йўлида ўзича қўшиқ хиргойи қилавераркан.

Орадан қанча йиллар ўтгач, маҳалламиз этагига тақасимон қилиб қурилган янги 13-мактабнинг олтинчи синфида ўқиётганимда, жойи биноларга кираверишдаги йўлак четига тасодифан тўғри келиб, кесилмасдан қолган икки туп кекса ўрикдан бирига чиқдим-у, ғўра териб ея бошладим. Шунда томорқаси мактабга туташ бўлган Турдиали тоға мени пўписалаб пастга туширибди, кўзимга хомушроқ боқиб: «Аканг Ҳомитжон худди шу ўрикдан йиқилиб ўлганиди», деди.

Оғзимдаги чайналган довуччани ютолмай, сўр-райиб қолдим.

Байзақ қори дунёдан ўтгач, устозидан пухта таълим олган, ўзига хос нозик томонлари кўп бўлган касбнинг сир-асрорларини чуқур ўзлаштириб улгурган дадамни бош тарозидорликка тайинлашади. Кўп ўтмай, Германия лашкари советлар юртига бостириб киради, дадамни керакли мутахассис сифатида ҳарбий хизматга вақтинча чақирмай туришади. Бу касбнинг нозик томони — лабораториялар деярли бўлмаган ўша даврда пахтанинг сифатини, ифлосланганлик ва намлик даражасини оддий чамалаш орқали аниқлаш, шунга қараб вазнидан қанча камайтириб ҳисоблашни билиш, навларга ажратиб ғарамлатиш тарозидорнинг жавобгарлигида бўлган экан. Тарозидорнинг яширин даромади — пахтанинг ифлослиги ва намлигини керагидан зиёдрок белгилаб, бундан қанча маҳсулот ортиб қолишини аниқ чамалай олиш, шу «захирача»ни давлат томонидан берилган планни (режани) бажаролмай қолган колхозларга енг учид пуллаш орқали ҳосил бўларкан. Дадам ўз шоғирдларига: «Орттириб ейишнинг ҳам меъёри бор, чегарадан чиқмаслик керак», деб тез-тез тайинлагучи эса-да, ана шу «орттиргани»ни чамалашда сал янглишган бўлса керак, озгина камомадга йўл қўйиб, 1942 йили кесилиб кетибди. Турмада бир йилдан озроқ ётган бўлса ҳам, хотини Сурмахон ўғли Ҳомитжоннинг доғини кўтаролмаганими, бу оилада нимадандир безиганми, қизи Шаҳодатни бувимга ташлаб, бошқа эрга тегиб олибди.

Дадажоним қамокдан чиққач, бу соҳада мутахассис тақчил экани туфайли, уни чекка Файзиобод қишлоғидаги пахта қабул қилиш пунктига бош тарозидорликка юборишибди. Касбдошлари шу қишлоққа ёндош бўлган Окбўйрадан унга хотин топишибди, уруш даври таомилига кўра, тўй ими-жимида ўтказилибди. Янги келиннинг оти Мунисхон экан.

Ана, ниҳоят, мен шўрликка она ҳам топилди. Энди асосий гап – соғ-саломат туғилиб олишимда.



БАХТ – ҲАММАГА ЎХШАБ ЯШАШДАМИ?

Ёйилиб яшамокни истасанг, бировларнинг раҳмини келтиргил.

Гулмат ШОШИЙ

Четдан қараганда, дадам илмга ҳафсаласиздек эса-да, ҳаётий масалаларда анча кенг фикрловчи, ахлоқ-одоб тушунчаси қон-қонига сингган, ўта ҳаракатчан, зийрак ва кузатувчан киши эди. Тенгқурлари унинг сўзамоллиги, ишга бор вужуди билан ёпишиши, абжирлиги, феъли кенглиги, кин сақламаслиги, барчага очикқўллиги, беозорлиги, тагдор ҳазилларга усталигини алоҳида таъкидлаб гапиришади. Салга таъсирланадиган даражада кўнгли бўшлиги, душманларига кечиримлилиги, иғволарга бепарволиги, боладек содда ва ишонув-

чанлиги, топган мол-дунёсидан эртасини ўйлаган ҳолда фойдаланишни билмаслиги, ортиқча ул-фатбозлиги каби одатларини эса унинг қусурига йўйишади.

Уруш тугаганидан кейин, дадам аввалига Фарғона туманининг Каптархона қишлоғидаги пунктда ишлабди. Олтиариқ темирйўл станцияси-дагиси ўрнига Полосонда янгитдан пахта пункти ташкил этилаётганда, бу ерга яна бош тарозидор этиб тайинланибди, қурилишни ўзи устида туриб битказибди. Шу лавозимда 1957 йилгача ишлаб, одамларнинг таърифидан келиб чикиб айтадиган бўлсак, тумандаги тўртта йирик пулдорнинг би-рига айланганида, мен эсимни анча таниб олган ёшда эдим.

Дадамнинг иккинчи никоҳидан Холисхон (1943), Анваржон, яъни каминалари (1947), Ак-рамжон (1949), Тохиржон (1951), Зухрахон (1953), Ҳомитжон (1955), Авазбек (1957), Дил-мурод (1959) деган фарзандлар дунё юзини кўрди. Шаҳодат опамиз ҳам биз билан бирга яшар, унинг онаси бошқалигини улғайибгина билдик. Жам-ланса, дадам иккала хотинидан ўн битта фарзанд кўрган, бари уйда, қўшни кампирлар эначили-гида туғилганди. Аямнинг олдинги рўзғоридан бўлган Маҳбуба опамиз эса Оқбўйрада, Хоним энам билан қолганди. Оқбўйрага меҳмонга бор-сак, қунишиб турувчи ўғай опам билан ётсираб кўришардим, уйимизга қайтгач, уни бошқа эсла-масдим.

Илк болалик чоғларим оиламизнинг тўкин-сочин даврига тўғри келди. Мени жуда башанг кийинтиришга уринишарди, ҳадеб овқатлантормоқчи бўлишаверарди, эркалатишгани эркалатишган эди. Айрим кўрс ўспиринларни ҳисобга олмаганда, «бойнинг арзандаси» деб, маҳалла болалари, айникса, тенгқурларим мени турткилаш у ёқда турсин, ортиқча кўполлик қилишдан ҳам ўзларини имкон қадар тийиб юришарди. Бу ҳол айрим жангчаларда устунлигимни таъминлаб, ўзимни хотиржам сезишимга сабаб бўлсада, кўнглимга заррача ҳам хузур бағишламас эди, аксинча, ғашимни келтирарди. Тенгдошларим мендан хуркимаслигини, жайдарича муомалада бўлишларини, керагида кўполлик ишлатишларини хоҳлардим. Улар билан уришиб кўришни истаб, гоҳо атайлабдан бирор нарсани талашардим, жанжал кўзирдим, улар эса мен билан олишувга киришмасликка тиришардилар, урсам ҳам ё мунғайиб туришаверарди, ё секингина қочиб қолишарди. Бу менга шунақанги алам қилардики!

Ўша ғалати истакларимнинг боисини улғайганимда тушуниб етдим. Оламдаги барча ўсимлигу жонзот ёруғ дунёда пайдо бўлиб, биров ўргатмаса ҳам, ўзини ўзи синаб кўришга, чиниқишга, курашмоқ учун тобланишга, табиий сараланишда мағлуб бўлмасликка ўз-ўзидан интила боради. Балки ўшанда мен жуда-жуда ибтидоий инстинктлар кутқусининг таъсирида бўлгандирман, ички ёввойи туйғуларим турткиларининг моҳиятини идроклаб етмаган ҳолда

Ўзимни табиий сараланиш жараёнида фаоллаштиришга тиришгандирман.

Тенгқурларим ичидан ўзимга «муносиб рақиб» топа олмагач, мен билан ўғилболача сўкиниб жанжаллашмоққа, уриб-турткилашмоққа қодирдек кўринган каттароқ ёшдаги болаларнинг даврасига сукилиб кира бошладим. Афсуски, улар ҳам мен билан ўчакишгилари келмас, фақат ортиқча жиғига тегворсам, баъзилари қаттиқроқ жеркиб ташларди. Баҳона топилганидан қувониб, дарҳол муштлашувга киришардим. Омадсизлигимни кўрингки, янги «рақиблар»им ҳам химояланишдан нарига ўтмас, бойваччанинг бирор-та тарафдори чиқиб қолмасмикан дея хавфсираётгандек, теваракка ҳадикли аланглашар эди.

Фақат, мендан икки ёшлар катта бўлган Йўлдош бир гал аямай савалаб, роса таъзиримни бергани эсимда. Бир куни яна уришмоқчи бўлганимда, Йўлдош: «Бўлди энди! Кўрқдим десам қутуламанми?» – деб жилмайди. Шу кундан бошлаб, то ўсмирликда касалланиб ўлмагунича, у билан доим илиқ муносабатда бўлдим.

*Бесўнақай туфлим остидан
Кунлар оқиб ўтган кезлари,
Таъқиб қилар соям ортидан
Миттигина оёқ излари.*

*Болалигим менинг ортимдан
Кезиб юрар ҳануз саргардон.
Чақноқ кўзи ялинар зимдан,
Қайтайлик деб имлайди нодон.*

Ундан кетмоқ бўлсам мен нари,
Чопқиллар у тошиб гайрати.
Менинг ёшим улгайган сари,
Ошиб борар унинг ҳайрати.

Ўзлимдан настдалигимда,
Гоҳ кимгадир сўйлайман ёлгон.
Яшамоққа усталигимдан,
Болалим ҳайрон ва ҳайрон...

(«Болагина», 1979)

Болалар баъзида уйдаги қийинчиликлардан гапириб қолишарди. Бири пойабзали йўқлиги учун акасининг катта этигини кийиб мактабга бораётгани; бири синглиси ўртоғининг қўлида қанд кўриб, менгайм қанд олиб беринг деб йиғласа, пулим бўлмаса, энангникидан олиб бераманми, дея дадаси уни тарсакилаб, бурнини қонатиб юборгани; бошқаси кеча кўчада узоқроқ ўйнаб, уйга кеч қайтгани, овқатни унга қолдирмай еб қўйишгани, очликдан анчагача уйқуси келмагани ҳақида сўзларди. Уларни тинглаётиб, гоҳ оёғимдаги қимматбаҳо туфлимни яширишга уринардим, гоҳ нонушта чоғи дастурхонимизда оққандгина эмас, ҳолваю асалгача туришини эслаб, ўз-ўзимдан қизариб кетардим.

Қўшниларникига кирганимда, кўпчилигининг дастурхонида қорамағиз нон ёки макка зоғораси, туршак-қоқилардан бўлак нарсани кўрмасдим. Бундай хонадонларда яшовчи ўртоқларимдан гоҳ унисини, гоҳ бунисини уйимизга тез-тез бошлаб кирардим, бирга овқатланардим, дастурхонга қанд ҳам қўйишларини талаб қилиб ту-

риб олардим, укангга берарсан, деб бир-иккита «каллақанд»ни чўнтагига солиб кўярдим. Сен қандни ҳар куни ейсанми, дея ҳавас-ла савол ташларди болалар. Хоҳласам, кунига ўн марта ейишим мумкин бўлса-да, нима учундир ёлғон гапириб, онда-сонда беришади холос, деб ғарибланар эдим.

Оқ қандни-ку мендан аяшмасди, бироқ гулдор қоғозчаларга ўралган попукли қандларни, шоколадларни қутичада кулфлаб сақлашар, гоҳ кулфбузарлик қилишга мажбур бўлиб, бошимга бало орттирардим. Меҳмонлар келганида, дастурхонга ширинликларни териб ташлашса, катта бўлиб меҳмонга борсам, наҳотки бир товоқ шоколадни менга ишониб олдимга қўйиб қўйишса, деб ҳаяжонланардим. Сарвинисо бувимнинг назорати остида одоб сақлаб ўтирарканман, биламан, жуда-жуда егинг келиб турибди, олифталанмасдан ширинликларни шартта-шуртта лунжингга тикавермайсанми, деган ҳаёлда меҳмонга хитла-ниб боқардим.

Бир куни болалардан бири: «Биз бир ойчадан бери гўшт ололмаяпмиз, кунда ёвғоншўрва ичамиз», деб қолди. Туйқус менинг ҳам ҳасратлангим келиб: «Кеча бизникидаям шўрва қилишди», деб бўйин қисдим. Мендан олти-етти ёш катта бўлган Машраб ака ўшанда: «Сен миллионернинг ўғлисан. Сизларникида шўрвага қўйни бутунича ташлашади», дея масхараомуз тиржайди. Ҳамма бирдан кўзимга тикилди, бари менга ёмон кўз билан қараётгандек туюлди. Бой эканлигимиз-

дан уялаётгандек, бошқаларга ўхшаб камбағал эмаслигимиздан ўксинаётгандек эдим. Барчадек бўлишни истардим, ўзгалардан фарқланиб, ёввойидек ажралиб туришни ёқтирмасдим. Бири-биридан жулдурвоқи болаларга кўз югуртирганим сайин, раҳмим келаверарди.

Негадир, уларнинг ҳам менга раҳми келишини хоҳлардим. Биргина болалар эмас, катта ёшдагилар ҳам ҳолимга ачиниб боқишларини, қаттиқ ачинганидан йиғламсираган қиёфада бошимни силашларини, ширин гаплар билан кўнглимни кўтаришга уринишларини орзу қилганим-қилган эди.

Бу каби ажабтовур туйғулар, бу каби ғалати тушунчалар кап-катта киши бўлганимдан кейин ҳам онгим қаърида сақланиб тураверди, яшаш шароитим, кийинишим бошқаларнинг кўзини куйдирадиган даражада бўлмаслигига интилавердим, ўзгалар менга раҳм-шафқат билан қарашларини кўмсайвердим, дардимни англаб, меҳрибонларча таскин беришларини, кўмаклашишга тиришиб, яхши гаплар билан кўнглимни кўтаришларини кутавердим.

Чучварани хом санаганимни, агар оғир аҳволда қолсанг, ота-онадан ташқари, ҳолингга астойдил куйиниши мумкин бўлган ноёбдан-ноёб бандаларни Тангри санокли даражада кам яратганлигини неварали бўлганимдагина сал-пал англаб етдим. Англагандекман-у, дунёнинг шу қадар тубанлигига сира ишонгим келмайди. Фарзандларим улғайиб, келинли, қуда-андали бўлгач, ўзгаларда ўғилларим менга яхши қарамаётгандек

таассурот туғилмаслиги учун пўримроқ кийинишни одат қилган эсам-да, бундан ўзимни барибир ноқулай ҳис этавераман ҳануз.

Ўшанда бола эдим. Олам азалдан шунақа нотекис эканлигини, қандай тузум яратилмасин, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишлигини ҳали билмасдим. Қачон, неча ёшда эканлигимни аниқ айтилмайман-у, кунлардан бир куни, бошқалардан бўлакча шароитда эканлигимдан ўксиниб: «Э, Худо, дадам камбағал бўлиб қолсин! Э, Худо, дадам камбағал бўлиб қолсин!» – деб илтижоланганим ҳозиргидек эсимда. Буни қарангки, ўша дамда: «Э, Худо, ҳамма-ҳамма дадамдек бой бўлиб қолсин», дейишга ақлим етмабди. Бойларни халқ душманига, мол-давлатни ҳаромтомоқлик рамзига айлантирган шўровий мафкура наҳот болалигимдаёқ онгимга сиранчдек ёпишиб улгурган бўлса?

Дадажонимни ҳамон ёниқиб-ёниқиб эслайман, бир маҳаллар чиндан ҳам ёнгинамда тирик юрганлигини тасдиқловчи суратига соғиниб-соғиниб, сиғиниб-сиғиниб тикиламан.

*Ер юзида одам кўп,
Ҳамдард сероб, ҳамдам кўп,
Дадагинам йўқ холос...*



АЗАДАГИ БЕКИНМАЧОҚ

*Ия, ҳали бирон мартаям
тобутда бўлмаганмисан?!*

КУЛКУЛ афанди

Кўпчилик қондошларга аямнинг оёқ-қўли чақ-қонлиги, йиғинчоқлиги, бичув-тикувда чеварлиги, қўли очиқлиги ёқарди. Пазандаликда Сарвинисо бувимизнинг олдида тушолмаса ҳам, хамир овқатларга анча уста эди. Ёлган нонлари чиройли, бўрсилдоқ бўларди. Айниқса, бувимдан ўрганиб олиб, қаймоқ суртилган юпка хамир ёймаларини қат-қат тўшаганича, сийрак чакич уриб, юпка жўвалаб тайёрлайдиган қатлама патирлари оғизда эрирди.

Аям меҳмонларни кутиб-кузатишдан чарчамасди. Хоҳ қариндошлар келсин, хоҳ дадамнинг улфатлари йиғилсин, ҳеч бир малол олмасдан хизмат қилар, ҳатто мен уйга ўртоқларимни бошлаб кирсам ҳам, айтганимни қилиб, тезда дастурхон ёзарди. Унинг ғайрати баландлиги ҳақида гап очилса, кўпроқ бир воқеани эслашарди: аям колхоз даласига чиқиб ишлаган чоғларида, бригада бошлиғи Холис опамни биронта ўсмир қизга топшириб, Мунисхон сендақалардан ўнтасининг ишини қилади, шу болани ўйнатиб, овқатини бериб ўтирсанг ҳам сенга меҳнат ҳақи ёзаверамиз, дер экан.

Бошқа ёқдан қаралса, аямнинг жаҳли жуда тез эди, ўзгалар четда пичирлашиб гаплашганини кўрса ҳам бирдан гезариб қоларди, сал нарсага жанжаллашиб кетарди, бор товушда санашга тушса, биров бас келолмасди. Биргина

дадамдан хайиқарди, лекин пайтини топиб, оилада хукмронликни кўлга олишга бот-бот уриниб кўраверарди, барибир бунга эришолмасди.

Сарвинисо бувимиз аямни унчалик хушламасди, бу ялангоёқ ўзига мунча бино қўймаса, уни ўғлимнинг пуллари кутуртиряпти, деб ғудранарди гоҳида. Ҳатто дувонахон Усмон тоғамиз ҳам ўзининг оқсуяклар авлодидан эканлигидан ғурурланишни билар, аям бирда бир кўнглини оғритса, зоти паст қораялоқ, дея чакчайиб боқарди.

Ўша дамларда бундай гаплар менга ғалати ва тушунарсиз туюларди. Вақт ўтиб, ақлим анча куюлганидан сўнг, ҳар эҳтимолга қарши, аямнинг насли билан қизиқиб кўрдим. Билсам, отаси Ғафур бува ўртаҳол деҳқон бўлган экан, аммо унинг отаси қишлоққа қозилик қилиб ўтгани назарда тутилса, насаби жуда ерга урарлик даражада эмасдек кўринади. Бунинг устига, аямга она бўлмиш Хоним энамизнинг асли риштонлик, кейинчалик Тошкентда бошқа аёлга уйланиб, юз ёшдан ортиқ умр кўрган отаси Ҳамро бува бикиргина тижоратчи эди. Дадамнинг уруғларига ўхшаб оқ-сарғиш тусли, тирсиллоқ ёноқлари қизғиш товланиб турувчи бу киши Тошкентдан ташриф буюрса, уйда шароит йўқлигиданми, энам ҳар сафар уни бизникига бошлаб келар, бир-икки кун тунаб қолишарди. Бир куни Хоним энам менга қараб, отам тўла тожик, мен ярим тожик, деса, бу таъриф Ҳамро бувани қониқтирмай, биз тоза форс уруғиданмиз, оқ тожикмиз, боболаримдан бири ҳатто Эрон шоҳи (шоҳнинг исмини айтган эди,

эсимда қолмаган) саройида хизмат қилган экан, деган эди. Шунда Хоним энамиз:

– Агар қора тожик онамгамас, сизга тортиб чиройлироқ туғилганимда, бирорта бойга хотин бўлармидим, – дея қақоқлаб кула кетганди.

Замона зайли билан Ғафур буванинг қашшоқлар қаторига тушиб қолиши унинг бутун бир зурриётини беобрў қилганди, чамаси.

Ғафур бувадан Мавлонжон, Мунисхон (онам), Ҳабибахон, Аломатхон, Олимжон, Шахрихон деган фарзандлар қолган. Аямнинг акаси Мавлон тоғам Иккинчи жаҳон урушига бориб, бедарак йўқолган. Хоним энамиз 97 ёшида узилган бўлса, охириги йилларда ҳам умидсиз бўлмай, кўнглим доим сезиб туради – Мавлон ўғлим барибир тирик, чет мамлакатда бирортасига уйланволиб, бола-чақанинг ташвишига ботиб қолган-да, деб юргучи эди. Унинг кўнглини авайлабми, тирик бўлса бирон хабари чиқар эди, деган гапни ҳеч ким айтмасди. Аксинча, дараксиз кетганларнинг кўпи тирик эмиш, юртига қайтса қамалишдан кўркиб, жим юришганмиш, дея кампирнинг ичига ёруғлик солишга уринишарди.

Болалигимда ҳам, кейинчалик ҳам «узоқ йўлга сафар қилган отам-мў, отам» деб ўқранган кўйи толҳассани такиллатганча ўтиб боргучи ўғил-неваралар ортидан тобут кўтариб келаётган одамларни кўрсам, юрагимда билдириксиз бир ғулгула жонланиб, лоҳас туриб қолардим. Ҳар гал кўз ўнгимда бир манзара пайдо бўлаверарди: худди шунга ўхшаган усти ёпиқ тобутга кириб боряпман,

коронғирокда қолганимдан юрагим орқага тор-
таётган чоғда ёнимда яна кимдир пайдо бўлади,
кувониб кетаман. Шеригим билан уймаланиб
ўтирганимизда, ичкарига бирдан ёруғлик ёпири-
либ, юзини жун босган бир жинс бизга тепарокдан
бақрайиб мўралайди, кўрқиб кетаман. Жундор
жинс ёпинчиқни каттароқ очиб, чангалини мен
сари чўзганида, чирқираб йиғлашга тушаман...

Нега бундайлигини сира тушунолмасдим, кўнг-
лим доим хира тортарди. Охири, бола-чақали бўлган
маҳалимда тасодифан бунинг тагига етдим. Бир
куни гапдан-гап чиқиб, аям эскидан-эски воқеани
сўзлаб қолди. Ғафур бувага жаноза ўқилишидан ол-
дин мени йўқотиб қўйишибди. Ваҳима кўтарилиб,
мени изламаган жойлари қолмабди. Ҳатто томорқа
бўйлаб ўтган зовурнинг сувларига ёғоч суқиб,
бақатўнларни пайпаслашибди.

Азага аза қўшилиб турган вақтда бир чол мени
қўлида типирчилатиб додлатганича кўтариб ке-
либ, аямга топширибди. Суриштириб билишса,
Ҳабиба холамнинг менга тенгдош бўлган ўғли
Комил иккаламиз устига қалин алак ёпилган то-
бутнинг ичига кириб, ўйнаб ўтирган эканмиз.
Ўшанда бир ярим ёшда эканман.

Бир ярим ёш! Бир қарасам – энди у мен-
дан жуда олисда, бир қарасам – тобут ичидаги
ўртоғимга ўхшаб ёнгинамда.

Отам, онам, уларнинг аждодлари ҳақидаги
асосий гапларни айтиб бўлдим шекилли. Буларга
шуни қўшимчалаб қўймоқчиманки, ярим асрлик
умрни аллақачон ортда қолдириб, бир нарсага

қатъий ишонч ҳосил қилдим – одам боласи қанча яшамасин, ҳаётда неларни кўрмасин, не мақомга эришмасин, Оллоҳдан ўзга мустаҳкамроқ таянч-ни, ота-онадан кўра меҳрибонроқ дўстни барибир топа олмас экан. Мен топа олдим, дегучи кимса бўлса, демак, ҳозирча у жуда бахтли инсон.

Чексизликнинг чекини, саноксизликнинг саногини бир ўзи билгучи Буюк Тангри қачонлардир Ер яратишни хоҳлади. Миллионлаб йиллар ўтиб, бу кезғичнинг мислсиз кўркини томоша қилиш, синоатларини идроклаб ҳайратланиш, чиройига чирой қўшиш қўлимдан келмаса, лоакал асраб-авайлашга уриниб кўришим учун Унинг амри билан мен Ер юзига юборилдим. Ёққандирки, остига киришга шошилаётганим йўқ.

Яшамокқа бўлган бу севгимнинг мавжудлигига аждодларим ва яқинларим билан боғлиқ асаласал хотиралар ҳам сабабчи эканини турмушда кут-кут илғаб тураман.



БЕШ ЁШЛИ ХУШТОР

*Санамларга текин суй-
канмакни писмиқ боладан
ўрганайлу.*

Гулмат ШОШИЙ

Мени кексақори дейишарди. Кўпроқ ўзимдан катта болалар билан ўртоқ тутинганим, гоҳ да-дамнинг ишхонасидагиларга, гоҳ уйимизга кел-ган улфатларига даврадош бўлишим, қондошим

Ўринбой ака билан қишда маҳалламиздаги мемахонага (аслида «емахона» — маҳалладаги кўни-кўшнилар ўртада кўй сўйиб ва гуручу сабзи-пиёзни улгуржи ғамлаб олиб, қиш ичи улфатчилик қилишарди) кириб туришим, булар натижасида катталарга хос ҳаётий гапларни кўп тинглаб улғайганим боис, фикрлашим балки тенгдошларимникидан баландроқ бўлгандир.

Мемахона менга кўпроқ ёқарди. Айниқса, ёши ўтинқираб қолганлар янги уйланганларни қитмирона саволларга кўмиза бошлаганида, эрхотинликка оид ажабтовурдан ажабтовур гапларни бўриқулоқ бўлиб тингшардим, мавзу нечоғли чуқурлашса, жиг-жигим шунча ёқимли жимирларди. Аёлларга ўзгача бир назар билан қарашни жуда эрта бошлаганим шундан бўлса керак.

Файзибой отамизнинг биринчи хотини томонидан бизга узоқ қариндош саналувчи, энди сочлари оқариб, юзини ажинлар қоплаган бир хотин гоҳ-гоҳ яқинларимизнинг тўй-тўйчиғида учраб қолса, кўзимга навжувонлик чоғидагидек хануз чиройлидан-чиройли кўринади, ёрилиб кетган панжалари билан кийимимнинг елкасини тимдалаб сўрашаётганида, болалигимда ёқимсираб қолган бир ширин ис димоғимга қайта уфургандек бўлади.

Бир куни ундан қачон турмуш қурганлигини суриштирдим. Билсам, у келин бўлиб тушганида, мен эндигина беш ёшга тўлаётган эканман. Демак, кокилим ҳали кесилмаган экан. (Қизлардан кейинги биринчи ўғил бўлганим учун бошимнинг ўнг дўнгалагига кокил кўйиб, қизларникидек ўриб

туришарди, бешга тўлганимда Ўшга олиб бориб шайхга қирқтириб келишган.)

Ҳа, бу аёл ўшанда яп-янги келинчак эди, Файзибой отамизникига келганида, унинг кампири Садди отин билан бирга бизникига меҳмонга кириб қолди. Ўтирибман-у, ҳуснидан сира кўз узолмайман, у ҳам менга ора-сира қараб, кулим-сираб кўяди. Шунда даврадаги аёллардан бирови: «Вой, манави бола келинга бунча тикилмаса», деб ҳиринглади, бошқаси: «Яхши кўриб қолдингми?» – деб менга қитмирона қиялади. Жуда уялиб кетдим, секингина ташқарига йўл олдим. Садди хола: «Куёв қочди, ҳаҳе-е-й, куёв қочди», дея ортимдан чапак уриб мазахлади.

Ташқимиздаги ариқча бўйида ўзимча ўйнаб ўтирсам, келинчак айвонсиз дўнғалак уйимиздан чиқиб келиб, томорқа тарафга ўтиб кетди. Салдан кейин ортга қайтди, ариқчада кўлини ювди, нозик шапалоқчаларини попукли рўмолчада артаётиб, менга яқинлаша бошлади. Унга маҳлиёланиб тикилганимча, беихтиёр ўрнимдан турдим. У қаршимда чўккалаб, чиройли жилмайди ва асло кутилмаганда: «Мени ўпгинг келяптими?» – деб сўради. Тахта бўлиб қолдим. Юрагим қаттиқ-қаттиқ гупиллашга тушди.

– Майли, битта ўпсанг ўпақол, – деди у. – Нима, кўрқяпсанми? Қани, манави еримни тиш-ламасдан ўп-чи.

У бармоғида ёноғини кўрсатиб, ўнг юзини менга буриб яқинлатди. Тортинибгина, секингина ўпдим. Вужудимда нотаниш бир титроқ пайдо

бўлди. Келин: «Бунақаси кетмайди, яхшироқ ўп, ўғил болага ўхшаб қаттиқ ўп», деганида, бўйнига жон-жаҳдим билан тирмашдим, дудоғим гўё бети-га ёпишиб қолгандек қотиб туравердим. У мени бағрига босган асно қаддини ростлаётганида лабларим юзидан аста-аста шокилатуморли (зеби-гардон) кўксига сирғалиб тушди. Танам бўйлаб ғиззо-ғиз кезаётган ажиб бир ҳузурдан тобора ҳолсизланаётган эдим. Димоғимга эса, шу дамга-ча менга буткул нотаниш бўлган, ўта муаттар ва элитувчан бир хид урилаётганди.

Баъзи пайтда ўз-ўзидан шу келинчак ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдим. У Файзибой отамиз-никига ёки унинг олдинги хотинидан қолган қизиникига келганини эшитсам, зувиллаганим-ча кириб бориб, оғушига отилардим, ширин ҳидларини тўйиб-тўйиб искалай бошлардим...

Йўқ, эсдаликларимнинг бошроғида тилга олинган Ғалати ойсанам бу эмас. У ҳақидаги гап-га аниқлик киритишнинг ҳали кези келгани йўқ. Сал кейинроқ, албатта, айтаман. Бу, балки, эрин-май ҳикоя қилиниши лозим бўлган узундан-уzun воқеадир, адиб шу боис ишни орқага сураётгандир, деб ўйлаётганлар янглишади. Вақти етсин, кимлигини зумда билволасиз.

Аёллар масаласида ахлоқим анча издан чиқиб бораётгандек эди. Опаларимнинг дугоналари кўпинча бизникида тунаб қолишарди. Ёйилганда уйнинг ярмини эгаллайдиган катта кўрпаларни аям узунасига қаватма-қават тўшаб, бизга тагли-гини ҳам, ёпинчиғини ҳам умумий қилиб кенг

жой солиб берар, шунда, кичкиналигимдан фойдаланиб, ўзимни меҳмон қизнинг пинжига урардим, уни ортиқча ҳурқитмасдан, авайлабгина сийпалаб ётардим.

Маҳалламизда Мақсудахон деган мовийкўз бошқирд қиз яшарди. Педагогика билим юртини битириб, бошланғичларга дарс беришни бошлаган бу қиз ўзидан кичикроқ бўлган Шаҳодат опам билан иноқлашиб, уйимизга тез-тез кириб турар, гоҳида ётиб қоларди.

Бир куни у яна бизникида тунади. Ёз бўлгани учун ишқом остидаги сўрига умумий қилиб жой солинди. Одатимга кўра, бу гал ҳам меҳмоннинг ёнига суқулдим. Тезда кўзим илинибди. Бемаҳалда уйғониб кетиб, мундоқ қарасам, Мақсуда опа оппоқ уннинг хамиридан узилган зуваладек бўлиб, ёнимда пўппайиб ухляпти. Бошимни хиёл кўтариб, ойнинг ёруғида унинг лўппи юзларини, қуюқ қошларини, юмук кўзлари остига жуфтланиб таҳланган узун-узун киприкларини, юпқа лабларини ич-ичим ҳилвираганича узоқ томоша қилдим.

Кейин, ботиниб-ботинмай, билагига қўл босдим, юрагим ҳаприққан кўйи енгил-енгил силашга тутиндим. Нимадан кўрқасан, тошдек қотиб ётибди-ку, деган ўй далда бўлиб, тузукроқ ёнбошлаб олдим, терга пишилиб бораётганимни ҳис этдим.

Галдаги «ўлжам» ўшанда чиндан ҳам ҳеч нимани сезмаганми ёки ўзини ухлаганга солиб ётаверганми, у томони мен норасога қоронғу.

Қалбим эриб зўё мой,
Ширин ҳисга қўмилди.
Қип-ялангоч бўлиб ой,
Булутларда чўмилди.

Борай десам ушбу кеч,
Олисдадир ватани...
Кўз олдимдан кетмас ҳеч,
Унинг оппоқ бадани.

(1977)

Оқбўйрадаги Хоним энамникига борсак, ўгай опамдан ётсираб, Олим тоғамнинг ёнида ухлардим. У уйланганида, ҳали олти ёшга тўлмагандим, чимилдиққа кирадиган биринчи кечада ҳам, уят бўлади дейишларига қарамай, тоғам билан ётаман, деб айюҳаннос солдим. Дод-войимни эшитган тоғам ичкаридан чиқиб келиб, мени олиб кириб кетди.

Мана, ниятимга етиб, куёв билан келиннинг ўртасида ётибман. Келин мени силай бошлагани хуш ёқиб, миқ этмай қолдим. Шундан сўнг, ҳақиқий куёв бўлиш истаги кўнглимда ўз-ўзидан кучая борди. Охири, қулай фурсат топилди.

Илгари колхоз (жамоа хўжалиги) каттаконларидан бўлган, биздан анча нарида яшовчи кишининг мендан сал кичикроқ қизини бир куни кўчада ёлғиз учратиб қолдим. Мен билан холакучакам ўйнаб, рostaкамига келин бўлсанг, манавининг ҳаммасини сенга бераман, деб қўлимдаги бир дўппи гилосни кўрсатдим. Мен «куёвпоччалик» ташвишидаман-у, «келинпош-

шо» дўппидаги гилосни лайлакчўқиш қилишдан бўшамайди.

Шу асно, ўнг келди дегунча, яна қанчасига суйкандим, аммо менга муносабати бўлакча жўшқин, жуда ғайритабиий бўлган ўша ширин хидли келинчакни ўпишдан туйган роҳатимни барибир қайтиб тополмадим.



ЭСКИ МАЧИТМИ, ЯНГИ МАКТАБМИ?

*Савет мактабида савет
бўл, кўчада билганингни қил.*

КУЛКУЛ афанди

1953 йилнинг баҳори эди. Шаҳодат опам кўзида ёш билан мактабдан барвақт қайтиб келди. Аям йиғининг сабабини сўраса, Исталин ўлиб қолибди, мактабда ҳамма йиғлаяпти, деди. Сталин тўғрисида дабдабали гапларни эшитиб юрган бўлсам-да, бу номнинг шахсан мен учун бир пуллик қиммати йўқ эди. Шунгаям йиғи-сиғими, деб ўйладим.

Кўчага чиқсам, каттакон ерўчоқнинг устига кенглиги тўйсўридек келадиган қалин темир ётқизишиб, қишда кўсакдан чувилган пахталар қуритилувчи жойга айлантирилган маҳалламиз мачити олдида бир гала киши тўпланиб турибди. Бари тунд, оғизларида Сталин, Сталин.

Бир маҳал, кўчадан Осман Умеров ўтиб қолди. Қримдан 1944 йили бадарға қилинган миллатдошлари қаторида қисмат довули шу ёқларга учуриб келиб, биздан икки маҳалла пастда яшаб юрган бу кимса мактабда рус тилидан дарс берарди (йиллар ўтиб, унинг ўғли Эрвин Умеров Москвада журналистликка ўқиди, таниқли ёзувчи бўлиб етишди).

– Исталин отамизни бериб қўйибмиз-да, а, Умирип? – деди кимдир.

Умеров: «Ҳа, шунақа бўлди», деди-ю, бошқа гап гапирмай, йўлида давом этди.

– Ичида хурсандга ўхшайди бу, – деди биров. – Бир ўтиришда маст бўлиб, немислар жуда маданиятли халқ, деб алжирагани учун қамалиб чиққанини биламиз.

Иосиф Сталин музей ҳаққасидек қотирилиб, энди Хрущёв компартия етакчиси, Маленков вази́рларнинг улуғи, Берия бош тартиб сақловчи сифатида қизил империяни улфатчиликдагидек «бизники»лаб бошқаришга ўтган бу даврда мен биринчи синфда ўқиётгандим.

Дастлабки кун эсимда – ёлғизоёқ толкўчада қуйи маҳалла томон одимлаб боряпман-у, бу «ўқиш»и қанақа бўлсайкин, деб ўйланаман холос. Бориб кўрсам, мактаб деганлари айвонидаги устунлар чирий бошлаган эски мачитни суваб-оклаб, шу атрофдаги кичкинтойлар учун янги дарсхонага айлантирилган тупроқтом бино экан. Мактабнинг чап ёнида мулла Аҳмадқул қорининг, ўнг ёнида Абдулла қассобнинг хонадони. Бу

томонда жимжитлик, у томонда қўйлар тинимсиз бабаламоқда. Бу ёқдан райхоннинг бўйи уфуради, у ёқдан – гўнгнинг иси.

Сочи оқариброқ қолган оқсоқ киши ҳассасига таянганича бизни мачит ҳовлисида очик чехра билан кутиб олди. Шайнкўча билан Калтўпидан ҳам беш-олти бола борлигини ҳисобламаганда, асосан тепа ва қуйи маҳалладан келган ўқувчилар йиғилиб бўлгач, у зот ёқимли овозда ўзини таништирди:

– Мен сизларнинг ўқитувчингиз бўламан. Отим Аҳмадали, фамилиям Обидов. Мени «мулла ака» деб чақираверинглар, хўпми?

Юмалоқ мистовоқни эслатувчи каттакон қора радиолар ўрнини эгаллаб бораётган, товушини кўтариб-пастлатиш мумкин бўлган янги русумдаги ихчам радиокарнайлардан бири мактаб бикинидаги кўмир сақланадиган пастак омборча эшиги ёнига илиб қўйилганди. Мулла акамиз уни кўрсатиб, танаффус пайтида радиони ёқиб бераман, янгиликларни, ашулаларни эшитиб турасизлар, деди. Бу, аслида, танаффуснинг тўстўполонсиз ўтиши учун ўйлаб топилган бўлса керак.

Мулла акамиз оғир-босиқ, одоб-ахлоқи баланд, меҳри кўзида балқиб турувчи киши эди. Қанчалар ҳаддан ошмайлик, силтаб-турткилаш, бакириб жеркиш у ёқда турсин, қаттиқроқ чакчайганини ҳам кўрмаганмиз. Ортиқча ранжитиб қўйсақ, маъюсланиб ковоқ уяр, мени хафа қилдиларинг-да, дея ўзини астойдил аразлагандек

тутиб, деразадан ташқарига боққанича жим туриб қоларди. Ҳеч кимга озор беришни истамайдиган домламизга раҳмимиз келиб, тезроқ ярашиб олишга уринардик.

Туман газетасида ишлаганимда у киши ҳақида очерк ёзганим эсимда. «Аламазон ва унинг пиёдалари» деган қиссамда ҳам ёдга олиб ўтганман: қисса қаҳрамони Аламазон тоғдаги ғордан хазина қидиради, агар тополса, уни қишлоғининг ободончилигига сарфлашни, шу қаторда, биринчи ўқитувчиси Аҳмадали Обидийга терак бўйи хайкал ўрнатишни орзу қилади. Мулла акамиз ҳақиқатан ҳам шунга арзигулик зот эди, унинг сиймоси умримда дуч келган инсонларнинг энг мўътабарлари қаторида мудом ёдимни ёритади.

У даврда кишлоқ болалари чит, бўз, тринка матолардан тикилган кийимларни кийишар, қишда ўнтадан биттасида телпак, пальто, магазиннинг жун шими бўлса бўлар, қолганлари тўн ёки фуфайкача, пўпакли иштонбоғи сониде сангиллаб турувчи қўлбола иштон, кирза этикча ва дўппида юарди. Қизлар эса камзул устидан халатга ўхшаш пахтали бахмал чопон кийишар, бошга калин рўмол ўрашар, жажжигина калиш-махси оёқларига жуда ярашиб турарди.

Ўқувчилар сумкаси деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Оналаримиз калин матодан халта тикиб берар, унинг бўйинга илиб оладиган узун боғичи, сиёҳли довот солинадиган чўнтакчаси бўларди. Ўқитувчимиз қайта-қайта уктиришига қарамай,

сиёҳга ботирилган ручканинг перосини довод четига бир суртиб олишни эсдан чиқариб қўяверардик, натижада, ортиқча сиёҳ гоҳ дафтаримизга томиб тушарди, гоҳ қўлимиз рангга беланарди. Шу қўл билан беихтиёр бурун артсак, устки лабимизда рангмўйлов пайдо бўлиб, кулгига қолардик.

Танаффус бўлди дегунча, биров мулла ака-мизга қўшилиб радио тинглар, биров китоб-халтасига солиб келган нонини кавшай бошлар; кўпчилигимиз қий-чув билан қувалашиб юриб, дарсга қўнғироқ бўлганидагина, мактаб ёнидан оқиб ўтувчи ариқ сари чопардик, ерга ётганимизча оғзимизда симириб сув ича бошлардик; лойқа сувнинг қумлари бўғзимизни шилиб ачиштирарди, тишларимизнинг орасига тўлиб, тамшансак ғирчиллаб асабга тегарди.

Нима бўлгандаям, мактаб менга жуда ёқиб қолди. Бор-йўғи биттагина синф, ўқувчиларнинг анчаси эскитдан таниш болалар, кичикларга муштумзўрлик қилиши мумкин бўлган ёши катталар йўқ, бир четига мевали дарахтлар экилган ихчамгина ҳовли тўлиғича бизнинг ихтиёримизда. Баъзан дарсдан кейин ҳам бу ердан кетгимиз келмай, гоҳ тўп тепишардик, гоҳ бейсболни эслатувчи «лапта» деган ўйинни бошлардик; маҳалладаги бегона болалар ҳам кириб келиб, каттароқлари бизга қўшилиб ўйнар, миттивойлар четда томоша қилиб ўтиришарди.

Балки, ўша ўтирганлар орасида, мактабдан уч эшик нарида яшовчи, эндигина икки ёшдан

хатлаётган бир қорамағиз қизалоқ ҳам бўлгандир. Орадан кўп йиллар ўтгач, айнан ўша қизга уйланишим у паллада қайси бангининг тушига кирибди дейсиз. Пайти келиб, у туғиб берадиган бир уй болани едириб-кийдириш учун ўзимни ўтдан-чўққа уришимга тўғри келишини билсам, ўшандаёқ бўғиб қўя қолмасмидим уни.



ТОЛКЎЧАДАГИ ОЛИШУВ

*Сен билан ёқалашадургон
топилмаса, ўзингни дўппосла.*

Гулмат ШОШИЙ

Иккинчи жаҳон уруши укубатларидан энди-гина қутулган хонадонларнинг кўпчилиги жуда қашшоқ эди. Маҳаллада ёппасига тупроқтом уйлар, кўпининг хатто айвони ҳам йўқ. Фалончи томига шифер ёпганмиш дейишса, одамлар атайлаб томоша қилгани боришарди. Кўчадан дам иккала ғилдираги девор бўйи келадиган кўқонарава, дам ўрислар «бричка» деб атайдиган тўрт ғилдиракли кўтакарава ўтиб қоларди. Кейинроқ, тўрттала ғилдирагининг гирдига қалин резина қопланган, юк босиладиган тахта сўриси билан ғилдирак оралиғига билқиллаб турувчи темир рессорлар ўрнатилган, сўрининг олд томонига қайиши узун хайдарқамчи ушлаб олган аравакашнинг ўтириши учун қопқоқли ёғоч сандиқча қўйилган қўш отли

«хаптакач»лар кўпая борди. Бир сакраб, юкшотисига осилиб олсанг, ана маззаю мана мазза!

Айрим довюрак болалар хаптакач келаётганини кўрса, йўлнинг ўртасига чўзилиб ётиб олишар, аравакашлар заррача пинак бузмасдан уларга тикка от солишар, иккала от болани ўртада қолдирганича ўтиб борар, араванинг остидан бутун чиққанлар шерикларига «хе, кўрқоқлар» дегандек қош кериб, тамтамланиб боқишарди. Колхозимизга қарашли биттагина «полатўрка» юк машинаси ёки қишлоқдаги 5–6 та хусусий мотоцикллардан биронтаси гоҳ-гоҳ ўтиб қолса, биз қий-чув кўтариб, ортидан чопқиллашга тушардик. Енгил машина учраб қолса-ку, байрам бўпкетарди.

Кунчиқарга қаратиб солинган, шиплари васали, даҳлизининг тўрисида ўчоғи бўлган, айвонсиз дўнғалак уйда биз болалар дадам ва аям билан бирга турардик. Унга биқиндош бўлган шипи бўйрали, даҳлизсиз, биттагина кичкина деразаси бор пастак уй Сарвинисо бувимиз билан Усмон тоғамизга тегишли эди. Полсиз, бўйра устидан кигиз ёзилган бу уйлардан ёзда ҳам захнинг иси анқиб турарди. Олдимизга овқат қўйилиши биланоқ, шипдаги ўргимчаклар ўзини дастурхонга ташлагудек бўларди. Баъзан, хали гўрлигига бориб, одамдан хуркишни унча ўрганмаган сичқончалар бир-бирини қувалаб ўта бошларди.

Қишда эса, печкага ёлчисанг, кўмирга ёлчи-майсан, ўтин ёқсанг, бир ловуллаб иситади-ю,

яна тафти сўнади. Сандалнинг аҳволи ҳам шу. Қор ёки ёмғир ёғса, томдан чакка ўтгани-ўтган, сув томчилаётган жойларга териб қўйилган турли идишлардан таралаётган «чак-чук», «тиринг-тиринг»ларга кўринмас ажиналар ўйин тушаётгандек.

*Киролмадим ромингиздан,
Чакка-чук, чакка-чук.
Тешиб тушдим томингиздан,
Чакка-чук, чакка-чук.*

*Томчилайман бошингизга,
Чакка-чук, чакка-чук.
Тегиш учун гашингизга,
Чакка-чук, чакка-чук.*

(«Чакка қўшиғи»)

Мактабга бора бошлаган чоғларимда дадам тушликка тескарилатиб синчли, гувалакли (баъзи қариялар токчалар орасига уриладиган майдароқ гувалак типратиконга ўхшагани учунми «кирпича» дейишарди) уй курди. Бувим билан аям кенгроқ қилиб қуришни, томига шифер қоқтиришни қанчалар зорланиб сўрашмасин, дадам: «Замонни кўриб турибсизлар, каттароқ тўй қилсанг ҳам, шунча пулни қаёқдан топдинг, деб сўроққа тутадиганлар минг сўм ойлик билан бунга қандай қурдинг, демайдими? Нима, мени қаматтириб юбормоқчимисизлар?» – дея безиллоқланиб, ихчамгина уй солдирди. Томи тупроқли бўлса-да, ҳарқалай таги тахта полли, шипи фанерли, печи пишиқ ғиштдан ясалган,

дахлизи анча кенг, айвонли эди. Дўнгалак уй энди бувимизга берилгач, аввалига опаларим, кейинчалик, мактаб ёшига етганимиз сайин мен ва укаларим ҳам бирин-кетин шу ёкқа кўчиб ўтавердик. Пастак уйда Усмон тоғамиз бир ўзи қолди.

Иложи бориचा кундузи дарс тайёрлашга ури-нардим. Қоронғига қолсанг, керосин иси анқиб турадиган лампа-чироқ кўзингни толиқтиргандан толиқтириб ташлайди. Эндигина пайдо бўлган электр чироқлари ойига уч-тўрт йилтиллаган бўлади, шундаям шамдан хира. Бу етмагандек, умумий қилиб солинган кўрпада қаторлашиб ётган опа-укаларинг: «Чироқни ўчир! Ухла!» – деб тихирлик қила бошлайди.

Ҳозир юртимизда электр етиб бормаган жой қолмади, шунга қарамай, тўйлар кундузи ўтказилиб, шом тушмасидан тугаб кетади. Бола-лигимиздаги тўйларнинг энг қизиқ қисми тунда бўларди. Хатна тўйларида нон хонадоннинг ўзида ёпилар, ён қўшнилар иштирокида катта-кон тўйтандир қурилиб, кичик зиёфатча ташкил этиларди. Эртасига кечки пайт бутун маҳалла сабзиарчдига тўпланиб, ярим кечагача гурунглашар, сўнг юз кило гуруч дамланадиган улкан дошқозонга (бойроқларникида иккита дошқозон қуриларди) биттами, иккитами қўй танаси бутунича ташланиб қайната бошланар, илк тонгда маҳаллага шўрва, тушликда ош тортилар, кечаси эса базм бошланарди. Электр бўлмагани учун уйлар ичига, айвонларга, қозон бошига, гўшт ва

ноз-неъматлар омборига, новвойхонага лампа-чироқлар қўйилиб, сўритокларга тошфонарлар қаторлатиб осиб чиқиларди.

Тунги базм экинлардан тозаланган яп-яланг томорқада ўтказилар, 15–20 қадам радиусда тўшаб чиқилган тўшаклар олдида дастурхон ёйилиб, давра ўртасига қалаб қўйилган тўнгаларга керосин ёки солярка сепиб, ўт ёқишарди. Қўри борлар четдан таниқлироқ ашулачиларни таклиф қилишар, қўли юпқалар қишлоқдаги Мамадали ғижжакчи, Рўзимат ёки Аҳмад чирмандачи, Бозор гармончи кабиларни чақиришар, эркаклар бир-бирини галма-гал ўйинга тортиб, ўртада йўрғалай кетар, уларга пул қистириш нечоғли авж олса, машшоқларнинг дангир-дунгири шунчалар кучайиб борарди, ора-сира алмак-жалмак хониш ҳам қилган бўлишарди. Даврада фақат эркаклар ўтирар, аёллар базмни уларнинг ортида тик туриб томоша қилишар, айримлари хиёл олдга чиқиб келиб, ўйин тушаётган яқинларининг елкасига қийиқ ташлаб қўйишарди. Ўтирганларга қовурма тарқатилса, биз болалар товоқдаги гўштга беҳос чангал уриб, олиб қочардик. Лапашангроқлар кулча, мева, қанд-курс ўмаришдан бошқага ярамасди. Топганимизни худди рамазончилардек ўртада баҳам кўрардик. Базм тонгга уланиб, «Портвейн», «Юмалоқ», «Кагор», «Баянширей» сингари винолардан бўшаган (арақ кам ишлатиларди) шишаларнинг оёқостиланиб ётиши билан тугар, сахарда яна шўрва берилар, тушда ош ейилгач, тўйбола хатна қилиниб, тўйга якун ясаларди.

Қиз тўйи бўлса, куёвнавкарларнинг базми ҳам тонггача чўзиларди. Баъзи болалар опасининг кўйлагини кийиб, бошига рўмол ўраб чиқиб, келин томондан келган нотаниш қизларнинг ичига кириб олар, гоҳ унисига, гоҳ бунисига суйкалиб роҳатланар, қучоқлаб ёки ўпиб олишгача бориб етганлар уларнинг қий-чувли оломон калтагидан зўрға қутулиб чиқарди. Тўй қанча қоронғида ўтса, болаларга шунча яхши эди. Айниқса, бекинмачокда қуюқ тундан зўри йўқ – оёқ учида юриб, паккачининг бурни остигача борасан-у, у кўрмасдан тура-веради.

Хуллас, электр чироғи деганлари дарс тайёрлашдагина керак бўладиган шилдирматомо шекилли...

* * *

Мактабга бордим-у, кўпдан бери ичимда армон бўлиб турган бир орзум ниҳоят ушалди. Бошқа маҳалла болалари дадамнинг нуфузи ҳақида деярли ҳеч нарса билишмас, сал-пал эшитганлари ҳам буни юз-хотир қилиб ўтирмасдан, мен билан тап тортмай ёқалашувга киришар эдилар. Ўз обрўйимни ўз кучим билан қарор топтиришга интилавердим. Буни фақат кўрқоқлигимни яшириш, бўшанг кўринмаслик учунгина қилмасдим, ёши улуғ кишилар даврасида кўпроқ бўлганим, уйимизда тез-тез тўпланиб китобхонлик қилувчи отин ойилардан фалсафийроқ ривоятлар эшитиб улғайганим, катта болалар орасида юриб мулоҳазаларим кенгайгани, ўзимни тенгдошла-

римга нисбатан анча ақлли деб билганим боис, улар доим менинг етагимда бўлиши керак деган ўйда эдим. Улар ҳаммадан донороқлигимни тан олиб, ҳурматимни жойига қўйишларини истардим. Маҳалламиз болалари азалдан бунга мойил эса-да, қуйи маҳаллаликлар орасида менга писандсиз бокиб, синфда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш иштиёқида юрганлар йўқ эмасди. Балки, мактаб шу маҳалла ҳудудида бўлгани учун улар ўзларини тепа маҳаллаликлардан устунроқ ҳис этишгандир.

Синфимизда иккита Абдулла бор эди, бирини Абдулла сариқ, бирини Абдулла калла деб атардик. Иккови ҳам қуйи маҳаллалик эди. Абдулла сариқ билан иноқ эдик, уйи мактабга яқин бўлгани учун баъзан катта танаффусда уларникига кириб, озмоз тамаддиланиб олардик, баъзида дарсдан сўнг ҳовлиларида бирга ўйнаб, уйга кечроқ қайтардим. Шу маҳаллада яшовчи Аҳмад ва Абдурахимлар билан ҳам киришиб кетгандим, фақат Абдулла каллагина менга сира ён бермасди, унда-бунда жанжаллашиб қолардик. Охири муштлашишга тўғри келди. Омадим бор эканми, Абдулла калла сал кўпроқ тарсаки еди, лекин қочмади, болалар ажратаётганда қаршилиқ кўрсатмай, тезда шаштидан тушди холос. Шу-шу у ортиқча ғўдангламай қўйган бўлса ҳам, четроқда ёлғиз турганимда учтўртта тарафдорлари билан ёнимга келиб, менга тазйиқ ўтказишга уринарди. Бунақа пайтда тенгсиз жангга киришишни истамай, ўзимни меровликка солиб кетаверардим.

Бир куни Абдулла калла билан яна аёвсиз олишдик. Унга олатасир мушт ёғдирдим, ўзим ҳам еганимча едим. Кимнинг ғолиб бўлиши номаълумлигича турган маҳалда, рақибимнинг бурни қонаб кетди-ю, жанг ўз-ўзидан якун топди. Бурни қонаган синфдошимга раҳмим келиб, уни тун бўйи ўйлаб чикқандим, эртаси куни мактабга келмаганидан баттар сиқилдим. Индинига дарсга келгач, бирдан енгил тортдим, ярашиб олишга уринган эдим, ковоқ уйганича ўзини олиб қочди.

Бунинг сабаби бор экан. Абдулла калла ва унга яқинлардан 2–3 таси охирги дарсда ғойиб бўлишди. Дарслар тугаб, уй-уйга тарқалаётганимизда Абдулла сариқ секин ёнимга келиб: «Абдулла калла куйи маҳаллалик бегона болаларни ҳам тўплаб, сени толкўчада пойлаб турибди, мен уларга кўшилмадим. Бошқа кўчадан кетақол», деди. Олдинига унинг гапига кирдим, ниманидир баҳона қилиб, шерикларимдан ажралиб қолдим, уч баравар узоқ бўлса-да, айланма кўчадан кетишга қарор қилдим. Кейин, бугун қочганим билан эртага барибир тинч қўймайди, унинг галасидан қачонгача қўрқиб юраман, деб ўйладим-у, таваккалига толкўча сари юрдим.

Абдулла сариқ уйида қолмай, мен билан бирга толкўчага кирди. Қарасам, айримлари тугалай нотаниш бўлган ўнтача бола икки киши ёнма-ён юрса зўрға сиғадиган йўлакда тол шоҳидан ясалган таёқларни елкаларига милтиқдек тираган асно тикилиб туришибди. Олдинда – ёши биздан анча

катта бўлган Муқимбой. Юрагимни кўрқув босиб, тиззам қалтиради. Бериокда тўхталиб, миямда бу қалтис вазиятдан қандай омон чиқиш режасини туза бошладим.

Рақиблар мен сари юришаётганида, Муқимбой уларга тўхташни буюрди, сўнг олдинда таёк ўйнатиб турган Абдулла каллага қараб: «Шериклари кўп деганингга ишониб, шу болага қарши аскар тўплаб юрибман-а. Энди таёкни ташла, биттага битта чиқ!» – деди. Абдулла калла таёкни четга отиб, менга чакчайиб яқинлашди, айниб-айниб сўкинишга тушди. Индамай туравердим. Муқимбой Абдулла каллани жерқиб:

– Мунча гапни кўпайтирдинг? Соладиган бўлсанг сол! – деб буюрди.

Шунда Абдулла калла сўкиниб туриб, олдинга бир қадам ташлади-ю, юзимга қаттиқ шапалок тортди. Мен шошилиш тузиб чиққан режам бўйича гандираклаб чайқалдим, кейин шилқ этиб ерга йиқилдим. Ғужанак бўлволиб, қилт этмай ётавердим.

Бир муддат ҳамма жимиб қолди. Муқимбой устимга эгилиб: «Ҳей, сенга нима бўлди?» – дея елкамга туртди. Мендан садо чиқмагач, Абдулла сарикқа бокиб: «Ошнангга қарасанг-чи, тутқаноғи борга ўхшайди буни», деди-да, шошиб ортга юрди, «аскарлар» унга эргашди. Абдулла калла эса, негадир кетмади. Сўнг билсам, ундан батамом енгилганимни бўйнимга қўйиб, зўрлигини тан олдириш ниятида экан.

Кўзимни қия очиб, рақиблар толкўча муюли-
шида бир-бир ғойиб бўлаётганларини кузатиб
ётдим. Қоралари ўчиши биланок ўрнимдан ту-
риб, ҳеч нарса бўлмагандек, кийимимдаги чан-
гларни шошмасдан қоқишга тутиндим. Ўзимни
тартибга келтириб, Абдулла каллага безрайиб
тикилдим.

– Ҳовликсанг, мана шунақа бўлади, ҳа! – деди
Абдулла калла. – Бундан кейин менга пашшалаш-
ма! Бўпtimi? Бўпtimi, деяпман сенга!

Жавобим жуда ўзига хос чиқди, кўққисдан
унга ташланиб, муштлашувга киришдим. Аб-
дулла сариқ олдинига аралашмай турди, икки
жўжахўроз бир-биримизга тирмашганимизча ерга
ағанаб, тупроққа буланиб олишаётганимиздагина
у бизни юлқиб-туртиб ажрата кетди.

Шу тўқнашувдан кейин Абдулла калла
кайтиб аскар тўпламади. Ҳануз ён бермаса-да,
хартугур ортиқча хиралик қилмайдиган бўлди.
Бора-бора қалинлашиб олдик. Бир куни Аҳмад
уччаламиз уларнинг ташқисидаги сўрида дарс
тайёрлаб ўтирсак, отаси Кенжа тоға келиб қолди.
Оддий деҳқон эса-да, китоб кўрган, сўзлари маъ-
ноли, бировга гапини бермайдиган, маҳаллада
обрў-эътибор қозонган киши эди у. Биз билан
илиқ кўришиб, кўча чангитиш ўрнига дарс тай-
ёрлаётганимизни алқаб мактагач, Аҳмаддан
синфимиздаги ўғил болалар ичида ким энг аъ-
лочи эканлигини сўради. Аҳмад мени кўрсатди
(бошланғич синфларда нукул «Мақтов қоғози»
олиб ўқирдим).

– Шу болачалик бўлолмабсан-а, – дея ўғлининг каттакон калласига чертиб кулимсиради Кенжа тоға. – Хумдек калла ҳайф сенга, э-э-э!

Абдулла калла билан тотувлашдиг-у, қарзга дафтар сўраса бермаслик, мазахлаб ғашга тегишлик сингари ҳолатлардан келиб чиқадиган майда-чуйда араз-дуразларни ҳисобга олмаганда, синфимиз тинчиди-қолди. Назаримда, рақибимга нисбатан кичик устунликка эгадек эдим – зўрлардан биттаси ҳисобланса-да, Абдулла калла барибир қизларнинг эътиборини унчалар тортолмас, бу борада мен ҳамда ўзини доим озода тутувчи, ўткиртил Абдулла сариққа тенг келадигани йўқдек эди. Аввалига иккаламиз синфимизнинг биринчи гўзали бўлган Қ. ни бир-биримизга сездирмай яхши кўргандек бўлиб юрдик, кейинроқ ошнам Абдулла сариқ йўлдан четланиб, тобора Ж. томонга оғиб борди, бундан дўстлигимиз янада мустаҳкамланаверди.

Мактабдаги жанжалчаларим уйдагиларнинг кулоғига етиб борганми, дарслар тугашига яқин Усмон тоғам мактаб ҳовлисига келиб, мени пойлаб ўтирадиган бўлди. Бу ҳол рақибларимнинг юрагига янада ғулғула солишда асқотадигандек туюлса-да, керакмас, ўзим кетаман, мен билан юрманг, деб тоғамдан нари қоча бошлардим. Дувонахон тоғам эса, мени тутиб, роса чарчагандирсан, орқамга мин, кўтариб олай, дея қисташга тушар, болаларга тугалай майна бўлишдан чўчиб, унга бақириб берардим. Яна тоғамни юборадиган бўлсаларинг, мактабга бормай қўяман, деб

ғалва кўтарганимдан кейингина, уйдагилар мени ниҳоят тинч қўйишди.

Тупроқтом мактабимиз, унинг қалин деворларига ўйиб ўрнатилган қинғир-қийшиқ кўзли ёғоч деразалар; тахталари биров болтада чўқилаб чиққандек ёрилиб ётган ғижирлоқ эшик; қоп-қора хаттахтага оппоқ-оппоқ ҳарфларни ёзаётган мулла акамиз; довол учун юмалоқ, қалам-ручка учун узунчоқ махсус ўйик жойлари бўлган, дафтар қўйиладиган қисми сўйри, пастрокдаги қопқоқча остида халталаримиз турадиган тоқчаси бор қўпол парталарда бири чарақлаб, бири мўлтираб ўтирган синфдошларим – иккала Абдулла, иккала Раҳмон, Абдурахим, Аҳмад, Раҳим, Ҳомит, Қаҳҳор, Муҳаммаджон, Эргаш, Юрсунали, Турсунбой, Аюб, Маҳмуджон, Мамарасул, Толиб, Холинисо, Қумри, Жамила, Ҳабиба, Салима, Маҳфират, Тожихон, Раҳима, Ҳожира, Фотима, Тошхон, Ҳуринисо, Фазилат, Маҳбуба, Ибодат каби кичкинтойларнинг кадрдондан-кадрдон чехралари тез-тез кўз олдимда жонланаверади.

Олтмишни қоралаётиб, мундоқ ортга ўгирилсам, уларнинг қарийб ярми орамиздан кетиб бўлибди. Тортинчоққина, нимжонгина Холинисодан бошланғич синфдаёқ айрилиб қолгандик, яна бир нечаси 40–50 ёш атрофида дунёни тарк этди. Шундай эса-да, қалбимнинг туб-тубида улар ўз парталарида хануз бир-бирига қитмирона қиялаб, дастурхон теграсидаги оиладошлардек хушчақчақ кайфиятда ўтиришибди, оламда ўлим деган нарсанинг борлиги ҳали бирортасининг хаёлига кел-

ганича йўқ. Бари тўз тегмаган фаришта. Қанийди, одам боласи умрининг адоғигача ўзини худди шундай саклай олса, булоқ сувидек мусаффолигича тураверса.

Қизиқ! Ўзи бу сув қайси жойда лойқаланишни бошлайди? Уни нималар лойқалантиради? Тобора лойқаланиб бораётганимизни ўзимиз сезамизми? Сезсак, нега дастлабки пайтлардаёқ табиий ўзанимиздан бурилмасликка, бошқача тусга кириб оқмасликка уринмаймиз? Ё аз-азал шунга маҳкумизми? Балки бизга «уринмаслик» қулайроқдир? Соф қолишга тиришиш, наҳотки, кирликка қўшила бориш жараёнидан кўра укубатлироқ бўлса?

Қай йўлни танлашимизни ўз ихтиёримизга ҳавола қилмай, жониворлар озуқанинг зарарсизини зарарлисидан, теграсида ўрмалаётганларнинг хатарсизини хатарлисидан, ҳар бир хатти-ҳаракатнинг ўринлисини ўринсизидан беҳато фарқлай олиб, ички буйруққа сўзсиз бўйсунган асно қатъий тартиб асосида кун кўрганидек, бизни барча номақбулликлардан мажбуран четлатиб ўтадиган етакловчи Сизгикуч (инстинкт) ато этишни Тангримиз нега бошдаёқ хоҳламади? Нега?! Наҳотки, бизга шунчалар қаттиқ ишонса?

*Худо хоҳлар бўлса,
Шайтоннинг –
Номи узра тортолгай чизиқ...
Имон деб ўт кечган инсоннинг
Қолур унда нимаси қизиқ?*

(1989)

«ҲАЛОЛ»ЛАР ҚАТОРИГА КИРИШ АЗОБИ

*Имонинг ила иштонинг-
ни бут асра.*

КУЛКУЛ афанди

Биринчи синфни тугаллаш арафасида ниҳоят «қўли ҳалолланган»лар сафига қўшилдим. Аслида-ку дадам беш ёшимда мен ва икки укамга базмли хатна тўйи қилиб берган, тандирқурдию сабзиарчидан бошланган келди-кетдилар нақ бир ҳафтага чўзилганди. Лекин, кўрқиб дод солганим учун, дадам мени ва укаларимни «кестирмай», уста Масир тоға «юмалан-юмалў-ў-н», деб қийқириб, бизни кўрпага бир-икки юмалатиб қўя қолган эди. Дадам ўшанда мени кучиб юпантираркан: «Гап битта – қачон ўзинг айтасан, шунда кестирамиз», деб ваъда берганди, сўзида турди. Мактаб ёшига етганимда, уйдагилар энди кестирмасак уят бўлади, дея ғалва кўтаришса ҳам, мен сўз берганман, ўзи айтмагунча мажбурлаш йўқ, деб жавоб қилганди.

Биз болакайлар қунишқоқ кўкнорихўрларнинг жаҳлини кўзитиб, пахта қуритишга мосланган, беш-ўнта қария бир четдаги хужрада ҳукумат вакилларига билдирмай намоз ўқиб турадиган мачит ҳовлисидаги узуню эни етти қадамли ҳовузда чўмилишни чучмомалар гуллаб-гулламасданок бошлаб юборардик. У даврда трусиклар қишлоқда унча русум бўлмаганди, кўпчилигимиз

қип-яланғоч чўмилардик. Қизалоқларнинг сал дангалчилари сувга кўйлагини ечмасдан тушиб, ҳовузнинг бир бурчагида алоҳида чўмилишар, қолганлари: «Иштонсиз – имонсиз, иштонсиз – имонсиз», дея чапак уриб ирғишлаган асно, бизни яйраб мазахлашарди. Ҳамма кийиниб бўлиб, болалардан бирортаси чўмилишда давом этаверса, «безгакшамол, кел, кел, яланғочга кўн, кўн», дея уни кўрқитишга уринардик.

Бир куни ҳовуздан чиқиб, совқотишдан иягим турнатакиллаш бўлганича иштончамни кияётсам, Холис опамнинг ёнида ўтирган ўртоғи Момохоннинг: «Вой, укангизники ҳалиям кесилмаганими?» – деган сўзи қулоғимга чалинди. Ишқилиб, опам устадан кўрққанимни айтиб қўямасинда, деб безангладим. Опам айнан шу гапни айтгач, олдинига уялиб кетдим, сўнг бирдан зардам қайнади. Шу жойдан югурганимча уста Масирга шогирд ҳисобланмиш Орифжон тоғанинг уйига кириб бориб тўхтадим: «Дадам айтди, бугун булбулимни кесиб қўяр экансиз», дедим.

– Бўпти-да, – деди Орифжон тоға, тафсилотни ортиқча суриштириб ўтирмай. – Ҳозир пешинда чолларга тайинлаб қўяман, уйлариингга асрдан кейин кирармиз. Дастурхонга ортиқча уринишмасин, ярим косадан шўрва бўлса етади.

Уйимизга кириб, Орифжон тоға асрдан кейин чоллар билан бирга мени «хулала, хулала» қилгани киришини тантанавор эълон қилдим. Аввалига сўзимга ишонишмади, Шаҳодат опамни «гап овлаб» кўриш учун уста тоғаникига кири-

тишди. У қайтиб чиқиб, хабаримнинг ростлигини тасдиқлагач, уйдагилар менга зарда-зурдаларини ёғдирган кўйи, шоша-пиша ҳозирлик кўришга тутиндилар. Дадамга ҳам одам юборишган бўлса керак, кўп ўтмай, велосипедининг рулига икки тугун харажатни илиб, визиллаб етиб келди.

Ўша куни ўнтача чол, битта мулла иштирокида «қўлимни ҳалоллашди». Қанчалик оғримасин, финг демасдан чидаб, ҳаммани қойил қолдираман, дея ичимдан тугиниб қўйгандим. Бўлмади, устара тортилган чоғда қаттиқ инграб юбордим, атрофдагилар «хулала, хулала-а-а», деб кичқирганлари боис буни эшитмай қолган бўлишса, ажабмас. Кўзимдан тирқираган ёшни бошқалар кўришини истамай, тезда артиб ташладим.

Ўранчиғимни четрокқа сургач, булбулимни дўппида ёпиб, қўлимга попукканд тутказиб қўйганларича, чолларнинг мен билан қайтиб иши бўлмади. Улар дадам яқинда сотиб олган, қишлоқни билмадим-у, маҳаллада ягона саналган; электр токи бўлмаса, ҳар бири арақ шишасидек келади-ган тўртбурчак кучалатошлар (батареялар) ёрдамида ҳам ишлайверадиган «Урал» радиоприёмниги устида лаппак айлантириб, қўшиқ тинглаган асно анча тамаддиланиб ўтиришди. Приёмникнинг радиодан афзаллиги – турли тўлқинларни тутиб, ҳар хил эшиттиришларни тинглаш мумкин эди, унга лаппак қўйсангиз, овози патефондагидан тиниқроқ янграрди. Дунёда телевизор деган нарса ҳам борлигини ҳали кўпчилик билмасди, баъзи биров: «Амриқода тоғнинг у томонида ашула айтаётган

ҳофизни бу томондагиларга кўрсатиб турадиган ойнакли радийўл бормиш», деб қўйгучи эди.

Уч-тўрт кундан сўнг мактабга бордим. Синфдошларим: «Булбулчанг тузалиб қолдими, бир кўриб қўййлик-чи», дея мени қуршовга олишди. Қизлар ҳам бири тортиниброк, бири астойдил қизиқсираниб, яқинроқ кела бошлашди. Тиқилинчда ярамга тегиб кетишларидан кўрқиб, партанинг ўтиргичи устига чикдим-да, чўзмали иштонимни тиззага тушириб, қўйлагимнинг этагини кўтардим. Тажрибаси борлар доноланиб, яра ҳали яхши битмаганини таъкидлашди, мактабга келишга шошилганим учун койиган бўлишди. Синфдаги энг шаддод бир қизнинг исмига «эркак» тиркамасини қўшиб айтардик, у: «Ия, мана-ви қора нарса нима?» – деб, қотиб қолган куйиндига бармоғининг учини теккизиб кўрди. Бунинг нималигини ўшанда ўзим ҳам тушунмасдим, кейинчалик билсам, уста пахта увадасини куйдириб, кесилган жойга иссиғида салладек ўраб қўяркан, бу малҳам қонни тезда тўхтатишдан ташқари, жароҳатга инфекция туширмас экан. Биргина чатоқ томони – куйиндининг қора изи танада умрбод қолиб кетиши эди.

Маълумки, яхудийларда ҳам хатна қилиш одати бор. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар уларни бошқа миллат вакилларида ана шу белги орқали фарқлаб олиб, жойида отиб ташлашар экан. Дастлабки маҳалларда шу белги боис урушда асир тушган туркистонлик баъзи мусулмонлар ҳам яхудий ҳисобида қатл этилаверибди.

Кейинроқ бу англашилмовчиликка аниқлик киритилиб, мусулмонларнинг кесилган жойида пахта куйиндисидан қолган қора чизик бўлади, деб уқтиришибди. Фашистлар энди адашмайдиган бўлишибди.

Айтишларича, 20-йилларда бир врач ўғлини хатна қилдираётиб, куйдирилган пахта ўрнига конни тўхтатадиган замонавий дори толқонини септирмоқчи бўлганида, уста унинг гапига кирмай, ўзи билганича иш кўрган экан. Ўша бола улғайгач, урушга бориб, асир тушиб қолибди. Фашистлар қора белги туфайли уни отишмабди. Урушдан сўнг у асирликдан қутулиб қайтибоқ, устани уйига чақирибди, бошдан-оёқ ясантириб жўнатибди.

Ҳар бир эркак ўзбекнинг этида пахта куйиндисидан қолган қора тамға мавжудлигининг ўзига хос рамзий маъноси бор – Ўзбекистоннинг олис-олис тарихи пахта билан чамбарчас боғлиқ. Чамаси, бундан кейин ҳам шундайлигича қолаверади.



АМАЛ ШИРИНМИ, ЖОНМИ?

*Мансаб эшагига ётлар
қўмагида мингайсан, йиқил-
моқни ўзинг дўндиравер.*

Гулмат ШОШИЙ

От то от бўлгунича «кулун», «тойчоқ», «минги» босқичларидан ўтишига тўғри келганидек,

мактаб болалари бизнинг давримизда 5-синфгача «бошланғич», 8-синфгача «ўртанча», сўнг, битирув «аттестат»ини олгунга қадар «юқори» синф ўқувчиси деб аталарди. Ўнинчи синфдагиларни «битирувчилар» ҳам дейишарди. Бошланғичлар октябратликка (октябрь инқилоби издошлари), ўртанчалар пионерликка ёппа қабул қилинади. Фақат ҳаддан зиёд интизомсиз, синфдан синфга кўчолмайдиган даражада қолоқлар «хўжақўрсин»га қолдирилиб, юқори синфдагиларнинг 99 фоиздан ортиғи албатта комсомолга олинади. Пайти келиб, булардан қай бири компартия сафига ўтадиган бўлса, икки нафар коммунистанидан ташқари комсомол ташкилоти тавсияномасини ҳам топшириши шарт эди.

Октябратлар ўртасига Лениннинг болаликдаги сурати туширилган беш қиррали қизил юлдузчани кўкракка қадаб юришарди. Пионерлар ёнаётган гулхан шаклидаги нишончани тақишдан ташқари, бўйинларига қизил матодан тикилган учбурчак галстук боғлаб олишарди. Комсомол кўкрак нишони илгари сопли қизил байроқ шаклида бўлиб, ўртасига «ВЛКСМ» (всесоюзный ленинский коммунистический союз молодежи, яъни, ленинчи коммунистик ёшларнинг бутуниттифоқ уюшмаси) деб ёзиб қўйилганди, кейинчалик ёзув ўрнида кекса Лениннинг ёнламача сурати пайдо бўлди.

Бошланғичлар маҳаллалардаги мачит, хонақоҳ ёки бирон бойдан мусодара қилинган биноларда алоҳидаланиб ўқишгани боис, мазкур ҳудудда

бирон-бир тўйнинг иси чиққудек бўлса, ўқитувчи бошчилигида саф тортиб, барабанны «рак-така-там, рак-така-там»латиб чалганча, дошқозоннинг устига мўр-малахдек бостириб боришарди. Худо уриб, октябратлардан баъзисига ош етмай қолса, бирдан шовқин кўтарилар, тўй эгаси советлар давлатининг ғанимига айланишдан чўчиётгандек потирлашга тушар, оқсоқол эса катталарнинг ризкини кийиб бўлса-да, болакайларнинг улушини топиб берарди. Гоҳо ўша вақтда русум бўлган 1 май (меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни), 7 ноябрь (социалистик инқилоб куни) каби байрамларда биримиз байроқ кўтариб, биримиз «горн» деб аталадиган мис сурнайни қийналиб пуфлаб, ора-сира «тут, вут» этказиб қўйиб, яна биримиз барабанны чалама-чакки уриб, қишлоқ кўчасидан сафланиб ўта бошласак, мактаб ёшига етмаган кичкинтойлар булар яна тўйга кетяпти деб ўйлаб, йўқ ошнинг илинжида оптимиздан эргашарди. Синфимиздаги энг кулоғич бола ҳисобланган Аҳмад уларга бошмалдоғини бармоқлари орасидан кўрсатиб, мана сенларга ош, деб кўярди ва гулдиракланиб куларди.

Бундай байрам намоёишчаларида байроқ кўтаришни доим менга топширишарди. Балки аълочилигимни ҳисобга олишгандир, балки бошқалардан полвонроқ кўринарман, деб ўйлардим. Сўнг билсам, саф бошида одимлайдиган байроқчи боланинг кийими сал эпакалироқ бўлиши лозим экан. Ўша худосизлик замонида кўп болалар ҳатто «алҳамди»ни билмаса-да, дарсликларни

тўлиқ эгаллаб олган сиёсий шеърлар, кўшиқлар ҳаммасига ёд бўлиб кетганди. Айниқса, бир кўшиқ машҳур эди:

*Байроқ кўтариб олга юрамиз,
Бахтиёр ёшлик даврин сурамиз.
Бу қизил байроқ – Ленин байроғи,
Кўтарамиз биз доим юқори.*

Авваллари, Баҳром эшоннинг руҳини қувонтирайлик дея, маҳалладаги художўй аёллар Жаҳон отин бошчилигида уйимизда китобхонлик қилиб қолишса, Сарвинисо бувимнинг пинжига кириб тингларканман, китобларни ўзим ўқий олмаслигимдан жуда-жуда афсусланиб кетардим. Иккинчи синфга ўтганимда шариллатиб ўқийдиган бўлдим. Гоҳ опаларим, гоҳ дадам болаларга аталган бадий асарларни онда-сонда топиб келиб беришар, кўпинча опаларимнинг китобига ёпишардим, юқори синфда ўқийдиган кўшнилardan «тишим ўтмайдиган» адабиётларни тилаб олиб, эринмай таталашга тушардим.

Аълочилигим туфайлими, катта жанжалларга унча ҳожат қолмай барча синфдошларим билан иноқлашиб олганим учунми, мени синфбоши этиб сайлашди. Аслида, мулла акамиз томонидан тайинландим, болалар қўл кўтариб тасдиқлашди холос. Бу мансаб менга ўзига хос завқ бағишларди. Кимлардир ўзаро юмдалаша бошласа, тезда ажратиб, пала-партиш ажрим чиқарган бўлардим-у, ўша захоти яраштириб қўярдим. Уй вазифасини бажармай келгани учун ўқитувчимиз «икки»

қўймоқчи бўлса, бу сафарча кечириб туринг, айтаман, эртага ҳаммасини тайёрлаб келади, деб ўртага тушардим. Мабодо бажармай келган бўлса, хижолат тортмасин дебми, мулла ака менинг уй вазифамни ортиқча суриштирмасди, енгилроқ саволлар бериб, баланд баҳо қўяверарди. Навбатчилардан хаттахта остида доим бўр бўлишини, ёзувларни танаффусда артиб туришни; тозалик бўйича ўринбосаримдан болаларнинг тирноғи олинган-олинмаганини, қўл-юзи яхшироқ ювилган-ювилмаганини бирма-бир текширишни талаб қилардим. Гуваладевор, тупроқтом, эшик ўрнига шолча тўсиб қўйилган ҳожатхона олдида баъзан қизлар яккаланиб қолаётганини пайқаб, бу жойга биринчи ва учинчи танаффусда ўғил болалар, иккинчи танаффусда фақат қизлар киради деган тартибни жорий этдим. Қизлардан бири жириллаб, бизга нега бир марта холос, деб сўраган эди, бир марта бўлса ҳам, буниси катта танаффус, иккитанинг ўрнини босади, дедим. Бошқа эътирозлар бўлмади.

Амалдорликнинг гаштини эндигина сура бошлаганимда, ўз иззатимни ўзим расво қилдим. Бир куни танаффусда мулла акамиз мени ёнига имлаб, охирги тўртинчи дарс чоғида дўхтирлар келиб, ўқувчиларни қандайдир касалликка қарши эмлашини айтди, қўрққанларни сал ҳай-ҳайлаб тур, деб тайинлади. Биринчи бўлиб ўзимнинг этимни қалтироқ қоплади, ўқитувчининг кўзини шамғалат қилиб, секин жуфтакни ростладим, икки-учта яқинларимга шипшитиб улгурганим учун улар ҳам менга эргашишди.

Эртаси куни мулла акадан роса гап эшитдим, тагин шунақа қилсанг, синфбошилиқдан ҳайдаласан, деб огоҳлантирди у. Кўп ўтмай, дўхтирлар яна пайдо бўлиб, дарс вақтида синфга бирдан бостириб киришди. Ўтган гал укол олганларнинг кўпчилиги иситмалаб қолгани, баъзиларининг кураги шишиб кетгани эсимга келиб, талвасага тушдим. Аввалига амал ширин кўриниб, миқ этмай ўтирдим, кейин жоним амалдан лазизроқ туюлди-ю, партамнинг ёнгинасидаги деразани шартта очиб, ташқарига отилдим. Зарб билан очилган деразанинг тутқичи деворга қаттиқ урилиб, ойналари синиб тушгани ортиқча бўлди.

Ўшанда амал қўлимга бир қўниб учган эканда, кейинчалик нечта мактабга кўчиб юриб ўқимайин, бу лавозимни менга қайтиб раво кўришмади. Раво кўришганда ҳам, барибир яна кўпга чўзилмасди – нечта мактабда ўқиган бўлсам, ҳар йили 2–3 мартадан дўхтир оралаб туришига қарамай, муаллимлардан калтак есам едимки, бирор мартаям укол қилдирмадим. Бешинчи синфда ўқиётганимизда ёмо-о-н қўлга тушганим эсимда, жисмоний тарбиядан дарс берадиган синф раҳбаримиз Раҳимов дарс чоғида иккита ўқитувчини бошлаб кириб, уларни деразалар ёнига пойлоқчи қилиб қўйгач, ўзи эшикка қоровул бўлиб олди. Кейин дўхтирлар кириб, болаларни эмлаш бошланди. Бир қараганда, қутулиб кетишнинг имкони йўқдек эди, лекин илож топилди. Болалардан тўрт-бештасини турткилаб, бу сафар игнада укол қилмай, билакни салгина ти-

либ қўйишяпти холос, нимадан қўрқасан, дея олдимга солиб бориб, дўхтирнинг ёнига тўпладим, сунъий тикин ҳосил қилдим. Дўхтир ёнимдагиларнинг билагини қандайдир дорига ботирилган митти наштада тилишга тушганида, столдаги тоза пахтадан озгина олиб, билагимга ишқаб «ух-ух»лаганимча, шерикларим билан ташқарига йўналдим. Эшик олдида турган Раҳимов: «Сен баттолни қўлга тушириш манавинақа бўпти», дея шақиллаб кулди.

Тилимни тишлаб юраверсам бўларди, аммо чидамадим, эртаси куни Раҳимовни мактаб ҳовлисида учратиб, билагимни кўрсатдим-да: «Буни қаранг, домла, ҳамма боланинг билагида тилинган жойнинг изи турибди, меники бир кечада битиб кетди», дедим. Домла лакқа тушганини пайқаб, ўқитувчини эрмак қиладиган бўлдингми ҳали, дея тизғитиб қувлашга тушди. Катта папка кўлтиқлаб олган адабиёт ўқитувчимиз Тиллабоев шу томонга келаётганини кўриб, капалакланиб борганимча ўзимни унинг панасига урдим, Раҳимовни ушланг, мени ўлдириб қўяди, деб ўзимни ўтакаси ёрилганга солдим.

– Шунақа кўрқитадими болани? – дея Раҳимовга кўлини шоп қилди Тиллабоев. – Қанақа фаҳмсиз одамсиз?

– Нима-нима? – пуффа ловуллади Раҳимов. – Бу билан, мактабда энг фаҳми зўр ўзимман, демоқчимилар?

Иккови ҳам уруш қатнашчиси, икковининг ҳам бир кўзи шиша, иккови ҳам ашаддий ичувчи эди,

бир-бирини азалдан ёқтирмаслигини мактабда барча биларди. Икки арслон ўзаро ўқиришни бошлаган дамда мен озорсиз мушукчадек қунишиб, секингина ғойиб бўлдим...

Гапдан сал чалғибман. Яна иккинчи синфга қайтадиган бўлсак, дўхтир туфайли мансабдан айрилиб қолган эсам-да, ўрнимга яқин ошнам Абдулла сариқ сайлангач, кўнглим тезда жойига тушди. Қўйнингдан тўкилса – кўнжингга, деганлари шу-да.

Ўқув йилининг ўрталарида синфимизга янги ўқитувчи кирди. Мақсуда деган ўша гўзал бошқирд қиз бизга расм чизишдан дарс бера бошлади. Бунга қадар, бизникига келса ҳам, кўчада учрашиб қолсак ҳам, у мени бағрига тортиб ачомлашар, бошимни кўкрагига ишқалаш учун оёғимнинг учида бўйланиб суйкана кетардим. Ўқитувчимга айлангач, шунчаки илжайиб саломлашадиган, расмни қойиллатиброқ чизсам, елкамга қоқиб мақташдан нарига ўтмайдиган бўлиб қолди. Бундан хижиллигим кўзирди, этимни «чим-чим»латиб кучоклашини кўмсардим.

Кўп ўтмай, дард устига чипқон бўлиб, Мақсуда опанинг Тоҳирбек деган бир ошиғи шолিপоядаги курмакдек бўй кўрсатди, ашаддий рақобатчимга айланди. У мактабимизга тез-тез келиб, дарс вақтида ҳовлида сўппайиб ўтирар, танаффусда ўқитувчимизни четга тортиб, мижикиланиб гаплашишга тушарди. Рашкдан ёниқиб, йигитга четдан гоҳ ўқрайиб боқардим. Иккови тобора иноқлашиб боравергач, зардам тутиб, ўзимнинг

кирчимол синфдошим Қ. дан қолмаганим яхши, деган қарорга келдим.

Мақтабдан жавоб бўлди дегунча, Қ. нинг изига тушардим, кувиб бориб ушлолсам, кучукни кийнагандек пийпалай кетардим. Уни тутолмасам, биринчи учраган бошқа қизга ёпишардим. Устимдан арз қилишавергач, дарслар тутаганидан сўнг қизлар то узоққа кетиб олмагунларича, ўқитувчилар мени хонадан чиқармай турадиган бўлишди. Дам муаллимлардан ачитқи танбехлар эшитиш, дам қизларнинг ота-акаларидан тарсаки ейиш жонимга тегиб, охири бошқача усулга ўтдим, яъни танаффусда бирон-бир қизнинг синфда ёлғиз қолишини пойлаб, шартга кучоқлаб олишни ўргандим. Бунақа пайтда, гувоҳлар йўқлиги боис, қиз шўрлик бировга арз қилмай, ўзи боплаб-тоблаб қарғаш билан кифояланиб қолаверарди.

Агар, одамзод қизларнинг қарғишидан ўладиган бўлса, мен чивинтўра бошланғич синфдаёқ увол кетмасмидим?



ГЕНЕРАЛЧАСИГА ЧЎМИЛИШ

*Сузиш қўлингдан келмаса,
тирик оқишини уддала.*

КУЛКУЛ афанди

Опаларим Қувирбошидаги саккиз йиллик мактабда таҳсил олишарди, мен эсам, учинчи синф-

даям ўша мачит-мактабда ўқийвердим. Бу орада баланд мачитга туташ пасткам бино таъмирланиб, яна битта ўқув хонаси пайдо бўлган, биринчи, иккинчи синфларга тушгача, учинчи синфга тушдан сўнг дарс ўтиларди. Янгилар биздан пастрок синфлар бўлгани учун улар орасида рақибларим ҳам йўқ эди.

Ҳануз ўша-ўша Анвар эдим. Қимматбаҳо уст-бошларим жавонда қават-қават тахланиб ётса-да, одми кийинишга, ўзгалардан ажралиб турмасликка уриниш одатим сақланиб қолганди.

Бир куни дадам мени туман марказидаги артелда ишлайдиган эркак бичиқчига бошлаб бориб, бастимга ўлчатиб кийим тиктирди. Костюмининг тугмалари ялтироқ, шими аскарларникидек галифели бу либос қанчалар кўркам бўлмасин, кийиб чиқсам, болаларнинг кўзи куйиб, менга яна ғалати қарашларини ўйлаб, ичим қоронғулашди. Бегона жойга меҳмонга борганда ёки дадам иш-хонасига олиб кетганида ясантиришса, қаршилиқ қилмасдим.

Қайсарланишга қанчалар уринмай, Наврўз куни бир алдаб, бир тергаб, барибир янги либосимни кийдиришди. Ярашганини кўр, доим шунақа курчоқ бўлиб юрсанг ўласанми, деб куйинди аям. У даврда Наврўз расмий байрам эмасди, аксинча таъқиб остида эди. Шунга қарамай, экинчилар байрамни «қўш солди» деган бошқача номда ниқоблаб, далаларда зиёфат уюштиришар, кўкатдан мантию сомсалар пишириш авж олар, аёллар маҳалланинг уч-тўрт хонадонига бўлиниб,

дошқозонларда сумалак солишар, чирманда ово-зи, ўйин-кулги садолари тонггача тинмасди. Наврўз ҳафтанинг қай кунига тўғри келишидан қатъи назар, катталару болалар эрталабдан бозор сари йўл олишарди, ҳукумат вакиллари милиционерлар ёрдамида уларни уй-уйига тарқатишга уринса-да, сотувчи ва харидорлар у ёқдан-бу ёққа қочиб юриб бўлса ҳам сайлу савдони давом эттираверишарди.

Дадам берган байрамликни чўнтакка тикиб, кўчага чикдим. Ариқ ёқасида гаплашиб ўтирган кўшнилари Бозор Мирза билан Дехқон Ҳасан мени кўриб, ваҳ-ваҳлай бошлашди.

– Во-о-о! Мис тугмаларнинг ярқирашини қаранг! – дея артистланиб ёқа ушлади Дехқон тоға. – Аскарнинг ўзгинаси-я!

– Аскар нима бўпти! – гапни баттар кўпиртирди Бозор тоға. – Гинрол бўпкетибди, гинрол! Бай, бай, бай!

– Гинрол дегани, бу – аскарларнинг бошлиғи-да, а?

– Бошлиғи бўлгандаям, энг катта бошлиғи!

– Во-о-о! Бу Анварвой шунақа зўр бўпкетдими?

Бу гаплардан попилдириғим хўппайганини сездирмасликка тиришиб, уларнинг ёнидан индамай ўтдим, сал нарида тўхтаб, мачит ёнида қалдирғочлардек вижирлашиб турган катта-кичик болалар томонга синчковлик билан назар солдим. Борсам бўлди, улар ҳам манавиларга ўхшаб «бай-бай»лашни, ҳар хил пичинглар қилишни бошлай-

ди. Биринчи галда Машраб ака ёки Қосим ака: «Ҳа миллионернинг тантиғи, ўзингни тошойнакка солиб чиқяпсанми», дейди, кулги кўтарилади.

Нима қилишимни билмай, ортга қайтдим, ариқ устидаги кўприкка чиқиб, баҳор тошқинидан бўтаналашган лойқа сувнинг тўлиб-кўпириб оқишини кузатганимча, гарангсиб туравердим.

– Кўприкда арслонланиб туришини қаранг! – кулоғимга Дехқон тоғанинг дабдабали овози чалинди. – Чўмилмоқчи бўляпти шекилли? Ё пўкаласлик қилиб, қўрқяптимикин?

Бу сўзни эшитиб, юрагим бирдан ғавғавланди, ростдан ҳам сувга калла ташлаб, буларга кимлигимни кўрсатиб қўйсаммикин, деб ўйладим. Сўнг, уйда юзимга тарсаки тушиши мумкинлигидан безиллаб, иккиландим.

– Ийе, Анвар полвонни билмасакансиз-да, мулла Дехқон? Ҳеч нимадан қўркмайди бу бола, бунақа ботирни умримда кўрмаганман. Ана, қараб туринг, кийим-пийими билан ўзини сувга ташлайди ҳозир.

Бу гапларни айтган Бозор тоғанинг ишончини оқлаб, мени назарга илмаётган Дехқон тоғани ўлгудай изза қилиш иштиёқи далда бўлдим, ўзимни сувга отдим. Тўлиб оқаётган ариқнинг қирғоғига тирмашишга улгуролмай, кўприкнинг остига кириб кетдим. Дехқон тоға талвасали қиёфада ариқ ёқалаб чопиб келиб, ўзини нариги кўприкнинг устига ташлади, жуда тез оқаётган сувдан мени зўрға тортиб олди. Кейин, кутилмаганда, қаҳ-қаҳ уришга тушди.

– Ҳей, отаси, сўкманг бекорга,
Ўзлингизнинг жойида эси.
Отилмасди асов анҳорга,
Чўкмасликка етмаса кўзи...
Майли, ўйнаб-кулсин бургутча!

– Отангга тик боқма, болакай,
Биламан, гирт қайсарсан азал.
Биламан, ҳеч ўйлаб ўтирмай,
Отилгансан сувга таваккал...
Умринг узоқ бўлсин, бургутча!

(1977)

Кўп ўтмай уйдан одмироқ кийимда қайтиб чиқиб, ўзимни ўртоқларимнинг ичига урдим. Ушбу воқеа эсимга тушса, сендан зўр шоир йўқлигини исботлаш учун ўзингни томдан ташла, десалар, неча қаватли уйнинг устида турганимни ўйлаб ўтирмай, ҳозир ҳам ўзимни пастга отишдан тоймасам керак, деб ўйлаб қўяман.

Сталиннинг мен туғилган йили янгиланган пули амалда эди. Ҳайит-байрамларда дадам укаларимга озроқ, менга эса опаларим қаторида ўн сўм ҳайитлик берарди, бошқа яқинлардан ҳам яна беш-олти сўм ундирардим. Бир сўмга бешта хўрозқанд ёки бир чўнгпиёлада шўрнўхат; икки стакан кунгабоқар пистаси ёки қаламдан узунроқ ва йўғонроқ бўлган, попукли рангдор қоғозчага ўраб сотилгучи иккита чайнамайшиминг; иккита тухум ёки битта патир нон олса бўларди. Аммо, егуликдан кўра кино кўриб келишга кўпроқ ишқибоз эдик. Чипта икки сўм турарди. Гузар-

да болалар йиғилгач, каттароқлари уларга бош бўлиб бозорга бошлашдан олдин кимнинг қанча пули борлигини суриштиришарди, пули озларни қаторга қўшмай, ташлаб кетишарди. Пули камлар мўлтираб қолса, ичим ачишарди, булар менинг пулимга шерик бўлади, деб катталарни кўндирардим.

Ўртоқларимдан бирортасиникига кириб борсам, ота-оналари бундан қувониб, мени ўтқазгани жой тополмай қолар, доим шундай иноқ бўлишимизни қайта-қайта тайинлашарди. Дастурхон ёзишса, у-бу нарсадан шунчаки тотиб кўрган бўлиб, ўртоғим билан томорқа томонга ўтардим, уй эгалари тезроқ бирон-бир юмушга киришмоғини тоқатсизланиб кутардим, терлаб-терлаб ишлагим келарди. Уйда бунга имкон йўқ, Усмон тоғам ёраётган ўтинни бостирма остига ташимоқчи бўлсам, ташла, қўлингга зирапча киради, деб; сигиримга ўт юлиб бермоқчи бўлсам, қоч, сузиб олади, деб; шамолда тоб ташлаган сўриток айрисини ўнгламоқчи бўлсам, кулаб тушса, бошингни ёради, деб қувғин қилишади.

Қўшниларикига кирганда бирон ишнинг устидан чиқсам, суюниб, ғайратланиб кетардим. Бириникида катталар ёнига чўнқайиб олиб, қуритиладиган ўрикларни похол тўшамалар устига авайлаб теришни бошлардим. Ўрикнинг пиндигини тепага қилиб тер, шунда шираси оқиб кетмайди, деб ўргатишарди. Бириникида сабзи, бошқасиникида пиёз ёки картошка қазиш ҳашарида қатнашардим. Ҳатто кишда совуқдан

дилдираётганимни сездирмасликка тиришиб, кўшнилари турупини ҳовузчада ювишга кўмаклашардим. Баъзан синфдошим Раҳимларникида отаси Аҳмадали темирчининг ўчоғига дам босиб бериб, олқишини олардим. Кўшни хонадонлар мен учун бошқа бир мамлакат эди гўё. Дунёда ялма, умоч, нонпалла, ёвғон шўрва, пиёз ва помидорга ун аралаштирилиб, қаймоқда қовурилган буламик сингари таомлар ҳам борлигини ўша «бегона юртлар»да кўриб билганман. Улар гўштсиз бўлишига қарамай, ишлашдан иштаҳам очилган чоғда оғзимга шунақаям мазали татирдики!

Дадамга эргашиб пахта пунктига борганда ҳам кишиларга дастёрлик қилишга ошиқардим. Айниқса, мазортагилик Кўчқор мўйлов деган ёши ўтинқираганроқ киши билан ишлашни яхши кўрардим. У пахта ғарамидан бўшаган кенг супа саҳнидаги терилма тошларнинг кўчганларини жойига болғалаб ўрнаштириш билан банд бўладими, супа теграсидаги ажриқларни кетмонлаб қиртишлашга тутинадими; шошмасдан ишлаб, қизиқ-қизиқ феъл-атворли одамлар тўғрисидаги воқеаларни тоблаб-тоблаб сўйлашга тушар, ола кўзларини ярқиратганича, хириллаб-хириллаб қуларди; орада йўтали тутиб, «ўхў-ўхў»лаган асно ерга ўтириб қоларди.

– Ёшлигимда ҳўкизни уриб йиқитадиган полвон эдим, сигарет тамом қилди мени, – ёш бола деб ўтирмай, тенгдоши билан сўзлашаётгандек арз қилди у бир куни. – Одам бўламан десанг,

шу кетпурушга яқинлашма, Анварвой. Илонни кўрсанг, зинғиллаб қочасан, тўғрими? Сигарет деганиям заҳарли илон, оғритмасдан чақиб, секинроқ ўлдиради, холос.

Ўшанда дадам келиб қолиб, икковларинг жуда иноқсизлар-да, деб жилмайди ва Қўчқор мўйловни идора ходимлари учун пиширилаётган тушки шўрвага таклиф этди. Дадам кетгач, у елкамга қўл ташлаб, ошначиликда хосият кўп, сен билан қалин бўлмасам, мени ким ҳам текин шўрвага чақирарди, дея яна хириллаб кулди.

Гапларини эшитиб турсанг – ёқимли одам, туркига қарасанг – кўрқинчли.

Қўчқор мўйлов бир-икки пиёла араққа қўшиб, шўрвани шоша-пиша ичди-ю, каттаконларнинг ўзаро гаплари бўлади, мен халақит бермайин, деб туриб кетди. Шунда, ўт ўчирувчилар бошлиғи Шерматов у тўғрида сўз бошлади. Айтишича, Қўчқор мўйлов бой кишининг фарзанди бўлган экан, иш қилишда ҳам, муштлашишда ҳам ҳеч ким унга бас келолмас экан. Қишлоқнинг обрўли хонадонларидан бирига куёв бўлиб, ҳамманинг оғзига тушган ўта гўзал қизга уйланибди. Отаси ўтганидан кейин ичкиликка, улфатчиликка берилиб кетиб, бор-бутини совурибди. Лекин, қанчалар оғир кунларни кўрмасин, хотини барибир уни жуда иззат қиларкан, ёш болани овқатлантиргандек, силаб-сийпалаб таом тутаркан, касал бўлиб қолишидан чўчиб, кўчага ўраб-чирмаб чиқараркан, мастлигида озор берса, эртаси юзига солмас экан.

– Ҳа, шунақа хотинлар бор, – деб хўрсинган эди ўшанда Ҳокимназар омборчи. – Лекин, мингтадан битта. Балки, милёнтадан биттадир.

*Кўп азият тортасан,
Меҳрибоним, бечорам.
Афсус, жуда соддасан,
Меҳрибоним, бечорам.
Менга аён тилагинг:
Бўлмоқчисан тирагим,
Меҳринг ўзи – кўмагинг,
Меҳрибоним, бечорам.
Тушунмайсан, қизгина,
Ҳар қадамда кин, гина,
Гул деганинг гоҳ игна,
Меҳрибоним, бечорам...
Ҳақлик енгар ўлимни,
Ва ёритгай йўлимни,
Маҳкам ушла кўлимни,
Меҳрибоним, бечорам.*

(1976)

Бирон-бир нарса билан шуғулланишга ўчлигим, бировларнинг хизматига шайлигимдан баъзилар чаккироқ фойдаланган пайтлар ҳам бўлган. Пахта пункти яқинида мотоцикл ва велосипедларни тузатадиган устахона бўларди. Бир куни уста мени ёнига имлаб:

– Сизбоп бир иш топиб кўйдим, тойбола, – дея кўлимга игнатугма тутқазди. – Шуни валасапеднинг ғилдирагига тиксангиз, «пис-с-с» этиб дами чиқади, яна бошқасига тиксангиз, тагин «пис-с-с» этади. Ҳих-ҳих-ҳи...

Дадамдан тортиб ишчиларнинг талай қисми пунктга велосипедда келарди. Мен пайт пойлаб юриб, уларнинг ғилдирагини тешаверибман-у, бу билан устанинг чўнтагига барака киритаётганимни билмабман.

Эркатоилигим, уйда айтганим айтган, деганим деганлиги ҳам айримларга унум келтирарди. Маҳалламиздаги катта болалар қишлоқ клубида бугун жуда зўр кино бўларкан деса, тунда ёлғиз юришдан қўрққаним боис, уч-тўрт кишига етadиган пул олиб чиқиб, Муҳаммаджон ака, Зокир қора каби ўсмирларни шерик килиб олардим. Кинохонада бошқа маҳалланинг болалари билан жанжаллашиб қолсам, кузатувчиларим уларни ўша заҳоти талаб ташларди. Бора-бора, барчага танилиб, ётлар менга пашшалашмайдиган бўлди.

Файзибой отамизнинг ўғли Ўринбой акам ҳаво жуда исиб кетганидан нолиб, пул бўлганда, истансага бориб бир марўжна ялардик, деса, уйдан ўша заҳоти ундириб чиқардим. Усмон тоғамиз Риштондаги Маҳбуба холамини тез-тез йўқлагиси келиб қолар, яқинда бордингиз-ку, деб аям йўлкира беришдан қочса, дадамдан ўзимга деб олиб, пулни секин унинг қўлига қистирардим. Тоғам севинчдан титраниб, ичида нималардир деганича юзига фотиҳа тортиб қўярди.

Кейинчалик пулли юришнинг бошқа йўлини топдим. Аввалига, дадам ухлаган чоғда чўнтагига бир қўл солиб қўядиган бўлдим. Кейинроқ «пул овлаш»ни кундуз кунига кўчирдим. Жавонимизнинг кундалик харажатлар учун пул

сақланадиган ғаладони қулфланса-да, латта-лутта турадиган пастки қисм эшикларини негадир очик қолдиришарди. Бир куни пастки эшикни очиб, тепадаги ғаладоннинг ён томонидаги ковакдан аста кўл тикдим ва тахланиб турган пуллардан биттасини суғуриб олдим. Уч-тўрт кун ўтдики, бировнинг демайди-да. Ўшандан сўнг, зарур бўлганида, икки-учталаб оладиган бўлдим. Шунда ҳам сезишмаганига қараганда, дадам берган пули нималарга ишлатилаётганини ортиқча суриштирмас, аям ҳисоб-китобни жойига қўйиб сарфлашни яхши билмас эди, шекилли.

Одамлар нега бу қадар қашшоқлигининг сабабини ўшанда тушунмасдим. Вақти-соати келгач билдимки, шўрочилар ҳокимиятни қўлда сақлаб қолишда ҳам, давлатчилигини мустаҳкамлашда ҳам, биринчи галда қишлоқ аҳлини талаш услубларидан кенг фойдаланган экан. Фуқаролар уруши даврида Лениннинг қишлоқлардаги ортиқча озикларни мусодара қилиш сиёсати асосида махсус куролли бўлинма аскарлари уйлarga қароқчиларча бостириб кириб, қўлга илинган егуликни олиб кетаверишган; кейинчалик бойроқ табақаларнинг мол-мулки «қулоқ»ликни тугатиш (кулак, яъни муштумзўр) шиори остида тортиб олиниб, ўзлари сургун қилинган; Иккинчи жаҳон уруши даврида экинчилар колхоз далаларида бир чўмич гўштсиз овқат-у, яримта кулча эвазига 15–16 соатлаб текин ишлатилгани етмагандек, фронтга ёрдам деган баҳонада хонадонларга гўшт, тухум, сут, кўрпа-тўшак солиғи солинган.

Йил якунидаги ҳисоб-китобда (уни «йиллик отчёт» дейишарди) колхозчиларнинг қўли озгина нақд пул кўриб қоларди, бошқа вақтда меҳнат ҳақи эвазига буғдой, чит, пахта ёғи, совун каби маҳсулотлар бериларди. Кишилар бири қўй-мол боқиб, бири томорқасида мева-сабзавот етиштириб сотиш орқалигина нақд пулга эга бўлишарди. Бир караганда, меҳнат ҳақи мўмайгинадек кўринса-да, унинг тенг ярми чегириб қолиниб, ўрнига қачон пулга алмаштирилиши номаълум бўлган «заём» деб аталувчи гулдор қоғоз бериларди. Кўпчиликнинг кўнглини кўтариб турган нарсаянана шу қоғоз эди, мен фалонча сўмлик заём йиғиб қўйдим, деб бир-бирига мақтаниб юришарди. Ваъдага биноан, давлат урушдан кейиноқ бу қарзларини узиши лозим эди, аммо 60-йилларга келиб, Хрущёв заёмларни пулга алиштириш муддатини яна йигирма йилга чўзди. Шуниси қизиқки, сал ўтиб, 20 йилдан сўнг СССРда коммунизм қурилади, фуқароларимизнинг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди, деб эълон қилинди. Коммунизмда эса, таомилга кўра, пул бўлмайди, онги энг юқори даражада юксалиб бўлган кишилар имконига яраша ишлаб, эҳтиёжига яраша ебичиб яшайверади. Яна 20 йилдан кейин пулнинг кераги бўлмас экан, заёмнинг қарзини тўлашга нима ҳожат қолади, дейдиган доно топилмасди. Баъзилар заёмларни сандиқнинг тубига жойлай бошласа, баъзилар бутунлай умидсизланиб, уларни тутантириқ қилишга тушди. Заёмбозлик халқ хўжалигининг барча жабҳаларига ёйилгани

ҳисобга олинса, совет халқи дунёда энг кам солиқ тўлайди, деган гапларнинг ёлғонлиги, ўшанда заём найранги туфайли кишиларимиз 50 фоиздан зиёд солиқ тўлаб келганлиги ҳақидаги гаплар ўринли бўлиб чиқади.

Қишлоқ аҳолиси бу мамлакатда одам ҳисобланмасди гўё. Бошқасини қўйиб турайлик, 70-йилларнинг ўрталаригача, айрим тоифаларни истисно қилганда, уларга ҳатто паспорт берилмасди. Яхшироқ ҳаёт излаб шаҳарга кетиш туғул, ўз туманидаги корхоналарга кириб ишлашда ҳам мингта тўсикка дуч келишарди. Бундай корхоналарда русчани пухтароқ биладиган, «орқаси бор»роқ ўзбеклар ўртача 15–20 фоизни ташкил этиб, кўпроқ четдан кўчиб келган руслар ишларди. Ойликни тўлиқ нақд пул билан олувчилар айнан шу ишчилар ва давлат ташкилот-муассасалари ходимлари эди холос. Ўқитувчилар ҳам шу қаторда бўлиб, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш билан бирга, болаларнинг тузумга нисбатан муҳаббати ва ҳурматини оширишга нечоғли ҳисса қўшаётгани каттиқ назорат қилиб бориларди.

Турмуш оғирлигига қарамай, кишилар унча нолимасди, аниқроғи – ошкора нолишдан ўлгудек кўрқишарди. Бориға шукур қилишга, ортиқча жаврамасдан, ваҳима кўтармасдан яшашга уларни пухта ўргатиб бўлишган эди. Одамзодни ёмон аҳволга кўниктириш учун олдин бундан ҳам ёмонроқ кунларни бошига солиш кифоя, дейишади-ку...

Ўйинқароклик қилиб, баъзан қоронғида қайтсам, уйдагилар: «Фалон жойларда ўйнама, пистон

кўчадан юрма, ажинаси бор», деб кўрқитишарди. Ажинаси кўп замонда яшаётганим, олдимда ажинаси бор йўллар турганини ўшанда менга ҳеч ким тушунтириброқ айтмагани қизиқ. Айтса, ажиналардан сергакроқ ҳимояланмоққа, зарурат туғилса, дангал олишувга киришмоққа, енгиб ўтиш усулларини ўрганмоққа тиришиб, ўзимни ҳаётга пухтагина ҳозирлаб борган бўлмасмидим.

Асли, сўзлаётган бу гапларининг туб моҳиятида чуқурдан-чуқур маънолар, улкан-улкан фалсафалар яшириниб ётганини уйимиздагиларнинг ўзлари ҳам билмасди. Билса, кенгроқ, батафсилроқ уқтирган бўлишарди, албатта. Уйини – мамлакат, қишлоғини дунё деб тасаввур қилганича яшаётган бу кимсаларнинг билими «тирикчилик назарияси»ни баҳоли қудрат ўзлаштириб олишдан нарига ўтган эмасди.

Илгарилари китоб эшитишни ёқтирган бўлсам, саводим чиққач, китоб ўқишга тобора берилиб боравердим. Гаров ўйнаб, уч кило гуручнинг ошини бир ўзи еб ташлаган Абдукарим бешқорин деган киши пахта пункти қаршисидаги магазинда мудир эди. У, дадамга гапимни қанчалар ўтказа олишимни синаб чарчамас, менга гоҳ чиройли матони кўз-кўз қилиб, дадангни маҳкам ушлагин-у, шуни аянгга олдириб бериб, бир суюнтир, деб ишқов берса; гоҳ жун рўмолни кўрсатиб, манавини бувингга совға қилайлик, тезда дадангни ишга сол, дея қистовга оларди. Дадамни кўндирмасдан қўймасдим.

У замонларда аралаш моллар дўконида китоб хам сотиларди. Китоб ўқишга ишқибозлигимни билган Абдукарим бешқорин: «Манавининг ичи ғиж-ғиж эртақ. Манавининг расмлари кўплигини кара», деб менга дам у, дам бу китобни тикиштирарди. Нархини орқа муқовадан кўриб, пулни тезда олиб чиқардим. Китоб оламан десам, дадам пулни сира аямасди, ўша заҳоти рози бўларди.

Бир куни дадам билан дўконга кириб, болишдек келадиган, чарм муқовасида Сталиннинг бюстсимон сурати бўртиб турган, дохийнинг сиёсий мақолаларидан иборат китобга суқланиб қолдим. Абдукарим бешқорин буни сезиб, энг зўр китоб мана шу дегандек, бошмалдоғини кўрсатди ва қошида дадам томонга имлаб қўйди. Шу китобни олиб берасиз, деб туриб олдим; дадам эса, бунақа китоблар мактаб кутубхоналарида тикилиб ётибди, уларни ўнинчи синфга борганда ўқийсан, ҳозир тушунмайсан, деб тез-тез одимлаганича ташқарига юрди. Ортидан чиқиб, олиб берасиз, деб додлашимга кулоқ солмай, ишхона томонга йўналди.

Абдукарим бешқорин очик деразадан сузилиб, ҳали аҳвол шуми, дегандек лабини бургани янада алам қилди, ҳўнграганимча тошўйлига чиқиб бориб, уйимиз сари чопқилладим. Юзимни юмдалагудек алфозда йиғлаб борарканман, йўл четидаги катор-катор тутлардан бирининг устидан чумчук боласи тап этиб олдимга тушди. Кимдан ўч олишни билмай турганимданми, тош билан бир уриб, чумчукчанинг бошини шағалга чаплаб қўйдим. Урдим-у, шу заҳоти ўзимга келиб, полапоннинг

патини силаганимча баттардан йиғлаб юбордим.
Йўлда ҳам, уйга келиб ҳам чумчуқчага ачиниш-
дан тўхтамадим.

Бу фожиани неча вақт унутолмай юрдим.
Бир куни туш кўрдим – чумчуқчани қайта-қайта
ўлдираётган эмишман, у яна тирилиб қолаверар-
миш. Охири пириллаганича ҳавога кўтарилиб, тут-
нинг энг баланд шохига кўниб олибди.

Уйкудан енгил тортиб уйғонсам-да, зум
ўтмай ичимни яна зулмат қоплади. Абдука-
рим бешқоринни ўзимча қарғашга тушдим.
Олакўз! Ишмақорин! Шу одам менга китобни
кўрсатмаганида, дадамга ўчакишмаган бўлардим.
Ўчакишмасам, чумчуқчаниям ўлдирмасдим.

Шўрлик чумчуқжон! Онаси роса йиғлаган-
дир...



БИРЛАШГАН ҚЎШИН

*Тушингни сувга айтқонда,
покизарогини айт.*

Гулмат ШОШИЙ

Болалигимда ғалати-ғалати тушларни кўп
кўрардим. Бари рангли эди шекилли, аксарияти
тўлиғича эсимда қоларди. Баъзилари ойлаб, йил-
лаб қайта-қайта ёдимга тушаверарди.

Дадам «мисилча» (мусича) деб атайдиган
Акрам укам доим бўйнини қисиб юрувчи, зим-

дан мўлтайиб тикилувчи ювошгина бола эди. Сал нарсадан чўчинқираб, ёнидагиларга жовдираб боқиши кишининг раҳмини кўзирди. Шунга қарамай, анча дайди эди, ўйинга берилиб кетса, кўчадан келмас, кечки овқат маҳалида уни кидиришга тушардик.

– Қоронғи тушганда кўчада санғимагин, – дея уни кўркита бошларди аям. – Нуса қарис сенга ўхшаганларни пойлаб юради. Ушлаб олса, ўғирлаб кетади.

– Тағин шунақа қилсанг, ўзимиз сени пиёзфуруш Нусага сотворамиз, – деб кўшимча киритарди опаларим.

Бу гаплардан Акрам қолиб, менинг юрагимни ҳам кўрқув қопларди (ўша даврда корейслар асосан пиёз, шоли экиш билан шуғулланар, Нюся дегани деҳқончилигини эшакаравада маҳаллама-маҳалла сотиб юарди). Шунданми, бир куни туш кўрсам, аям ҳовлимиздаги сўриток остида хўппа семиз Нюся билан сўзлашиб ўтирганмиш. Бир пайт, бу қарис аёл аямга пул санаб берди-ю, нарироқда машиначасини ўйнаб ўтирган Акрамнинг кўлидан ушлаб, кўча ёққа етаклади. Ортларидан чопқиллаб чиқсам, россиячи бодрингфурушлар ёллаб ишлатадиган, усти брезент ёпинчиқли «ГАЗ – 51» такси юк машинаси, орқа бортининг ўртасидаги эшикчаси очилганича, кўчада турибди. Нюся укам билан бирга кузовга кўтарилиб, эшикчани ёпаётганда: «Ҳей, Акрам, тезроқ машинадан туш, аям сени қарисга сотворди!» – деб

кичқирдим. Укам менга кулиб қараганича тураверди. Машина кўзғалганда, орқасидан жон ҳалпимда югуришга тутиндим:

– Акра-а-м! Машинадан сакра! Сени қамаб кўйишади!

Машина шитоб билан узоқлашаркан, укам борт эшикчаси устидан бўйланганича, кўзларини жовдиратиб, кўл силкита бошлади.

Уйғонсам, ҳадеб ҳансираяпман, кўзларим жиққа ёш. Акрам ёнимда ухлаб ётганини кўриб ҳам, барибир анчагача ўзимга келолмадим. Ўпкам босилгач, яна айрилиб қолишдан кўрққандек, уни пинжимга тортиб, маҳкам кучоклаб олдим.

Бошқа бир тушимда синфдошим Қ. га уйланаётган эмишман. Хотинлар «ёр-ёр» айтиб, уни уйимизга олиб кираётган эмиш-у, акаси келиб қолиб, мени калтаклай бошламасмикин деган хавотирда нукул теvarакка аланглаб боқармишман.

Тушларимдан яна биттасини ҳамон қаттиқ ҳаяжонга чулғаниб, юрагим ўзгача тўлқинланиб эслайман.

Яланг жойда турибман. Атрофимда – одамлар. Бирдан барчаси: «Ана! Худо! Худо бу!» – дея хитоб қилганларича осмонга кўл чўзишди. Тепага қарадим. Осмон тиниқ, кўм-кўк. Биттагина оқ булут аста сузиб келяпти. Ҳаётда бунақанги товланувчан рангни сира кўрмагандим – булут ниҳоятда оқ, окдан ҳам окроқ, кўзни қамаштирадиган даражада жимирлоқ эди. Чўзинчоқроқ шаклдаги ушбу булутнинг олд томонида бошсимон қисм, кўз-қошлари яққол ажралиб кўринмаса-да, ки-

шини ўзига маҳлиё қилувчи жозибали бир қиёфа порлаб турибди. «Худо! Э, Худо!» – деганимча бир зум қотиб турдим, сўнг унга нимадир дедим. Ҳамма воқеа, шакл ва ранглار эсимда, фақат, нима деб гапирганим, нечундир, ёдимда йўқ. Лекин, аниқ биламан, нимадир ёки нималардир дедим. Оллоҳимнинг рамзи устимдан текис сузиб ўтаркан, ўта сокин ҳаракат ила бошини икки-уч бор қимирлатиб қўйди. Маъқуллаб бош қимирлатди.

Ўшанда ҳали мактабга бормагандим, чамаси.

Шоирчиликка муккадан кетган ўсмирлик чоғимдан бошлаб тушимда гоҳ-гоҳ шеър тўқиб турардим. Бир куни тушимда қайтариқлаб-қайтариқлаб олганим боис, уйғонибоқ, тайёр шеърни шоша-пиша қоғозга туширдим. Ҳануз онда-сонда уйқумда шеър тўқийман, аммо эндиликда уйғонганим ҳамоно сатрлар тизими миямда ўз-ўзидан эриб кета бошлайди, гоҳо кичик қисми мазмунини элас-элас илғашга улгуриб қоламан.

Ёшлигимда тушимда ўлиб ҳам кўрганман. Ўзимнинг жасадимни ўзим бир четдан кузатиб турибман, денг. Худди ухлаётгандек, миқ этмасдан, кўрпада узала тушиб ётибман. Сочим негадир оқ эмиш. Теварагимда бир гала одам, барининг кўзида ёш, лекин уларнинг бирортаси ҳам менга таниш эмас. Дадам қани? Аям қаёқда қолди?

Туш нима? Бу саволга ёруғ дунёнинг бирон-бир мутафаккири жўяли жавоб топа олган эмас, ҳар ким ўзича фаразлаб кўради, холос. Менимча эса, туш нариги дунёнинг мавжудлигидан бизга

муттасил дарак бериб турувчи; шу билан бирга, гоҳо ўтмишимизни эслатиб, гоҳо орзу-ўйлари-мизга туташ бўлмиш келажагимиз ҳақида сирли ишоралар қилувчи; хаёлдан ўтказганларимизни дам тасдиқлаб, дам инкор этувчи; неларгадир чорлаб, нелардандир огоҳлантирувчи илоҳий бир мўъжизадир, вааллоҳу аълам.

*Гўрўғли дер тушимда:
«Жангчимисан, тушунмам –
Қалқонинг бор, қилич йўқ...»*

* * *

*Ҳордиқ бермай оёққа,
Югурияпман қаёққа,
Бобом ётган жойгами?*

(«Уччаноқлар»дан)

Кечмишимни ёзипман-у, булар ҳам ҳаммаси тушга ўхшаб туюляпти. Ана, 4-синфга ҳам кўчдим. Эски мачит билан хайрлашиб, Қувирбошидаги ўрта мактабга қатнай бошладим. Мактаб деса дегудек узун бино, деворлар оқланган, эшик-деразалар бўялган, еттита синф хонаси, директор ва ўқитувчилар учун алоҳида-алоҳида кабинетлар, ҳовлиси кенг, бир четида волейбол майдончаси, бир томонида сумка ёки кийимлар уюмидан дарвозачалар ясаб, бемалол футбол ўйнаса бўлади. Ўқувчиларнинг бир қисми тушгача, қолганлари тушдан кейин таҳсил олишади.

У ёқда «яккахўжайин» бўлиб, яйраб юрган эканман. Бу ёқда синфлар кўп, ҳар қайси синфнинг ўз кузури бор. Мен «Б» синфда етакчирок

бўлсам, тўртинчи «А» синфининг муштумзўри Зокир деган бола экан: ўта ҳаракатчан, корачароқ, товуши ўткир, кўзи доим пилдираб туради. Тагини суриштирсам, бу бола ўқитувчимиз Мақсуда опага шайдоланиб юриб, Тожикистонга кетиб қолган ўша Тоҳирбек деган йигитнинг укаси бўлиб чиқди. Зокир ҳам менинг обрўйим тўғрисида у-бу сўзлар эшитган бўлса керак, кел, курашиб кўрамиз, деб қолди бир куни. Кураш тушиб, бир зумдаёқ гуп этиб йиқилдим. Яна курашамиз, дедим. Яна йиқилдим. Учинчи олишувимиз жуда узоққа чўзилди, охири ёнма-ён бўлиб йиқилдик.

Шу беллашув туфайли Зокир билан иноқлашиб қолдик. Бу ҳол, асосан, қувирбошиликлардан иборат бўлгани учун бошданок биз «келгинди»ларга тазйиқ ўтказишга уриниб юрган барча «А»чиларга ҳам таъсир этиб, «Б»чиларга дўстона муомала қила бошлашди. Бешинчи синфда ҳам шу ҳол давом этди. Лекин, гоҳ-гоҳ у синфдаги бирон-бир бола бу синфдагилардан биронтаси билан ёқалашиб қолар, ҳар гал ўзаро аҳиллигимизга дарз кетаётгандек туюларди. Нимадир сабаб бўлиб, еттинчи синфда ўқийдиган олакўз боладан шапалоқ едим-у, аламдан ғижинишим босилмасидан, бешинчи «А» билан «Б» ўртасида аҳилликни батамом мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бир фикр калламда ярқ этиб чакнади.

Майдалар билан пачакилашишни ўзларига эп кўрмагани учунми, юқори синф ўқувчилари бизга унча хиралик қилмасди, аммо бир-икки синф баландда ўқийдиганлар ҳар қадамда зўрлигини

кўрсатишга уринарди. Бир куни танаффусда мактаб ортидаги обжувознинг тўқмоклари гуппа-гуппа шоли янчишини Зокир билан биргаликда томоша қилиб туриб, кўнглига секин қўл солдим; каттароқ синфдагиларнинг кичикларга олифтачилиги ортиб бораётганидан гап очиб, бундан кейин улар биронтамизга тегадиган бўлса, иккала синф бирлашиб таъзирини берсакчи, дедим. У ҳеч ўйланиб ўтирмай, таклифимни тезда маъкуллади.

Ушбу битим икки кун ўтиб-ўтмаёқ амалда кучини кўрсатди. Катта танаффусда иккала синф болалари аралашиб футбол ўйнаётсак, бир ҳафтача олдин мени тарсакилаган ўша олакўз болага тўполонимиз ёқмай, сўкинганича келиб тўпимизни олди-да, мактаб яқинидаги ҳовлининг чавра деворидан ошириб тепиб юборди. Зокир иккаламининг беихтиёр кўзимиз тўқнашди. Мен сал ишора қилганимни биламан, у: «Сол, болалар!» – деб қичқирди-ю, олакўзга ташланди, ҳамма футболчи шу заҳоти рақибнинг устига ёпирилди. Бизникилардан иккала Абдулла, Раҳим, Абдураҳим; «А» синфдагилардан Зокир, Мутал, Исром зўр муштлашарди, қолганлар жангариларни қувватлаб турардик. Шўринг курғур олакўз нима воқеа юз бераётганини англаб улгургунча, болалар уни ерга йиқитиб, бир зумда пўстаксудраш қилиб ташлашди.

Жабрдийданинг пешанаси қонаб, этлари моталалоқ бўлиб кетгани, жанжалнинг сабаби директорнинг хонасида муҳокама этилгани боис,

бу воқеа мактаб миқёсида анча шов-шув бўлди. Шу баҳонада бешинчи синфдагиларнинг «бирлашган кўшин»и ҳамманинг оғзига тушди, юқори синфдагилар биздан кўрқишни балки хаёлига ҳам келтирмагандир, аммо балодан ҳазар дебми, хартугур қитиғимизга унчалик тегмай кўйишди. Биз ҳам иззатимизни билиб, уларнинг жаҳлини чиқаравермасдик. Мабодо, орамиздан кимдир катталар билан жанжаллашиб қолса, кўпчилик бўлиб бориб, иш кучаймасиданоқ ажратиб қўярдик, нега ўзингдан кичикка ёпишасан, деб зўравонга «қозоқ пўписа» қилиш билан чекланардик. Бу каби ҳолатлар майда нарсасдек кўринса-да, «бирлашган кўшин»нинг сафини янада жипслаштириш, жанговарлигини оширишда аҳамияти катта эди. Энди барча бирдек тушуниб бораётганди – бирликда ҳамма ўзини хавфсиз сезади.

Зокир мендан кучлироқ эканини ҳис этса-да, орамиз бузиладиган даражада асабимга тегмасди. Очиғини айтсам, унинг «А» синфдаги энг таянганлари билан қадрдонлашиб олганим учун орамиз бузилиб қолишидан энди олдингичалик ташвишланмай кўйгандим. Менимча, буни Зокир ҳам аллақачон пайқаб етганди.

Ўзгаларга жангаридек кўринардим-у, аслида, ҳануз кўрқоқ эдим, имкон қадар жанжал кўзғамасликка тиришардим; ҳар қандай тўқнашувдан олдин юрагим пўкиллашга тушарди, олишувга киришгач эса, одатдагидек, бирданига бошқача одамга айланардим, калтак таъсир қилмай қўяр, охиригача юлишардим. Мен учун

энг кулайи рақибларга гала бўлиб ташланишда иштирок этиш эди: ҳамманинг кўзи битта сенда бўлмайди, муштлашаётиб ўзингни жуда эркин сезасан; сал бўш кела бошласанг, ёнингда хашарчилар кўп, нуқсонингни ёпиб ташлашади.

Уйга келгач, бўлиб ўтган жангни кечаси ўйлаб ётиб, юрагим яна орқага тортарди. Биронтаси ортимдан ташланиб, аччиқ устида калламга тош-пош билан урса, нима бўларди? Ёки бошқа бир жиннироғи пичоқчасини ишга солса-чи? Ана, «тўққизинчи»даги Тўлқин ака Иброй «махорка»нинг елкасини пичоқда тилиб ташлади-ку! Яна кимдир синфдоши билан уришиб, кўзига ручка санчибди! Қўшнимиз Тўравой тоғанинг гапи эсингдами — жазаваси тутганда, сичқон дадасини қандай еб қўйганиниям билмай қолармиш.

Ўйланиб ётарканман, хоҳ ўзимизникилардан, хоҳ рақиблардан бўлмасин, қаттиқроқ калтак еган баъзи болаларнинг хўрланган алфозда туриши, изтиробли қиёфаси кўз олдимда жонланиб, ичим шилинарди. Ҳатто кўзим ёшланарди.

Раҳмдиллигим боис кўрқоқмидим, кўрқоқлигим боис раҳмдилмидим?

Турли эртақ-ривоятларда, кишиларнинг ўзаро суҳбатларида кучсизларга, муҳтожларга нисбатан шафқатсизлик қораланиб, меҳр-мурувват улуғланиши, буларнинг бири кўнгилни эзадиган, бошқаси кишига ички енгиллик бағишлайдиган тарзда баён этилиши; туғма таъсирчанлигим боис булардан беҳад тўлқинланиб юришим,

кечалари билан қайта-қайта ўйлайверишим калбимда дам чандик, дам чечак шаклида ўчмас из қолдириб бораверди. Иброҳим Адҳамнинг тамтамлик тахтидан тушиб одми бандага дўна бориш, ўзини дабдабабозлик, ётларга бефарқлик касалликларидан халос этиш истагида чеккан азоблари; Машрабнинг манманликка, ҳаром бойликка ҳирс қўйган, эл дардидан буткул йироқ бўлган очкўз ва қаллоб кимсаларга қаратилган ўтли нафрати остида ётган маъноларни чуқурроқ англаганим сайин, ҳалолликка, адолатга тобора шайдоланавердим. Бор баданига яра тошиб ётган Аюб пайғамбар жароҳатидан озиқланаётган куртлардан бири пастга юмалаб кетганида, шўрликнинг ризқи қийилмасин дея уни яна жойига олиб қўйганини Файзибой отамиздан; хотинлари қиз туғса, чақалоқни тириклайин кўмиб ташлаш даражасида ваҳшийлашган қабилаларни эзгуликлар сари етаклаш йўлида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) минглаб уқубатларга дош берганини, ҳатто қайсидир муттаҳамларнинг кесак отишига ҳам индамай чидаб тураверганини Сарвинисо бувимиздан эшитаётиб, кўзимдан ёш қуйилаверди.

Шу кабилар натижасида беозорликка, раҳмшафқатга талпингандан талпинаверишим калбимда аёвчанликни кунма-кун юзага келтира бориб, қўрқоқликка айланаверган бўлса-чи?!

СУРНАЙБОЗЛИК

*Одам боласининг нодирлиги
шундаки, ўлгунича яшайверади.*

КУЛКУЛ афанди

Бешинчини битиргач, умримда биринчи марта пионерлар лагерига бордим. Одат шунақа эди — ёзги уч ойлик таътил чоғида бошланғичликдан ўтган ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб, ҳар қайси гуруҳни бир ой-бир ой бепул дам олишга юборар эдилар. Боришни истамаганлар мажбуран жўнатиладди.

Дастлабки кунларда, ёзнинг жазирамасидан кутулиб, Қапчуғайқир оралиғидаги қалин дарахтзор ичида яшаш, сойда яйраб чўмилиш, серсоя жойга тикилган брезент чодирда ухлашдан олдин кўпчилик билан бурнингдан чиққунча гурунглашиб ётиш жуда ёқиб тушди. Бироқ, икки-уч кун ўтибоқ, уйдагиларни соғиниб кетдим; соату минутларга тақсимлаб чиқилган бир хил ҳаёт, тинимсиз равишда тартиб-интизом талаб қилиниши, эрта тонгда ширин уйқунгни бузиб уйғотишлари, зўрлаб бадантарбия қилдиришлари; овқатнинг сифатсизлиги, навбатчилигингда ифлосланиб ётган хожатхонани ҳам супуриб, кўнгил айниганидан овқат маҳали иштаҳасиз ўтириш, ўзингни бирон дақиқа эркин сезолмаслик, ҳатто тепангда пишиб турган ўрикни ўз ихтиёринг билан қоқиб еёлмаслик каби ҳолатлар тобора хунобимни ошираётганди. Сафланганча

сайл қилиб келишнияма хушламасдим, чунки маҳалламиздан тўрт километрча наридаги бу қирга 6–7 ёшимдан бошлабоқ чучмома теришга чиқавериб, уни томоша қилишнинг мен учун ҳеч қандай қизиғи йўқ эди.

Жуда зерикиб юрганимда, эрмак топилгандек ҳам бўлди. Таомилга кўра, лагернинг ўз гўрн (руслар «горн» деб атайдиган бурама сопли мис сурнай) чалувчиси бўлиши шарт экан. Келганимиздан буён гоҳ у, гоҳ бу бола эрталабда гўрнни бир пинғиллатиб, бир чинғиллатиб қўяётгандек эди. Лагернинг бошлиғи пионервожатийларга (пионерлар етакчиси) шуни уддалаб чаладиганни топинглар, деб буюрибди. Мени топишди.

Мактабимиздаги мусиқа тўгараги хонасида шунга ўхшаш гўрн чанг босиб ётарди. Бир куни уни латтада артиб, чалишга уриниб кўрдим; харчанд зўр бериб пуфламай, нукул вишиллоқ овоз таралади, нари борса, орада «ғақ, ғуқ» этиб қўяди. Мусиқа тўгараги раҳбари Мамадали ғижжак бу уринишимни кўриб, қуруқ пуфлашдан фойда йўқ, худди вириллоқ товуш чиқаргандек лабингни пирпиратиб пуфла, деб ўргатди. Айтганини қилдим, иш анча осон кўча бошлади. Қиёмига етказиб ўрганмагунча қўймайман деб, ҳеч кимга керак бўлмай ётган гўрнни бир куни яширинча уйга олиб кетдим, ўн кунча машқ қилиб юриб, охири пиёниста қўшнимиз Теша Қурбоннинг кесакбўронига учрадим-у, секингина жойига элтиб қўйдим. Мана, ниҳоят,

шу ҳунаримни тўлиқ намоиш қилиш имкони туғилди.

Оғизда чалиб берган оҳанглари гўрнда айнан ўшандай такрорлай олганим етакчиларни беҳад қувонтириб юборди. Шу дамданок лагерь гўрнчисига айландим. Эрталаб ҳаммадан олдин уйғотишади. Бошқаларни ҳам оёққа турғазиш учун гўрн чалишга тушаман – тут-туту-ту, тут-туту-ту. Бадантарбиядан сўнг болалар умумий-гинга сафланишади, баланд ёғоч мўмиқдан осилиб тушган ип тортилиб, байроқ кўтарила бошланади – тут-туту-ту, тут-туту-ту. Нонуштага, тушликка, кечки овқатга чақирилади – тут-туту-ту, тут-туту-ту. Ён-атрофга пиёда сайлга чиқилади – тут-туту-ту, тут-туту-ту. Шомда яна умумийгин ўтказилиб, эртанги тадбирлар эълон қилинади, байроқ туширилади – тут-туту-ту, тут-туту-ту. Уйқуга ётишга даъват этилади, бунисининг оҳанги бошқача – ту-у-т, туту-у-т! Тут-туту, тут-туту, тут-ту-ту ту-у-т! Туту-у-у-т!

*Чалиб гўрн, барабан,
Келдик боз ва даладан.
Анави – нок, бодринг – бу..
Дўмбира-дўм-дўм,
Тут-тут-ту.*

*Йўлда чангга ботдик биз,
Қайноқ сувни келтир тез.
Қилволайлик бир чўм-чўм..
Тут-ту, тут-ту,
Дўмбира-дўм.*

(«Мева ва сабзавотлар қўшиғи»)

Бу ҳам жонга тегди, етакчилар барчага кўз-кулоқ бўлиб юришларига қарамай, қулай фурсат топиб, лагердан қочиб кетдим. Уйимизда бир кунгина эмин-эркин яшадим холос; мактабимизнинг директори Неъматжон ака шахсан ўзи келди-ю, бир пўписалаб, бир яхши гапириб, мени мотоциклига мингаштирганича яна лагерга элтиб қўйди. Билсам, юқоридан текширувчилар келиши арафасида лагеримиз гўрнчисиз қолди, деб муассаса раҳбари директоримизга мени тезда топиб келишни буюрган экан.

Лагерда мени ҳеч ким тергамади, аксинча, ширин муомала қилиб, бундан буён тарбиячиларга ажратилган кўк чодирда ётишимни, улар билан алоҳида жойда тамаддиланишимни, овқатни истаганча ейишим, гўрн чалишдан бўш пайтларимда ўзим хоҳлагандек дам олишим мумкинлигини айтишди. Амалда шундай бўлди ҳам.

Кўк чодирда каравотлар кўп, тарбиячи жувонлар сони кам бўлгани учун бир қисмига ўқувчи қизлар жойлаштирилган, уларнинг орасида маҳалладошим, бир пайтлар бир дўппи гилос эвазига «вақтинча келин» бўлган қиз ҳам бор эди. Менга тарбиячилар қаторининг энг четидан жой ажратилди. Биринчи кечадаёқ ҳаддимдан ошдим-у, ўша қизга тегишқоқлик қилишга уриниб кўрдим. Қаттиқ туртки еганим қолди.

Қиз енгил-елпироқ тарзда бўлса ҳам арз қилган шекилли, тарбиячилар ортиқча гап айтмай, қизчаларимиз сендан тортинаётганга ўхшайди,

дея яна ўз чодиримга қайтаришди. Бундан аразланиб юрдим. Боғимиздан қуйироқда яшовчи лўлилар лагерь бошлиғининг ҳузурига келиб, шу сурнайчиларинг ўлмади, биз қутулмадик, деб арз қилишгани баттар зардамни қайнатди. Ё ўша хуркак қизчанинг, ё лўлиларнинг қарғиши тегдими, навбатдаги сайл чоғида сойда чўмилаётиб, чўкиб ўлишимга оз қолди.

Қапчуғайсой саёз бўлгани учун тахтадан тўғонча ясаб, чўмилганнинг кўксини кўмадиган қилишганди. Чўмилаётиб тўғончага яқин бориб қолибман, шўнғиганимда бирдан тезкор оқимга дуч келдим-у, то нима бўлаётганини англагунимча, сув мени худди сўрғични сўргандек домига тортиб, калламни тахтанинг остига тикиб ташлади. Аввалига олдинга эмаклашга уриндим, елкам шилиниб жизиллаётгандек туюлгач, иккала шапалоғимни тепадаги тахтага тираган асно ўзимни ортга тортидим. Бошим қисилиб, энди юзларим шилинаётгани, бурнимга кум тўлаётганини сездим. Нафасим етмай қолганида кўзларим сув остида ўз-ўзидан очилиб кетди, майда тошчалар бошимнинг икки ёнидан шалдираб оқиб ўтаётганини аниқ-тиниқ кўрдим. Тошчаларнинг бир қисми иягим остига тўпланаётганди.

Нафас олмасликка чидамим қолмаганида, тамом, ўлдим, деб ўйладим; яқинларим кўз ўнгимдан липира-лип ўтаверди, улар янада чиройли бўлиб кетгандек эдилар. Олдинга судралишга уринсанг ё елканг, ё қуймичинг қисилиб қолади деган ички товуш жаранглади миямда ва

каллам узилса узилиб кетар дея жон-жаҳдим-ла ортга талпиндим. Бошим ниҳоят тахта остидан суғурилди. Салгина нафас олишданми кўкрагим каттиқ ачишиб кетган паллада, хайриятки, сув остидан қутулиб чиқдим; тахтани чангаллаб сапчиладим-у, гавдамни қозикдаги сочиқ мисоли тўғончанинг икки томонига осилтирган асно шалвираб туриб қолдим. Оғзимдан варақлаб сув сочилди, бир лаҳза ҳушимни чала-чулпа йўқотдим ҳам шекилли, тарбиячилар ҳовликқанлари-ча мени қирғоққа олиб чиқишаётганини элас-элас пайқадим.

Умрим ўзим ўйлагандан кўра узунроқ бўлади. Ҳаётда ҳали неча бор «бир ўлим»дан қоламан. Бу – биринчиси эди.

Сойдаги тўғонча остидан омон чиққач, орадан бир кун ўтиб, яна лагердан қочдим. Бу гал ҳеч ким мени қидириб келмади. Текширувчилар лагерга аллақачон келиб кетишган, энди бировга унчалар керагим қолмаганди, чамаси. Бекорчиликда бадий китобларни ўқишга, шеърлар битишга берилдим.

Шоирчиликка қачон ишқим тушганини аниқ эслолмайман. Ёдимда бори шуки, тўртинчини тугаллаётганимдами, Холис опам Манзура деган синфдошининг ўлимига бағишлаб ёзган шеърини уйимиздагиларга ўқиб берганида, дадамдан тортиб ҳамма уни мақташга тушганди; бу мақтовлар менга қаратилмагани алам қилиб, шошмай тур, бу уйда барибир мендан зўри йўқ, дегандек опамга нисбатан ҳасадим кўзиган, шеър тўқишга чира-

ниб урина бошлаган эдим. Ҳа, шунчаки шаштни қўзитувчи, ётларга зиёни тегмайдиган ҳасад ижобийдир.

Бир куни дадам билан Фарғона шаҳрига айланишга борганимизда ўшанда янги пайдо бўлган «Ғунча» журнаliga кўзим тушиб, сотиб олдим. Уйга келгач, уни завқланиб варақлай кетдим, расмларни яйраб томоша қилдим. Лекин, ундаги шеърларнинг баъзилари жуда жўн туюлди, мен ҳозирнинг ўзида бундан яхшироқ ёза оламан, деган ҳавойи бир ишонч чақнади кўнглимда. Шу мақтанчоқлик туртки бериб, кунига шеърлар ёзавердим, уларни иссиғида конвертга солиб, кунора «Ғунча»га (бошқа нашрлар ҳам борлиги сира хаёлимга келмасди) жўнатавердим. У ёқдан келган хатларнинг мазмуни ёзганларим ҳали жуда бўшлигини англатса-да, буни тан олишни асло асло истамасдим.

Орада гоҳ аямга, гоҳ бувимга қўшилиб, Оқбўйра, Чимён, Риштон, Фарғонадаги қариндошларникида меҳмон бўлиб келдим. Фарғонани кичкиналагимдан яхши кўрардим. Аммам, унинг эри Қосимжон опоғдадамиз жуда одамижон эдилар. Уларнинг мендан бир-икки ойлик катта бўлган Машраб исмли ўғли билан жуда қадрдон эдик, баъзан ота-онасига эргашиб келиб, бизникида ҳафталаб қолиб кетарди. Бувим иккаламиз уни уйига ташлагани борсак, биз ҳам қайтишга шошилмасдик. Дадамнинг амакивачаси, Акбар эшоннинг ёлғиз ўғли Мухторжон тоға хонадонига ҳам бориб турардик, кўпинча

унинг менга тенгдошроқ қизи Ҳалимахон билан ўйнардим. Ҳовлиларининг ичидан оқиб ўтадиган ариқда чўмилиб чарчамасдим. Баҳром эшон бобомизнинг қариндошларидан бўлган Каромат эшон Андижоннинг Қўрғонтепасидан, Ўлмас тоға Тошкентдан келиб қолса, қувончим ичимга сиғмай кетарди. Иккаласи ҳам ўта диндор эса-да, тавозега ортиқча берилмас, даврада кизик-кизик воқеаларни гапириб ўтиришарди, кўп эртақларни билишарди, артистларга ўхшаб ҳикоя қилишарди.

Ўлмас тоға асли наманганлик эди. Бир сафар гапдан гап чиқиб, бизнинг Чалтоқ (Чортоқ) «чолтоғ»дан келиб чиққан, қор қалин ёғганида фалон қирдаги (жойнинг номи эсимда йўқ) тепаликдан туриб қаралса, тоғ чўққиларидан бири соч-соқоли оппоқ, оғзи, бурни, кўзлари бор чолга ўхшаб кўринаркан, иқлим ўзгарганми, кейинчалик кўзга аниқ чалинмай қолибди, деганига кўра, ўша тарафда ўсиб-улғайган бўлса керак.

У Тошкентдан уйланиб, Шайхонтохурда истиқомат қиларди, биттагина қизи бор эди. Тўрт-беш ёшлардамидим, бувим билан аммамга қўшилиб, паравозининг мўрисидан қоп-қора тутун паға-паға буруқсаб турувчи поездда уларникига борганман. Уйи шинамгина кўринар, ховлиси жуда тор эди. Қимтиқ кўчага ўзимча чиқиб, пастлик сари юра бошлаганим, қизил ғиштли пиллапоядан тушгач, катта йўлда адашиб қолиб йиғлаганим, Ўлмас тоғанинг жияни мени ахтариб топиб, сил-

таб-силтаб тергагани, унга ўшқириб берганим эсимда. Йиллар ўтиб, Ўлмас тоға вафот этганида, раҳматлининг ҳамма бойлиги тошкентлик хотинига қолиб кетди, деган эди бувим. Айтишлари-ча, у диндор тоифалар орасида айланиб юрувчи қандайдир сирли олтинларни бир қўлдан иккинчи қўлга хуфиёна элтиб берувчилардан бири бўлган экан. Яна бир қариндошимиз – Хоним энамизнинг отаси Ҳамро бува ҳам Тошкентда яшарди, пишиқ савдогар дейишарди, аммо уларникига ҳеч бормаганмиз. Юз ёшдан нарида вафот этгунга қадар ўзи энам билан бирга бизникига онда-сонда келиб турарди.

Неча замон ўтиб, гоҳ китоб чиқариш, гоҳ университетда таҳсил олиш, гоҳ ишга жойлашиш умидида Тошкентга қатнаб, ётоқхона тополмай сарсон юрганимда; топсам ҳам бири шаҳар марказидан узоқда, бири шароити оғир бўлган хонадонларга дуч келганимда; пойтахтдаги бу иккала қондошимдан лоақал биттаси тирик эмаслигидан, улардан сўнг алоқаларимиз узилиб қолганидан афсусланиб кетардим. Узоқми, яқинми, ўз жигарини ким ҳам кўчага ташлаб қўярди, деб ўйлардим. Султон суягини хўрламас, дейишади-ку!

Булар – келгусидаги гаплар. Ҳозирча бола эдим, бунақа «дабдабали фалсафа»лар калламдан буткул бегона эди.

Бир қарасанг шуниси маъкулдек – фалсафасиз яшаш тинчроқ, файласуфлик ҳаловатингни бузади.

ДАДАМНИНГ «ҚОРОВУЛЛИ УЙ»И

*Одам бор жойда миршаб
ҳам бўлиши мумкин.*

Ё Гулмат, ё Кулкул

Уйимиздан юз саксон қадам нарида қурила бошланган 800 ўринли, биқинида стадионбоп кенггина яланги бор янги 13-мактаб мен олтинчи синфга ўтганимда битди. Бир қаватли бўлса-да, ўша замоннинг кўзи билан қаралса, Олтиариқдаги энг катта, энг кўркам мактаблардан бири эди. Саккизинчи синфни тугатгунимча шу ерда ўқидим.

Мактаб биз томонга кўчганидан сўнг «Б» синфдагиларнинг чуччаси кўтарилиб, «А» даги тенгдошларимизнинг ҳовури пасайди, кўпроқ бизнинг раъйимизга қарайдиган бўлишди. Бундан аҳиллигимиз тобора мустаҳкамланиб, ҳатто битирувчиларга ҳам гапимизни бермайдиган даражада жанговарлашиб бордик. Катталар билан кўпинча стадион талашиб жанжаллашардик; улар дарсдан сўнг футбол ўйнаб чарчашмас, бу адолатсизликка чидамай, бизга ҳам навбат беришларини талаб қилишга тушардик. Зўрликларини кўрсатмоқчи бўлишса, икки синфнинг бор ўғил боласи уларни кесакбўрон қилиб, аёвсиз олишувга киришардик. Яхшигина калтак еб ҳам тавба қилмасдик. Охири улар мурса йўлини танлаб, стадионни эртароқ бўшатиб берадиган ёки бир қисмимизни ўзларига қўшиб олиб ўйнайдиган бўлишди.

Бу даврда шеър ёзишга янада берилдим, бадий китобларга жиппа ёпишиб, дарслар, дарсликларга кизиқишим сўниб бораверди. Китобларнинг аксарияти эртактлар, «Гўрўғли», «Алпомиш», «Орзигул», «Равшан ва Зулхумор», «Кунтуғмиш» сингари халқ достонлари эди. Орада «Ўткан кунлар», «Сароб», «Қўшчинор чироқлари» каби асарлар, таржимада «Кўр музикачи», «Муму», Мопассан ва Лермонтов ҳикоялари, Шота Руставели достони, Шекспир пьесалари кўлимга тушиб қоларди. Охири, бошланғич синфлардаги аълочилигимдан асар ҳам қолмади, «уч» баҳоларим кўпаяверди, «икки»лар ҳам пайдо бўла бошлади. Бир куни қарасам, «Аълочилар тахта»сидаги суратим ғойиб бўлибди. Сабабини аллақачон англаб етган бўлсам-да, бирорта қиз мени яхши кўриб қолиб, ўғирлаб кетгандир, балки, дея ўзимнинг кўнглимни кўтардим.

Эҳтиётлашга қанча уринмайин, ўқувчилар дафтаридан юлқиб олинган қоғозлардаги шеърларимнинг кўпини йўқотиб қўяверардим. Ниҳоят, шеърлар учун алоҳида калин умумдафтар тутишни одат қилдим, сақланиб қолган эскиларини эринмай унга кўчирдим, янги ёзганларимни вақтида қайд этиб қўядиган бўлдим.

Шеърларимни ҳали сиёҳи қуримасиданок «Ғунча»га пешма-пеш йўллаш одатим ҳануз қолмаганди. Бахтимга журналнинг Миразиз Аъзам деган ходими жуда тоқатли чиқиб қолди, узлуксиз жавоб ёзарди. Ҳатто бир сафар инжиклигим тутиб, мен ҳар хил шеърлар юбораман, лекин ке-

лаётган жавоблар деярли бир хил, камчиликларимни яхшироқ тушунтириб, узунроқ қилиб ёзинглар, десам, шунга ҳам чидади; энди бир ярим, икки бетлаб хат ёзадиган, фалон шеърингиз анча тузук, унинг фалон-фалон жойларини бошқачароқ ифодалаб кўринг, дея эринмай йўриқчилик қиладиган бўлди. Гоҳ, битта шеърни беш-олти хил кўринишга солдириб ҳам, бошқачароқ якун ясашга яна бир урининг-чи, деса, фиғоним фалакка ўрларди.

Ниҳоят, саккизинчи синфга кўчганимда, Миразиз аканинг яхшигина таҳрири билан «Ғунча»да «Шкафчам» деган шеърим босилди (баъзи манбада илк шеърим 6-синфдалигимда чиққан деб хато кўрсатган эканман). Шу куни «Мен шоирман!» деб ўзимни ўзимга бор овозда таништирдим. Энди мени шоирчиликдан безитиш тугул, хаваскорлигимга ишонтириш ҳам амри маҳол эди.

* * *

Кўпчиликнинг кўзини куйдириб келган тўкин оиламиз бу даврда анча қашшоқлашиб қолганди. Орқароққа қайтиб айтсам, 4-синфни битираётган пайтим бўлса керак, тарозидан уриб орттириб қолган пахталарни қўшни туманга қарашли Чимён пахта пунктидаги касбдош божасининг камомадини қоплаш баҳонасида пуллаган деган айб билан дадам қамоққа олинди. Бу иш даданинг лавозимига кўз олайтириб юрган яқин шоғирди томонидан атайлаб уюштирилгани ҳақида

гап-сўзлар кўпайиб, охири суддаги гувоҳликлар чоғида шубҳалар ўз исботини топгандек бўлди. Дадамнинг «эгри пул» олганини бўйнига кўйишолмаган эса-да, асосан, хужжатлардаги қандайдир чалкашликларни далил қилиб, бир йилга кесиб юборишди.

Суд жараёни давомида оқловчидан (адвокат) бошқа ҳамма — суд раиси, маслаҳатчилари, айникса, қораловчи (прокурор), ҳатто дадамни қамоқхонадан суд залига машинада олиб келиб, қоровуллик қилиб турадиган милиционерларгача кўзимга совуқ кўринарди. Суддан кейин аям ва иккита опамга кўшилиб, дадамни кўргани қамоқхонага борганимда, суҳбат маҳали хонада кўкқайиб турган милиционер ҳам менга оламдаги энг хунук махлуқ қиёфасида намоён бўлди-ю, унга ўқрайиб тикилганимча, айниброк сўкиндим. Аям: «Ҳей!» дея мени тергашга чоғланганида, милиционер бирдан кулиб юборди ва: «Хўроз бола экансан, мени жуда бопладинг. Бўпти, дадангни яқинда кўйворамиз», деди. Бу гапдан кўнглим яшнаб кетди, мана, битта дўк билан ишни пишириб кўйдим, деган сиёқда дадамга маънодор қараб олиб, милиционерга бу гал жилмайиб юзландим. Ҳозиргина қурбақани эслатиб турган бу одам кўзимга бирдан чиройли кўриниб кетди, уни сўкканимдан пушаймон едим.

Болалигимда шундай туюлганми, ё чинданам шундаймиди, ўша даврнинг ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари, жумладан, милиционерлари ҳам кейинги «ғўданглаганроқ авлод» вакилла-

ри бўлмиш етмишинчи, саксонинчи йиллардаги касбдошларига нисбатан анча камтарин, кенг-феъл, оддий кимсаларга эътиборлироқ, меҳрлироқ эди, наздимда. Масалан, суд, прокуратура тизимида ишловчи баъзи маҳалладошларимиз тўй-маъракада ҳаммага қўшилиб ўтирар, ўзини тенг тутиб гурунглашар, элнинг майда-чуйда ташвишларидан тўлиқ хабардор эдилар; муаммоларни ҳал этишда қўлларида келганича кўмак беришарди. Бутун бошли Полосон қишлоғини бир ўзи назорат қилувчи Аҳмад мелиса кўмир, пишиқ ғишт, тўсин-тахта кабиларни аҳолига ўғринча келтириб сотаётганларни кўриб қолса, тирикчилик билан боғлиқ кичик қинғирликларни кўрмаганга олиб, секингина бошқа ёққа бурилиб кетарди, бу қишлоқда милиционер бемалолроқ юрадиган кўча борми ўзи, дея пўнғиллаб ҳам кўярди. Бозор мелиса деган шоп мўйлов, кизикчи кимса бор эди, биз болалар бозор ёки байрам кунлари ўйнаб келиш мақсадида туман марказига борсак, гоҳо тўсатдан олдимизда пайдо бўлиб, биримиздан шимимизнинг тугмасини қадамаганимиз, биримиздан ботинкамизнинг ипини боғламаганимиз, жа баҳона топилмаса, тирноғимиз ўсиб кетгани ёки қўлимизнинг қирлиги учун бир тийиндан жарима ундира бошларди. Айниқса, поғонида иккита юлдузчаси бўлган бир милиционернинг менга қилган яхшилиги сира эсимдан чиқмайди. Чамаси, 11–12 ёшларда эдим, туман марказидаги кинотеатр касасида ўтирган аёлга ўн сўм пул берсам, тешик-

чадан чиптани узатди-ю, саккиз сўм қайтимни чўзмади. Сўрасам, менга икки сўм бергандинг, деб туриб олди. Ташқарига чиқдим-у, йиғлаб юбордим. Шунда, тротуардан ўтиб бораётган ўша милиционер ёнимга келиб, нима гаплигини суриштирди, бўлган воқеани айтиб бердим. У мени кассага орқа томондан бошлаб кириб, нега болаларни талайпсан, ҳозир нечта билет сотгансан, кассада қанча пул борлигини текшираман, агар фарқ қилса, жавоб берасан, дея кассир аёлни пўписалади. Аёл индамасдан қайтимимни бериб, тўполонда адашсам адашгандирман, деб мунғайганида, тўғрилиқ қарор топганини кўриб, ичимда қуёш чакнагандек бўлганди...

Уйдагилар кейинчалик ҳам дадамни йўқлашга гоҳ мени эргаштириб, гоҳ менсиз қатнаб юришди. Борганда, мендан сўкиш эшитган ўша милиционерни негадир кўргим келаверарди, лекин уни қайта учратмадим. Турмага боришдан олдин Фарғона шаҳрида яшовчи аммамникида ош дамлаб олишарди. Азалдан ишбилгич бўлган аммам кимларнингдир «кўлига қистиргани»нинг хурма-тидан электрда чой қайнатиш, бемалол овқатланиб ўтириш шароити бўлган алоҳида хонани бериб қўйишарди. Ёнида опа-укаларим ҳам уймаланиб юришига қарамай, дадам мени биқинига олиб, елкамдан кучиб ўтирарди. Бувим алоҳида тайинлаб уқтиргани боис, учрашув чоғида ҳам, хайрлашаётганимизда ҳам ўзимни тетик, қувноқ тутишга уринардим, бироқ турманинг дарвозаси-

дан ташқарига чиқишимиз биланоқ кўзимдан ёш тиркираб, унсиз йиғлашга тушардим.

Дадамни қанчалар ичикиб соғинмайин, баъзан бу ҳолга бошқа томондан назар ташлаб, кўнглим пича таскин топгандай, ҳатто ёришгандай бўларди. Бунга сабаб ўша эски жунунча хаёл — энди бойнинг ўғли эмасман, жабрдийдаман, бундан буёғига болалар ҳам, катталар ҳам менга раҳми келиб қарайдиган бўлса, ажабмас. Янаям эскироқ кийимларни кийсаммикин? Ботинкамнинг чокини атайлаб сўкиброқ қўйсаммикин? Мактабда болалардан қарзга нон сўраб кўрсамчи? Ишонишармикин? Ишонишса, аҳволимга ичичидан ачинишармикин?

Кўчада ўзимни дам болаларнинг, дам катталарнинг орасига суқиб, намоийшкорона мунглиниб ўтирардим. Улар мендан ҳол-аҳвол сўрашларини, дадамсиз тирикчилигимиз қандай ўтаётганини суриштиришларини кутардим. Кимлардир сўраб қолар, деб уларга айтадиган дардларимни ичимда олдиндан тайёрлаб юрардим. Афсуски, менинг бугуним билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Гоҳо: «Яқинда яна дадамни кўргани борарканмиз», дея мавзуга қармоқ ташлаган бўлардим, барибир парво қилишмасди.

Эшонтўпи маҳалласида кўккўз бир аравакаш бўларди. Бир куни у қўш отли «хаптакач»ида кўчамиздан ўтиб бораётиб: «Ҳа, Бахромовнинг ўғли, даданг ҳалиям пақирга сийиб ётибдими?» — деб чингиллади менга. Ёнида ўтирган шериги иккови қийқираб кулганича ўтиб кетишди.

Одамлар ўзидан бойроқларни негадир ёқтирмаслигини болаликдаёқ безиллаб-безиллаб сеза бошлаган эдим, аммо бойларнинг бошига тушган кулфат уларни қувонтиргандан қувонтириши мумкинлиги мутлақо ҳаёлимга келмаган экан. Кўккўз аравакашнинг мазахидан сўнг буни илк бор элас-элас англагандек бўлдим.

Бировнинг кулфатидан, айниқса, сенга ҳеч қачон зиёни тегмаган кишининг кулфатидан қувониш! Бу ҳолатни ҳозир ҳам тасаввуримга сиғдиrolмайман. Турмушда кимларнидир хушламаслигимиз, айримларни жуда ёмон кўришимиз — бор гап. Бироқ уларга жабр-ситам тилаш, бошларига қора кун тушганидан астойдил суюниш туйғусини одамзод ўз табиатига қандай сиғдира оларкин? Ахир, биз макбул кўрмаган кимса чўлда ёлғиз ўсган саксовул эмас, унинг оиласи бор, қўлига қараб турган ота-онаси, меҳрига зор болалари бор. Уларга ҳам дардмандлик иташ, уларнинг уволидан кўркмаслик йиртқиқликдан баттар-ку!

Эй, одам! Бировга ёмонлик тилаш, ёмонлик қилишдан илгари унинг қарамоғидаги болаларининг олдига бор, ўша болаларнинг кўзига ўз фарзандларинг кўзига қарагандек синчиклаб боқиб кўр. Худо сенга инсоний меҳр ҳиссини етарлироқ берган-бермаганини ўшанда аниқ билиб оларсан, балки.

* * *

Дадам қамалишидан аввалроқ икки ёшли Зухраҳон синглим касалхонада вафот этганди. Дўхтирлар бунинг сабаби оғир шамоллаш эканли-

гини қайд этишса-да, дуводонахон Усмон тоғамиз: «Уни Тоҳирларинг ўлдириб қўйди!» – деб таъкидларди нукул.

Ҳозир неваралик бўлиб ҳам боши «мушт-мушт»дан чиқмайдиган Тоҳир укам болалигидан уришқоқ эди. Кўчада ўртоқларини қийратгани-қийратган эди, ўзидан кейинги синглиси Зухраҳонга кун бермасди. Ҳалиям эмгиси келиб, синглиси билан сут талашади бу, деб қўярди Сарвинисо бувимиз.

Уйдагиларга қўшилиб, темирйўл станцияси касалхонасида ётган Зухраҳонни кунда, кунора кўргани борардим. Бир куни у менга жуда зерикиб кетгандек туюлди. Бўёкка келишдан бурун, кўча кезиб юрган лўлига арақдан бўшаган шишаларни бериб, ичига сув қуйиб пуфланса булбулнинг чаҳ-чахлашига ўхшаш товуш чиқарадиган сопол хуштак олгандим, шу эсимга тушиб: «Ҳей, Зухра, сенга булбулли хуштакча опқўйдим, эртага олиб келаман», дедим. Зухраҳон беҳолгина жилмайди.

Эртасига хуштакни олиб борсам, Зухраҳоннинг аҳволи оғирлашиб қолибди, чуқур-чуқур нафас олган асно, кўзини очмасдан, карахтланиб ётибди. Уни аста туртиб, мана, хуштакни опкелдим, дедим ва чуриллатиб чалдим. Бас қил, дейишларига қарамай, яна ва яна чалавердим. Зухраҳон бирдан кўзини очди, шипга тикилганича тураверди. Барча жимиб қолди. Хуштакни Зухраҳоннинг шалвираб турган кафтига қўйиб, ма, ол, хуштак сенга, деган эдим, бармоқлари ҳаракатга келиб, ўйинчоқни сикимлади, сўнг кўзини тағин юмиб олди.

Кейинги куни унинг ўлигини кўтариб келишди. Жағи боғланган жонсиз синглимни кучиб, пайдар-пай ўпишга тутиндим.

Бу ҳали ҳаммаси эмасди. Дадам камокда узок ётмади, муддатидан олдин қўйиб юборишганини билиб, мендан сўкиш эшитган ўша очиқюз миллионернинг «ваъда»си беихтиёр эсимга тушди.

Дадам уйимиздагиларни бирма-бир бағрига босиб, ўпишиб кўришди. Биргина аям йиғлаган қўйи унинг елкасини оҳиста силаб қўйди.

Ачом-ачомлар тугагач, дадам тевааракка энтикиб-энтикиб жовдиради:

— Ҳомитжон қани?

Аям тўсатдан додлаб юборди. Бошқаларнинг ҳам кўзи ёшланди. Ҳомитжон бир ойча олдин вафот этганди. Дард устига чипқон бўлмасин деб, дадамга билдиришмаган экан.

Дунёнинг баъзи ишлари ўта синоатли. Ўсмирлигида ҳалок бўлган тўнғич фарзанди Ҳомитжонни дадам ҳеч унутолмай, кейинги ўғиллари туғилганда, ҳар гал «отини Ҳомитжон қўйсакмикан», деб маслаҳат соларкан, бувимиз кўнмас экан. Охири Зухрахондан кичик укамнинг отини Ҳомитжон қўйишади. Иккаласи ҳам дадам камокда ётган пайтда оламдан ўтади, униси — биринчи қамалишида, буниси — иккинчи қамалишида.

Ҳомитжон укам узилганида эндигина бир ёшдан хатлаган, ҳали гапиришни билмас, оппоққина, дўмбоққина эди. Бор дард қизамиқ тошишидан бошланди, аҳволи оғирлашаверди, дўхтирларнинг қўлидан ҳеч иш келмади, жуда ёмон шамоллатибсизлар, дейишдан нарига ўтишмади.

Печкаси бир қизиб, бир совиб турадиган полсиз зах уйда шамолламай яшаш, тирик қолиш бола учун осон бўптими!

Бир куни кечки овқат маҳали укамнинг нафаси хириллай бошлади. Маҳалламиздаги Аблаз қорини айтиб чиқишди, у Ҳомитжонни қучоғига ётқизиб, дам солишга киришди. Мен домланинг ёнида чўккалаб, укамдан кўз узмай ўтирардим. Дам солиш тугамасиданоқ, Ҳомитжоннинг хириллоғи йўқола борди, сўнг икки-уч марта чуқурроқ нафас олиб, жимиб қолди. Хайрият, уйкуга кетди, деб турганимда, Аблаз қори укамни секингина бувимга узатди, атрофдагилар йиғлай бошлашди. Укам ўлганлигини тушуниб етдим. Қандай осон ўлим! Лоақал, салгина бўлса-да пирлаб ҳам қўймади.

Ухлайдиган вақтимиз бўлди. Қарасам, чақалокдек йўргакланган Ҳомитжонни уйнинг бир четига ётқизиб қўйишибди. Аям ўзига анча бериоққа жой солибди. Мен опа-укаларим қаторлашиб ётган кўрпага киргим келмай, пича иккиланиб турдим-да, Ҳомитжоннинг ёнида ётсам майлими, деб сўрадим аямдан.

– Йўқ! – деди аям. – Ёмон бўлади!

Шундай деди-ю, менга бир-икки қараб қўйиб, Ҳомитжонни тагидаги тўшаги билан ўзига яқинроқ тортиб олди. Кўнглим хийла тинчиб, жойимга чўзиларканман, укам совқотади-ку, аям уни кўрпанинг ичига олиб ётақолса бўлмасмикан, деб ичимда тихирландим.

*Дединг: «Дард ҳам жозибба!»
Ундай бўлса, розиман –
Жозибасиз яшашига.*

Уйкум келмай, анчагача ўйланиб ётдим.
Қанийди, одам ҳеч қачон ўлмаса. Ҳеч бўлмаганда,
ўлганларни кўмишмаса экан. Уни ҳар куни кўриб
турсанг, ухлаб ётибди деб ўйласанг.

Худо шу ишни қилса, жуда яхши бўларди-да.
Бугундан, ҳозирдан бошлаб шундай бўпқолса-я!



ОЁҚЛАРИМ ҚАЁҚҚА КЕТДИ?!

*Касалланиб ётмоқ ял-
қовга ярашгандан ярашадур.*

Гулмат ШОШИЙ

Дадам камокдалигида гоҳ унинг айрим ўртоқ-
лари, гоҳ баъзи бир қариндошларимиз уйимиз-
га келиб, Обиджонни кутқариш учун фалончига
фалонча сўм бериш лозим бўляпти, дея аямдан
бўлар-бўлмасга пул ундириб кетаверишган экан.
Бунинг устига, аям кўп йиллардан сўнг менга ўз
оғзи билан айтганига кўра, тинтув бўлса, мусодара
қилишларидан кўрқиб, сандиқдаги пулларнинг асо-
сий қисмини уч-тўртта қариндошлариникига элтиб
берган, асраб туришларини илтимос қилган экан
(ҳозир уларнинг исмини тилга олгим келмаяпти,
бари аямнинг уруғидан). Аям кейинчалик пуллар-
ни олгани борса, бизга санаб бермагансиз, бори шу

эди, дейишиб, арзимаган қисмини қайтаришибди. Энг йирик, ҳали тахи бузилмаган пулларни сингилларидан бирига берган экан, олишда қараса, бари майда, эски-туски пуллар эмиш.

Сарвинисо бувимиз гоҳо аям босар-тусарини билмай қолаётганидан жаҳлланиб: «Тагини суриштирмасдан, буни Обиджоннинг ўзи топганда. Очофат уруғ-аймоғи ўғлимнинг йикқан-терганини чумолидек ташиб кетяпти», деб куйканида, кўнгли нималарнидир сезиб юрган экан, чамаси.

Хартугур, дадамнинг мол-дунёси таг-туғи билан соврилиб кетмаган, катта гулхан сўнган эсада, қўри қолган экан. Турмушимиз бурунгидек май-чай бўлмаса ҳам, қозонимиз кунига камида икки маҳал қайнаб, оғринмай меҳмон кутиб, бировга зориқмасдан яшашда давом этдик.

Дадам Полосон пахта пунктидаги эски ишига тикланмади. Энди бу ерда унинг ўша «яқин» шогирди бош тарозидор бўлиб қолганди, дадам камокдан бўшатилоганида уйимизга ров бош тикиб кўйганича, қайтиб қорасини кўрсатмади.

Бекорчиликдан зерикиб кетган дадамга ниҳоят амал беришиб, онамга уйланган пайтида ишлаган Файзиобод қишлоғидаги пунктга яна бош тарозидор қилиб жўнатишди. Бу Файзиобод ва Оқбўйрадаги иккитагина колхоздан (бу ердаги Зилха қишлоғида ҳам дам алоҳида колхозча пайдо бўлиб, дам йўқолиб турарди) пахта қабул қиладиган кичкинагина пункт бўлиб, тарозидорнинг даромади ҳам шунга яраша эди.

Дадам ўсмирларга мўлжалланган пакана велосипед олиб бергач, бешинчи, олтинчи синфларда талай куним шу велосипедда Файзиободга қатнаш билан ўта бошлади. Гоҳида йўл-йўлакай Оқбўйрадаги Хоним энамникига ҳам қўниб ўтардим. Уйимиздан Оқбўйра беш, Файзиобод олти ярим километрли масофада эди.

Шанба куни борсам, эртасига ўқишим йўқлиги учун дадам пунктдаги ётоғида олиб қоларди, таътил чоғида бир неча кунлаб бирга бўлардим. Шу ерда ҳам қоғоз-қалам топиб, шеър тўқишга тушардим. Одатимга кўра, айрим шеърлар остига мавзуга мос расмлар чизардим. Омадинг келиб, шоир бўпкетсанг, чаканаям пул ишламайсан-да, сен қизиталок, деб қўярди дадам.

Биринчи устози ҳисобланмиш раҳматли Байзақ қорининг ўғли Ҳомит акани дадам ёшлигидаёқ шоғирд қилиб олган, дадам қамалганда «сотқинлар» билан ишлашни истамай, бўшаб кетган бу йигит янги жойда яна пайдо бўлганди. Уйга қайтмоқчи бўлсам, дадам бир ўзимни қўйиб юбормай, мени кузатиб қўйишни шу Ҳомит акага топширарди, пакана велосипедимда унинг катта велосипедига эргашиб, йўлга тушардим.

Балки кузатиб қўйишларини ўзим сўрагандирман. Темирйўл ёқалаб кетган хилват сўқмоқдан ўтилса, Файзиободга йўл анча қисқарар эди, лекин дадам бу ёққа юрмаслигимни қаттиқ тайинлагани учун, Оқбўйра орқали айланиб борардим. Оқбўйрага кираверишдаги мазор олдида эса бир

шумкилик бола яшар, мени кўрди дегунча, нечундир, тош отишга тушар, тоши бир гал бошимнинг орқа томонига тегиб, ғурра қилган эди. Шу боладан ёмон чўчирдим.

Бу орада «мерганлик»ка берилиб кетдим. Синфдошим Абдурахим билан ўртада «воздушка» деган елпуркар милтиқ сотиб олиб, қишлоқдаги кушларни қийрата бошладик. Мошдек келади-ган кўрғошин ўкчаларни ҳаво пуркаб отувчи бу милтиқ кўпроқ бизникида турарди, гоҳ танга, гоҳ гугурт чўпини нишонга қўйиб, мўлжалга уришни соатлаб машқ қилардим. «ТИР»даги каби юмалоқ қоғоз мишен ва патли ўқлар сотиб олганимдан сўнг, бора-бора истаган рақамимга беҳато теккизадиган бўлдим. Туман марказидаги «ТИР»да «қиморли мишен»га отиб ўйнаб, бешта ўқнинг барини «10» га урардим, пул ишлардим. Охири, «ТИР»да ўтирадиган татар хотин мени ютуқли ўйинга аралаштирмай қўйди, майли, бир-икки марта текинга отгин-у, кейин жўнаб қол, дерди гезариб.

Шунисиям ҳарна-да, унинг пулини ололмасам ҳам, ўзимники ёнга қоляпти-ку.

*Дам тешиб елкасин, дам қўлин ямлаб,
Гоҳ юзин тимдалаб, қулогин тирнаб,
Бой бериб не-неча аниқ имконни,
Қўй, бунча қийнама шўрлик нишонни.*

*Яхшииси, ҳў сузук барнодан, мерган,
Юракка беҳато уришни ўрган.*

(1971)

Еттинчи синфга ўтганимда Алижон ака деган сайёр киночига шогирд тушдим. Полосон қишлоғи маҳаллаларида, пахта пишган мавсумда далада ётиб қолиб ишлайдиган теримчиларга шийпонларда бепул кино кўрсатардик. Баъзан қўшни повулғонлик Ҳошим-кино ҳам мени ёрдамга чақирар, энсиз кинотасмага мосланган «Украина» русумли аппаратни созлаб бергач, унга ток етказиб турувчи «движок»ка бензинни тўлдириб, энди бу ёғи ўзингга, менинг зарур ишим чикиб қолди, деганича ғойиб бўларди. Баъзан кино тугаётганда етиб келарди, баъзан бадар кетарди.

У вақтларда аксарият уйлар ичию таши сомонли лойда сувалганича тураверарди, оҳақда оқланган, орти кўчага қараган бирорта замонавий уй топилиб қолса, кинони ўша деворда кўрсатардик; топилмаса, оқ матодан ясалган йиғма экранни осар эдик.

Киночилик менга жуда ёқарди. Бир у маҳаллага, бир бу маҳаллага борасан, ҳамманинг кўзи сенда, энг муҳими, уларнинг орасида қизлар ҳам бор, баъзилари мактабдан таниш, келиб кино нима тўғрисида эканлигини сўрашади. Бунақа пайтда ўспиринлар менга ҳавасланиб боқарди, ҳатто катта кишилар ёнимда уймаланиб, яқинроқдан танишиб олишга интиларди, папирос сўрасам, шоша-пиша чўнтакларидан чиқариб, ўзлари гугурт чакиб беришарди. Машинасини бир чеккага тўхтатиб қўйган шофёрлар эса, бензин ке-

рак бўлса, мана биз текинга берамиз, деб керилишарди.

Ҳафтада бир-икки марта маҳаллалардаги тўйларда ҳам кино қўйиб турардик, одамлар буни катта базмдек қабул қиларди. Еб-ичганимиздан ташқари, тўй эгаси қайтишимизда чўнтагимизга озгина пул солиб, қўлимизга қанд-қурсли тугунча тутқазарди. Бунақада уйга кеканглаб кириб борардим.

Кинопрокатдагилар «Аршин мололан», «Жиноят ва жазо», «Тарзан», «Амирликнинг емирилиши», «Тинч оқар дон», «Турналар учмоқда», «Дайди», «Жаноб 420», «Руслан ва Людмила», «Тоҳир ва Зухра», «Насриддин Бухорода» сингари фильмларнинг гоҳ ўзбекчаси, гоҳ ўрисчасини беришарди. Уларни ўн марталаб кўриб, ҳар икки тилдаги сўзларни бир-бирига чоғиштираверишим натижасида ўрисчани тузуккина ўргана бошладим, мактабдаги рус тили ўқитувчимиз нуқул «тўрт», «беш» баҳо қўядиган бўлди.

* * *

«Украина» аппаратини кино намоёиш этишга мустақил тайёрлаш, эски «движок»нинг кичик носозликларини бировнинг кўмагисиз ҳам тузата олиш даражасига етганимда, иш чаппасига кетди. Эрта баҳор бўлса керак, ревматизм, яъни бод касаллигига чалиниб, кўрпага михланиб қолдим. Касалхонага ётқизишмади, дадамнинг дўхтир ўртоғи гоҳ тушлик, гоҳ кечки овқатни бизникида қилиб, уйимизга қатнаб юрди. Ўртоқчилик ўз йўлига, дадам ўзгаларнинг кичик хизматини ҳам

азалдан қойиллатиб тақдирларди, айниқса, бола-
си учун пулни сира аямасди.

Дўхтирдан ташқари, сепкилюз татар ҳамшира
жувон кунига икки-уч марта келиб, менга дори ич-
кизарди, укол қиларди, шишиб кетган оёқларимга
шифобахш мойларни суртарди. Бу муолажа
шунақаям хуш ёқардики, шу жувон ёнимга ётиб,
ўша мойини кўкракларимга ҳам суртсайди, деб
орзиқардим. Чамаси, унга бежо қараётганимни
ҳамшира ҳам сезиб турар, ишини тугатгач, бир со-
чимни сийпалаб, бир рўмолчада кўз-қошларимни
артиб, анча гаплашиб ўтирарди. Товуши ҳам
ниҳоятда ёқимли эди.

Оёқларимни умуман қимирлатолмасдим, ти-
нимсиз лўқиллаб оғирди. Гўё оёқларим йўқолиб
қолган-у, ўрнида бутун вужудимга азоб бериш
учун атайлаб ясалган бигизлар ғарами пайдо
бўлганди. Сатта жиқиллатиб санчарди.

Сарвинисо бувим ва аям, бири олиб, бири
кўйиб, оёқларимни куну тун уқалаб ўтиришарди.
Аям беўхшов уқаларди, сен тегма, бувимни чақир,
деб бақириб берардим. Уйкуга тўймаган бувим
мудгиб-мудгиб ўтириб, уқалашга тушарди, худди
ўз оёқларини силаётгандек, нуқталарни топиб-то-
пиб уқаларди. Бувимнинг диди ўткирлиги ҳақида
кўп гапиришарди, бундан ташқари, ўта нозик сез-
гиси бор эди шекилли. Балки бу ҳам палаги тоза-
ликнинг бир белгисидир.

Бир ой ўтди, тузалмадим. Иккинчи ой кетяпти,
тузалмайман. Дўхтир менга сувда вишиллаб эрув-
чи туздори ичкизиш, ана-мана деб, дастурхони-

мизни яланглатишдан бошқага ярамай юрибди. Ё каттароқ шифокорга кўрсатинглар демайди, ё ўзи бошқача муолажалар қўллашга уринмайди. Яна, бу атрофда мендан зўр дўхтир йўқ, деб қўйишига ўласанми!

Баъзан юрагим пала-партиш ура бошларди. Кўзларим тепага битиб, ҳаво етишмай, ётган жойимда тўлғанишга тушардим, баданимни совуқ тер қопларди. Тамом, ҳозир жоним узилади, деб ўйлаганимда, юрагим қайта изга тушиб, аста ўзимга келардим. Юрак хуружи чоғида сезилмай қолган оёқ оғриғим бошқатдан авжга минарди.

Тепамда ўтирганлар бунақа пайтда кўрқиб кетишар, аям ғала-ғовур билан йиғлашни бошлар, бувим хаяжонланиб калима келтиришга, тиловат қилишга тушарди. Ўзимга келганимдан сўнг, нима бўлганини сўрашса, оёғим жуда ёмон санчиди, деб қўяқолардим. Юрагим ҳақида индамасдим.

Ўлиб қолсам-а?! Роса йиғи-сиғи бўлади. Дадам ўзини устимга ташлаб, худди мен Зухрахон синглимининг ўлигини ўпгандек ўпиб йиғлайди. Аям сочларини юлгудек бўлиб додлаши аниқ. Ана, опаларим билан укаларим менга охирги марта тўйиб олиш учун атрофимда изиллаб юришибди. Бувим тасбеҳ ўгириб, пичирлаганича тинимсиз тебраняпти, кўзларида жикқа ёш. Синфдошларим ҳар танаффусда фақат мен ҳақимда гаплашишадди. Ўқитувчиларим дарс бериб туриб, партадаги бўш ўрнимга тикилганича тўхтаб қолишади, уни беҳуда хафа қилган эканман, деб афсусланишади.

Усмон тоғам-чи? У ҳар куни қабристонга бориб, гўримнинг атрофида бир айланиб келади-ган одат чиқаради. Буни кузатиб юрган Умарали гўрков: «Кўп куюнаверма, ошна, мана шунақа вафоси йўқ дунё бу», деб унга таскин берган бўлади...

Касалим чўзилгани сайин, қўшнилари, қариндошлари, ўртоқларим, айрим ўқитувчиларим мени тез-тез йўқлайдиган бўлишди. Рус тили ўқитувчимиз Осман Умеров, маҳалламиз кексаларидан бўлган Оймат кўрбоши, уста Орифжон тоға ҳафтасига икки-уч мартадан келишарди. Худо хоҳламаётгани учун биргина у келмаётган эди — Ажал!

Қанчалар кўрқоқ бўлмайин, ўлимни ўйлаганимда, энди негадир қалтирамасдим. Ётавериб, ўйлайвериб, шунақа бўлиб қолгандирман, балки. Зухраҳон синглим, Ҳомитжон укам тез-тез кўз олдимга келаверарди. Соғингандан соғинардим уларни. Иккаласи ҳам гўдак боши билан у дунёда ёлғиз, қаровсиз қолишганига тоқат қилолмасдим. Бораман, уларни кўраман, Ҳомитжонни кўтариб, Зухраҳонни етаклаб, жаннатда ўйнатиб юраман.

Ҳа, жаннатга киришим тайин. Аблаз қори бир сафар айтганидек, болалар ва калима келтиришни билган, одам ўлдирмаган ўспиринлар тўғри жаннатга бориб тушади. Мен одам ўлдирмаганман, калима келтиришним бўвим ўргатиб қўйган: «Лав иловҳа иллаблo, Муҳаммадди расулиблo» (ўшанда тўғри айтолмасдим).

Дадам Полосон пунктида тарозидор бўлган даврда исмига «бакирок» лақаби қўшиб айтилувчи Обид тоға ишчиларга бригадирлик қилиб юрарди. Маҳалладош бўлганимиз учун унинг оиласидагилар уйимизга тез-тез кириб, хизмат қилиб туришарди, Пўлатвой, Алижон деган ўғиллари билан оға-инилардек қалин эдим. Шу кишининг тўнғичи Собир ака бир куни уйимизга чимёнлик табиб чолни бошлаб келди. Мирза буванинг ўғли Мамат оёғи шишиб ётганда шу одам даволаган, дўхтирга ишонаверманглар, деди у.

Соқолига оқ оралаган, истараси иссиқ табиб билак томиримни ушлаб кўриб, кейинги кунларда юрагингиз ўйнамай турибди шекилли, а, деб савол берди. Мен тасдиқлаб, бош кимирлатдим. Бувим аямга таажжубланиб қараб олиб, юрагига нима кипти, деб сўради табибдан. Боланинг юраги ора-сира қаттиқ хуруж қилиб турган, нима, билмаганмидинглар, дея ҳайрон бўлди табиб.

Дастурхон ёзилиб, чой-нон, канд-курс қўйилгач, бувим билан аям чиқиб кетишди. Кўп ўтмай, меҳмонларга икки коса суюқ овқат ҳам берилди (мен орқамга тахланган баланд ёстикқа суяниб, бошқаларнинг кўмагидагина овқатлана олардим). Табиб менга қизиқ-қизиқ гаплардан гапириб ўтириб, Собир ака билан бирга тамаддиланди. Орада попукли қандни бир пиёланинг тагидан иккинчисига ўтказиб, кўзбойлоғичлик ҳам қилди.

Овқатланиб бўлгач, табиб ярим литрлик шишадан пиёлага қандайдир қўланса дори қуйиб, менга ичирди. Ҳар куни наҳорда ва кечкурун

шундан беш хўплам-беш хўплам ичиб туришим-ни тайинлади. Сўнг, бувим ва аямни чакиртириб, узоқ тиловат қилди, ширин дуолар билан юзига фотиҳа тортди.

– Энди бунақа танбалланиб ётаверманг, йигитчам, – деди у менга табассум қилиб. – Эрта-лаб «Ё пирым!» деб бошингизни азот кўтаринг, шошмасдан эмаклаб бориб, токчани ушлаганча, ўрнингиздан туринг. Оғрикдан кўркмай оз-оздан юришни бошласангиз, оёғингиздаги шишган жойлар тез қайтади.

Аям ва бувим бу гапдан ажаблангандек бири-бирига маънодор қараб қўйганини сезган табиб: «Мана кўрасизлар, бу бола эртага юриб кетади!» дея ишонч билан таъкидлади.

Табиб кетгандан кейин, аям тиззаларимни уқалаётиб, шу шишиб ётган оёқ билан эртага юриб кетармиш-а, чолнинг гапини қаранг, деган эди, бувим менга кулиб қараб, Анваримга худо шифосини бераман деса, ўзига осон, дея яхши ният қилиб қўяқолди. Менинг кўнглимдан эса, эртага сал бўлсаям юрсайдим, табиб чол ёлғончига чиқмасин-да ишқилиб, деган ўй кечди.

Тун бўйи тиникиб ухлаб, тонгда эрта уйғондим. Қарасам, хонада мени қоровуллаб ётадиган бувим аллақачон кўрпасини йиғиб, чиқиб кетибди.

Табиб тайинлаган гаплар эсимга тушиб, устимдаги ўранчиқни олиб ташладим, оёқларимни ўзимга аста тортиб кўрдим. Қаттиқ оғриқ кўзгалганига қарамай, нафасимни бир ростлаб олиб,

муккамга ағдарилдим; кўлларимга таяниб, кўк-симни кўрпадан уздим, инқиллаб-синқиллаб эмаклашга тутиндим; судрала бориб, токчага тирмашдим. Томирларим чирс-чирс узилаётгандек бўлиб ўрнимдан туриб олгач, уй девори бўйлаб майда-майда одимлаганимча айвонга чиқиб бордим. Чиқибок: «Ая! Ая!» – деб чакиришга тушдим. Нариги дўнгалак уйдан бувим отилиб чиқди, вой, худога шукур-ей, худога шукур-ей, деганича келиб, бўйнимдан кучди. Аям молхонада сигир соғаётган экан, бувим: «Мунисхон! Мунусхон-ув!» – дея сасланиб, ҳалпиллаган асно томорқа сари йўналди.

*Ойижоним, йиғламанг,
Ҳали ёшман, ўлмайман.
Аста туриб олсам бас,
Бошқа касал бўлмайман,
Ойижоним, йиғламанг.*

*Қилмадинг деб нонушта,
Хафа бўлманг унчалик.
Бу кеч едим тушимда
Сутдек о-оппоқ кулчани,
Ойижоним, йиғламанг...*

.....

(1976)

Тушга яқин дўхтирим келди. Аҳволимдан кувониб, яхши бўлиб кетади дегандим-ку, суюнчини чўзинглар, деб гижинглади.

Томирларим ҳануз чирсиллаб, оёқларим зиркирашда давом этаётганига қарамай, қатма-қат кўйилган болишларга ёнбошлаб олиб, дўхтир билан бирга тушлик қилдим. Тамаддиланиб бўлганимиздан сўнг, қани, юришингни яна бир

кўрай-чи, деди дўхтир. Унинг кўмагида чираниб ўрнимдан турдим, у ёғига аппон-таппон юриб бориб, айвон охиридаги ўчоқ ёнида бўғма деворга суяниб тўхтадим.

– Қийини орқада қолди, ҳадемай отдек бўп-кетади бу ўтбосар, – деди дўхтир, аям билан бувимга илжайиб. – Қўрқиб кетманглар деб, сизларга билдирмасдан, Обиджон акамга айтгандим холос – бу боланинг юраги порокка чалинган. Касаллик варақасига ёзиб қўйдим, энди уни армияга олишмайди.

Кечга яқин дадам келди, лапанглаб юришимни яна бир намоишлаб бердим. Дўхтир юрагим ҳақидаги ваҳимани кучайтириб, қаттиқ тайинлаган бўлса керак, дадам менга дона-дона қилиб уқтиришга тушди:

– Бундан кейин оғир ишларни қилмайсан! Вазмин юк кўтармайсан! Толиқтирадиган ўйинларни ўйнамайсан! Қовурилган овқатларни камроқ ейсан! Шўр билан аччиққа яқин йўламайсан! Хўпми?!

Ўз-ўзидан манглайим тиришди. Шўр билан аччиққа яқинлашмасликдан бошқасини уддалаб бўларканми?

Тузалиб кетганимдан кейин ҳам мактабга бормадим. Лекин, барибир саккизинчи синфга кўчириб қўяверишди.

* * *

Куз чоғи оёқда мустаҳкамгина туриб олганимдан сўнг, яна киночиликни қўмсай бошладим. Сайёр киночи билан маҳаллама-маҳалла, далама-

дала юришимга энди дадам рухсат бермаслигини билиб, бошқача йўл топдим. Қишлоғимизнинг Мозортаги маҳалласидаги клубда Аҳмед ва Мансур деган қрим йигитлар кино қўйишарди. Бир куни уларга учрашиб, «Украина» аппаратида кинчилик қилганман, энди катта аппаратда ишлашни ўрганмоқчиман десам, кейинроқ бир ўйлаб кўрармиз, деб ишни пайсалга солишди. Шунда, афиша ёзишним, расм чизишним билишимни айтган эдим, кино оламига оид журналдаги бир расмни кўрсатиб: «Ана бўёқ, ана чўтка, ана мато, қани, шуни катта қилиб чиз-чи», дейишди. Бир соатлар уриниб, расмни чиздим, остига кинонинг номини ёздим. Ишим уларга ёқиб, майли, кундузи афиша чизасан, кечкурун кино қўйишни ўрганасан, дея шогирдликка олишди.

Тасмаси «Украина»никидан икки баравар энли бўлган стационар киноаппаратда ишлашни тез ўзлаштирдим. Кунларимнинг талай қисми клубда, клуб ёнидаги кутубхонада кечаверди. Бу ишимдан чексиз ҳузур олсам-да, кинони клубнинг алоҳида хонасидаги тешикча орқали эмас, сайёр аппаратдагидек шундоққина одамлар орасида ўтириб, ўзимни кўз-кўзлаганча намойишлашни соғинардим барибир. Клубдагисининг кўчма кинодан биргина афзаллиги – прокатдан суратдор қоғоз афишалар келиб турарди, чиройлиларини «шимо»лаб кетиб, уйимизнинг деворларини безатардим.

Вақт шитобланиб ўтаверди, кинолар умримни ямлаб бораверди. Бу орада устозларим билан шу қадар иноқлашиб кетдимки, кейинчалик

бошқа жойларда ишлаб юрганимда ҳам кинога бориб қолсам, кучоқлашиб кўришар эдилар, пул берсам олишмасди.

Эндиликда улар Қримдаги қабристонлардан бирида қадрдондан-қадрдон тупроғининг пинжига гўдакдек ёпишганча, абадий ухлаб ётишгандир. Бу отбозор оламда Ватан тугул, баъзан ўз ота-онангни топиб олишинг ҳам осон кечмайди.



КОМПАРТИЯНИНГ ХУДО БЎЛГАНИ

*Зўрлигингни камбағалчи-
ликка чидаб кўрсатгил.*

КУЛКУЛ афанди

Аввалига дадам Файзиобод пахта пунктидаги ишидан айрилиб, гоҳ Хонқиз, гоҳ Қоражийдада пилла қабул қилиб юрди, саккизинчи синфдалигимда эса тугалай юмушсиз қолди. Яхшиямки, Маҳбуба опамни қамалишдан олдин вақтида уза-тиб олган экан. Шаҳодат ва Холис опамни турмушга чиқаришнинг ўзи рўзғоримизни буткул қоклаб ташлади. Ўша дамларда қулоғимга чалинишича, ҳатто кимлардандир озгина қарз ҳам олишганди.

Аям гоҳ олтин тақинчоқларини, гоҳ гиламлардан бирини, гоҳ сандиқдаги бахмал, атлас сингари тоза газмолларни сотар, ўртада баъзан ун олишга ҳам илож топилмай қоларди. Кейин қўйларни пуллашга навбат келди. Ҳартугур, сут-қаймоғи жизга яраб турган сигирни сотишмади.

Сарвинисо бувимиз дамо-дам дадамнинг ҳолига ачиниб: «Ҳа болам-а, пул топдинг-у, ақл топмадинг-а. Ўғилларинг ўсиб боряпти. Давлатинг қўлингдалигида бир-иккита томорқа олиб, уйлар сопташласанг, нима қиларди? Ҳеч бўлмаса, ҳовлимизга анави каталакдан бўлак тузукроқ бир уй қурмадинг. Битта мошина опқўйганингда-ку, ҳозиргидай оғир кунингда сотсанг, ўзингни яна ўнглаволардинг», дея даккилашга тушар, дадам эса: «Бойлигини кўз-кўз қилганларнинг қанчаси сургун бўлиб, қанчаси отилиб кетди, олдингизда тирик ўтирганимга шукур қилинг, буви», деб ўзини оқларди.

Турли улфатчиликларга қўшилиш имкони йўқлиги учунми, «отдан йиқилиб», қаддини ҳамон тиклаб ололмаётганидан уялибми, дадам ҳатто қўшнилар билан кўчада гаплашиб ўтиришдан тортинадиган бўлиб қолди. Меҳмонга келган аёл қариндошлар билан озгина аҳвол сўрашибоқ, ташқарига чиқиб кетарди. Оиламиздагиларнинг меҳмондорчиликка, тўйларга, сайлларга гала-лашиб бориши ҳам такка тўхтаган эди. Дадамда ўзини одамлардан, гурунглардан олиб қочиш ода-ти пайдо бўлганини барчамиз яққол сезиб турар-дик.

Илгарилари ҳовлимизнинг ички юмушларидан бутунлай йироқ бўлган дадам энди гоҳ кетмонни тутамлаб бодринг суғорар, гоҳ сигирга ем қоришга киришар, гоҳ тоғорада гўнг ташиб келиб жўякларнинг ичига соча бошларди. Бир куни қарасам, ҳожатхонамизни тозалаяпти. Бунисига

чидаёлмадим. Бориб, кетмонни қўлидан олмоқчи бўлсам, нари тур, сенга мумкинмас, деди. Оғир ишларни қилиш мумкин бўлмаган ўғилчаси, уларга билдирмай, анчадан бери ҳақ-ҳақлаб футбол ўйнаётганидан ота шўрлик мутлақо беҳабар эди.

Аввалига, танамни зўриқтирмаслик учун дарвозабонлик қилиб юрган бўлсам, кейинчалик майдонда ўйнашга ўтдим. Дастлабки ойларда ярим соатлар югурмасимданоқ бирдан нафасим тикилиб, юрагим бежодан бежо тепишни бошлар, аста четга чиқиб, ахволимни зўрға ўнглаб олардим. Бора-бора, ўзимни ортиқча ўтдан чўққа урмай ўйнасам, икки тайм югургилашга бемалол чидайдиган бўлдим.

Соппа-соғ эмасдим барибир. Ўқтин-ўқтин кўзларим тиниб, бошим айланиб турарди. Баъзан ўзимни жуда дармонсиз сезардим. Уч-тўрт марта, ҳатто бирдан ҳушимни йўқотганим эсимда. Чамаси, бу ҳушсизлик 5–6 секунддан ошмасди; бир куни мен ёқтирган кўшиқ янграй бошлаганида, радионинг овозини кўтаришга бораётиб яна ўзимни билмай қолганим; қайта ўнланганимда, кўшиқнинг кейинги жумласи айтилаётганини илғаб, шундай тахминга келгандим.

Эсимни йиғибоқ, ўзимни қайта тетик ҳис қилардим, лат ейиш тугул, бирон жойим шилинмасди, танамда ҳеч қанақа оғриқ сезмасдим. Яхшиямки, бу ҳолат ҳар сафар уйда ёлғизлигимда, узок ўйланиб ётиб ёки кўпроқ ўқибми, ёзибми ўтириб туйқусдан кўзғалганимда юз берар,

бошқалар бундан хабарсиз қоларди. Уй ваҳимага тўлмасин деб буни ҳеч кимга билдирмасдим.

Дадам уйда ўтириб қолгач, аям икковининг орасида тез-тез жанжал чиқадиған бўлди. Бунақа пайтда бувимиз ўғлининг ёнини олиб, ҳа, пули йўқнинг ўзиям керак бўлмай қолдими, дея аямни жеркиб берарди. Аям баттардан ловуллаб, товуши етти маҳаллага етадиган даражада саннашга тушарди. Бундан ниҳоятда жаҳлим чиқарди, дадам уйга шартта тортқилаб кириб, овозини ўчириб қўйса бўлмасмикин, деб ўйлардим. Охири: «Бўлди! Бақирманг!» – дея аямга пўписа қилардим.

Аям анча-мунча пўписани писанд қиладиганлардан эмасди, овози пасайгандек бўларди-ю, барибир анчагача ғудраниб юраверарди.

Тутунни олифталаниб пурковчи кашандаларга ҳавас қилиб, қолаверса, энди бола эмаслигимни ётларга кўрсатиб қўйишга уриниб, чекишни анча эрта бошлагандим. Ревматизмга чалиниб ётганимда, уйдагиларнинг кўзи олдида тамаки бурукситишдан тортиниб, баҳонада бу ўпкачақардан буткул кутулгандек эдим. Кейин эса, уйимиздаги аҳволдан эзилибми, соғлиғим анча мустаҳкамланганидан талтайибми, олдингидан-да кўпроқ чекадиган бўлиб боравердим. Агар, энг арзон ҳисобланган махорка олишга ҳам пул тополмай қолсам, гоҳ газета парчасига ўрик хазонини ўраб, гоҳ ошқовоқ палагининг қуриганини найчалатиб чекардим. Булар ўта аччиқ бўлиб, шунақаям йўталтирардики!

Ўлдиради, тамаки – заҳар,
Чекма, дединг,
Қулоқ солмадим.
Чунки, уни чекмасанг агар –
Ўлмайсан, деб айта олмадинг.

(1973)

Хоним энам чевар эди, қишда пахтали камзул, ёзда кулранг матодан – пастининг ва кўкрак қисмининг ҳар икки ёғида оғзи очиқ чўнтаги бўлган кител тикиб, Марғилон бозорида сотиб, пул ишларди. Аям Оқбўйрага борганда онасига қарашиб юриб, бу касбни яхшигина ўзлаштириб олган, азалдан бизга қишлик камзулни машинасида ўзи тикиб берарди. Рўзгоримиздан барака кўтарилгач, камзул ва кител тикишни бошлаб, аввалига маҳалладагиларга тортиниб-қисиниб сотиб юрди, кейинчалик бозорга олиб чиқадиған бўлди. Бозордан қайтишда икки сўмка харажат кўтариб келарди. Бу иши яхши эди-ю, рўзгорни ўзи тебратаётганини пеш қилавериши уйдагиларнинг дам жиғига, дам ҳамиятига тегарди.

Лекин, яқин-яқинларда ҳам бойвучча хоним бўлиб, бировга гапини бермай юрган аям энди лампачироқнинг хира ёруғида кўзи қизарганича туни билан кийим тикиб, буларни ким олар экан деб, бозорда мўлтираб ўтиришини ўйлаганимда, вужудим увишиб кетарди. Дадамни кўп ранжитгани учунми, аямни жон-жонимдан яхши кўрардим деёлмасам-да, унга жуда-жуда раҳмим келарди, сал катта бўлай, сизларни ўзим боқаман, кейин бошқа қийналмаймиз, дея кўнглига далда уруғини сочишга уринардим.

Бир куни айвонда нимадир қилиб ўтирсам, томорқа тарафдан аямнинг тинимсиз бидирлаётгани эшитилди, сал ўтмай дадам уни ташқига қувиб чиқди. Аям кела солиб: «Анварим! Дадангни қара!» – деб, панамга яширинди. Уйда тартиб ўрнатишга ярайдиган мақомга етганимдан ҳовлиқиб кетдимми: «Дада! Тўхтанг! Нима кераги бор?» – дея товушимни баландлатиб, кўкрак кердим.

Дадам таққа тўхтади. Менга бир зум ғалати тикилиб турди. Сўнг, бирдан ҳовуридан тушиб, индамай ортга қайтди. Кетидан боқиб туриб, дадамга туйқусдан ичим ачишди; аямга чакчайиб юзланиб, дадамиз билан ҳадеб олишаверманг, ўзи бўғилиб юрибди, дедим-у, кўчага қараб йўл олдим. Юрагим ҳилвираганча борарканман, ичимда Тангрига зорланиб-зорланиб ялинишга тушдим:

– Э Худо, дадамнинг ишлари тезроқ юришиб кетсин...

Ие! Бу қанақаси? Камбағал бўлишни қачонлардан бери эзгинланиб орзу қилардинг-ку? Мана, худо охири сен нафасинг курғурни ниятингга етказди. Энди бу хилдаги турмушни ҳам кўр, роҳатли жойини қидириб тополсанг, яйраб яшайвер.

Ҳа, яйрайсан-а! Ҳа, нолимайсан-а! Худодан дадангни яна бой қилишни сўрашга ҳозир қандай бетинг чидаяпти, билмадим. Қолаверса, худонинг борлигига ишонасанми ўзинг?!

* * *

Бир қараганда, худосизлар мамлакатининг мафкураси, барча билим масканларида ҳукмрон бўлмиш қизил ғоя, ўқитувчиларнинг, ҳукумат фаолларининг узлуксиз ташвиқотлари худонинг йўқлигини оммага ҳар томонлама исботлаб бериб, бунга қарийб барчани, жумладан мени ҳам аллақачон ишонтириб улгурган эди. Айрим ўқитувчилар муллаларнинг дин, худо, нариги дунё ҳақидаги «уйдирма»ларини орада хохолаб-хохолаб, мазахлаб-мазахлаб гапира бошласа, шерикларимга қўшилиб мен ҳам яйраб қикирлардим. Эсимда – саккизинчида ўқиётганимизда айрим қизлар ироқи дўппини ташлаб, мактабга рўмол ўраб келадиган бўлишганда, бир куни директор хонага қўққис бостириб кириб, уларни хаттахта тагига турғизиб қўйгач, бошидаги рўмолларини сўкинганича юлқиб олганидаям, секингина ҳиринглаб қўйгандим.

Яна бир қарасангиз, туйқусдан муллачага айландим, у дунёнинг борлигига, Зухрахон синглим билан Ҳомитжон укам жаннатда ўйнаб юришганига шубҳа қилишни хоҳламасдим, ботинолмасдим, қўрқиб кетардим. Тонтирама, у дунё бор, укаларинг роҳатда юришгани рост, деб ўзимни бийдалагудек бўлардим.

Тайинсиз банда эдим, баъзан худосизлар онгимга қайтадан таъсир ўтказа бошласа, «содда художўйлар»нинг хомтамалигидан ичимда яна кулишга тушардим; баъзан бирон-бир зарурат боис, Яратгучига такрор ялинишга ўтардим.

Қувончли онимда Тангрига қуллуқ қилиш хаёлимга келмасди, оғир дамларда мунғайиб, ундан кўмак излардим. Садриддин Айнийнинг «Қуллар» деган асарини ўқисам, ўтмишимиздан ҳам, дин уламоларидан ҳам кўнглим совишни бошлар, бор-йўғи солиқни тўламагани учун бир камбағални сўйдириб юбораверадиغانлар зулмидан қутқарган большевикларга ихлосим ортарди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини мутолаа қилсам, Отабек, Юсуфбек хожи сиймолари қалбимни ром этиб, ўшанга ўхшаш даврда ўшандай кишилар билан яшашни, курашишни истаб қолардим, суюкли қаҳрамонимни жангда ўлдирган ўрислар ҳам, уларнинг тажовузчи юрти ҳам кўзимга ёмон кўриниб кетарди. Машраб ёки Яссавийга берилган чоғим дилим тубида Худога ошиқлик чечаклари ниш ура бошлар, айрим адиблар, айниқса, яйдоқи асарлари мен учун ўта суюкли бўлмиш Ғафур Ғуломнинг атеистик рухдаги ҳажвиялари уларни бир-бир сўлдиришга тушарди. Замон худога шайдоланишинингга имкон берадиган замон эмас эди. Мавжуд муҳитнинг тақозоси билан ўз эътиқодимни ўзим топтаб ташлаётганимни сезмай қолардим. Бир нарсага сира тушунолмасдим — ё мен вазиятга қараб ўзгариб турардим, ё вазият мени ихтиёримсиз ўзгартириб қўярди.

Бола-чақали бўлганимдан кейин ҳам бу «ғалати аросат» дашти ичра тентирашда давом этавердим. Бу ҳолат ёзган асарларимда ҳам ўз изини қолдириб бораверди.

Дунёдаги қуруқликнинг олтидан бир қисмини ташкил этувчи СССР аталмиш қизил империя ўрамидан Тангри бутунлай ҳайдаб чиқарилиб, бу бўшлиқнинг ўрнини коммунистик партия ялпайганича эгаллаб олган эди. Руслардаги «Слава богу» (Худога ҳамду санолар) сўзи ўрнига пайдо бўлган «Слава КПСС» (ўзбекчага «КПССга шон-шарафлар» деб ўгирилганди) ибораси совет халқи учун сажда ифодасига айланганди. Тағмаъноси чуқур бўлса-да, сўзма-сўз таржимада «Оллоҳ номи билан» деган мазмун касб этувчи «бисмилло»нинг ҳам моҳияти ўзгартирилиб, қизиллар вақт тиғизлигида синфий душманларини суд қилиб ўтирмай, «Инқилоб номи билан» дея жойида отиб ташлаши одат тусини олганди. Қишлоғимизда тўқилган бир латифага кўра, компартия сафига қабул қилинган Болта қассоб қўйларни энди «бисмилло» айтиб эмас, «Инқилоб номи билан!» деб сўйишга ўтган экан.

Компартия худога айлантирилган бўлса, унинг пайғамбарлари ҳам бормиди, дерсиз. Бунингсиз иш битармиди? Бор эди, албатта. Улар ишчи-деҳқонлар ҳокимиятининг асосчилари, худосизлар жамиятининг ғоявий етакчилари ҳисобланмиш Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин тўртлигидан иборат эди. Йигирманчи асрнинг 60-йилларида салтанат сарвари Хрушчёв Сталинни қоралаб ташлагач, пайғамбарлар сони учтага тушди, кейинчалик гапни майдалаб ўтирмай, марксизм-ленинизм дейишга ўтилди.

Улғая бориб, қаламим анча пишиб, 70-йилларнинг сўнгроғида битилган «Аламазон ва унинг пиёдалари» номли қиссамда «Эшакнинг парвардигор бўлгани» деган боб бор эди. Унда болалигида эшакни билмай эмиб кўйган Мадумар подшо бўлгач, бу исноддан қутулиш учун эшакни худо деб эълон қилади, ўзи эса пайғамбарга айланади. Бу билан мен худони эмас, янги худо ясаганларни эрмаклаганим ойдек аниқ кўриниб турса-да, мустақилликдан кейинги қайта нашр чоғида ношир дўстларим: «Эшак худо бўлганини бошқача қилиб ўзгартиринг, руҳонийлар буни барибир нотўғри тушунишади», дея оёқ тираб олишди. Охири «худо»ни «дохий» деб ўзгартиришга рози бўлдим. Аслида, тарихий ҳақиқатни ифодаловчи лавҳалар қандай битилган бўлса, ўшандай тургани маъқулдек эди.

Хаёлимдан кечганини қоғозга шундайича туширишга ўрганганман. Буни ўқиган одам қандай ўйга бориши мумкинлиги тўғрисида азалдан ортиқча бош қотирмасдим. Ёшлигимда ёзган шеърларимдан бирида жойнамозда ўтирган кампир эрта вафот этган чоли ва урушда шахид бўлган ўғлини кўмсаб, у дунёда дийдор кўришиш умидида, тангридан ўзига ўлим тилаётганини баён этганман. Бир мунаққид бунга муносабат билдириб, кампир ҳаётда моддий қийналиб юрган бўлса, бу бошқа гап, фақат бировни соғингани учун одам ўзига ўлим тилашига ҳеч ким ишонмайди, деганди. Ўткинчи бу дунёнинг асосий лаззати нималигини чуқур идрок этиб улгурган, улардан айрилиб қолса, ўша лаззат-

га абадий дунёда тезроқ етишиш истагида ёниқиб яшаётган кимсанинг топилишига биз ишонмасак, худо ишонади, деб жавоб қилгандим унга.

Абдулла Қодирийнинг Калвак маҳзумини у дунёга элтиб, дўзахдаги ҳангомалари ҳақида туркум ҳажвлар яратганман. Айримларга буниси ҳам эриш туюлди. Ваҳоланки, атеизм шундоққина буруқсаб турса-да, бу асаримда замонанинг баъзи иллатларини фош этишга, цензурадагиларнинг кўзини шамғалат қилишга уриниб кўргандим. Кейинроқ, айнан ўша Калвак маҳзум қиёфасида энди шоирга айланган Гулмат ҳам шу йўлдан бориб, ўз ғазалларида халқимизнинг бугунги дардларини чўқилаб-чўқилаб изҳор қилишга тутинди.

Қирчиллама йигитликдаги яна бир шеъримда жаннатга тушувчи яхшилар қаторида дўзах хувиллаб қолмасин, дея ёмон одамларни ҳам яратиб қўйгани боис Тангридан «ўпкаланиб», бу «хато»ни тўғрилаш учун худоликни менга бир кунга бериб туришини сўраганман. Сочим оққа беланган давримда эса бу борадаги тасаввуримни бошқача ифодалаган эдим:

*«Кир» деб кулса «қора»лар «оқ»ни,
Сабрим тугаб бу чалкашиқдан,
Бир кунгина Худо бўлмоқни
Орзу қилган эдим ёшлиқда.*

*Йиллар ўтиб англадим, ҳар кас –
Синалар бахт ёки жабрда.
Ҳа, Оллоҳга тенг келиб бўлмас,
Ҳеч нарсада, ҳатто сабрда!*

(2003)

Ёруғ олам деб аталмиш Ер кезғичи ўз меҳваридан чиқиб кетмай, одамзодни бағрида ҳамон эъзозлаб боқаётган экан, бунинг энг асосий сабаби шу – Оллоҳ жуда сабрли, Оллоҳ жуда кечиримли!

Дадамнинг тенгдоши, узоқ йиллар маҳалла сартароши бўлган Орифжон тоға қариган чоғида уйида эскича мактаб очиб, беш-олтита болани ҳеч қанақа ҳақ олмасдан хуфиёна ўқита бошлагани биз қўшниларнинг кўпчилигимизга маълум эди. Ён-атрофда яшовчи айрим «иткулоқ»лар бу ҳақда керакли жойга чақимчилаб, ғалва чиқаришар, пича муддат тўхтагач, дарсхона ўз ишини яна давом эттирарди. Мактабдан ташқари, дала шийпонларида, турли йиғинларда маъруза ўқиб, оммани худосизликка чорловчи атеист ўқитувчилардан уч-тўрттаси бир куни Орифжон тоғани кўчада, маҳалладаги қариялар вакиллари даврасида тергаб турганининг устидан чиқиб қолдим. Ўшанда туман газетасида ишлардим. Даврага кўшилиб, гапнинг тагига етсам, бу ерда таҳсил олаётган болалар мактабга кам қатнайдиган, борса ҳам, «онги заҳарлангани» сабабли, дунёвий билимларга унча қизиқмайдиган бўлиб қолишаётган экан. Бу одам қатта мулла эмаслиги, динни чуқур тарғиб қилишга билими етмаслиги, болаларга шунчаки арабча ҳарфларни ўргатиб юрганини айтиб, хавфсирашга арзимайди, дедим. Таъкиб этувчилар бу гапдан юмшаб, ғирт чаласаводлигини ўзимиз ҳам биламиз, лекин барибир бола ўқитиши нотўғри, деб, «мударрис»ни қаттиқ огоҳлантирганларича тарқаб кетишди.

Менга илгаритдан ширинсўз бўлган, Баҳром эшон бобомизнинг исмини доим ҳурмат билан тилга оладиган Орифжон тоға сал бўлса-да ёнини олганимдан хурсанд бўлдим, ё худонинг олдида ёруғроқ юз билан яшашимни тиладим, кўзимга илтижоли боқиб, ҳеч йўқ ўтган-кетганлар ҳақиға тиловат қилишни ўрганвол, жон болам, деди. Буни биламан десам, ишонгиси келмай, кўзимга синчковланиб тикилди. Сўнг, ишонч ҳосил қилди шекилли, бундан гўё чўнтагига нақд даромад тушадигандек: «Э, хайрият! Э, баракалла!» – деб қувониб кетди.

Ислом гуллаган даврларда хилватда катта гуноҳларга қўл уриб, тангрисига хиёнат қиладиганлар топилиб турганидек, дин оёқости бўлган бу замонда, панада юриб бўлса ҳам, Оллоҳга холис ва фидойиларча хизмат қилувчилар оз эмас эди.



МАКТАБДАН ҚУВИЛИШ АРАФАСИДА

*Одам бўлойин десанг,
ўзрилиқ қилгил – китоб
ўгирла!*

Гулмат ШОШИЙ

Бугун кечагидан анча улғайиб қолгандекман-у, аммо туйғуларимнинг мўлтироқлиги ҳалиям ўша-ўша эди: камбағаллашгандан камбағаллашиб бораётганимизга қарамай, бегоналар менга раҳми

қўзиган сиёқда муомала қилишга негадир шошил-
маётганидан қаттиқ таажжубга тушардим. Ҳеч
вақомиз қолмаганига булар ҳалиям ишонмаяпти
шекилли, деб ўйлардим.

Йўқсиллар қаторига тушиб қолганимизга гоҳо
ўзимнинг ҳам ишонгим келмасди. Баъзилар без-
райиб бокиб: «Даданг кўмиб қўйган тиллоларини
қачон ишлатади?» – деб писандаласа, дадамнинг
чиндан ҳам кўмилган олтинлари бўлса-я, балки бу
кама-кама замонда уларни пуллашдан қўрқиб юр-
гандир, деган умид учкунлар эди кўнглимда.

Ўртоқларим билан санғиб юриб, гоҳо ту-
ман марказига бориб қолардик. Роҳатдан тар-
вақайлаганича музқаймоқ ялаб юрганларни кўр-
сам, аямай дўппослаб, қўлидагини юлиб олгим
келаверарди. Ҳар гал албатта китоб дўконига ки-
рардим, кўзимга иссиқ кўринган ёки бировлардан
таърифини эшитган китобни сотиб олишга пулим
етмаса, бу ҳол «шайдосига бевафо» музқаймоқ-
нинг куйдиргисидан ҳам ошиб тушарди.

Бир куни Холис опамнинг синфдоши, Хади-
ча отиннинг фарзанди бўлгани учунми, нихоятда
адабиётсевар, зеҳни ўткир, ёшига нисбатан ўта
кенг фикрловчи ошнам Абдусалом билан китоб
дўконига бирга кирдим. Қандайдир китоб иккови-
мизга ҳам ёқиб қолди.

– Шунини қарзга олиб беринг, қўлимга пул туш-
са узилишиб кетармиз, – дедим ёши улуғроқ ош-
намга ялиниб.

Абдусалом китобни сотиб олди. Ташқарига
чиққанимизда уни менга тутқазди-ю, кўйлаги-

нинг пастга осилиб турган этагини кўтариб, чўзмали шалварининг катидан яна битта худди шунақа китобни суғурди.

– Бунисини ўғирладим, – деди у, ҳозиргина пошшонинг хазинасини ўмариб чиққан Бағдод ўғрисидек тамтамланиб. – Униси сенга текин бўлақолсин.

Ий-йе, йўли боракан-ку! Шу нарса олдинроқ калламга келмаганига доғман! Ахир, қутичанинг зулфини биров билмайдиган тарзда суғуриб қанд ўғирлаш, дадам ухлаётганда чўнтагини енгиллатиш, боғларнинг деворидан ошиб тушиб, эгасига сездирмай мева ўзлаштириш бўйим тўрт қаричлигидан буёнги эски касбим-ку. Олғирликнинг нимаси қийин экан? Қулай фурсат пойлашни, талвасаланмай ҳаракат қилишни, иш битгандан сўнг ҳеч нарса бўлмагандек ғирмайиб тураверишни уддалай олсанг – олам гулистон.

Ўшандан бошлаб, дўкондан китоб ўғирлаш бобида малакам ошиб бораверди. Бир киришда тўрттагача китобни устидан кўйлагим этаги солинчоқланиб турувчи шалваримнинг чўзмасига қистириб чиққан кунларим ҳам бўлди. Дўкончини чалғитиш, хавфни камайтириш учун битта арзонроғини қўлимда варақлаб келиб, одоб билан сузилганимча ҳақини тўлардим. Доимий мижозлардан бирига айланганим туфайлими, охиратинг обод бўлгур дўкончи ўз талончисини ҳар сафар дўстона жилмайиб қарши оларди.

Параллел синфда беҳад бебошлиги билан доврўғ қозонган Аъзам ва Асқар исмли болалар

бўларди. Аъзамнинг тракторчи отаси барвақт вафот этиб кетган, Асқар эса ногирон отасининг йўриғига киравермасди. Уларни бир-биридан яққол фарқлаб турадиган томони шу эдики, Аъзам тезоб, шошқалоқ, Асқар босиқ ва камгап эди.

Иккови ҳам ўз синфида бировдан паст келмаса-да, мен билан олишмас, ҳаддида туриб, ҳурмат билан муомала қилишарди. Улар билан анча яқинлигимни билиб, баъзи ўқитувчилар, булардан узоқроқ юр, иккови ҳам қинғирқўл, деб шипшитишарди менга. Аслида, бу икки шумтака гоҳ синфдошларининг қалам-дафтарини, гоҳ мактабга тегишли у-бу буюмларни ўғирлаб, кўп дакки еб юргани, доим шубҳа остида эканликлари кўпчилигимизга илгаритдан аён эди. Айниқса, Аъзам Макаренконинг кичик бронза бюстини, японги радиони эплаштиришда гумон қилинаётган кунларда алоҳида тилга тушганди. Дарслар тугагач, ҳаммадан орқада қолиб, мактабни қўйни дўмпайганича тарк этганини қоровул Мамазокир бува қанча куюниб такрорламасин, бу айбни ҳеч ким Аъзамнинг бўйнига қўёлмаганди ўшанда. Кейинроқ, кимнингдир йўқолган велосипедини ҳам анчагача шу иккаласидан кўриб юришди.

Қиморбозлик, маишатбозлик, ишқибозлик, итбозликка ўхшаб ўғрилиқнинг ҳам ўзига хос гашти, кайфи бор. Бу жараёндаги кечинмалардан кейин ўз учарлигинг, чечанлигинг, дангаллигингдан қониқиб ғурурланмоқлик ва қилмишларингни эшитганларнинг ҳайратига сазовор бўлмоқлик лаззати, худди шароб ёки тамаки сингари, ўзига

хумор қилаверади. Қинғир ишларинг жазосиз қолгани сайин, бурнинг кўтарилиб бораверади, ҳатто зарурат туғилмаган чоғда ҳам, шунчаки гашт олмоқ истагида, чаккибосарлик қилгинг келаверади.

Лекин, киши астойдил изланса, ҳар қандай бемаъни ишга ҳам бирон-бир заруратча ўйлаб топиши мумкин. Менда ҳам шундай ҳолат зоҳир бўлиб турарди. Масалан, бир куни кўнглимда йирик зарурат кўпчиланиб, ишни майдалаб ўтирмай, тўп-тўп яхши китобларга бир йўла эга бўла қолсам-чи, деб ўйладим-да, харкалай бу соҳада тажрибалари бор дея, Аъзам билан Асқарни кўпдан буён фаолият юритмай келаётган колхоз кутубхонаси сари етакладим. Иккови бинонинг атрофида қоровуллик қилиб туришди, мен деразанинг очиқ қолган елтуйнугидан ичкарига кириб, ёқтирган китобларимни, шахмат тахтасини ташқарига бир-бир узатавердим. Уччаламиз бир қўлтиқ-бир қўлтиқ китоб билан қоронғи тушаётганда бизнинг уйимиз томонга қайтдик. Уйдагиларнинг терговидан ҳуркиб, томорқа тарафдаги девордан ошиб ўтдим, китобларни ва шахматни молхона ёнидаги поялар ғарами орасига яширдим; эртасига икки-учтадан ташиб чиқиб, кийим шкафининг таг қисмидаги сандиқчага жойладим.

«Зарурат» баҳона бўлган иккинчи мисолни айтсам, бир куни Авазбек укам қўшни бола билан ташқимизда ўйнаётиб, унинг ўйинчоғини талаша бошлади. Қўшни бола аразлаб чиқиб кет-

гач, Авазбек: «Менгаям автобусча олиб беринг! Автобусча олиб беринг!» – деб йиғлаганича дадамга тирмашди. Дадамнинг: «Бўпти, магазинга борсам, опкеламан», деган сўзи, менимча, етарли эди, бироқ нарида турган аям ҳам гапга сукулиб: «Вағиллама! Даданг қайси пулига олиб бераркан?» – дегани ўринсиз бўлди. Укам баттардан йиғлай бошлаганини, дадам нима дейишни билмай, жовдираб қолганини кўриб, кўксим жизиллади. Кечки пайт энди Аъзам билан Асқарни колхозга қарашли болалар боғчасига бошлаб бордим, улар яна пойлоқчилик қилиб туришди, мен кулфсиз эшикдан ичкарига кириб, ўйинчоқларни ўмаришга тушдим. Бахтимга десангиз, укам ўртоғи билан талашган автобусчадан ҳам бор экан, биринчи навбатда ўшани қўйнимга тикдим. Эшикдан сал наридаги дарахт остига қўйилган кроватда пишиллаб ухлаётган қоровулнинг ёнидан оёқ учида ўтиб, шерикларимнинг олдига келдим, ўзимга фақат автобусчани олиб қолиб, булар – укаларингга, дея бошқа ўйинчоқларни иккаласига тақсимлаб бердим.

Қайтгач, укамни қувонтиришга шошилмай, автобусчани четга яширдим, эртаси куни нонуштадан сўнг уни секин кўчага олиб чиқиб, сувга пишдим-да, яна ортга қайтдим. Ҳў Авазбек, мана, сенга автобусча, деб ўйинчоқни кўзлари қувончдан ёниб кетган укамга узатарканман, очик деразадан мўралаган аямга қараб, буни ариқдан тутиб олдим, шилдираб окиб келди, дея изох бериб қўйдим.

Қанийди, ариқда пуллар оқиб келса, деб ўйлагандир аям ўшанда.

Энди битта галанинг аъзоларимиз деган хулосага боришганми, гоҳида Аъзам билан Асқар ўзларининг турли майда қилғиликларига мени ҳам жалб эта бошлашди. Бир куни Аъзам, қўшним қовунини қўриқлаб, бола-чақаси билан даладаги қапада яшаяпти, уйини бир титкиласак-чи, деб қолди. Бордик. Уйга кирдик. Уй ичидаги тартибсизлик, қўлга илинадиган тузукроқ нарса йўқлиги Аъзам биздан олдин ҳам бу хонани яхшилаб пайпаслаб чиққанидан далолат бериб турарди. Титкиланиб-титкиланиб, ниҳоят, буюм деса дегудек кўринган кўнғироқли соатни олдик, пиёда темирйўл станциясига бориб, бозорчага кирдик. Сен ботирроқсан, соатни ҳў анави атторга ўзинг пуллайқол, деб мени муғамбирона аврашди шерикларим. Бориб арзонгинага пуллаб келдим, топганимиз учта музқаймоққа зўрға етди.

Буларни эслаганда, баъзан ўйланиб қоламан — бу ўғриликмиди, шўхликмиди? Хоҳ ўғрилик бўлсин, хоҳ шўхлик бўлсин, шундай давом этаверса, йўлим охири қаерга бориб тақалган бўлардийкин?

* * *

Хануз шеърлар битиб турардим. Тўпоригина машқларимда ишқ мавзуси тобора кенгроқ жой эгаллаб борар, буларни ёзаётганимда дафтаримнинг варағидан тутун кўтарилаётгандек, сал ўтмай лов этиб ёниб кетадигандек туюларди,

баъзан. Бунинг сабаби бор эди – қизларга илиқишга қаттиқ ружу қўйган даврим эди бу. Қоғозда чин севгини, вафони, садоқатни шарафлардим-у, амалда эса, қизлар бири-биридан чиройли кўриниб, ўзимни у гулдан-бу гулга урардим, қай бирида қўним топишни билмасдим. Гўё энг яхшилариининг бари фақат меники бўлиши шартдек.

Хонларимиз бекорга ҳарам қурдирмаган эканда. Шўрликларни ўпичбозликда айблайверишдан олдин, тотли-тотли хаёл суриб, ўзимизни лоақал бирор марта уларнинг ўрнига қўйиб кўришимиз керакка ўхшайди-ёв.

Тунлари Қ. хонни эзилиб-эзилиб ўйлардим, унинг ҳамма кўриниши, ҳатто кўзларининг қандай қиялаши-ю, лабларининг қандай чимирилишигача хотирамда қайта-қайта жонланарди; Ж. хонни шартта қопга тиқиб, кимсасиз тоғларга олиб қочгим келарди; гоҳо эринмасдан икки маҳаллани босиб ўтиб, қўшни мактабда сулувлиги билан донг таратган А. хоннинг хонадони ёнида оч қучукчадек ғингшиб юрардим.

*Афсус,
Ҳозир ёнимда
Битта танноз ойим йўқ.
Майда-чуйда гуноҳдан
Қўрқадиган жойим йўқ.*

*Тун қўйнида
Ҳисларим
Сочар ишқий шуғлалар...
Ухлар қучиб энасин
Нодон ойимтиллалар.*

(1980)

Баъзан, мактабда жуда озчиликни ташкил этувчи аёл ўқитувчиларга ҳам тагдор гаплар отар эдим, енгил-елпи тажовузлар қилишгача бориб етардим. Дам ручкамни атайлаб полга ташлаб, партанинг остига бош суқардим ва кимё-биологиядан дарс берувчи Кидрачёванинг оппоқ оёқларини берилиб томоша қилардим; дам мактабдаги қизларга қўллаб турадиган роҳатбахш қилиғимни ишга солиб, рўмолчамдан ип суғурардим-да, чет тилини ўргатувчи олтин сочли муаллимамиз Гудилинанинг ортидан бориб, биқинини сийпалардим, ўқрайганича чўчиб ўгирилса, кийимингизга ёпишиб қолибди, дея қўлимдаги ипни кўрсатардим. Пионервожатиймиз Умерованинг кетига шапатилаб қочганимдан сўнг катта ғалва чиқиб, бу ҳол шахсан директорнинг фахрий тарсақисини ейишдан ташқари, комсомолга қабул қилинмаслигимга ҳам асосий сабабчи бўлганди.

Хулқим кун сайин бузилаверди, эркак ўқитувчилардан ҳам тап тортмайдиган бўлиб бораётгандим. Пахта теришга чиққанимизда физкультурга ўқитувчиси Ўктам ака билан олишиб қолдим. У полвонлигини намойишлаб, бўғзимдан ушлаганича ерга ағдарганида, кўзига тупроқ сочиб, то ўзини ўнглагунча, уни кучукпийпалаш қилишга тушдим. Агар бригадир Имар қирғиз мени аёвсиз шапалоқлаб ажратиб олмаганида, ёқалашув нима билан тугаши номаълум эди.

Ўзи шундайин ҳам мактабдаги «қора рўйхат» нинг тепа қисмидан жой эгаллаб келаётгандим, ўқитувчига қўл кўтаришга бориб етганим, ниҳоят

барчанинг сабрини тўлдирди, синфимизда директор ва уч-тўртта ўқитувчи иштирокида бўлган йиғилишда мени мактабдан ҳайдашга қарор қилинди.

– Сизга битта илтимосим бор эди, – деб директорга мунғайиб боқдим. – Саккизинчини шу ерда битирволай, кейин ўзим яхшиликча бошқа мактабга кетаман.

Директор савол назари билан қарагач, муаллимлар пича ўйланиб қолишди, паст товушда ўзаро маслаҳатлашишди, сўнг менга қараб, эсингда турсин, ўғил боланинг гапи битта бўлади-я, деган сўзни алоҳида таъкидлаган тарзда илтимосимни қондиришди.

Ким нима деса десин-у, келишса бўладиган яхши одамлар бу оламда барибир кўп.



САЛОМ БЕРДИК, ШАҲАРВОЙ!

Мажбуран ҳарф танитмоқ – маданий ҳол, шундан кейин ҳам болани ўз билганига қўймаслик йиртқичликдир.

КУЛКУЛ афанди

Фарғона шаҳридаги Тўқимачилар шаҳарчасида яшовчи Шафоат аммамнинг тўнғич ўғли Машраб билан деярли тенгдош эдик, сенсираб сўзлашардик. Болаликда баъзан аммам уни бизникига ташлаб кетса, баъзан мен ҳам уларникида беш-ўн кун туриб қолардим. Шаҳарда «неужели», «вот эта да»,

«давай», «ну пасматри»га ўхшаш ўрисча ибораларни, бири «пашўл» билан бошланиб, бири «мат» билан тугайдиган сўкишларни алоҳида ютоқиланиб ўрганардим, қишлоққа қайтгач, ўрни келса-келмаса, пала-партиш қўллашга тушардим.

Менга ўхшаб саккизинчи синфни битирган Машраб ёзги таътилда бизникига келиб, узок туриб қолди. Бир куни гапдан-гап чиқиб, мактабдан ҳайдалганимни айтдим. Бунни эшитибок, унақа бўлса, Фарғонага бориб, мен билан бирга ўқийқол, деб қистай бошлади. Нима дейишни билмадим. Аммам уни олиб кетишга келганида, Машраб яна шу тўғрида гап очди.

– Шунақа қилақолайлик, ака, – деди аммам дадамга юзланиб. – Машрабнинг ўқишлари жуда ёмон. Анварга кўшилса, бирга дарс тайёрлаб юриб, сал одам бўлармиди...

Ўша йилнинг кузидан эътиборан Фарғона шаҳридаги 11-мактабнинг кечки бўлимида 9-синфда ўқий бошладим. Менга шерик бўлиб Машраб ҳам кундузгидан кечки бўлимга ўтди. Кечкида ўқий бошлашимизнинг сабаби – тўқимачилик комбинатида кўп йиллар мастерлик (ускуна созловчиси) қилган, яқингинада пенсияга чиққан Қосимжон опоғдадамиз иккала-мизни ҳам шу жойга ишга киритиб қўйишни кўзлаганди, лекин корхонадагилар ҳозирча бўш ўрин йўқ, деган баҳона билан гапни чўзиб юраверишди. Орқаворатдан эшитишимча, биринчидан, маҳаллий миллат вакиллари бу серпул жойга яқинлаштирмай, асосан ўрисларни қабул

қилишаркан; иккинчидан, биз ҳали ўн саккизга кирмаганимиз учун, қонунга кўра, саккиз соат ўрнига олти соат ишлашимиз кераклиги раҳбариятга ёқмас экан.

Барибир бекор қолмадик. Кундузи Ғайбулла қассобнинг дўконига бориб, гўшт майдалашда, сотишда унга кўмаклашардик. Қайтишимизда қассоб қўлимизга озгинадан гўшт тутқазарди ёки пул берарди. Бу дўконда кўп муддат музлаткичли омборларда сақланган, одамлар «давлатнинг гўшти» деб атайдиган этидан суяги кўп гўшт сотилар, баҳоси бозордагидан қарийб икки баравар арзонлиги боис, харидорларнинг кети узилмас, бир кунда 6–7 та қўй ёки 2–3 та молнинг танасидан урвоқ ҳам қолмасди. Шаҳарликларга солиштирганда, жуда камбағалчиликда яшовчи қишлоқиларга нега шунақа арзон гўштлирни элтиб сотишмайди, деб хайрон бўлаверардим. Бошқа ёқдан қаралса, «бисмилло» билан сўйилмаган деб, ўзбекларнинг бир тоифаси «давлатнинг гўшти»ни емас эди.

Машрабнинг азалдан ўқишда қолоқлигини, синфдан-синфга зўрға кўчиб юришини уйдагилар яхши биларди, мактабдан қайтсак, унга гапни исрофлаб ўтирмай, аммам нукул менинг қандай баҳолар олганимни суриштирарди. Баъзан кўзимга синовчан боқиб, бу дувонахон ростданам ўқишга боряптими, дея Машраб томонга ишора қилиб кўярди.

Аммамнинг хавотирида жон бор экан, дастлаб дарсларга мунтазам қатнашиб юрган Машраб, бирор ойлاردан сўнг ора-сира келадиган бўлди,

қишга бориб, мактабни бутунлай йиғиштириб қўйди. Китоб-дафтарни кўтариб, уйдан бирга чиқсак-да, сал наридаёқ йўлимиз айри бўларди, у кечалари Ғайбулла қассобникига боришни одат қилиб олган, қартада қимор ўйнашга тобора берилиб кетаётганди. Мактабдан қайтишда йўл-йўлакай уни қартахонадан чақириб олардим, ўйин тугамаган бўлса, бирпас томошабинлик қилардим. Ғайбулла қассоб мени ишқовлаб, қарз бериб тураман, ке, ўйна, деса, кўнмасдим. Уйда 1–2 тийиндан тикиб, Машраб билан ўйнасам, кўпроқ менинг қўлим келарди.

Ғайбулла қассобникида қимордан ташқари, ичкиликбозлик ҳам бўлар, «тарози таги»дан текинга қолган гўштларнинг бир қисми қозонда доим қайнаб турарди. Машрабнинг ҳадеб маст қайтавериши уйидагиларни ташвишга солиб, мендан сабабини сўрашса, мактабда бир-иккита арақхўр бор, шулар ичкизиб қўяди шекилли, деб тағин ёлғон гапирардим. Кечки мактабда ёши ўттизнинг атрофида бўлган «эски сирқиндилар» ҳам ўқишини билишгани учун, бу сўзимдан ҳайратланишмас, пиёнисталардан четроқда юр, деб Машрабни жеркишдан нарига ўтишмасди. Ёлғиз қолганимизда, бу қилиқларингни тўхтатмасанг, охири опоғдадамга айтиб бераман, деб огоҳлантирардим Машрабни.

Унга ортиқча каттиқ тегишолмаганининг сабаби – Машраб бу даврда салкам юз кило тош босар, танимаганларга йигирма беш ёшлардагидек кўрунувчи «кўтосботир»га айланган, ота-онасига ҳам кўрслик қилишдан тоймайдиган кепатада эди.

Бу барзангининг ёнида юрсам, ўртанча укасига ўхшаб қолардим.

Машраб жуда муштлашқоқ эди. Маст келаётганини кўрса, кўчадагилар ўзини панага уришга ошиқарди. Агар, ким биландир ёқалашишни бошласа, бу ҳудудчадаги эски кузурлар аста-секин бўрибосарга айланаётган тўлпоқ кучукчанинг олишувини четдан жим кузатиб туришар, охирида яхшилик билан ажратиб қўйишар, ҳар эҳтимолга қарши илиқ муносабатда бўлиб юришарди. Бегоналар тугул, ўртоқлари, улфатлари ҳам ундан безиллаб туришига қарамай, ёшликдан тепалашиб ўсганимиз учунми, унга ҳануз писандсиз муомала қилардим, жиғига тегишдан чўчиш ҳаёлимгаям келмасди.

Шу асно, Машраббой ҳаддидан ошиб бораверди. Салтанатнинг «оқсуяк»ларига айланиб қолган ўрисларга алоҳида хурмат билан қараш ҳамма жойда одат тусига кирган, ҳатто кўчада тентираклаб юрган пиёнистасининг мушугини пишт дейишга ҳам ҳар кимнинг ҳадди сиғавермасди. Машрабга эса миллатнинг фарқи йўқ эди, оддийроқлари у ёқда турсин, бу ўрамнинг «катағиш»ларидан саналган ўрис пивофурушни ҳам тап тортмай дўппослайверарди. Маҳаллий миршаблар бу тўполонларни кўрмаганга олар, мабодо кимдир арз қилса, Машрабни секин четга етаклаб ўтиб, панд-насихатлар билан қўйиб юборишарди ёки уйига ташлаб кетишарди.

Миршаблар ундан қўркишарди деёлмайман. Бир гал уни ўн беш кунгача қамаб қўйиш мумкин

бўлган «хушёрхона» деб аталувчи вақтинчалик изоляторга ҳам судраб боришган экан, лекин Фарғона камоқхонасининг довруғи баланд бошлиғи, аммамларга девор қўшни бўлган Мельник (уни дед Лёня дердик) шахсан ўзи келиб кутқариб олгач, уларнинг ҳовури пасайиб, калтақўлликни ҳис қила бошлаганди, чамаси.

Шаҳарда янаям эркин, янаям бежавотир яшаётгандек эдим. Зўрнинг кадрдони бўлсанг, сенинг ҳам зўрлигинг шу, унга теголмаганлар сенга ҳам теголмайди.

Одамлар орасидагина эмас, дунё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда ҳам айнан шу манзара учраб тураркан. Буни кейин билдим.

* * *

Тўқимачилик комбинати бошлиқлари шу жойда ўттиз йилдан кўпроқ ишлаб пенсияга чиқаётган Қосимжон опоғдадамизга ҳиммат кўрсатиб, корхона ходимлари учун қурилган янги уйлардан бирини унга тортиқ қилишганди. Тожихон ва Матлубахон деган қизларини куёвга узатиб олганлари боис, оилада улғайиб келаётган Машраб, Маҳмуджон, Муҳаббатхонлар билан яшаш учун саккиз сўтих ҳовлидаги тўрт хонали шу уй етарли деб ўйлаб, икки маҳалла наридаги ўн тўрт сўтихли эски ҳовлини сотиб юборишган эди. Натижада, умр бўйи ойликка таяниб кун кечирган хонадоннинг сандиғига илк бор улгуржи пул тушиб, тирикчилик анча яхшиланиб қолганди.

Асли полосонлик бўлган опоғдадамиз ниҳоятда бағри кенг, одамижон киши эди. Айниқса, чойхонапаловга чиқиб сал ширакайф келганида, гоҳо Машраб икковимизни уйнинг катта хонасига олиб кириб, кураш туширарди. Айикполвоннинг панжасига илиниб қолсам бас, мени ерга кўтариб урарди. Ошнам кучли эди-ю, битта камчилиги бор эди – бир зумда ҳансираб қоларди. Чарчаганидан фойдаланиб, бирор марта йиқитиб қўйсам, опоғдадам ўғлига қараб: «Ҳех-хех-хе, барибир ҳалиям сал пўклигинг бор», деб куларди.

Опоғдадам билан суҳбатлашган сайин, тобора унга махлиёланиб, оғзидан кўз узолмай қолардим. Қадимда бўлиб ўтган турли воқеаларни – Муллатўйчи ҳофиз янги танилганида, қўшиғи ёзилган лаппак бозорда бўрдоқи қўйнинг баҳосига чиққани; хонкизлик Қўчқор «ўғри»га ўхшаб, полосонлик Қоровой қўрбоши ҳам «босмачилик» тугатилганига қарамай, кейинчалик дам коммунистларни, дам тузум фаолларини чекка-чеккада бўғизлаб, узоқ вақт якка курашиб юргани, район марказидан келган бир милиция ходими Мозортагида йиғилиш ўтказиб, бу қароқчига ёрдам берганлар қаттиқ жазоланишини эълон қилиб турганида, у Кўктил ота макбарасининг эшикчасидан чиқиб келиб, маърузачини отиб ташлагани; лашкарбоши Мадаминбек душманларни қаерларда қандай қийратгани, бир гала кизил аскарлар Шохимардондаги қабристонда ёқиб юборилгани; ўзининг отаси Исмоил читфуруш Марғилондан отда қайтаётганда, Оқбўйрадаги темирйўл ёнида

кимлардир уни талаб, ўлдириб кетгани кабиларни маржонга тизиб-тизиб сўзларди.

Полвонлар ҳақида ҳам кўп нарса биларди. Бир куни андижонлик полвон йигит Олтиариққа келиб, ўзига тараф бўлганларнинг барини бир-бир йиқитибди. Уни меҳмон қилгач, кузатиб қўймоқчи бўлишса, Олтиариқдек жойда зўр полвон топилмаслигига ишонмайман, биров мени йиқитмагунча бу ердан кетмайман, дея чойхонада ёнбошлаб ётаверибди. Ошхўрликда Олтиариқ қишлоғининг мингбошиси ҳам ўтирган экан, кимдир унинг кулоғига пичирлаб, бу йигит Ўтан полвоннинг таърифини эшитиб, атайлаб куч синашгани келганга ўхшайди, менга фалончини топиб беринглар дейишга ройиш қияпти шекилли, дебди. Суриштиришса, Ўтан полвон ўтин ёраётганида тараша учиндиси оёғининг ошиғига санчилиб, тўрт-беш кундан бери уйидан чиқолмай ётган экан. Мингбоши: «Дарди оғирми, енгилми, эркак киши икки кундан ортиқ кўрпада ётса, уят бўлади», дегач, йигитлар бориб, Ўтанни отда олиб келишибди. Мингбоши уни нарироқда кутиб олиб, ҳў анави полвонни йиқита оласанми, деб сўраса, агар ярим қадамгина етагимга юрса, тоғниям ағдариб ураман, дебди Ўтан.

Олишув бошланибди. Ўтаннынг оёғига боғланган чорси кип-қизил тус олиб, газаклаган ярасидан теваракка қон сачрармиш. Охири рақиби эҳтиётсизлик қилиб, салгина етагига юрган экан, «Ё пирлар!» дея уни даст кўтарибди-да, ерга чирпиратиб урибди. Олтиариқ боғи қийқириққа

тўлиб, Ўтаннинг бошидан пуллар ёмғирдек ёғилибди, курашни паранжида томоша қилиб турган аёллар ҳатто олтин-кумуш тақинчоқларини ҳам полвоннинг оёқлари остига итқита бошлашибди. Оддий одамлардаги ғурурни кўринг!

Опоғдадам, умрининг катта қисми ўрислар орасида, қорақўл ишчиликда ўтган эса-да, мумтоз куй ва кўшиқларнинг ашаддий шайдоси эди. Ўзи ҳам йигитлигида дуторни жуда ўхшатиб чаларкан. Мумтоз кўшиқ янграб қолса, ўтирганларга жим деган ишорани қилиб, ўнг қўли бармоғини чап қўлининг муштумига «чирс-чирс» чертмаклаганича, ҳузурланиб тебранишга тушарди. Агарда Турғун Алиматов танбур черта бошласа, радионинг остига буткул суқулиб оларди, орада: «Худога нола қияпти!» – дея хўрсинар, оғир куйнинг якуни бироз шўхланса, «бу – совутмаси», деб кўярди. Бундан менинг мусиқага бўлган ҳавасим янада жўшар эди, охири тўқимачилар клубидаги Ўктам кўккўзнинг тўгарагига аъзо бўлиб, рубоб чалишдан дарс ола бошладим. Тўгарак раҳбаримиз гоҳида «Меҳнатда шуҳратинг, Ўзбекистон» деган байрамона кўшиқни кўпчилик жўрлигида куйлашни ҳам ўргатарди.

Баъзи шанбада, Ўктам акага ялиниб ётиб, рубобни уйга опкелардим, Машраб иккаламиз якшанба ичи шунга андармон бўлиб, кунни кечкиртирардик. Эски дуторчилигини кўмсабми, гоҳ опоғдадамиз ҳам бизга кўшилиб кетар, аммамизнинг «диринг-дикир»дан ғаши кўзиб, қўлингиздан келган ишни қилсангиз-чи, чол, деб жақиллаб берарди.

Қандай созлаб олсангиз,
Мен ўшандай куйлайман.
Шу туфайли, ҳурматим —
Жойида деб ўйлайман.
Тингир-тинг,
Тингир-тинг.

Мени чангдан авайлаб,
Бахмалларга ўрайсиз...
Гапингизга кирмасам,
Қулогимни бурайсиз.
Тингир-тинг,
Тингир-тинг.

(«Рубоб қўшиғи»)

Шаҳарда ахлоқим сал эпақага келиб қолганди.
Ўқишларим ҳам анча яхшилангандек эди. Ўрис-
чада туппа-тузук гаплаша оладиган бўлиб бораёт-
гандим.

Мени бу хонадонда кимдир малол олаётга-
нини ҳеч сезмасдим. Опоғдадам билан аммам
мени ўз фарзандларидан афзал кўрадигандек
туюларди, Машраб ҳар қадамда кўнглимни авай-
ларди, Маҳмуджон пинжимга сукулволиб, қизик
гапларимдан хиринглагани-хиринглаган эди, Му-
ҳаббатхон дарс тайёрлашга кўмаклашганим учун
жавондан ўзлаштирган конфетларни секинги-
на кафтимга қистирарди. Шунга қарамай, бу-
ларга ортиқча оғирим тушмаяптимикиан, деган
ўй дамодам кўнглимдан кечиб турарди. Баъзан
ўнғайсизланаётганимни сезармиди, аммам ичим-
даги андишани кувиб, ҳеч нарсадан тортинма,
акамнинг бизга кўп фойдаси теккан, сенга озгина
яхшилиқ қилсак қипмиз-да, деб елкамни силарди.

Қанчаси рост, қанчаси ёлғонлигини билмадим-у, аямнинг «ахборот агентлиги» таркатган хабарга кўра, дадам бой бўлган вақтида, эмишки, аммам унинг чўнтагини тамоман ўзиники қилиб олган экан. Еб-ичишга, кийиб-непишга чўқилаб олиб турадиганлари етмаганидек, фарзандларига қилинган тўйларни тўласича дадангнинг хисобидан ўтказишган, деб ўртанарди баъзида.

Сарвинисо бувимиз аямнинг таги паст уруғлари дадамни зулукдек сўришаётганидан куйинарди-ю, агар юқоридаги гапларда жон бўлса, палагги тозалар ҳам ўшанда унчалик анқайиб турмаган кўринади.

Лекин, бу одамгарчиликлар замирида турмушда кимнинг кимга қанчалик фойдаси теккани эмас, қариндошлар орасида азалдан чуқур томир отган, анъанавий удумга айланган меҳр-оқибат туйғуси, болаликдан қонга ўтган улкан ахлоқий тарбия ётар эди. Буни анча улғайганимда тушундим.



МАЛИНАХОН, МАЛИНА...

*Ҳаёт он қадар хатарлики,
қаён юрма, йўлингда қиз
учрайвераду.*

Гулмат ШОШИЙ

Бу мактабнинг ҳам ўз кузурлари бор экан. Машрабнинг қариндоши эканимни билганлари учун, улар менга ортиқча тегишқоқлик қилишмасди.

Мен ҳам «мусофир итнинг думи қисик» ақидасига имкон қадар риоя этардим. Қарангки, Малина деган бир қизни деб, яна эски шапалоқбазмлар гирдобига шўнғиб кетишимга сал қолди.

Малина уйида европача урф-одат таъсирида тарбияланган, ғирт ўрисмижоз эканига қарамай, мендек бир қишлоқи билан ўқишнинг дастлабки ҳафталариданоқ жуда иноқлашиб кетганди. У бошланғич синфларда ўрис мактабида ўқиган, бувиси бунақа ғалчатил қизни қайси ўзбек хотин қилади, дея ўғил-келинини тергаб, кейинчалик уни миллий мактабга бердирган экан.

– Метрикадаги отим – Мадина, – дер эди у. – Болалигимда кўп касал бўлсам, бу қиз исмини кўтаролмаяпти, бошқача қўйинглар, дебди бабушкам. Мамашкам осонгина қилиб, Малинага айлантирибди.

Шеър ёзиб туришимдан хабар топгач, Малина уйидан менга шеърый китоблар олиб келади-ган бўлди. Ўрисчаларининг айрим ерини ўқитиб кўриб, нималарни уққанимни сўрай бошларди, мазмунини тўлиқ англаёлмаган жойларимни, ўзбекча жумла тузишга қийналган тарзда тили тутилиб-тутилиб, эринмай тушунтира кетарди.

«Ғунча»да босилган шеърларимни алоҳида дафтарга елимлаб юрардим. Бир куни ўша дафтарни Малинага кўрсатсам, ў-ў, қаранг, настоящий шоир экансиз-ку, деб ҳайратга тушди. Нариги ҳафтаси эса, ёзишимни ҳеч кимга айтмаганман, сиз барибир профессионалсиз, буларни кўриб маслаҳат, дея менга ўзи тўқиган шеърлар-

ни берди. Ўшанда шеърларимизнинг даражаси бир-биридан кўп фарқ қилмаган бўлса керакки, ҳаммаси зўр, қойил қолдим, деб қизга чинакамига тан берганим эсимда.

Тўқимачилик комбинатида ишловчи, мендан уч ёшча катта бўлган Омонча отли масхарабозроқ синфдошимиз бор эди. Малина иккаламиз шеър-бозлик баҳонасида беҳад жипслашиб бораётганимизни ўзича эрмаклаб: «Малинахон, Малина, Анваржонга келин-а», дея бахшиланиб илжаярди. Икковимиз ҳам негадир уни тергамасдик. Менга келсак, бу эрмаклаш кўнглимга ёғдек ёкарди.

Синфдошимиз Зухра Малина билан мактабга доим бирга келиб, бирга кетарди. Кунлардан бир кун у қишлоқдаги оиламиз ҳақида у-бу гапларни суриштириб ўтириб, устингиздагидан бошқа шимингиз йўқми, деб сўраб қолди.

– Ҳозирча бори шу, – дедим, кутилмаган саволдан довдираб. – Нимайди?

– Бир сўрадим-да, – деди Зухра андак ўнғайсизланиб.

Вужудим зириллаб кетди. Бир зум энсам қотганича туриб қолдим.

Ҳа, биттагина шимим бўлиб, у ҳам дадамники эди. Бу ерга дастлаб кийиб келганим у ербу еридан сизилаётганини кўрган аям, бир гал қишлоққа борганимда семизгина дадамнинг йўл-йўл қорамтир чизикли оч кулранг шимини менга берганди. Ўшанда у, машинасини ғалдиратиб, шимни бўйимга мослаб сал калталатган эса-да, белини, чотини торайтиришга уқуви етмаганди.

Кийсам, почалари ҳолпиллаб турувчи бу каттакон шимнинг бел қисмида бир хандалак қистиргулик жой ортиб қолар, шу ортиқчасини орқа тарафга ғижимлаб тўплаб, тепасидан камар боғлаб олардим. Орқадаги ғижимни яшириш учун ё костюм киярдим, ё қўйлагимнинг этагини тушириб юардим.

Малина билан апоқ-чапоқ бўлиб бораётганимни мақтаниб айтсам, Машраб хомтамалигимдан кулиб, у ўзига жа бино қўйган қиз, сендақаларга сочини силатиш тугул, билагиниям ушлатмайди, дер эди. Ошнамни қандай ишонтиришни билмай юрганимда, манавинга шеър ёзиб юарсиз, дея Малина менга бинафшаранг муқовали умумдафтар совға қилиб қолди. Муқованинг ортига эсдалик ёзиб, ўзининг кичик суратини ҳам елимлаб қўйганди. Бунни кўрсатганимдан сўнг, Машраб: «Ваҳ! Ишни анча пишириб қўйибсан-ку, жиян. Менимча, энди уни ўпсанг ҳам индамаса керак», деб «олғир»лигимни ниҳоят тан олди.

Ўт билан кулча фақат тандирда юз кўришганидек, Малина икковимиз мактабдагина учрашар эдик. Кино-пинога таклиф қилсам, сира кўнмасди. Бунга, балки, ҳалпил-ҳалпил кийимларим, тўпори кўринишим сабабчи бўлгандир. Балки, ҳар бир ишда зарурий оралиқ сақлай олишни, қадрини ортиқча туширмасликни биладиган қиздир.

Бизга ёндош хонада 10-синфдагилар ўқирди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, комбинатга ишга кириб, шу синфда ўқиётган новча, малла бир йигит танаффус вақтида Малинанинг ёнида

ўралашадиган, суҳбатлашиб турсак, мени ундан нари суришга уринадиган бўлиб қолди. Малинага яқинлашиб, гап ташлай бошласа, нари кетишни хаёлимгаям келтирмасдим, менга тегишли узумга тумшуқ чўзиб нима қиласан, дегандек, кулимсираб тураверардим.

Бир куни у мени четга имлаб: «Қиз билан тинчроқ гаплашгани кўясанми, йўқми? Раз мен ёнига бордимми, бундан кейин сал нарироққа жил», деб қорнида нуқилади.

— Зарур ишим бор, бугун сен билан уришмайман, — дедим пинак бузмай. — Зўр бўлсанг, эртага аскар тўплаб кел.

Малла тиржайиб чақчайди:

— Нима? Келиб-келиб сенга қарши аскар тўплайманми, деревняк?

— Олдиндан айтдим-қўйдим, у ёғини ўзинг биласан, — деган гапимнинг тагида қандай маъно ётганини англолмади галварс.

Эртаси куни Машраб икки-учта «лайча»ларини бошлаб келди, табаррук қилиб, олдидан ўзи бир мушт уриб берди, қолганини шериклари қиёмига етказиб, «ошиқ маллавой»нинг кийимларини яхшилаб тупроққа булашди. Мен кўлимни кўкракка чоғиштириб, бу ёввойи армиянинг қўмондони ўзимман, дегандек, четда гўдайиб туравердим.

Бирор жойи қаттикроқ лат еганми, Маллавой бир-икки кун мактабга келмади. Келишни бошлагач, дастлабки кунларда танаффусга ҳам чиқмай юрди. Бирор ҳафталардан сўнг, ўзим ташаббус кўрсатиб, у билан ярашиб олдим.

– Атрофимда қиз тиқилиб ётибди, – деди малла менга суяк итқитаётган кепатада. – Ол, Малина – сенга!

Малина паққос ўзимга қолди. Аммо, бундан нима фойда? Ҳатто елкасига шунчаки елка ишқашгаям ҳаддим сиғмаса...

Менинг учун орзудир бари:

*қошларингнинг сирли имоси,
оғушингнинг наишъу намоси,
лабларингнинг шаҳду шаккари.*

Менинг учун бир умр армон:

*кўзларингда ёнмаган меҳринг,
дил истагин уқмаган зеҳнинг,
юрагингдан сўнмаган гумон.*

Енгиб бўлмас дарддир мен учун:

*сен сўзимдан ранжиган дафъа,
сен ёнимда бўлмаган ҳафта,
сен тушимда ҳазин боққан кун.*

Менинг учун хаёлдир фақат:

*эркаланиб айтган дил розинг,
ёлғиз менга аталган нозинг,
ва қалбингда тугилган шафқат.*

(1975)

Биламан, ҳар гал қиз-жувонлардан гап очсам, бир нарсани сабрсизлик билан кутяпсиз – эсдаликнинг дастлабки бобларида тилга олинган ўша Ғалати ойсанам шу бўлиб чиқса-я, деб тошиқяпсиз.

Пайти етди, чамаси. Ғалати ойсанамнинг кимлигини айтсам айтақолай. Олдин бир нарсани

киттай чикитиб ўтишим керак – ўша Ғалати ойсанамдан қонуний хотиним туғиб берганидан ҳам кўпроқ фарзандлар кўрганман. Яратгучим манглайимга шуни ёзиб қўйган бўлса керакки, мени асосан Ғалати ойсанамдан бўлган зурриётларим боқиб келяпти.

Очиғини сўзласам, турмушда менга ота-онамдан, опа-укаларимдан, барча жигарбандларимдан ҳам кўпроқ ёндош бўлган эса-да, ҳали унинг жамолини аниқ-тиниқ кўрмаганман, илгари айтганимдек, доимо тумансимон ниқоб ортида туради. Исми ҳаммага таниш – қалам аҳли уни суюмли нағмага солиб, «Илҳом париси», дейди. Ифориға сеҳрланганингча беихтиёр унинг оғушига кириб бордингми, Ер кезгичида ўзингни тамоман йўқотиб қўясан, энди ҳаётинг ўзга бир фазовий ўлчамда кеча бошлайди.

Шу Ғалати ойсанам билан бир тўшакка кўкрак босиб, умримнинг не-не қисмини хаёлот оламида ўтказдим, қанчадан-қанча қоғозтан фарзандлар кўрдим. Наздимда, барчаси жуда-жуда ёқимтой. Лекин, Сизни билмадим, балки бу боёқишларимни унчалар хушламассиз. Шу боис, бир илтимосим бор – нима бўлгандаям, уларни менинг олдимда ёмонламанг, беўхшовроқ эканини фарзандларимнинг ўзига ҳам сездириб қўйманг, ўксинишмасин...

* * *

Қишнинг охирларида эгним ниҳоят янги кийим кўрди.

Дадам бойлик пайтида сотиб олган, коверкот деган қимматбаҳо матодан тикилган оч новвот-ранг плаш бир-икки марта кийилганича сандикда ётган экан. Аям уни менга бергач, этаги узунроқ, елкалари анча кенг бўлгани учун кийгим келмай, аммамнинг шкафига илиб қўйгандим. Бир куни Машраб уни кийиб кўрди, эгнига қуйиб қўйгандек ўтирди.

– Шу плашни Машрабга бериб қўяқолсанг бўларкан, – деди аммам. – Сенга янги костюм-шим тикдириб берардим.

Жон деб рози бўлдим. Аммам эртасигаёқ мени артелга бошлаб борди, бирга мато танладик, чеварлар бўй-белимни ўлчашди. Бир ҳафта ўтмай, ишни битириб беришди.

Тим қора тусли костюм-шимни кийиб кўр-япман-у, теримга сиғмай, энтикиб-энтикиб кет-япман. Болаликда нуқул эски кийим кийгим келарди-я, ғирт аҳмоқ эканман, деб ўйлаётгандим шу топда.

Чамаси, янги либос ўша куни умримда биринчи марта кўзимга ловуллаб кўринди. Ўзимни тош-ойнакка солиб, таъбим чарақлагандан чарақлаб кетди.

Бу оламда ҳатто юпунликнинг ҳам ниҳояси бўлиши мумкин экан.

Қўшнимиз – Фарғона қамоқхонаси бошлиғи Мельник мени башанг кийимда учратиб: «Ў-ў! Саники – настоящий барин», дея одатдагидек чалла-чулпа ўзбекчалади. Кейин бирдан ўгит беришга тутинди:

– Саники башкача адам, Машрабга укшама. Мактабда, армияда отличник булиб юр. Потом олдимга келасан, вот такой кадр киламан сани.

Мельник ҳақида аммамдан бир гап эшитгандим. Бу гапни Мельник билан урушда бирга хизмат қилган, айни чоғда шу шаҳарчада яшовчи эски полкдоши айтган экан. Эмишки, уруш тугаб бораётган кунлари, қизил аскарлар кўчаларда дайдиб юрган немис болаларини бир жойга тўплаб турганида, Мельник келиб: «Фашистлар рус болаларини аяб ўтиришмаган», дебди-ю, кичкинтойларга қарата ўқ уза бошлабди. Шериклари уни уриб йиқитиб, зўрға тўхтатишибди.

– Бу занғар болаларни отган, у билан кўп яқинлик қилаверманглар, – деган экан ўшанда собиқ жангчи. – Мана, кўрасизлар, охири жинни бўлиб ўлади бу. Болаларнинг арвоҳи тушида тинч қўйиб бўпти!

Орадан кўп йиллар ўтиб, Мельник пенсияга чиққач, бирдан мияси айниб, соқоли ўсган, кийимлари бетартиб ҳолда кўчаларда ғудраниб юрадиган бўлибди. Шу таҳлидда ўлиб кетибди. Эшитиб, ниҳоятда ачиндим...

Посон кийиниб борган биринчи кунимда синфга тортинибгина кирдим. Шумқилиқ Омонча: «Ваваҳ-ҳ!» – деб юборганини ҳисобга олмаганда, бошқалар ортиқча аҳамият бермаганини кўриб, енгил тортдим. Малина молдан-молнинг фарқини ажратиб, бу магазинники эмас, уни қайси артелда тиктирдингиз, дея суриштириб қўйди танаффусда.

Мендек «мўдний кавалер» билан юришга энди уялмаса керак деган ўйда қизни яна кинога таклиф қилдим. Барибир кўнмади. Туфлим маймоқроқ экани ишни буздимикан, деб ҳадиксирадим бу гал.

Бу қанақа инжиқ қиз ўзи? Туфлимнинг товлари ейилиб кетган холос, бетини яркиратиб ёғлаб олганман. Янги костюм-шимни топган одам оҳорли бошмоқниям топарман. Ҳозирча «хўп» деб турса, ўладими?

Малина! Шаҳарда кечган умримдаги энг тотли хотира бўлиб қолди бу қиз.

Орадан йигирма йилча вақт ўтади, Фарғона радиосида ишлаб юрганимда Малина шаҳардаги мактаблардан бирида рус тили ўқитувчиси эканидан хабар топаман, телефонини аниқлайман, кўнғироқ қиламан. Шу зайл сим орқали ҳолаҳвол сўрашиб турадиган бўламиз. Бирон жойда ўтириб суҳбатлашиш борасидаги таклифларимни ҳар хил баҳоналар билан рад этаверади. Охири бир кўришайлик деб қаттиқ туриб оламан, у ҳам ниҳоят очиқ ва қатъий жавоб қилади:

— Кечирасиз, мен буни категорический хоҳламайман. Энди сиз билган Малина эмасман, ҳозирги туришимни кўрмаганингиз яхши.

Яна кўп йиллар ўтиб, мундоқ ўйлаб қарасам, кўнглимда ёлқин қолдирган қизлар орасида энг доноси шу Малина экан. Ўта нозик бир нарсага фақат унинг ақли етди – шоирнинг дилига ўзгача қиёфадаги иккинчи Малина сукулиб киришини истамади. Тўғри қилган экан, хаёлимнинг тўрида

ҳали-ҳамон ўн олти ёшдалигича порпираб турибди.

Эндиликда тагин бир нарсани тушуниб етдимки, мабодо тақдир бошимизни қовуштирганида, ўзим билганлар орасида фақат шу қизгина тартибсиз ҳаёт тарзимга ортиқча ғалваларсиз чидашга, мени, аввало, шоир сифатида асрашга имкон қадар уриниб яшаган бўларди. Аммо мен уни ўзи лойиқ бўлган бахтга ҳеч қачон сазовор қилолмасдим.



ҚЎЛЛАРИМ РУЛДА, РУЛДА-А...

Юрак – гуниллайди. Агар тарилласа, билгинки, бу – трактир!

КУЛКУЛ афанди

Бу ёшга етгунимча дунёда, юртда кўп воқеалар кечди. Аввалига Ернинг сунъий йўлдоши, кейинроқ Белка ва Стрелка лақабли лайчалар космосга учирилди, охири одамзоднинг Гагарин деган боласи инсоният тарихида биринчи марта фазога кўтарилиб, куррамиз атрофини бир марта айланиб чиқди; водород бомбаси синалди; қишлоғимиздаги хонадонларнинг учтўрттасида телевизор деган нарса пайдо бўлиб, бир кўриб қўйишга келувчиларнинг кўплигидан бу ховлилар зиёратгоҳ тусини олди; сиёҳли доволарнинг куни битиб, шарикли ручкалар русумга кирди; параходлару паровозлар ўз ўрнини

теплоходу тепловозларга, сўнг электровозларга бўшатиб бера бошлади; атом билан ишлайдиган кемаларни, электр станцияларини қуришга киришилди; шахси қоралангач, мўмиёланган жасади мавзолейдан улоқтириб ташланган Сталиннинг пули қиймати ўн бараварга ошган тарзда алмашиб, Хрушчёв оғаникида олди-бердига ўтилди; Араб, Африка, Осиё минтақаларидаги қарам давлатларнинг қанча-қанчаси озодликка эришди; Куба аталмиш синчалокдек оролчани деб, СССР билан Америка бир-бирига ядровий бомбаларни дўлдек ёғдиришига, бутун бошли Ер юзи биргина сувараклардан иборат масканга айланишига сал қолди...

Хайрият, замин ҳануз юмалоқлигича, унинг хилма-хил мавжудоти тириклигича турарди. Шу каторда Полосон ҳам бус-бутун эди. Фарғона шаҳрида бир йил санғиб яна Полосонга қайтганимда, қулоғимга чалинган энг катта янгилик Аъзам билан Асқар каттароқ ўғрилиқ қилиб, қўлга тушгани бўлди. Ҳозир қамокда ётишган экан.

— Қамок эмас, болалар колонияси, — деб кейинроқ аниқлик киритди Абдусалом ошнам. — У ердаям ўқитишади, касб-хунар ўргатишади. Ташқарига чиқишолмайди, холос.

Вой, худо қаноат бергурлар-ей, жуда-а чаток вазиятда қолишибди-ку. Шаҳарга кетвормаганимда, балки, улар мен билан юриб, бу даражага боришмасмиди? Ё, улар билан юриб, ўзим шу ҳолга тушармидим?

Сербола ва серчиқим оиламиздаги аҳвол кун сайин оғирлашаётгандек, етишмовчилик қаланиб бораётгандек эди. Дадам хануз ишсиз эканлигидан юрагим хижилланарди. Абдураззоқ қорининг эркак зотига кўчанинг иши керак, дегани тўғри. Қанчалар кенг бўлмасин, йўлбарс қафасга, эркак уйга сиғмайди. Қафасдан кутулиш учун бўлса керак, дадам анча уриниб юриб, Марғилондан ҳам наридаги Тошлоқ пахта пунктидан иш топди. Маоши борди-келдисига, еяр-ичарига зўрға етиб турса-да, ҳарқалай яна кўчанинг эркаки бўлиб олди-ку.

Мен ҳам эркакчиликка интилиб, пахта пунктига ишга кирдим. Файзибой отамизнинг ўғли Ўринбой ака бу даврда пахта қуритиш шохобчасига бошлиқ бўлиб қолганди, унинг қўл остида майда-чуйда ишларни қилиб юрдим: гоҳ таъмирдан чиққан ускуналарни бўяйман, гоҳ пахта қуритиш барабанининг ғилдираклари тишига чувалашиб кетган тивитларни юлқилаб тозалайман, гоҳ ёши катталарга дўкондан арақ-вино ёки сигарет ташийман. Бир гуруҳ ўрис ва татар қизлар озгина пул ишлаб олиш учун вақтинчалик ишларга ёлланиб, бирлари ариқ тозалар, бирлари йўлу майдонларни супуриб юришарди. Сал бўш қолсам, уларни товук қувгандек тўзғитишга тушардим, кучиб-китиклаб хуморёзди қилардим.

Бир куни пахта қуритиш цехига иккита яп-янги трактор беришди, бири – уч ғилдиракли «Т–28», иккинчиси – тўрт ғилдиракли, лекин паканагина «ДТ–20». Пакана қизил трактор ич-ичимда

ҳавас ўтини алангалатди, шуни мен минақолай, деб Ўринбой акага ялина кетдим. Тракторчиликка ҳужжатинг йўқ, бунинг устига ҳали мактаб ўқувчиси бўлсанг, қандай қилиб сенга бераман, деб ўжарланди Ўринбой ака. Ўзим ҳол-жонига қўймай туриб олганим, бу масалага дадам ҳам аралашгани охири унинг кўнглини юмшатиб, майли, пунктдан ташқарига чикмаганингдан кейин, ҳужжатсиз минсанг ҳам бўлаверар, дея розилик берди. Шунақанги қувондимки!

Пакана тракторни бошқаришни икки кундаёқ тузуккина ўрганиб олдим. Катта «Т–28»ни Олим мўйлов исмли эски тракторчига бериб, менга бошлиқ қилиб тайинлашди. Бошлиқлиги шуки, меникидан беш сўм кўп ойлик олади, лекин тракторимнинг бирор жойи бузилса, тузатиш унинг зиммасида.

Ўша маҳалда шофёр тилидан айтилувчи бир қўшиқ бўларди:

*Қўлларим рулда, рулда-а,
Кўзларим йўлда, йўлда-а...*

Тракторим ўрнидан кўзғалиши биланоқ шу ашулани минғирлаб айта бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолардим.

Аввалига Олим мўйлов иккимиз пункт ичка-рисиди ишлаб юрдик – бу ғарамдаги ҳўл пахтани пунктнинг нариги чеккасидаги қуритиш цехига ташиб борамиз, қуритилган пахтани яна тиркамага ортиб, энди бошқа ғарам ёнига келтириб тўкамиз. Ҳар бир тракторга учтадан тиркама аж-

ратилганди, биринчи бўш тиркамани ҳўл пахта ғарами ёнида қолдириб, тўлдирилганини улаганча қуритиш цехи сари еламиз. Бу пайтда қуритиш цехидаги учинчи тиркама иссиққина пахтага тўлиб турган бўлади, иккинчи тиркамадаги ҳўл пахтани барабанлар ёнига ағдариб, учинчисини улаймиз, уни қуруқ пахталар ғарами ёнига тўкиб, ҳўл ғарам олдида аллақачон тўлатиб қўйилган биринчи тиркамага алмаштирамиз. Яна иккита эски тиркама ҳам бор, орада вақт топиб, уларнинг бирига юклаб қўйилган турли чиқинди ва ахлатни пункт четидаги чуқурга элтиб тўкамиз, ичига кўмир тўлатилган бошқа тиркамани ёқилғи омборидан иситиш ўтхонаси томонга судраймиз. Андак нафас ростлашга имкон йўқ, худудда чекиш қатъиян тақиқланганига қарамай, сигаретни тракторда бораётиб йўл-йўлакай апил-тапил чекиб оламан. Шу қадар чарчардимки, тушлик эълон қилинса, овқатланиш ўрнига пича ухлаб олгим келаверарди.

Олтиариққа қайтганимдан кейин ҳам ўша «ўғилболача гап»да туриб, 13-мактабга эгилиб бормадим, туман марказидаги 1-ўрта мактабнинг кечки 10-синфига жойландим. Пункт ичида ишлаб юрган пайтимда дарсларга имкон қадар мунтазам қатнашиб турдим. Кейинчалик транспорт етишмовчилиги боис пунктдан вақтида олиб кетилмай дусамбаланиб ётган пахталарнинг бир қисмини Фарғона шаҳридаги пахтани қайта ишлаш заводида қиш ичи ўз тракторларимизда ташиб беришимизга тўғри келди. Ҳайдовчилик гувоҳномам

бўлмаса-да, тракторни шаҳарга ҳам ўзим миниб боравердим. Ҳар бир тракторга учтадан тиркама уланарди, йўлга тушсак, худди поезд вагонларни тортиб кетаётгандек кўринарди. Мен олдинда, бирор муаммо туғилса тракторимни созлаб бериши лозим бўлган Олим мўйлов ортда борарди. Шаҳардан қайтишда гоҳо бировларнинг ҳар хил юқларини Олтиариққа келтириб бериб, чойчақа ҳам ишлаб олардик. Буни бировларга гуллаб қўйма, мен тугул ўзингниям ризқингни қиясан-а, деб тайинларди Олим мўйлов.

Шу зайл қиш бўйи шаҳарга пахта ташидим, баъзан кеч қайтишим, баъзан оёқ қимирлатишгаям мажолим қолмаслиги туфайли мактабга кам қатнайдиغان бўлдим. Танам шу қадар зўриққандики, тўрт километр чиқиб-чиқмайдиган жойдаги мактабга етгунча ҳатто велосипеднинг педалини тепишга қурбим етмай қоларди. Шу аҳволда дамодам шеър ёзишгаям фурсат топганимни эсласам, ҳозирда ҳайратга тушаман.

Қор ёққан кун эди. Мактабдан велосипедда қайтаётсам, Мозортагидаги клубда қўйилаётган икки серияли кино ҳали тугамаган экан. То-моша охирлаб қолгани учун пул тўламай кирсам, бир гала кўшнилари орасида Ўринбой ака ҳам ўтирибди. Уйкуга ташна кўзим экрандаги ёруғликдан ачиша бошлади-ю, тезда ташқарига чиқиб, велосипедни миндим. Жуда пишиқиб кетган эканман, уйга яқин қолган эсам-да, уста Абдуқаҳҳор аканинг ҳовлиси муюлишида тўхтаб, бир оёғимни бурчакдаги каттакон тошга тираган-

ча, велосипеддан тушмай чоптирдим. Синикдил Баҳром эшон ўзидаги асаб толиқувчанлиги дардини битта менга мерос қолдирганми, чарчоқдан яна кўзим тиниб, бошим айланиб кетди. Шу паллада нариги муюлишда нимадир лип этиб кўзга чалингандек туюлди.

Нима бу? Итмикан? Йўк, каттагина эди шекилли. Худди Жўраали чўлоққа ўхшаб оқсаб келаётгандек кўринди-ёв.

Бу ҳовлининг ортидаги қарағай тагида ажиналар бор, деган гаплар беихтиёр хаёлимдан кечиб, жин-пин йўлиқдимикан, деб ўйладим. Яхшиям, индамасдан келиб, кўкқис оғзимга тортвормади. Ана, Урайим акани ажина уриб, жағини кийшайтириброқ кўйган дейишади-ку.

Шимимни тартибга солиб, қўлимни девордаги қорда ишқалаб ювгач, велосипедни олдинга салгина ҳайдадим-у, бошим қаттиқ санчиб, яна тўхтадим. Ерга ётиб, лоақал бир дақиқагина дам олгим келди. Биламан, ётсамоқ ухлаб қоламан.

Муюлиш ортида кинодан қайтаётганларнинг ғудур-ғудури эшитилди. Тўсатдан миямга ғалати ўй келди: ўзингни ерга ташла, жойингдан турғизмоқчи бўлганларга ажина ҳақида валдира, касаллик баҳонасида бирон ҳафта ҳордиғингни чиқарарсан бола.

Ўзимни ерга ташладим. Қўшнилари келиб, бетимга қор сочиб шапатилашди, ўрнимдан турғизишди, ажинадан гап очишим биланоқ «бари тушунарли» дея уйимга суяб келтиришди, Аблаз қорини чақириб, дам солдиришди. Аям билан бу-

вим ваҳимага тушган, дадам индамас, кўзларимга безовталаниб тикиларди. Режам бўйича лоақал уч-тўрт кун ўзимни зўрға қимирлаётганга солиб ётишим керак эди, лекин уйдагиларни, аввало, дадам шўрликни кўрқувдан қутқариш, қолаверса, дами ўткирлиги билан ном қозонган Аблазқорининг ҳам юзини ёруғ қилиш истаги устун келиб, ўзимни бирдан тетик тутдим.

– Ҳаммаси ўтиб кетди, – деб кўрпамдан дангал бош кўтардим. – Энди бир ухлаб олай, эртага ишга боришим керак.

Хайрият, Ўринбой ака мен кутган гапни айтди:

– Иш қочиб кетмайди. Ҳеч бўлмаса, икки-уч кун ётиб, ўзингга келвол.

Мириқиб дам ола бошладим. Жисмим қаттиқ толиққанининг оқибати бўлса керак, биринчи кун кундузи ҳам мизғидим. Кейин, кўзим қотиб, туни билан ухлаёлмай чиқдим. Балки, тандирқизитар хаёллар ухлатмагандир. Бўйдоқ йигитча бедорликда қизлардан бошқа ниманиям ўйларди?

*Булутсимон парқувга,
Ойдек маъюс ботаман.
Ўхшаб етим оҳуга,
Битта ўзим ётаман,
Раҳминг келсин, сулувжон.*

*Имо қилар юлдузлар,
Нур киприги пирпираб.
Ҳароратсиз ўй-ҳислар,
Юрагимда дилдирар,
Раҳминг келсин, сулувжон.*

*Қунишганча ухлайман,
Дардларимга биқиниб.
Тушларимда йиғлайман,
Сенга қулдек сизиниб,
Раҳминг келсин, сулувжон.*

*Кўтараман тонгда бош,
Иситмадан ловуллаб.
Кипригимда қайнар ёш,
Юрагимда – довуллар...
Раҳминг келсин, сулувжон.*

(1979)

Бошлиғим айтган «икки-уч»нинг «уч»ини танлаб, тўртинчи куни чархланган қиличдай бўлиб ишга чиқдим. Олим мўйлов хўмрайиброқ боқиб, ажинаси йўқ йўлдан юрсанг ўлармидинг, дея пўнғиллаб қўйган эса-да, шаҳарга ёлғиз қатнаб зериккани, шериги қайтганидан хурсандлиги чакноқ кўзидан сезилиб турарди.

Яна ўша шаҳарга қатнашлар, яна ўша тинкакуритар ишлар давом этаверди. Неча бор огоҳлантиришларига қарамай, шароитга кўра, мактабга ҳануз ора-сира борардим. Бир куни синф раҳбаримиз Маърупов мени ўқитувчилар хонасига чақириб, мактабдан ҳайдалганимни пишқириқли товушда эълон қилди. Зарда билан ташқарига юрдим, эшикдан чиқдим-у, яна бошим айланиб, дуволга суяниб қолдим.

Нима қилсам экан? Хужжатларимни кўтариб кетаверай десам, яқин атрофда бошқа кечки мактаб йўқ. Кундузгида ўқий десам, ишдан айрилам, уйимизда тирикчилик баттар издан чиқади.

Яна бир томони ҳам борки, фақат кечки мактабдагина 10-синф битирувчи ҳисобланади, кундузгилар шу йилдан эътиборан ўн бир йиллик таълимга ўтказилган.

Чора излай-излай, охири бир тўхтамга келдимда, танаффус бўлишини кутдим. Танаффусга кўнғироқ чалинган, муштумзўрлиги билан кўзга ташланиб қолган Одил ошпазнинг укаси Ҳомитжон, жангарифеъл Мақситали, босиқ, аммо ўткиртил Юрсинали каби синфдошларимни четга тортиб: «Ҳаммангиз марказнинг йигитларисиз, битта мен четдан қатнайман. Мени мактабдан ҳайдашяпти, агар ўртага тушиш қўлларингдан келмаса, майли, унда кетаверай», деб ҳамиятларини китикладим.

Синфдошларим Маъруповнинг олдига ёпирилиб кириб кетишди. Роса тортишув бўлибди. Йигитлар тугал терсланиб, агар Анварни ҳайдасангиз, биз ҳам мактабга келмаймиз, дейишгач, домла ён бериб, бўпти арзларингни қондираман, лекин энди бирортаям дарсни қолдирмасин, дебди.

Бир-икки ҳафта интизомни ушлаброк юрдим, кейин яна «эски Аҳмад пари»га айландим. Мени ҳайдаш юзасидан мактаб директорининг қарорини чиқартириб, яна ўзи бекор қилдиришга мажбур бўлган Маърупов иккинчи марта ғалва қўзишга ботинолмаслигини яхши билардим.

Ёзга чиқиб, ҳаётимнинг энг катта босқичларидан бирига якун ясалди – ўн йиллик мак-

табма-мактаб сакрашлар поёнига етиб, ўрта маълумотли шахс эканимни тасдиқловчи аттестатни ниҳоят қўлга киритдим.

Ўша кунларнинг бирида: «Хов, устоз! Ўзимиз келмасак, кўрганиям бормайсиз», деб хохолаганича уйимизга Асқар кириб келди. Қўлида кандурсли тугунча ҳам бор. У билан бирга Аъзамиям қамокдан бўшатишганини эшитиб, хурсанд бўлдим.

Аммо, колония болани баттар бузади, деган гаплар тўғри экан. Кейинчалик бу иккала ошнам одамнинг жонига қасд қилишдан ҳам кайтмайдиган йириккина қонунбузарларга айланди, бир неча бор узоқ-узоқ муддатларга қамалиб кетишди.

Аъзам охириги қамалишдан сўнг менинг кўмагимда колхоз тракторчилигига жойланиб, фермага ем-ҳашак ташиб юрди. Уй курди, уйланди, фарзанд кўрди. Умри қисқа экан, мотоциклда аварияга учраб, ҳалок бўлди. Асқар эса, чўлқуварлар учун қурилган уйлардан бирига ўрнашиб, деҳқончиликка ружу қўйди, фарзандлар кўриб, рўзғорни бинойидек бошқара бошладди.

Бир маҳаллар иккаласи ҳам менга эргашиб юрарди. Дунёнинг чапаки ишларини қарангки, таниқли талончи бўлиш менга эмас, уларга насиб этди.

ОПАМНИ САВАЛАЙДИГАН МАРД БОРМИ?

*Ризқ қидиратургон одам
бўрисимондир.*

Гулмат ШОШИЙ

Мактабни битириб ҳам пахта пунктида трактор минавердим. Катта кишилар орасида юрганним сайин эркакланиб, кўрсланиб бораётгандим. Мен билан тенг туриб гаплашишларини истаб, гоҳо кимнидир жеркиб ташлайман, гоҳо ким биландир тиккалашиб қоламан. Айникса, дадамнинг қамалишига сабабчи деб билганларим учраб қолса, кесатиқ отгим келаверади.

Бир маҳаллар дадамнинг судида гувоҳлик берган омборчи Ҳокимназар тоғани ўшандайлардан биттаси деб ўйлардим. Кўрсам, саломлашмасдим. Куз пайтида пунктга келтирилган кўмирнинг бир қисмини ходимларга ҳам сотадиган бўлишди. Тракторимнинг тиркамасига кўмирни босиб, юк машиналарини тортадиган каттакон тарозига чиқариб тўхтатдим. Омборчи Ҳокимназар тоға уни тортиб, мана, салкам уч тонна чиқди, майли, икки тонна деб ёзақолай, деган эди, йўқ, қанча чиқса, шунча ёзинг, деб турволдим. Шунда Ҳокимназар тоғанинг кўзи ёшлангандек бўлди, дадангнинг қамалишида айбим йўқ, болам, унинг бошига етганлар, ана, ялтиллаб юришибди, деди. Мен тунд боқиб, гап шу – қанча чиқса, ўшанча ёзинг, дея шартга ортга бурилдим.

Ҳокимназар тоға салкам юз йил умр кўрди. Охирги икки йилда кўчага чиколмай ётиб қолганини эшитиб ҳам унча парво қилмагандим. Қўшнимиз Дехқон ака уни кўргани борганида, мени алоҳида сўраганини эшитиб, ўйланиб қолдим – нахотки кечиришимни кутиб, ўлолмаётган бўлса? Ўша кун кечки поездда Тошкентдаги юмушимга қайтишим лозим бўлса-да, ишни пайсалга солмадим, Дехқон аканинг ёнига Ўринбой аканиям қўшиб, машинага ўтказдим, бозордан харажат қилиб, Ҳокимназар тоғани йўқлаб бордим. Ҳеч нарса бўлмагандек, чақчақлашиб ўтирдим.

Кейинги гал қишлоққа келганимда Ҳокимназар тоға аллақачон оламдан ўтган экан...

Пахта пунктидан олинган кўмирнинг иссиғидан роҳатланиш насиб этмади. Худойим қишки ризкимни бошқа жойга сочиб қўйган экан.

Олтиариқнинг Бўрбонлиқ қишлоғи устидан бошланиб, қир орасидан тушлик сари юқорилаб кетгучи йўл тоғнинг этагига бориб тақалади. Ўша жойда Қирғизистонга тегишли кўрғошин кони бўларди. Шаҳодат опамнинг эри Аъзам ака шу конда шофёрлик қилар, карьерлардан очик усулда қазиб олинадиган (бир жойида эски шахта ҳам бор эди) маъданларни аҳоли яшайдиган қўрғон яқинидаги заводга машинада ташиб келтиришар, 700–800 сўмга етказиб ойлик олишарди. У даврда колхоз раиси 130 сўм, мактаб директори 150 сўм атрофида маош олишини назарда тутсак, кончилар пулнинг тагида яшар эди.

Арзимаган пулга трактор миниб юраверма, деб, Шаҳодат опам қишда мени ўша Рудник-конга олиб кетди, тездаёқ ишга жойлаб қўйди. Қапчуғайлик обжувозчи Арслон бургутчининг Раҳмонали деган ўғли конда бурғиловчилик қиларкан, мени унга шогирд қилиб беришди. Раҳмон аканинг вазифаси – ўзиюрар ускунани у ердан бу ерга жилдириб, тупрокни ўн беш-йигирма метр чуқурликда бурғилаш, менинг вазифам – гуп-гуп урилганича ерга тобора чуқурроқ кириб бораётган қувур устун ичига гоҳ-гоҳ сув қуйиб туриш, электр токи етказиб берувчи кабелнинг ерда эмас, темир айричалар устида туришини таъминлаш, ишдан сўнг агрегатни артиб тозалаш, айрим қисмларини солидолда мойлаб қўйиш.

Биздан кейин бу жойга қўпоровчилар келиб, бурғилаган чуқурларни дорига тўлдириб портлатишар, тупрокни экскаваторчиларга юмшатиб беришарди. Ана энди ўнлаб «КрАЗ» карьер деворидаги поғона-поғона йўлларда чумолилардек ўрлаб, руда ташишини томоша қилинг.

Четдан караганда, ишимиз унча оғир эмас-дек туюлар, унинг ҳақиқий заҳматини ишлаб кўрганларгина биларди. Уйча тугул бирон-бир дарахт ҳам бўлмаган яланг жойда қишнинг чийиллоқ совуғига чидаш; иссиқ овқат пиширишга имкон йўқлиги боис, музлаган таом билан тамаддиланиш; ҳар ҳафтада у сменадан бу сменага алмашганда, ухлашнинг янгича вақтига кўниколмай гандираклаб юришлар тинкангни куритиб ташлайди.

Раҳмон ака ишга ҳар сафар бир шиша арақ билан келарди. Одамлардек тўғрима-тўғри ичавермай, арақни пиёлага қуйиб, ичига нон тўғрарди, кейин бармоғида битта-битта олиб ейишга тушарди. Бўккан нон бурдаларини еб бўлгач, пиёланинг тагида арақ юқи қолса, унга яна нонни ботириб, роҳатланган қиёфада лунжига тикарди. Бу наринг пасайгурда хосият кўп – ёзда иссиқни, кишда совуқни кесади, ол, ич, деб менга ҳам ичимликдан узатарди. Баъзан озгина ичардим.

Ҳали ўн саккизга тўлмаганим учун, қонунга кўра, бошқалардек саккиз соат эмас, олти соат ишлашим керак эди. Қонунга ёпишиб олсам, ё Раҳмон ака мени деб икки соат бекор ўтиришига тўғри келади, ё кимдир атай шунча жойга келиб, менинг ўрнимга бор-йўғи икки соатгина ишлаб бериши лозим бўлади. Бу масала бошидаёқ хал этилганди, ортиқча икки соат туриб берганимга кўшимча ҳақ тўлашар эди.

Тракторчиликда 80–90 сўмга ишлаб юрган одам кончиликда, нормани қандай бажаришимизга қараб, 350 сўмнинг ён-верида ойлик ола бошладим. Ойликни дадамнинг кўлига элтиб берардим. Яшашим опамларникида, ейишим текин бўлгани туфайли маошим уйга деярли бутунича етиб борар, рўзгоримизга қайтадан барака кираётган эди. Буни дадамнинг ғойиб бўлиб кетган эски улфатлари уйимизда яна бир-бир пайдо бўла бошлаганидан ҳам билса бўларди. Дадамга дурустгина тиргак бўлиб қолганимдан биринчи галда Сарвинисо бувим беҳад хурсанд эди.

Шуниси чатоқ эдики, рўзгорнинг асосий таянчига айланаётганимни қанча кўп ҳис қилсам, бурним шунча кўтарилиб, оиладагиларга муомалам дағаллашиб бораётганди. Менга салгина насихат қилмоқчи бўлишса ҳам, гоҳ аямни, гоҳ ҳатто дадамни жеркиб берадиган одат чиқардим.

Ўшанда мени нега қаттиқроқ гадаблашмади экан? Уларнинг ўрнида бўлсам, бунақа бетасирликка чидолмасдим, ўзингданам ўргилдим, пулингданам, деб фарзандимни силтаб ташлашим аниқ эди.

Топармон бўлиб қолганимдан завқланганимда, бирдан Усмон тоғам эсимга тушарди. Туси ўнғиб, жияклари ситила бошлаган тўнга бурканганича кунишиб туриши кўз олдимда ҳадеб гавдаланаверарди. Тирик бўлганида, бошдан-оёқ яп-янги кийинтирардим-а, деб хўрсинардим.

Усмон тоғам ўлганида мендан бўлак ҳеч ким йиғламагани эсимда. Бундан газабланиб, нимага йиғламаяпсизлар, дея дағдаға қилсам, аям ҳазингина кулимсираб қўяқолганди.

Ҳаётимнинг яна бир парчаси Рудник-конда ўтаверди. Ишлашдан кўра, ишга бориб-келиш мени кўпроқ толиқтирарди. Опамлар кўрғон марказида эмас, қир оралиғидаги ГРП деб аталувчи, қаттиқроқ шамол келса томи тугул деворлари ҳам учиб кетадигандек туюлувчи пастқам-пастқам уйларнинг бирида яшашарди. Икки хонали уйнинг биттасини мен эгаллаб, поччамни, болали опамни бир четга қисиб қўйганимдан кўп хижолат тортардим, умумётоққа бориб яшай десам, кўнишмасди.

Балки ўшанда тил учида кўнишмагандир, каттиқроқ туриб олсам балки рози бўлишарди. Шундай қилсам, аслида, ўзимгаям енгиллик туғдирган бўлардим – умумётоқ автогаражга яқин жойлашганди. Бу ерда эса, уч километрча масофани ўркачма-ўркач босиб ўтиб, автогаражга бораман, махсус ажратилган хонага кириб кийимларимни алмаштираман. Сўнг машиналарга чиқиб, карьер тарафга жўнаймиз.

Бирор ойдан кейин йўл азобидан анча кутулдим. Салтанатнинг катта хўжайини Хрущёв уй хайвонларига ҳам солиқ солганида, кўп одамлар эшагини сотишга тутинди, гўл харидор топилавермагач, кўчага ҳайдаб қутулишди. Шундай дайди эшаклардан бир гуруҳи маҳалламиз атрофида санғиб, ахлатларни чўчкадек титкилагани титкилаган эди. Улардан биттасига котган-кутган нонларни бериб юриб, ўзимга ўргатиб олдим-у, гаражгача эгарсиз эшакда борадиган бўлдим. Гоҳ егулик топилмай, олдида қуруқ қўл билан йўласам, тамагир хайвон тутқич бермай хуноб қиларди. Эшакдан бурга юкқач, кейинроқ унинг хизматидан тамоман воз кечдим.

*Раҳмат сенга, эй бурга,
Қоним ичсанг ҳам, бирга –
Юрдинг оғир кунимда.*

Аъзам ака мени малол олаётганини сира сезмасам-да, Шаҳодат опам бир куни гапдан гап очиб, почча барибир почча экан-да, олдинда хиринглаб ўтиради-ю, баъзан менга алламбало-

ларни шама қилади, деб қолди. Опам бу гапни энди қишлоққа қайтавер, деган мазмунда эмас, агар бу уйда менинг гапим гап бўлмаганда, бошқалар сени сиғдириб қўярмиди, деган маънода, ўзининг салобатини намойишлаш учун айтганди. Шуни билиб туриб ҳам ичим салгина зил кетди.

Қиш охирлаганида оёқларимда оғриқ ўрма-лай бошлади. Уйдагилар бунини опамдан эшитишгач, эски бод касалинг қўзиб, яна ётиб қолмасингдан уйга қайтақолсангмикан, деб кўнглимга қўл солишди. Тошлоққа қатнаб иш-лашдан тузукроқ наф кўра олмай, энди Полосон қишлоқ ижрокўмида солиқ тўпловчи бўлиб олган дадам елкамга қоқиб, энг олдин соғлиқни ўйла, тирикчиликни сенсиз ҳам уддалармиз, деб астойдил жон тортди.

Шу тариқа, Рудник-конга қилган юришим узокқа чўзилмай, ортга қайтдим.

Босиққина, ўта меҳнаткаш, рўзғорга қул, болаларига беҳад меҳрибон, ғийбатдан бегона Аъзам поччамнинг қўлидан анча туз ичдим. Уни кўрсам, доим кўнглим яшнарди. Бу одамга қандай яхшилик қилсам экан, деб ўйлардим баъзан.

Бир куни шунга имкон туғилгандек бўлди. Империя парчаланиб кетишидан олдинроқ Рудник-конга уларни йўқлаб бордим. Поччам уйда бир ўзи ўтирган экан, опамни суриштирсам, озгина кайфи борлиги учунми, бу безот уйда тўхтамайдиган бўпқолган, деди-ю, бирор улфатини бошлаб келса, феъли айниши; ҳатто кетинглар энди, пиёнисталар, деб уларни ҳайдаб солиши; эр

билан маслаҳатлашай демасдан хоҳлаган ишини килиши, болаларини етаклаганича ҳафталаб меҳмондорчиликда юриши кабилар ҳақида арзланишга тушди, охири йиғлаб юборди.

Жуда диққатим ошди. Бу шўрликни қай тарзда қўллаб юборсам экан, деб ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб, ғалати бир қарорга келдим.

— Опам қайтиб келиши биланоқ жанжал қўзиб, яхшилаб саваланг, — дедим поччамга.

Поччамнинг бирдан капалаги учди:

— Ие! Уришни айтасиз-а, сал пўписалаб кўрайчи, уйни остин-устун қилворади!

— Қўркманг, ғиринг деса, мана, мен турибман, — деб далда бердим унга.

Келтирган харажатларим орасида арақ ҳам бор эди, шундан ичкизиб ўтириб, юрагига янада ўт ташлайверганим поччамнинг чуччасини кўтариб, опам келиши биланоқ жанжал қўзғади:

— Қаёқларда юрибсан, саёқвачча?

— Нима-а?! Ким саёқ?!

Ҳозиргина қайроқдан ўткирланиб чиққан поччам гапни ортиқча чўзиб ўтирмади, оғзига келганини қайтармай сўкинганича, шапалоғини кетмакет ишга солди. Опам аввалига анграйиб қолди, бу гал тили ҳам, кучи ҳам иш бермаслигини пайқаганидан сўнг ҳалпиллаб келиб, ўзини шоша-пиша менинг панамга урди. Ҳа, кўркмайсан-а!

Орадан анча вақт ўтиб, секин суриштириб кўрсам, опам поччамга ҳануз бўш келмаса-да, ўша калтакдан кейин эрдан сал чўчиб турадиган, ортиқча ҳаддидан ошмайдиган бўлиб қолибди.

Ҳеч бир қайиноға поччага менчалик катта яхшилиқ қилолмаган бўлса кераг-ов, деб қўяман гоҳо ўзимга ўзим.



МИРОВОЙ УСТА

*Ерни қимирлата оласан-
ми десалар, йўқ деворма.
Балки ер ўз-ўзидан қимирлаб
қолар.*

КУЛКУЛ афанди

Рудник-кондан қайтгач, ўзимни кўпроқ ис-
сиққа бериб юрдим, оёғимдаги оғриқ қуёш
кучлироқ қиздиргани сайин йўқолиб боравер-
ди. Бекорчиликдан зерика бошладим. Бу уйда
шеър ёзиб ётиш тугул бемалол китоб ўқишга ҳам
шароит бўлмаса-да, пайт топиб у-бу нарсалар
қоралайман, одатимга кўра, яна «Гунча»ни безов-
та қиламан. Шеърларим ора-сира журналда чиқиб
қолса, варрак бўлиб кўкка кўтариламан.

Агар, кунлардан бирида эски синфдошим
Аҳмад билан Мозортагига бораётиб, моторли
велосипедини толга суяганича ариқ ёқасида ел-
пиниб ўтирган Эминжон карвонга дуч келмага-
нимда, яна қанча вақт ишсиз саланглаб юрган
бўлардим, билмадим. Худо менга яхшилиқ истаб
кўнглимга солгандирки, қайга бориш саёқ учун
барибир эканига қарамай, оёғим айнан шу ёққа
тортгандир.

Эминжон карвон қишлоқ ижроқўми раиси эди. Велосипедининг мотори бузилиб, бўғилиб ўтирган экан, бизни кўриб, ҳой, бирортанг манавининг тилини тушунасанми, деб қолди. Мен биламан, ҳозир тузатамиз дедим-у, велосипедининг эгари ортига осилган чарм халтачадан турли бурагичларни олиб, ишга киришдим. Велосипед тузатишни-ку билардим, аммо «мотор» деганига умримда илк бор дуч келишим эди. Таваккалдан ён тарафдаги қопқоқни отвортқада очиб кўрсам, бири пиёланинг оғзидек, иккинчиси беш тийинлик тангадан каттароқ бўлган тишли ғилдиракчалар бир-бирига ёндош тиралиб турибди. Нима қилишни билмай, ғилдиракчалар ўртасидаги мурватларни сал-сал бўшатиб, сўнг бошқатдан қотирдим-да, қопқоқни ёпиб, бурагичларни яна халтага солдим. Илгари бировларнинг моторли велосипедини тиланиб миниб кўрганимда, бензини қаердан очилиши, муфтаси нима хизмат бажаришини билиб олгандим. Мабодо юриб кетса, баҳонада бир эшакчопар қилволамиз, деган ўй билан велосипедга ўтирдим. Мен педални тепиб, Аҳмад орқадан итариб, анча жойгача борганимиздан кейин, мотор ўз-ўзидан ишлаб кетди. Ҳакиллаб қолган Аҳмадга мукофот бўлсин деб, уни мингаштирганимча маҳаллани бир айлантириб келдим.

– Ие, вей, ёш бўлсанг ҳам мировой уста экансан-ку! – дея, келиб тўхташим биланоқ мактов ёғдирди Эминжон карвон. – Кимнинг ўғлисан?

Ўзимни таништирдим.

– Вах, ўзимиздаги Обиджон акага қараш-лимисан? Ўғлимга иш қидиряпман дегандек бў-лувди. Топилдими?

Ҳозирда ишсизлигимни айтишим биланоқ, Эминжон карвон тезда таклиф киритди:

– Унда гап мундоқ, уста Анвар. Кутубхоначи-га ёлчимайроқ турибмиз. Миқ этмасдан ўтириб ишлайман десанг, шу штатни сенга берай. Орада велосипедимнинг мотори бузилиб қолса, тузатиб бериб юарсан.

Эртаси куниёқ кутубхоначиликка қабул қи-линдим.

Туман газетасида мақолалари чиқиб турадиган Эркин Иброҳимов даврида бу кутубхона кўпроқ кечки пайтда гавжум бўларди; кишлоқ клубига туташ эканлиги боис, баъзилар кино бошланиши-дан анча олдин шу ерга кириб, бири газета-жур-налларни варақлашга тушар, бировлар шахмат ўйнашга берилар, кимдир илгари олган китобини топшириб, янгисини оларди. Шунчаки гурун-глашиб ўтирувчилар ҳам бўларди. Эркин акадан сўнг, орада бир-иккитаси қўл учида ишлаб, бир кун ўз жойида ўтирса, уч кун аҳолидан солиқ йиғишга кўмаклашиб, энди кутубхонадан файз ке-тиб бўлганди. Юқоридан келган текширувчилар-дан гап эшитавериш Эминжон карвоннинг жони-дан ўтиб, охири кутубхоначини янгिलाшга қарор қилиб юрганида, мен дуч келибман.

Иш бошлаганимга уч-тўрт кун бўлиб-бўлмай, туман маданият бўлимидан Раънохон деган ёшги-на жувон келиб, касбимнинг тартиб-қоидаларини

ўргатиб кетди. Кетиши биланок, пайсалланиб ўтирмай, унинг айтганларини қилишга киришдим. Топшириққа кўра, биринчи галда, чанг босиб ётган китобларни пастга олдим, беш қаватли ёғоч тоқчаларни яхшилаб артиб тозаладим. Бухгалтер Полина опа мато олиб беришга маблағ йўқлигини рўқач қилгач, бир четда уюлиб ётган турли сиёсий-ижтимоий қоғоз плакатларнинг орқа томонини тоқчаларга оппоқ қилиб ёйиб, китобларнинг бадийларини катталар ва болаларникига ажратган; фан-техника, қишлоқ хўжалиги, сиёсий, фалсафий каби мавзулардагиларини алоҳида-алоҳида туркумлаган тарзда териб чиқдим. Ҳар бир бўлим номини қалин қоғозчаларга қора туш билан ёзиб, туркумлар устига ёпиштирдим. Столларга ҳам энг катта плакатларнинг тескари томонини ёйиб, бирига газета-журнал тикилмалари, бирига шахмат-шашка тахталарини қўйиб қўйдим. Маркс, Энгельс, Ленин, Хрущёв, Рашидов сингари «йириклар»нинг асарларини эса ойнаванд шкафга кўз-кўзлаб жойладим. Биров атайлаб тайинламаган бўлса-да, буларга озгина тўз юкса, балогоа қолишим ҳеч гап эмасдек туюлганди ўшанда.

Ортган плакатлардан кўримли-кўримлиларини танлаб, хона деворининг бўш жойларига қоқдим, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг сураatlари энг тепадан жой олди. Кутубхона мижозларининг аъзолик қоғозчаларини янгитдан тўлдириб, яшикчага алфавит бўйича ўрнаштирдим. Бино қаршисидаги ариқчани ўтлар-

дан тозаладим, ғовлаб ўсиб ётган атиргулларни қайчилаб, бир текис шакл бердим. Полни фаррош ювиб турарди, дераза ойналарини ўзим ярқиратиб артиб чиқдим.

Кутубхона мунтазам ишлаб тургани учун ми-жозлар яна кўпая борди. Хона кундузи, асосан, мактаб ўқувчилари, кечки пайт кино кўришга келган томошабинлар билан гавжум бўларди.

Топшириқ қандай бажарилаётганини текшириб кўриш учун Раънохон уч ҳафталардан сўнг яна кутубхонага келди. Келди-ю, катта ўзгаришларни кўриб, кўзи қувончдан чакнаб кетди. Келаси ҳафтада туман кутубхоначиларини шу жойга йиғиб, қандай иш юритиш лозимлигини амалда намуна қилиб кўрсатди. Қайтишдан олдин жамоа кенгаши раиси Эминжон карвоннинг ҳузурига кириб, ишларимни роса мактади, иложи бўлса, вилоят миқёсидаги кўргазмали семинарни ҳам шу ерда ўтказамиз деди. Бундан қувониб кетган раис тезда буғолтирни чақириб, кутубхонани янаям безатишга пул ажратишни топширди. Энди ёғоч токчалар, столларга тўшалган плакатлар ўрнида кўм-кўк чит матолар, деразаларда оппоқ пардалар пайдо бўлди.

Икки ойдан кўпроқ вақт ўтиб кутубхонамизда, чиндан ҳам вилоят миқёсидаги кўргазмали семинар ташкил этилди. Меҳмонларга туман маданият бўлими ҳисобидан зиёфат берилди. Бу зиёфат охири мезбонлар ва меҳмонларнинг қўшма улфатчилигига айланиб кетди. Кайфи ошган раисимиз маҳаллий машшоқларни чақиртириб, кичик базм-

ча ташкил этди; тарвақайлаган мўйловини бураб-бураб, ўзи ҳам ўйинга тушиб берди.

Буларга эришиш осон кечмади. Илгариги кутубхоначиларнинг умри кўпроқ солиқ тўпловчиларга кўмаклашиш билан ўтган бўлса, мен жойимдан силжимадим. Дастлабки кунларда, кутубхонани тартибга солиб олишим зарурлигини баҳона қилган бўлсам, кейинроқ бошқа ваз топиб, дадам билан бирга юриш ноқулайлигини пеш қилишга ўтдим. Ортиқча ишдан қочиб эмас, орада бир-икки марта қатнашибоқ, бу қий-чувли тадбирдан безиллаб қолганим туфайли шундай қилаётгандим.

Томорқасининг катта-кичиклигига қараб хўжаликка 10–20 сўм атрофида солиқ солинарди. Яна икки сўм миқдорида «тутун пули» деган маҳаллий солиқ ҳам йиғиштириларди. Тегишли маошини гоҳ-гоҳида пул, кўпинча ун, ёғ, қўй-сигирлари учун ем сифатида олиб кун кечираётган қишлоқ аҳлининг кўпчилиги шуни тўлашгаям иложсиз эди. Лоақал, ярмини тўлаб туринг, дейишса ҳам, ҳозирда ҳатто сариқ чақам йўқ, деб қасам ичишга тушардилар. Шунда солиқчилар жаҳлланиб, унақада уйингизни тинтишга мажбур бўламиз, телевизор ёки тикув машинангизни олиб кетамиз, деб пўписани бошлашарди. Гоҳида қўйгами, эчкигами ёпишиб, қарзнинг бадалига шуни олақолайлик, дейишса, хотин-халаж йиғиси қўтариб, эркаклар бақириб-чақиришга тушарди. Бундай дод-войларга қандай чидаб ишляпти экан, деб дадамга ачиниб кетардим.

Ўзимни бу ғалвалардан қанча четга олишга уринмайин, барибир мени тинч қўйишмасди. Гоҳ котиб дағдағалаб, маошинг ҳам, кутубхонангга сарфланаётган пул ҳам мана шу солиқдан келади, сени дадангникидан бошқа гуруҳга қўшайлик, нонингни ҳалоллаб е, акаси, деса; гоҳ буғолтир четга тортиб, майли, ўз ишингниям қилгин-у, ҳеч бўлмаса, дам олиш кунлари бизга ёрдамлашиб тур, деб аврамоқчи бўларди. Дам олиш кунлариям кутубхонада ўтирибман, дердим мен қайсарланиб.

Тағин машмаша бошланарди. Бир куни раиснинг олдида етаклаб киришди. Ҳаётда кўп ишни кўрган Эминжон карвон кўзимга синчковланиб тикилиб олгач, зардам қайнаб турганини сезиб, шикоятчиларга тумтайиб юзланди.

— Бу бола хаш-паш дегунча кутубхонамизни областгача танитди, — деди у салмоқланиб. — Сал халақит бермай турайлик-чи, балки республикага-ям довруғ солар.

Ҳамма дами ичига тушган асно хонадан чиқиб кетди. Ортга қайрилаётганимда раис мени тўхтатиб, велосипедимнинг мотори яна иш кўрсатяпти, шуни яхшилаб кўриб қўй, уста Анвар, деб қолди. Энсам қотганини сездирмасликка тиришдим. Мотор деган нарсга ҳақида ҳануз ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдим. Ўтган сафар ҳам бир бузилганида, велосипедни Минож аканинг пахта пункти ёнидаги устахонасига олиб бориб, тузаттириб келгандим, чўнтагимдан яна чиқим бўлади шекилли. Ҳа майли, жа борса икки сўм

кетади-да, бу ёқда олтмиш беш сўм маошни ши-
либ турибман-ку.

Қишлоқда гап тез тарқалади. Эминжон кар-
вондек одамнинг шахсий устаси эканимни эшит-
ганлар моторли велосипедлари бузилиб қолса,
мени излаб келадиган бўлишди. Бундай пайтда
гапни чўзиб ўтирмай, менда ҳозир эҳтиёт қисмлар
йўқ, буни Минож акага кўрсата қолинглар, деб
кутулардим.

Кутубхоначилик даврим босиб шеърлар ёзиш-
дан ташқари, бадий китобларни тўйиб-тўйиб
ўқиганлигим билан ёдимда кўпроқ из қолдирган.
Ўшанда Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Асқад
Мухтор, Миртемир, Шухрат, Шайхзода, Саид
Аҳмад, Шароф Рашидов, Ғафур Ғулом, Собит
Муконов, Ойбек, Берди Кербобоев, Ҳамид Ғулом,
Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, янги чакнаётган
Ўткир Ҳошимов сингари «ўзимизникилар»дан
ташқари, Пушкин, Экзюпери, Бальзак, Родари,
Чуковский, Некрасов каби «ётлар»нинг асарлари-
ни сув қилиб ичворган эдим.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг,
дастлабки пайтларда китоб савдоси тизими анча
издан чиққанидек, кутубхоналар масаласида ҳам
чалкашликлар юзага келгани кишини хавотирга
сола бошлади. Қишлоқ кутубхоналари йўқола
бориб, улар, асосан, ўқув масканларидагина
қолди; китоб сотиб олишга маҳаллий бюджет-
дан маблағ ажратишга ўтилгани, бу маблағларни
тўлаш орқага сурилиб-сурилиб, кўпинча йил
охирлаганида берилиши сабабли, уни жўяли

сарфлашга, дўконма-дўкон кезиб китоб танлашга имкон етмасди. Қолаверса, аксарият кутубхона мутасаддилари хусусий дўкондорларнинг илтимосига кўра, кўпроқ энг ўтмай ётган савияси паст китобларни, маҳаллий муаллифларнинг ўз ҳисобидан чиқарган олди-қочди асарларини сотиб оладиган, бу хизмат эвазига узатилувчи «яширин мукофот»дан ўзлари ҳам маълум даражада манфаат кўрадиган бўлишди. Илгари эса, китоблар кутубхоналарга республика миқёсида марказлаштирилган тарзда сотиб олиниб, мамлакат бўйича тарқатилар эди. Уларнинг орасида энг харидоргирлари ҳам албатта бўларди. Баъзи китоблар ҳатто дўконларга чиқмасидан олдин кутубхоналарга етиб келарди.

Хуллас, советлар машинаси компартия мафкурасини фукароларнинг кўнглига қандай қуйиб боришни жуда яхши ўзлаштирган эди. Кутубхоналарда Навоий, Огаҳий, Машраб, Фурқат, Муқимий янглиғ мумтоз адибларимизнинг «эпакага келтириб» сараланган асарлари, халқ достонлари, эртаклари ҳам учраб турса-да, юртимиз тарихига, қадимий бой маданиятимизга, улуғ хоқон ва саркардаларимиз ҳаётига оид китоблар топилмасди. Лекин, Россиянинг ўтмишига оидлари беҳисоб эди. Қизилларнинг ҳатто Лазо, Чапаев, Котовский, Шчорс, Пархоменко сингари майда «жангари»лари, Зоя Космедемьянская, Павлик Морозов, Абдулла Набиев тоифасидаги «шиширилган қаҳрамон»лари эса тўп-тўп асарларга айлантирилганди. Жаҳон классикларининг

таржима асарлари ҳам тиқилиб ётар, уларнинг асосий қисми Ғарб ва Европа адиблариники эди. Шарқни имкон қадар бизга яқинлаштирмасликка уринишарди. Мана, хоҳлаганингча ўқи, текинга ўқи, фақат юртимнинг ўтмиши қандай кечган, мен асли кимларнинг авлодиман, деганга ўхшаган саволларни бермай турсанг бас...

Ҳа, кутубхона мижозларини кутиб-кузатиш орасида ё шеър ёзардим, ё китоб ўқирдим. Шеърларим «Ғунча»да ҳамон онда-сонда босилиб турар, бошқа нашрлар ҳам борлиги ҳануз хаёлимга келмасди.

«Ғунча»да кўриниб қолувчи шеърларим тажрибамга яраша эди. Миразиз ака солган «ямоқ»лар уларнинг ғирт «йиртиқчопон»лигини сал яшириб турарди:

– Бунча улкансан, эй тоғ?
Сени илғолмас кўзим.
Қоянг тик ва қиррали,
Мунча ҳам бўлсан азим.

– Сен энди етти ёшда,
Боққин-чи бўйингга бир.
Миллион ёшга кирсам ҳам,
Ўсмайми шунча, ахир?

Ўқиган китобларим юзасидан кўпинча Абду-салом билан фикрлашардим. Баҳсимиз баъзида жанжалга айланиб кетишига сал қолса-да, барибир бир-биримиздан ажрагимиз келмас, ўқиган китобимиз ҳақида яйраб гурунг қуриш мумкин бўлган бошқа зотни бу атрофдан топиш мушкул эди. Манавини ўқиб, мағзини чақ, дея ўн уч ёшим-

да муқовасига «Шекспир» деб ёзилган китобни тутказган ҳам шу Абдусалом эди (1960 йилда нашр этилган бу китобни шу кунгача сақлаб келаман). Айниқса, Гамлет, қирол Лир, Ромео ва Жульетта менда кучлидан кучли таассурот қолдирганди ўшанда; асарлардаги ўткир-ўткир гапларни дафтарчага кўчириб олиб, тез-тез қайтариқлаб турардим, мактабда болаларга ёддан ўқиб берардим; уларнинг ҳеч бирида ўзгариш сезилмаганини кўриб, ўзимча хуноб бўлардим. Буларни тинглаб, биргина Абдусалом роҳат қиларди, сатрлар остида ётган, мен ҳали таг-тагигача тушуниб етмаган маъноларни шарҳлашга тушса, берилиб эшитар эдим. Дамодам ҳасадим кўзиб, шу бола уққан нарсаларни нега мен ўзимча англаб етолмадим, деб ўйлардим.

Абдулла Қодирийнинг ҳажвий ҳикоялари ўша дамларда икковимиз учун алоҳида севимли бўлиб қолганди. Калвак маҳзумни, Тошпўлат тажангни қайта-қайта эсга олиб, бу чапани қаҳрамонларнинг хурмача қилиқлари, жайдарича гапларидан ҳар сафар юмалаб-юмалаб кулардик. Бу китобни гоҳо укаларимга ўқиб берсам, уларга ҳам роса наша қиларди.

Китоблар хазинаси ичра кечаётган фараҳбахш кунларим узоққа чўзилмади. Бир куни дадам:

— Самарқандда молия техникуми очилибди. Техникумдагилар ҳамма молия бўлимларига хат жўнатиб, шу соҳада укуви бор ёшларни йўлланма билан ўқишга юборишни сўрашибди. Ўқишга тобинг қалай? — деб қолди.

– Тобим яхши, – дедим, – омалейкин биласиз-ку, мен журналистликка ўқимоқчиман.

Дадам маслаҳат берган бўлди:

– Сен, аввало, бирорта касбни эгалла. Агар яхши ёзсанг, ўқимасдан ҳам шоирми, журналистми бўлиб кетаверасан.

– Бу гапингиз ҳам тўғри.

Ҳеч бўлмаса, шаҳарда бир санғиб келарман, деган ўй кечди бошимдан ва дадамга осонгина розилик бериб қўя қолдим.

Эртасига туман молия бўлимига бордим. Мудир жуссамга бошдан-оёқ назар солиб чиққач, туркингни ёқтириб қолдим, бир яхшилик қилай сенга, деб вилоят молия бўлими бошлиғи билан телефонлашди. Ўқишга киришим осонроқ кўчиши учун йўлланмани вилоятдан оладиган бўлдим.

Бир-икки кундан сўнг дадам кўшнимиздан озгина қарз сўраб, ўзида бориниям кўшиб, қўлимга ўттиз сўмча пул тутқазди. Бунинг тўрт сўмига чипта олиб, кечки поездда Самарқандга жўнадим. Амакиваччам Ўринбой ака мени станцияга кузатаётиб, уйингдагилар тирикчиликдан қийналиб юрганида, ўқишинг ҳам уларга бир юк бўлибди-да, деб қўйди. Юрагим ғалати уриб, бирдан кўзим жимирлади, қоронғулаша бошлади. Хайрият, ёруғлик тез қайтиб, ўзимни яна ўнглаб олдим.

Аммо, ҳақиқий ёруғлик хонадонимиздан ҳам, мендан ҳам анча узоқда эди ҳали.

ТЕШИК ПОЙАБЗАЛЛИ РИЦАРЬ

*Ўрисча гапиргонингда, ўз-
беклигиндан ийманма!*

Гулмат ШОШИЙ

Янги ташкил этилган молия техникуми барча олий ва ўрта махсус билим юртларида кириш имтиҳонлари ўтиб бўлганидан кейин ишга тушгани учун, ҳужжат топширувчилар сафи бошқа жойда «йиқилиб» бўлганлар ҳисобига кун сайин кўпайиб бораверди. Шунга қарамай, йўлланма билан келган имтиёзлилар қаторида мен ҳам ўқишга осонгина кириб олдим. Вилоят молия бўлими бошлиғи менга йўлланма бераётиб, яқингача ўзимизда ишлаб келган Шафиков техникумга директор бўлди, бирор муаммога дуч келсанг, шартта олдига кириб, мендан салом айт, деганди, бунга эҳтиёж туғилмаган бўлса-да, саломни етказиш баҳонасида, ҳар эҳтимолга қарши, директор билан чалароқ танишиб қўйдим.

Йўлланма билан келиб ўқишга кирганларнинг аксариятини жойларда илгаритдан солиқ йиғувчи бўлиб ишлаб юрган 25–30 ёшли кимсалар ташкил этарди. Аллақачон пихи қайрилиб бўлган бу туллакилар орасида кун кўриш мушкулроқдек туюлаётганди. Кам сонли бўлган, афтига қараб, биринчи курс талабаси деса дегудек жўжатурхатлардан биттаси мен эдим. Қани, бу ёғини кўриб бораверайлик-чи, деб ўйладим ичимда.

Тарих, ўзбек тили ва адабиётидан бошқа барча дарслар рус тилида ўтилиши бошда мени анча қийнади. Киночилигимда русча фильмлардан олган «сабоғим», Фарғона шаҳрида ўқиган вақтимда руслар билан гаплашишга тўғри келиб тургани фойда бериб, икки-уч ойдаёқ шароитга мослашиб олдим. Ўқишимиз кеч кузда бошлангани етмаганидек, бир йилда икки курсни битиришимиз лозим топилиб, кунига саккиз-тўққиз соатлаб таълим олардик. Шу нарса мени кўпроқ толиқтираётганди. Йигирма сўм стипендиянинг беш сўмини ижарахона учун тўлаб, қолганига бир ой тирикчилик қилишга чидаш бундан-да оғирроқ эди. Қориннинг ғамидан ташқари, гоҳ ўқув қуроллари сотиб олишинг керак, гоҳ кинога киргинг келади, гоҳ енги ёки елкаси сизилиб бораётган кўйлагингни янгилаш лозим бўлади...

Ҳеч бир ерга сиғмаслик, ўзимни турткиларга дучор этавериш тақдиримга битилганми, мактаблардаги сингари бу техникумда ҳам бир гал қаттиқ тазйиққа учрадим, тугалай бадарға қилинишимга озгина қолди. Бунга, олдинига техникумимизга тегинмай туришиб, режани ҳар қандай йўл билан бажариш зарур бўлиб қолганида, бизни изғиринли кеч кузда пахта теримига ҳайдаб чиққанлари сабабчи бўлганди.

Ейишинг – нонуштага нон, чой, бошмалдоқдек сариёғ; тушлик ва ётарда эса, гўшт учраб-учрамайдиган, пахта ёғи юқиб-юқмаган макарон шўрва. Яшаш жойинг – поли чирий бошла-

ган, оралари очилиб кетган тахталари орасидан балчикнамо қўлансалик буруқсаб турувчи; дераза ойналарининг бир қисми синик; тутқичсиз эшиги яхши ёпилмайдиган; сувоқлари кўчиб, олачалпак тусга кирган, ёмғир ёғса, тоmidан чакка ўтадиган дала шийпони. Ётишни айтсак, тагингда бир қават кир матрац, устингда юпка адёл ёпинчиқ. Кийимларинга бурга тўлиб бўлган. Ўқитувчимиз Алимовдан ўрнак олиб, хонада бемалол чекаверишимиздан бино ичи баттардан сасиб кетади. Ишлаб топган пулинг, йиртган кийиминг тугул, йўкотган тугмангга ҳам арзимаиди — аллақачон бешинчи-олтинчи терим бошланиб, ғўзаларда жирттак кўсакчаларгина қолган, бир кунда икки этакка етказиб териш мушкул бўлган бу даврда пахтанинг бир килограммига 10 тийиндан ҳақ тўлашар, энг илғорман деганлар тонгдан шомгача тиришиб, бирор сўмга зўрға эга бўларди. Шугинадан ҳам еган овқатинг учун пул чегириб қолишади.

Тўрт хафтача чидаб юрдим, кейин мактабдаги эски «қочқоқлик касали»м кўзиди; ўзимдан беш ёшча катта бўлган, ашаддий қартачи киморбозлардан ҳисобланган асакалик Фозил ака бир куни ўзича аҳволдан шикоятланиб ғудрана бошлаганида, уни йўлдан уриб, жуфтакни ростлашга кўндирдим. Иккаламиз аввал уч-тўрт кун Олтиарикда юрдик, сўнг у мени ўша даврда Ленинск деб аталувчи Асакага олиб кетди. Меҳмондорчиликлар тугаб, Полосонга қайтгач,

қишлоқдаги ўртоқларим билан сандироқлашга берилдим.

Совуқ кунларнинг бирида Самарқандга қайтдим, ўқишлар бошланганига икки-уч кунгина бўлган экан. Илмий мудир Абдулҳакимов қочоқ, дезиртир деб бабалаб берди. Эртаси куни Фозил ака ҳам пайдо бўлгач, мажлис чақирилиб, иккаламизни техникумдан ҳайдаш масаласи муҳокамага қўйилди. Техникумдаги энг чиройли аёл ўқитувчи Давидова гоҳ кўзига шилқимона сузилганча тикилиб тураверишим, гоҳ илмоқдор қочиримлар билан тегажоқлик қилаверишимга қарамай, буларни енгилроқ жазолаб, стипендиядан маҳрум этиб қўяқолайлик, деган таклифни киритди. Абдулҳакимов азал каттикқўл эди, уларни ҳайдашимиз шарт, деб туриб олди. Шунда, гоҳ-гоҳ ташқарида учрашиб қолсак, ҳа земляк, ўқишлар яхши кетяптими, деб юрадиган директор Шафиқов бошқа таклиф киритиб, ҳозирча бизни комсомол сафидан ўчиришнинг ўзи кифоя қилишлигини айтди. Унга ҳеч ким эътироз билдирилмади.

Дарслар тугаб, уй-уйга тарқалаётганимизда техникум комсомол ташкилотининг котиби жазаваланган қиёфада йўлимни тўсиб, группангдаги рўйхатни кўрсам, сен комсомол аъзоси эмас экансан-ку, нега мажлисда шуни айтмадинг, деб бақиршига тушди.

— Тортиндим, — дедим ўзимни муллаваччадек мулоийм тутиб. — Шахсан директоримиз-

нинг ўзлари мени комсомол деб турса, гапларини нотўғри дейишга бетим чидармиди?

Бош комсорг кескин ҳушёрланди, ҳовури пасайиб, э, бўлар иш бўлди энди, дея қўл силтаганича ортга бурилди. Бирдан енгил тортдим. Мактаб — бошқа масала, бу техникумдан қувилсам, ўқишни у техникумда давом эттириб бўлмайди-ку. Ота-онам, ўзлари яхшироқ емай-ичмай бўлсаям, мени имкон қадар қўллаб келишяпти, талабаликдан маҳрум этилсам, уларнинг олдига қайси юз билан кириб бораман?

Техникумда ўқишдан кўрган асосий нафларимнинг бири — турли вилоятлардан таниш-билишлар, кадрдон дўстлар орттирганим бўлди. Айниқса, асакалик Фозил ака, Ҳамид ака, Абдуллажон, кўқонлик Акбарали, фарғоналик Усмонали, форишлик Носир, тумандошим Тошбек кўнглимга жуда яқин эди. Гуруҳимиздаги бири ўзбек, бири қорақалпоқ, бири крим, бири корейс миллатига мансуб қизларнинг барчаси билан апоқчапоқ эсам-да, термизлик рус қизи Таня Бирюкова жон-жоним эди. Пилларанг сочи йилтираганича елкасига қуйилиб туради; оғзи кичкинагина; юпқа лабларининг бир четини буриб жилмая бошласа, оппоқ юзининг ёноғидаги қизилликлар янада равшанланиб, зангори шахло кўзлари ўйноқланишга тушади.

Дарсда доим унинг орқасида ўтирардим; гоҳ сочларининг учини силай бошласам, дам қитиғи келиб, олдинроққа эгилиб оларди, дам индамай тураверарди. Барча курсдошлар бун-

га оддий ҳол сифатида қарашга аллақачон кўникиб кетишганди. Бунинг бош сабаби – 8 март куни бошқа қизларимизга бир донадан, унга уч дона арзон гул тақдим этаётиб, юзидан ўпишга рухсат сўраганимда, эътироз билдирмагани; ўпиб бўлиб, энди Таня – менинг севгилим, уни ҳафа қилганлар – душманам, деб овозалаганим; Таня ҳам бу ҳазилни давом эттириб, бўпти, бугундан бошлаб Анвар – менинг рицарим, дегани эди.

Менинг рицарлигим бағоят ўзига хос эди. Танянинг асабига текканларга хомаки дўқ уриб қўйишдан ташқари, дарс чоғида ручкаси кўлидан тушиб кетса, тезда ўрнимдан туриб, ердан олиб берардим; совқотаётганини пайқасам, кўлларини оғзимга яқин тутиб, «кух-кух»лаб илита бошлардим; иссиқдан терласа дафтарда елпишга тушардим, дугонамниям елпиб қўй деса, миқ этмай бажарардим; туфлиси чанглаганини кўрсам, рўмолчамда тозалаб ташлардим. Эвазига ондасонда суйкалиб турардим холос. Кўпчиликнинг олдида ҳазилга йўйиб суйкалсам-да, ёлғиз турсак ҳаддан ошишимга йўл қўймасди.

Ростини айтсам, ўзим ҳам кўпчиликнинг ичида қизиқчиликка шилқимланар эдим-у, қиз билан ёлғиз гаплашганда жуда тортинчоқ бўлиб қолардим, мўлтониланиб авраш у ёқда турсин, гоҳо гап тополмасдан тилим тутилиб, лов-лов қизариб кетардим.

Таня раҳмдил эди. Қорлар эриб, йўллар чилпиллоқ лойга беланган кунлардан бирида, таги

тешилиб кетган қишки ботинкамдан сув ўтиб, пайпоғим жикқа ҳўл бўлди. Дарс вақтида ботинкам билан пайпоғимни ечиб, қуритиш учун ёнгинамдаги иситиш батареясига қўйиб қўйдим. Танаффусга чиқаётиб буни кўриб қолган Таня менга ачиниб бокди, пулинг бўлмаса бериб турай, янги пойабзал ол, топсанг – олдинроқ, топмасанг – катта шоир бўлганингда қайтарарсан, деди. Етарли пулим бор, баҳор яқинлаб қолгани учун бир йўла ёзги туфли оларман, деб юрибман-да, дедим хотиржам боқиб.

Шеър ёзиб туришим группадоларимнинг барига маълум эди. Бир куни мана шу Таня ўзига атаб русча шеър тўкишимни сўраганида, дарс вақтида ёзиб, танаффусда ҳаммининг олдида ўқиб бергандим:

*Скажи мне, Таня,
Где находится баня?*

Қофиялар жаранглаши учун, русчадаги «баня» (ҳаммом) ўз ҳолидек қолдирилган ўзбекча таржима мундоқ дурур:

*Менга айт-чи, Таня,
Қаерда бор баня?*

Талабаларнинг гулдуросли кулгусидан дарсхона деворлари ёрилишига сал қолганди ўшанда.

Ҳа, ўқиш даврида ўчмас хотиралар мўл бўлди. Ёнг муҳими, бўш вақтларимда Самарқанддаги

барча қадимий обидаларни қайта-қайта томоша қилардим, уларнинг тарихи билан қизиқардим. Гўри Амирнинг мовий гумбази ҳар ер-ҳар еридан чатнаб, ола-була тусга кириб қолгани; Биби-хоним макбарасининг бир ёни буткул ўпирилиб тушган гумбазини бошқатдан ямаб қўйиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаётгани; Улуғбек мадрасаси деворлари бурчагидаги миноралар тоб ташлаб, шу кунларда уларнинг бўйини қисқартишга тушишганини кузатиб, таъбим хира тортарди; қаровсизлик давом этаверса, булар ҳам ҳадемай Ашратхонадек вайронага айланиши ҳеч гапмас, деб бўғилардим.

Юртимиз ўтмишига оид нарсалар мени ўзига тортаверарди. Турли вилоятлардан келган курсдошларим билан бемалолроқ суҳбатлашиб қолсам, улар яшайдиган гўшанинг табиати, кишиларининг тирикчилик манбаи, жойнинг номи нега шундай аталиши қабиаларни суриштиришга тушардим; Асака аслида «янги Аҳси-кент» эканлиги; Амир Темур у ёки бу ерни обод қилиш учун аҳолини кўчириб бориб, баъзиларига дунёдаги машҳур шаҳарлар номини берганлиги, жумладан, Фориш «Париж»дан келиб чиққани; Нурота қадимда «Норота» бўлгани сингари тушунчалар миямга бир-бир ўрнаша бошларди.

Менга нима зарурати борлигини аниқ билмасам-да, нуроталик курсдошим Жўравойнинг кекса ўқитувчилардан бўлган қариндошими,

қишлоқдошими, Самарқандга ўз иши билан келиб, орада талабани ҳам йўқлаб ўтганида, кечки овқатда у билан тасодифан бирга бўлиб, Нурота илгари нега Нурота дейилганини сўрадим. Унинг айтишича, тоғнинг ичкарасида худди атайлаб алоҳида яратилгандек, бошқа ўрқачларга туташмаган тарзда савлат тўкиб турувчи; лолаларга, рангоранг чечакларга ўта бой; арчалари осмонўпар, узокдан қараганга нортуянинг ўрқачини эслатувчи улкан тепалик қадим-қадим замонларда ерликларнинг мўътабар гўшаси бўлган экан; баҳорги экин-тикинлар бошланишида, кузги ҳосиллар йиғиб олинган паллада кишилар шу жойга йиғилиб, базм қуришаркан; нималарнидир ирим қилиб, энг катта арчанинг шохларига латталар боғлашар экан. Бутун бошли тоғнинг номи ҳам шу дўнгликдан келиб чиққан экан. Аслида, туянинг якка ўрқачига ўхшаш тепалик «нор» деб аталиб, у гавжумлашиб боргач, аждодларимизнинг қадимий удумига кўра, унга «ота» деган эъзозли қўшимча тиркалган бўлса керак, деганди қария. Юртимизда ислом дини қарор топгач, уламолар дов-дарахт қабилаарга топиниш гуноҳ эканини таъкидлаши, сўнг совет ҳукумати миллий удумларни диний саркитга йўйиши натижасида шундайин ҳам етиб бориш жуда қийин бўлган бу тепаликни зиёрат қилувчилар камайиб кетиб, бора-бора ҳеч ким у ёққа қадам босмай қўйибди. Пастдаги муқаддас қабр араблар келганидан анча кейин пайдо бўлиб, аста-аста асосий зиёратгоҳга айланибди, «Нуротанинг қабри» де-

ган янги ибора оддий кишилар кўнглига тобора чукур сингаверибди.

Почаси тор шимга сариқ кўйлак кийиш «стиляга» ёшларнинг орасида беҳад мўдага айланганида, фотоаппаратида мени кўп сурагга тушириб юрадиган, камбағалроқ оилада ўсган курсдошим Тошбекнинг оқ кўйлагини сариққа бўяб бермоқчи бўлиб, ола-була қилиб қўйганим; ижарадошим Носирнинг кекса қариндоши меҳмонга келганида, хонадошларим билан гаров ўйнаб, чўпон чолнинг гулли читдан тикилган чопони, сўппили салласи, калишли маҳсисини кийиб, шаҳарни бир айланиб чиққаним, гоҳ ўткинчиларга телватезик саволлар бериб, гоҳ қизларга эрсак-терсак гап ташлаб, энсаларини қотирганим; Фарғона футболчилари Самарқандда «Динамо» билан беллашганида, стадионда бақириқ-чақириқни кучайтириб, ишқибозлар орасида жанжал қўзиганим; Регистон яқинидаги вино заводи коровулининг суюкли итини тинимсиз мактаб ўтириб, у ийиб кетган чоғда, бир сўмга беш литр вино ундирганим каби қизиқ ишлар ҳозиргача тез-тез ёдимга тушиб туради.

Амалиёт ўтказиш учун бир гуруҳ талабалар билан Олтиариқ молия бўлимига борганимиздаги бир воқеани ҳам сира унутолмайман. У даврларда косиб-хунармандларга бозорда кун йўқ эди. Биров дўппи-қийиқ, биров этик-маҳси, биров чопон-камзул тикиб, бошқаси бешик ё дераза ясаб, кимдир чиқинди жундан кигиз босиб со-

тишга олиб чиқса; гоҳ молиядагилар, гоҳ бозор миршаби уларни тизғитиб қувар, қўлга тушганларга мўмай жарималар солишарди, артелга кириб ишла, деб дағдаға қилишарди. Артелда эса, қилинган меҳнатга яраша ҳақ тўланмас, шу боис ҳунармандлар ишни қўл учида бажаришар, сифатсиз дўппи, этик, чопон кабилар дўконларда касодга учраб ётарди. Шуни кўриб туриб ҳам, косибларни артелларга сафарбар этишга уринишаверарди. Тузумнинг қонуни шунақа эди — ҳамма фақат давлат ташкилотларида ишлаб, фақат давлат берган ойлик ҳисобига яшаши шарт эди.

Бир куни молия бўлимидагилар амалиётчи талабаларни тўплаб, бозордагилар бизни яхши танишади, шу боис сизлар олдинроқ кириб, косибларнинг қўлга илинган нарсасини тортиб олинглар; биз ортдан бориб, уларга жарима соламиз, дейишди. Учма-уч кун кўриб яшовчи косибларга раҳмимиз келдими, уларнинг қарғишидан ўлиб кетишдан қўрқдикми, йигитлар йўл-йўлакай ўзимизча маслаҳатлашиб олиб, ҳозир молия босади, деб растадагиларни қочириб юбордик. Ўша куни устоз молиячилардан роса гап эшитдик. Сал қўрсланганим учун Расул Шаропов дегани мен билан ёқалашиб кетай деди. Шу асно, молия соҳасида ишлашдан баттар совидим.

*Тушунтиринг бир оғиз,
Эртақдаги ялмоғиз
Ҳозир қайси соҳада?*

* * *

*Шукур қил деб зўрлашса,
Ёт қонунда хўрлашса,
Демак қулсан, қарамсан.*

(«Уччаноқлар»дан)

Техникум барибир кўп нарса берди менга. Касбимга бевосита боғлиқ бўлган фанларни унча чукур ўзлаштирмаган бўлсам-да, дунёни сиёсатдан кўра иқтисодиёт қонунлари кўпроқ бошқариб келаётганини, бунинг остида ғалатидан-ғалати сирлар яшириниб ётганини баҳоли қудрат тушуниб етдим. Совет дарсликларидан ўзимга яраша идроклаганим сайин, адолатли тақсимоатга асосланган социализм иқтисодиётига, дунёдаги барча ялангоёқлар галасини маишатбоз ва очкўз буржуазия талонидан кўриқловчи кучга айланмиш СССР давлатига нисбатан ғўргина дилимда меҳр товланаверди. Оиладан анча олисда мустақил яшамокни, пулни қадрлаб, олдингилардан кўра анча жўялироқ ишлата билмокни ўргандим. Бу орада рус тилини янада пухтароқ билиб олдим, бу лисонда нодир китоблар кўп эди, ўқиганим сайин савиям кескин ошаверди. Русча кундалик ҳам ёзиб юрдим.

Кундалик тутишим мунтазам эмасди. Техникумдан сўнг аскарлигимда, туман газетасида ишлаётганимда ҳам кундаликлар битганман. Кейинчалик бу одатим, кўлим тегмаганиданми, лоқайдлигимданми, йўқола бориб, юртимиз мустақил бўлганидан кейинроқ яна давом этди.

Лекин, қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам махсус тахмонларим йўқлиги, китоб ва кўлёзмаларимнинг бир қисми токчалари синиб тушган жавончаларда, бир қисми уйнинг бурчак-бурчакларида дусамбаланиб ётиши боис, уларнинг орасидан эски кундаликларни топиш, ушбу эсдаликларимдан фойдаланиш имкони бўлмади. Топганимда ҳам синчиклаб ўқиб чиқишга вақт қаёқда дейсиз!

* * *

Техникумни ботириб олишсин деб ҳарбий чақириқни бир йилга кечиктиришганди, диплом олаётганимда, кўпчилик курсдошларим қатори менга ҳам шаҳар ҳарбий комиссариатининг «повестка»сини тутқазиб, бормаганлар жавобгарликка тортилади, деб огоҳлантиришди. Бордик. Ҳар хил дўхтирлар бетимиздан кетимизгача текшириб кўришди. Шерикларимга навбатдаги чақирув қоғозини кутиш тайинланса-да, менга қолганда, сен эртагаям бир келиб кет, дейишди. Сабабини сўрасам, Олтиарикдан бу ёкка қандай кепқолганини билмайман-у, картон папкадаги сарғайган қоғозни кўрсатиб, манави жойга юрагинг пороклигини ёзиб қўйишибди, лекин бизнинг текширувда бу тасдиқланмади, сени республика касалхонасидагилар кўриб, охирги хулосани чиқариб бериши керак, деб уқтиришди.

Эртасига ҳарбий комиссариат йўлланмаси билан Самарқанд республика касалхонасига бордим, шу заҳоти палаталардан бирига ётқизишди.

Юрагимни қандайдир аппаратга солишди, кекса профессор, унинг икки-учта шогирди кетма-кет текшириб, ишни уч ҳафтага чўзишди ҳамки, аниқ бир нарса дейишмайди. Бу орада курсдошларим бир-бир ҳарбийга жўнаётганди, баъзилари келиб, мен билан хайрлашиб кетди.

Охири профессорнинг шогирдларидан бири мени хонасига бошлаб кириб, қачон касал бўлганим, даволаган дўхтир нималарни тайинлагани, мен нималар қилганим ҳақида бошқатдан суриштиришга тутинди. Узоқ касал бўлганим, дўхтир оғир ишларни қилмаслигимни тайинлагани, шунга қарамай, ўзимни секин-секин уринтириб юриб, футбол ўйнашгача бориб етганим, конда ишлаганим, трактор минганим кабиларни сўзлаб бердим.

– Менимча, дардни бутунлай енгиб юборибсан, – деди дўхтир. – Агар организмнг оғирликларни енголмаганида, ёмон оқибатларга дучор бўлишинг аниқ эди.

Бундан чикди, армияга борсам бўларкан-да, деб сўрасам, у кўзимга бирпас тикилиб туриб, хоҳласанг бормаслигинг мумкин, «иккита» узатсанг, ҳужжатингга яроқсиз деб ёзиб берамиз, сени ҳеч ким қайтиб безовта қилмайди, республика касалхонасининг хулосаси жойдагилар учун қонун, деди. Дадам Мозортагида тайёрлов идораси учун бодринг, помидор қабул қилиб, орада тузуккина пул ишлаб олганини билсам-да, «иккита» деганингиз икки минг сўмми, деб сўрадим капалагим учиб.

– Қўрқма, икки юз сўм, холос, – деб кулди дўхтир.

Икки юз сўмга суяги йўғонгина соғин сигирни олти ойлик бузоғи билан сотиб олса бўлар эди, ўйланганимча туриб қолдим.

Ҳарбийга бормасам, тезроқ дадамнинг қўлтиғига кираман, рўзғорга барака қўшила бошлайди. Бошқа томондан қаралса, ногирон деган ном орттириб олсам-чи? Бунини армияга олишмаган деб, оғирроқ ёки масъулроқ ишларга қабул қилмай юришса-чи? Ҳарбийга бордим ҳам дейлик, у ердаги қийинчиликларни кўтаришга юрагимнинг кучи етармикин? Юракни бутунлай ишдан чиқариб қайтсам, кейинчалик аҳволим нима бўлади?

Йўқ, уйдагиларни ортиқча қийнай олмайман, тракторчиликда, кончиликда қанча оғирликларга юрагим чидади, армияга ҳам чидайди, деган қатъий фикр кечди охири хаёлимдан. Бунини дўхтиргга айтмай, қишлоққа бориб, уйдагилар билан маслаҳатлашишим керак, дедим. Унда, тез бориб кел, уч кунга рухсат бераман, деб рози бўлди дўхтир.

Ўша кунини кечкуруноқ, пулни тежаш учун юк поездининг қоровулхонасига сукулиб, йўлга чиқдим. Кўйлакчан эдим, шамолли тунда совуқ ўтиб, тишим тишимга тақиллаб урила бошлаганида, зора ичимга озгина иссиқ кирса, деган умидда пешма-пеш сигарет чекишга тушдим. Қотиб ўлиб қолишдан қўрқиб, мижжа қоқмадим. Уйга сахарга яқин етиб бориб, тўшакка чўзилганимча қаттиқ

уйкуга кетибман. Уйғонсам, Сарвинисо бувим пойгакда намоз ўқиб ўтирибди. Жимгина кузатиб ётдим.

Қизиқ! Бувижоним жойнамозга тиззалаганича кўз юмиб, нималарни пичирляпти экан? Наҳотки, худо шу дамнинг ўзида унинг гапларини эшитиб турган бўлса? Менимча, бувим рўзгоримизга яна кут-барака ёғилишини, ўғлининг ишлари юришиб кетишини тилаяпти. Ҳозир бундан зарурроғи бо-
раканми? Худо ростданам буларни эшитиб турган бўлса, зора бирор чора кўрса-ю...

Бу кампирнинг «яман бўлгур» Анвари ҳадемай уч йиллик ҳарбий хизматга жўнайди. Ҳозир 1966 йилнинг кузи. Қиши ҳаддан зиёд қаттиқ келган 1968 йилнинг адоғидаги қаҳратонли кунлардан бирида кампиршо вафот этади. Мусофирчиликда кўнгли бузилмасин, деб неварасига бу ҳақда хабар беришмайди.

Биргина бувим эмас, унинг укаси Қодирвой тоғамиз ҳам, мени ўз фарзандидек суядиган шаҳарлик Қосимжон опоғдадамиз ҳам, Файзибой отамизнинг хотини Садди келинбумиз ҳам ҳарбийдан қайтганимда аллақачон у дунёга кетган бўлишади. Буларни олдиндан билсам, уларнинг ҳар бири билан кучоқлашиб-кучоқлашиб видолашган бўлмасмидим.

Оиладагилар даврасида нонушта қилгач, маҳаллий дурадгорлар ясаган бесўнақай шкафнинг остки сандиқчасидаги китоблар орасига дипломимни яхшилаб яшириб қўйдим. Кун бўйи уйда

бўлиб, укаларим билан гап чайнаб ўтирдим. Касалхонада ётганим, дўхтирлар айтган таклиф ҳақида ота-онамга ҳеч нима демадим. Эртасига кўча кезиб, яқин ўртоқларимни, тенгдошроқ қўшниларимни зиёфатга айтдим. Ўқишни тугатганимни нишонлаш баҳонасида кечки пайт уларга дастурхон ёзган бўлдим. Бу ўтиришга яқинроқдаги қариндошлар, опа-поччаларим ҳам келишди.

Кейинги куни йўлга ҳозирлана бошлаганимни кўргач, ўқишимиз тугади деяётган эдинг-ку, нега яна Самарқандга бормоқчисан, деб қолишди уйдагилар.

– Ўқиш тугади, омалейкин ҳали дипломимизни беришгани йўқ, – дедим ёлғондан. – Техникум учун янги бино қуриляпти, қурилишда бирор ой текин ишлатиб, кейин дипломимизни берадиган бўлишди.

Кейинги куни каттароқ укаларим, беш-олтита ўртоғим, Тўлқин поччам мен билан бирга темир йўл вокзалига келишди. Ҳарбийга кетаётганимни хануз ҳеч ким билмасди. Шу камхаржликда мени кузатиш учун уйдагилар гала-гала бўлиб Самарқандга боришларини, ортиқча сарф-харажат қилишларини истамаётгандим.

Поезд келиб тўхтагач, ҳамма билан хотиржам хайрлашдим. Аммо, вагонга чиқиб боришим биланоқ, тўсатдан тўлиқиб кетдим, кўзларимдан ёш дувуллади. Бу қанақа йиғи эканлигини шу топда ўзим ҳам тушунолмаётган эдим.

ТЕКИН КИЙИМЛИЛАР САФИДА

Созлом йигитнинг пешанаси шўр – ана уйлана-ман деганида, аскарликка чақирилади.

КУЛКУЛ афанди

Самарқандга келган кунимнинг ўзида касалхонага бориб, дўхтиримга учрашдим. Агар юрагимда озми-кўп касалим бор бўлса, у ёғини ўзларинг биласизлар, агар ростданам соппа-соғ бўлсам, армияга кетавераман, дедим. У, бу гапингни профессорга айтиб кўрай-чи, деб чиқиб кетганича ёнимда эртаси эрталаб пайдо бўлди. Қўлимга елимланган конверт тутқазиб, бунини бугуноқ ҳарбий комиссариатга элтиб бер, деди. Комиссариатдагилар конвертдаги ҳужжат билан танишиб чиқиб, айнамайдиган озиқ-овқатинг билан эртага туш пайтида шу ерда бўл, армияга жўнайсан, дейишди.

Ижара уйни эгасига аллақачон топшириб бўлганим боис, Абдулҳаким аканикига йўл олдим. Бу одам курсдошим Абдуллажоннинг акасига собиқ полкдош экан, иккаламиз унинг уйига ора-сира бориб турардик, доим очик юз билан қаршилаб, яхшигина меҳмон қиларди. Бу сафар ҳам кучоқ очиб кутиб олди, мени ҳатто касалхонага ҳам йўқлаб борган келин опамиз яна илтифот кўрсатиб, қарам шўрваларга бўкишдан олдин ўзбекнинг ошига бир тўйволинг, деб палов дамлаб берди.

Чақирилувчилар роппа-роса қирқ киши эканмиз, битта Алибобо етишмай турганди бизга. Поезд келиши арафасида перронга сафлашиб, яна бир бор йўқлама қилишди. Бизга Россиядаги Ленинград ҳарбий округи ихтиёрига ўтдиларинг, деб айтишганига қарамай, платформа ёнига «Самарқанд – Тошкент» йўловчи поезде келиб тўхтаганидан пича таажжубландим, кейин эса, Тошкентда бошқа поездга чиқаришса керак, деб ўйладим. Битта вагон биз учун алоҳида ажратилган экан, шунга миндик.

Вагон купесида ёнма-ён ўтирганлар йўл-йўлакай бир-биримиз билан яқинроқдан таниша бошладик. Шерикларим қопидан у-бу егуликлар олиб, ўртага ташлашди. Мен тўрхалтамдаги колбаса ва булочкаларни дастурхонга тўкиб қўяқолдим.

– Ие, бор нарсанг шуми? – Самарқанд шаҳридан чақирилган Жора исмли яҳудий йигит менга таажжубланиб бокди. – Ленинградгача ҳали неччи кун юришимиз номаълум, бу орада нимани ейсан?

Қиёфаси хушбичимлиги, табиати мулойимлиги билан биринчи танишувдаёқ менга ёқиб қолган Қаҳрамон деган пойариқлик йигит Жорага эътироз билдирган бўлди:

– Бизда егулик кўп, ҳаммамизга етиб ортади.

Бироқ, бир қоп овқат кетадиган даражада узоқ йўл юриш ҳеч биримизга насиб этмади. Тошкентда мазкур 1966 йилнинг 26 апрелида қаттиқ зилзила содир бўлган, вайроналарни тиклаш учун СССРнинг ҳамма жойидан кўмакчилар

келган эди. Жумладан, Ленинград ҳарбий округига бўйсунувчи, биз эндигина қарамоғига ўтган 33715-рақамли ҳарбий-қурувчилар полки ҳам Тошкентнинг Сирғали туманига келиб қўнган, «Спутник» (йўлдош) шаҳарчасини бунёд этишда қатнашаётган экан. Биз 13 октябрда уларга қўшилиб, ялангликка қаторлаштириб тикилган брезент чодирлардан бирига жойлашдик. Вокзалда ферманинг подасига ўхшаб кўринган бўлса-да, энди битта палатканинг икки қаватли ёғоч сўриларига қирқ киши жиппа сиғдик-қолдик.

Армияда норасмий қонунлар ҳам кўп бўларкан, шулардан бири – полкка янги аскарлар келса, хизматни битириш арафасида турганлар, уйга борганда кийиш учун, уларнинг фуқароча кийимини ечиб оларкан. Кўпчиликники жулдурроқ эканлиги боис, менинг оҳорли кийимим учинчи йилни тугатаётган «старик»лар орасида талаш бўлди. Юлишгудек кепатада қаршилиқ кўрсатишга тушдим. Қисмнинг бош ошпази марғилонлик Одилжон деган йигит экан, у иккинчи йил хизмат қилаётган бўлса-да, обрўси баландлигидан фойдаланиб, мени «учинчи»лар қуршовидан кутқариб чиққач, уст-бошимни унинг ўзига яхшилиқча ечиб бердим. Баҳонада, бош ошпаз билан яқиндан танишиб олдим.

Ёғоч деворли каттакон душхонада чўмилиб чикиб, текинга берилган ҳарбий либосни кийяпман-у, ҳаяжондан ўзимни кўярга жой тополмайман. Пахта матодан тикилган қалин шим ва кўйлак, кизил юлдузли чучварадўппи (пилотка), калта

пўстинга ўхшаш бушлат. Барчаси тўқ сариқ тусда. Белда десангиз – тўғнағичи ялтиллаб турган энлик камар, оёқда – яп-янги, қоп-қора кирза этик. Қанийди, каттакон тошойна топилса-ю, унга бор бастингни солиб, ўзингни мириқиб томоша қилсанг.

«Карантин» деб аталувчи бир ойлик дастлаб-ки харбий тайёрлов машғулотлари бошланди. Қоидага кўра, янги аскарларни бу давр ичида бошқаларга қўшмаслик керак. Бу ерда эса, нонуштадан сўнг бизга сафда юриш, командирлар билан муомала қилиш тартибларини бир-икки соат ўргатган бўлиб, кейин қурилишдаги ишларга олиб кетишарди.

Ошхонадаги овқатлар ҳеч биримизга татимаётган эди. Баъзи ўртоқларимиз киселни ичмас, чўчка ёғини емас, ҳатто «сливочное масло» деб аталувчи сариёғниям четга суриб қўйишарди. Кўнглимга хуш келмаса-да, мен дуч келганини ураверишга тиришдим. Ўн кунлар ўтиб, бу «ит емас» таомларга ҳамма бирдек кўникиб кетди. Олдидаги сариёғни менга узатиб турадиган бирорта саховатпеша қолмади.

Кўпчиликка кўшилиб юришим уч-тўрт кунгинага чўзилди, холос. Молия техникумини тамомлаганимни хужжатимдан кўриб билишиб, ҳисобкитоб ишлари тифизлашиб турган ушбу паллада, мени зудлик билан бухгалтерияга сафарбар этишди. Полк штабида катта командирларга ёндош бўлиб ишлашимни назарда тутиб, «парад формаси» деб аталувчи ранги тўқ зангори, тугмалари ялтироқ мундир, галифели шим, тивитли телпак

беришди. Дам олиш кунлари қурилишга олиб чиқишса, яна одми уст-бошларимни кийиб олардим. Аскарнинг кийимидан тортиб еб-ичишигача текин, дейишарди. Кейин билсам, қурилиш батальонларида буларнинг ҳақини ишлаб топган пулингдан ушлаб қолишаркан.

Сирғалидаги бир, икки қаватли ёғоч уйларни аскарлар қурган. Йиллар ўтиб, Тошкентда ишлай бошлаган давримда шоир Хуршид Давронникига меҳмонга борсам, ўша уйлардан бирида яшаётган экан. Ёғоч бинонинг шифтию деворларига қоқилган картон ДСПлар ёриғини суюқ бўрда ямаш, хоналарга гулдор обой-қоғозларни елимлаб ёпиштириш, томга шифер қоқиш сирларини шу ерда ўрганганимни айтиб, балки ҳозир менинг кўлим теккан уйда ўтиргандирсиз, дедим.

Манзилни тушунтириб, қишлоққа хат юборган эдим, орадан ҳафта ўтмай, дадам билан аям етиб келди. Дадам кучоқ очганича менга яқинлашаркан, кўзларидан ёш томчилай бошлади. Дадамнинг йиғлаганини умримда биринчи марта кўришим эди.

Штабда буғолтирлик қилаётганим, ишим вазмин эмаслигини эшитиб, аямнинг боши осмонга етди. Яхшиям боламли ўқитган экансиз, мана, хор бўлмай юрибди, деб дадамни алқай кетди.

«Карантин»дан ўтиб бўлиб ҳарбий қасамёд қабул қилганлар, одатда, турли роталарга тарқатилар экан, биз эса, деярли барчамиз битта ротада қолавердик. Ўзга ротага ўтказилганлар ҳам ҳозирча иссиқ жойини совутмай, шу чодирда

ўшандай яшайверди. Гоҳ аския бўлади, гоҳ бировимиз бошдан ўтган қизик воқеаларни сўзлашга тушамиз. Хатда ёзиб юборганим учун дадам уйдаги рубобимни олиб келганди, баъзан шуни чалиб, йигитларни ўйинга соламан. Қўшиқ хиргойи қилишлар ҳам бўлиб туради.

Шоирлигимни бу ердаям яшириб ўтирмадим. Шеър эшитайлик деб қистаб қолганларида, ёдимда борларини тортинибгина ўқиб берардим. Кейинчалик анча бетим қотди, ўзимни эркинрок тутадиган бўлдим. Эски шеърларни ўқийвериш жонимга тегдими, бири «ўлдим-куйдим»ли, бири хира фалсафали битикларим тингловчиларни ўзига унчалар жалб этолмаётганини сездимми, бўш қолганимда кулгилиларидан тўқиб, даврани оғзимга қаратишга урина бошладим. Бундай шеърларнинг аксариятини суюкдан-суюқ мавзулар ташкил этар, сатрлар найниқдан-найниқ сўзларга тўлиб ётарди. Ана, энди мухлисларимнинг саноғига етиб кўринг! (Найниқ шеърлар ва бир-иккита «интим» ҳикоячаларим кўчирилган алоҳида дафтарни армиядан кейин ҳам неча йил асраб юргач, охири нималардандир истиҳола қилиб, шартта ёқиб юбордим. Фақат, бошқаларгайм, ўзимгайм кўпроқ ёқувчи, такрор-такрор ўқийвериш ёд бўлиб кетган балет ҳақидаги шеърый хангомамни кейинчалик силлиқлаб, Кулкул афанди тўпламига кўшдим.)

Штабда ишлаётганим учун рота, взвод командирлари менга тобора хурмат билан қараётганларидан фойдаланиб, ҳаво совишни бошлаган

даврдан эътиборан дам олиш кунлари қурилишга чикмай қўйдим. Бош ошпаз Одил акадан ўз кийимимни ижарага олиб, шаҳар марказига чиқиб кетадиган, турли институт ва техникумларда ўқиётган қишлоқдош талабаларникига бориб, қаймоқлашиб ўтирадиган бўлдим.

Юзлаб кўп қаватли уйлар бутун Тошкент бўйлаб зувира-зув қад кўтараётганди. Бирок, ўзбеклар кўп қаватли уйларга кўчишдан кўра ўзлари ҳовлили уй қуриб олишга интилар, уларга четроқдан ажратилган томорқа ерларда яна аввалгидек каталак иморатлар пайдо бўлаётганди. Бу тўполонда қурилиш материаллари кескин арзонлашиб кетган, давлатни тинимсиз соғаётган қурилиш трестлари қарамоғидаги ташкилотчаларнинг раҳбарлари, мутахассислари ашёларни тўхтовсиз сотиб, мўмай пул жамғараётганди. Кўп қаватли уйларга маҳаллий аҳоли орасида талабгорлар камлигига қарамай, уларни Тошкентга теварақдаги вилоятлардан келиб ишлаётган уйсиз ўзбекларга беришмасди. Охир-оқибат буларнинг бир қисмини четдан юборилган русийзабон ишчи-мутахассислар, бир қисмини турли республикалардан ҳашарга келган қурувчиларнинг ўзлари эгаллаб ола бошлади. Тошкент аҳолиси шу дамгача ўзбекистонлик бўлмаган минг-минглаб келгиндилар ҳисобига кескин кўпайиб бораверди.

1967 йилнинг қуёшли баҳорида полкимиз аскарлари ўзларига тегишли биноларнинг бари-ни қуриб битказди. Ҳаммамиз «Строителю Ташкента» («Тошкент қурувчисига») деган эсдалик

нишони билан тақдирландик. Нишонларни топширишга бағишланган тадбир тантанали кузатув маросимига уланиб кетди. Автобусларда вокзалга бордик, аскарлар учун ажратилган алоҳида эшелоннинг шалоғи чиқиб ётган бетароват вагонларига жов-жовур билан жойлаша бошладик. Ҳаво илиқ, ичимиз эса муз-муз эди.

О, қодир эгам! Ўзбекнинг болаларини булар қаёққа олиб кетишяпти? Бизни Ўзбекистондан ташқарида нима кўйларга солишмоқчи?



ИККИ ЎҒИЛ – ИККИ ЁТ ЮРТДА

*Қорнинг очиб, қор ямла-
моқни бошласанг, демакким,
Ўруссида юрибсан.*

Гулмат ШОШИЙ

Поездимиз атторнинг эшагидек дам унда, дам бунда тўхталиб, бир ҳафтача йўл юргач, ниҳоят, Москва билан Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) оралиғидаги Бологое деган шаҳарга етиб келиб, манзил кучдик. Ташқаридаги изғирин кийимларни игналаб тешаётгандек, ачитқи шамол тиззакўмар қорларни тўзғоқ каби пуф-пуфлаб ўйнаётгандек туйиларди. Фақат арчаларгина пўстинли соқчиларга ўхшаб кўринар, бошқа дарахтлар ҳаммомдаги аскарлардек ёппасига яп-яланғоч эди.

Чор Россияси даврида бунёд этилган, ҳозирдагидан энсизроқ пишиқ ғиштдан қурилган де-

ворлари у ер-бу еридан ёрила бошлаган эски вокзал биноси ичида озгина исиниб олишимизгаям қўйишмади. Устига брезент ўранчиқ тортилган «Урал» юк машиналари бизни қаторлашиб кутиб турган экан, уларга халта-жомадонларимиз билан чиқиб, йўлга тушдик. Кимсасиз қалин ўрмон орасидаги бетон трассадан икки соатча юриб бориб, Виползово деган жойдан ўтгач, қори депсилавериб тойғоққа айланган тор йўлга бурилдик, яна ярим соатдан сўнг, бизнинг полкимиз учун яқинда қуриб битказилган объектга етиб тўхтадик.

Қарасак, объектни чалалигича ташлаб кетишибди. Ҳатто казармалар деразаси ойнаксиз. Ойнак топиб келиб солингунча уч-тўрт кун ўтди. Бу вақт ичида бушлат ва шинелларимизни ёпинчиқларимизнинг устидан ташлаб, телпакларнинг кулоғини тушириб, этикларимизни ечмасдан ухлашимизга тўғри келди. Ошхонадаги аҳвол бундан-да чатоқ эди, еб-ичиб бўлгунимизча, овқатлар музлаб қолаверарди.

Ўшанда Совет – Америка муносабатларида «совуқ уруш» деган давр юзага келган, Москва атрофида ҳаво ҳужумига қарши ракеталарнинг уч қаторлик ҳимоя ҳалқасини ташкил этиш ишлари авжга минганди. Полкимиздаги бир рота ракета шахталари барпо этишда қатнашса, бошқаси уларга тортиб бориладиган кабеллар учун траншеялар қазир, яна бири янги йўллар курар, уларга бириктирилган махсус взводлар Иккинчи жаҳон урушидан қолиб кетган бомба ёки снарядлар учраса, четроққа тўплаб, мута-

хассислар назоратида портлатиб юбориш билан шуғулланарди.

Кунлардан бир куни йўл кураётган полкдошларимиздан бир гуруҳи чириб ётган каттакон авиабомбани топиб олибди-ю, шу жойдаёқ портлатиб ўйнамоқчи бўлишибди; уруш йилларида снаряд портлашидан қолган эски чуқурча (воронка) остига ўт ёкиб, устига бомбани юмалатишибди. Бомба улар кутганидан эртароқ портлаб, беш киши ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлибди. Улар, асосан, Қирғизистондан чақирилган рус йигитлар бўлиб, ораларида яқин дўстимга айланиб қолган, мени текинга суратга тушириб юрган Виктор Чернишёв ҳам бор эди. Таниб бўлмайдиган даражада титилиб кетган мархумларга қабристондан ўзимиз гўр қазиб, ўзимиз кўмдик. Уларнинг ота-оналари ҳам етиб келишганди, бизга арақ қуйиб бериб, гўр устида роса ҳўнграшди. Мен ҳам йиғладим.

1967 йилнинг кузида учинчи йил хизмат қилаётганлар захирага бўшатилиб, полкимизга янги аскарлар келиб қўшилди. Ниҳоят, «старик»ларнинг хизматини қилишдан қутулдик, энди янги «салага»ларга ўзимиз этик тозалаттирадиган бўлдик. Штабда ишлаганим туфайли, айниқса, менинг этигим доим ярқираб туриши шарт эди. Афсуски, доимо ялтироқ этикда юришим кунлардан бир куни тўсатдан ниҳоясига етди.

Виползовога келгач, «хўжалик ҳисобида» ўз топгани билан кун кўрувчи полкимиз камбағаллашиб бораверди. Бу ердаги ишлар Тошкентдагидек кўп ва тигиз эмаслиги, бухгалтериянинг

юки кескин камайгани боис, уларга менинг ёрдамим унча керак бўлмай қолди. Иккинчи ёқдан қараганда, энди аскарларга Тошкентдаги бой трестлардек мўмай ҳақ тўлашмас, Мудофаа вазирлиги ҳар бир сўмни минг инжиқлик билан ўтказарди. Ойлик тўланувчи ортиқча штатни сақлаб туришга полкимизда имкон қолмагач, киш арафасида буғолтирликдан бўшатилиб, яна «қора иш»га ўтказилдим. Оҳорли кийимларимни жомадонга жойлаб, ҳамма аскарларникидек одмисини кийдим.

Мени тошкентлик Собир деган йигитнинг ўн кишилиқ бригадасига бириктиришди. Бу бригадада самарқандлик эски шерикларимдан ҳам ўқитғиси бор эди. Улар билан вақиллашиб, янги шароитга иложи борица тез кўника бошладим.

Турли юмушларни бажариб юрдик. Қиш забтига олган кунларда бригадамиз кабель траншеяларини қазिशга жалб этилди. Дастлаб ишга киришайтганимда траншея ковлаш ортиқча оғир эмасдек кўринди. Ана метин, ана курак, ер қумлок, берилган нормани бажариш чўт бўптими?

Лекин, қаттиқ совуқдан ер заранг бўлиб ётганини ҳисобга олмаган эканман, курак тугул метинни урсанг ҳам, қумга санчилиш ўрнига, тепага сакрайди. Бирор қарич чуқурлаб ололсанг, марра сеники – пастроқ қатламдаги қумларга курак юмшоққина ботишни бошлайди, ишинга бирдан унум қўшилади.

Илгари траншеяни бир метр чуқурликда ковлаётгандик, юқоридан каттароқлар келиб,

чукурлик икки метр бўлиши керак, деб кетишди. Қўшимча қазилар бошланди-ю, аҳволимиз мушкуллашди – бир ярим метрдан кейинок ер ости сувлари сизиб чиқаверди, иккинчи метрга борганимизда, сув этигимизнинг сағини кўмадиган даражага етарди. Ўт ёқиб, оёқларни иситиш, пайтаваларни қуритишдан бўшамай қолдик. Сув кўпайса, траншеянинг деворлари ўпирилиб тушавериши ишимизга иш қўшиб, бизни баттар ҳолдан тойдираётганди.

Қўнжи узун резина этиклар беришди охири. Пайтавани қанча қалин ўрамайин, сувнинг ичида оёғим тош қотиб қолаверарди. Бир ойдан сўнг бўғинларимда оғриқ пайдо бўла бошлади. Эски ревматизмим қайталаниб қолишидан хавфсираб, госпиталдагилар қонимни бир текшириб кўришсамикан, дея полкимиз врачига маслаҳат солсам, чидаб тур, оёғингни кимирлатолмай қолмагунингча сени касалхонага жўнатолайман, деди.

Ана бўлмаса! Бир кимса биров уни ўлдирмоқчи бўлаётганини айтса, прокурор тасалли бериб, олдин ўлдириб кўрсин-чи, ана унда кунини кўради мендан, деганига ўхшаган гап-ку бу!

Яхшиямки, Фарғонанинг Миндонидан хизматга келган, санитария қисмида фельдшерлик қилувчи Қўшоқ ака бор экан, у врач билан гаплашиб, уч-тўрт кунгина бўлсаям шу ернинг ўзида даволанишимга рухсат олиб берди. Полк врачлик пунктининг алоҳида хонасидаги тўртта бўш каравотнинг биттасидан жой эгалладим. Қўшоқ ака

эрталаб ва тушда оёқларимга эфир мойи, кечкурун спирт суртади, спиртан эллик-эллик грамм ичиб ҳам оламиз. Худо шифосини берса, ҳеч гап эмас экан, бўғинларимдаги оғриқлар шугина муолажа давомида кескин сусайди-қолди.

Ишга қайтиб, яна ўша лаънати траншеями, деб турганимда, бригадамизни тўйкус бошка юмушга сафарбар этиб қолишди. Ҳамма қатори мен ҳам енгил нафас олдим. Агар, қўйим бўлса, тезда сўйдириб, ис чиқариб юборардим (бу қийинчиликларни уйдагиларга билдирмасдим, улар мени хануз буғолтирликда яйраб юрибди, деб ўйлашарди).

Уқубатли меҳнатдан нечоғли толиқмайлик, казармага қайтгач, кечки овқатни еб бўлиб, ўйин-кулгини бошлардик. Парда пўмпа, Аспандиёр айёр, Ҳасан носкаш, Тўлқин шайтон кабилар давранинг гули эди. Мен рубоб, Қахрамон чирманда чалишни бошласак, ўзбеклар қолиб, грузин, озарбайжон, рус, украин, молдован, козок миллатига мансуб йигитлар ҳам даврага қўшилиб, ўйин туша бошларди. Баъзан ашула ҳам айтиб қолардим. Булар орасида ўз шеъримга ўзимча куй басталаганим ҳам бор эди:

*Шодлигим учди қўлдан, гамгин эрурман токай,
Замин узра бахтим излаб чарх урурман токай?..
Ким берур завқимни қайтиб, билмадим қайдин бу гам,
Бошга тушгани, тақдир, сендан кўрурман токай?..*

(1968)

Гоҳ мен Мулладўст, Аспандиёр Майсара бўлиб, операдан парча ижро этардик, гоҳ балет

ҳақидаги кулгили шеъримни ўқиб беришимни сўрашарди. Базмларимиз баъзида «отбой» (уйкуга ётиш) эълон қилинганидан кейин ҳам давом этаверар, старшинамиз бизни камарида енгил-енгил савалаб, зўрға жойимизга ётқизарди. Шундаям, «ғўнғир-ғўнғир» товушлар казарманинг у ер-бу еридан анчагача эшитилиб тураверарди. Хизмат давримнинг катта бўлаги — 1966—1967 йиллар, 1968 йилнинг бир қисми шу тариқа кечди.

Тошкентдами, бу ердами, Қаҳрамоннинг кавароти кўпинча меники билан ёнма-ён бўларди, самимият чакнаб турувчи чехраси ниҳоятда тортимли, оилада тўрт-бешта қизнинг орасида ўсгани учунми, табиати ўта юмшоқ бу йигит кўпроқ менга таянар, ўзимнинг кўнглимга ҳам бошқалардан кўра яқинроқ эди. Казармадаги ўша «ғўнғирловчи»лардан бири, албатта биз эдик, гурунгимиз ҳадеганда тугайвермасди. Асосан у гапирарди, улоқчи отаси онасини отда олиб қочиб келиб уйлангани, нукул қиз кўравергач, хотинини қамчида савалаб, ниҳоят ўғил туғдиргани; опа-сингиллари, уларнинг феъл-атворлари, Кимёхон дегани баридан эркатойлиги; қишлоқдаги ўртоқлари, улардан бири ногирон бўлсаям, учраган қизга илиқавериши кабиларни эслашга тушарди.

1968 йил мен учун омадли келди, полк бухгалтериясидаги ишимга тағин қайтариб олишди. «Қора иш»имдаги ғала-ғовурларга кўникиб кетган эканман, бари қариброқ қолган, тунд, инжиқфеъл аёллар орасида майда нарсаларни ҳисоблаб, кун

бўйи чўт қоқиб ўтириш, чекиш учун ташқарига чиқиш, бирига чой, бирига кофе қайнатиб бериш беҳад зерикарли туюлаётганди. Аммо, яна покиза кийимларда юриб, ҳаётимни безаволгина давом эттираётганимдан барибир мамнун эдим.

Муҳими, тўйиброқ овқат ейдиган бўлдим. Киночи, почтачи, заправкачи, фельдшер, электромонтёр, чўчка боқувчилар, командирлар машинасининг шофёрлари қаторида мени ҳам ошхонага ёлғиз кириб овқатланиш ҳуқуқига эга бўлганлар рўйхатига қўшишганди. Одил аканинг ўрнига тайинланган осетин ошпазлар штабда ишлашимни кўриб юришса-да, фамилиямни билишмасди; шундан фойдаланиб, уларга безрайиб боққанимча, мен билан Обиджоновга фақат иккинчи овқатдан беринглар, дердим. Икки хиссадан овқат, қанд, сариеғларни бурнимдан чиққунча ердим.

Бу орада самарқандлик ва тошкентлик ўртоқларимнинг кўпчилиги шофёрликка ўқишга юборилиб, казармадан файз кетди, ўйин-кулгилар барҳам топди. Энди бўш вақтларимда уйдагиларга, таниш-билишларга хат ёзишга ружу қўйдим. Улар орасида Шафоат аммамнинг Германияда хизмат қилаётган ўғли Машраб, Қозоғистоннинг Қизилўрдасида аскар бўлиб юрган Абдусалом ошнам, унинг янги орттирган дўсти, армиядан сўнг журналист бўлишни орзулаётган Аҳмаджон Мелибоев деган йигит, техникумдаги айрим курсдошларим, шофёрликка ўқиётган Қаҳрамон каби-лар бор эди. Уйдагиларга ёзганимда, командирлар

билан қалин бўлиб кетганим, ниҳоят комсомолга қабул қилинганим, гоҳо шаҳарларда сайр қилиб келишим билан мактанардим; ўртоқларимга ёзганимда, ростни кўпиртириб, ёлғонни сал силлиқлаб, қисмимиз футбол командаси хужумчиси эканим, гарнизон миқёсидаги мусобақаларда бомбардир бўлганим, бухгалтериядаги аёллардан бири менга илакишиб қолгани, ўрисча шеърлар ҳам ёза бошлаганим, полк командири Петронко билан кунда бирга улфатчилик қилишимиз янглиғ гапларни гупиртирдим.

Бир куни Акрам укамдан хат келди. Очиб қарасам, ҳарбий формадаги расмиям турибди. Келиб-келиб, Туркманистоннинг Тахтабозорига тушибди болапақир. Ёзишча, атроф сичқону укки, тошбақаю товушқонларга бой қум барханларидан иборат бўлиб, янтоқлар орасидан эчкиэмару илонлар доим мўралаб турармиш, куну тун чивин талармиш, казармага чаёну заҳарли ўргимчакларга қарши дорилар сепилгани-сепилган эмиш.

Акрамга жуда раҳмим келди. Бухгалтерияда тузуккина ойлик тўлашарди, қўлимга пул тегиши биланоқ, энг олдин ўттиз беш қути сигарет олиб, жомадонимга солиб қўярдим. Энди ҳар ойда укамга ҳам шунча сигарет олиб, бандероль қилиб жўнатадиган бўлдим. Тежаброқ чек, ўлгудек хумори тутгандаям бировдан сигарет тилама, деб тайинлардим хатимда.

Қизик! Битта кўрпада катта бўлган ака-укалар, вақт ўтиб, кимларнингдир хоҳиши билан битта юртга сиғмай қолса-я!

Тентакона одатим бор эди. Исроил араблар ерига босиб кирса ҳам, Узоқ Шарқдаги Даманск оролчасига Хитой аскарлари хужум қилса ҳам, Чехословакияда кўтарилган ғалаённи тинчитиш учун Варшава шартномасига аъзо давлатлар кўшини қаторида совет аскарлари киритилса ҳам, кўнгиллилар сафида ўша ёққа жўнашга ошиқаверардим. Аскар бўлиб мен ҳам кўлимда қурол билан бир жанг қилиб кўргим келаверар, ўлиб кетишим мумкинлиги хаёлимгаям келмасди. Бунақада штаб бошлиғи Михайлов тутоқиб, ўзбекка милтиқ отишни ким қўйибди, чўтингни қоқиб ўтиравермайсанми, деб бўкириб берарди.

Германия билан уруш бўлган йилларда ўзбекни кўпинча ҳеч бир тайёргарликсиз жангга ташлайверганлар. Энди уни милтиқ отишнияма уддалолмайдиган нўноққа чиқариб, «томорқаси»да малайлик қилдириб юришибди. Э, доғман! Яна ўша қадимги аҳвол!

Чор Россияси даврида уруш бўлса, мустамлака юрт вакиллари олинган келишилганидек, фақат фронт ортидаги мардикорлик ишларига жалб этишар, уларнинг кўлига қурол беришдан чўчишар экан. Ҳозирда ҳам аҳвол шундайлигича қолган, фақат бошқачароқ, жуда ниқобланган шаклда эди. Энди улар ҳарбийга алоқаси йўқ мардикорлар тўдаси эмас, қизил қўшин таркибидаги қурилиш батальонлари аскарлари. Номи – аскар, аслида эса, 70–80 фоизи Туркистон, Кавказ, Болтиқбўйи каби минтақаларда яшовчи турли миллат вакиллари иборат бўлган, энг чекка ҳудудларда ҳам оғир-

оғир ишларни арзимаган маош эвазига сув текинга бажариб берадиган формали мардикорлар. Аҳволлари Сталин гулаги тутқунлариникидан сал яхшироқ, холос. Буларнинг орасида руслар ҳам бор, аммо бири ўта уқувсиз, бири енгилроқ айб билан қамалиб чиққан, бири безорилиги боис милиция назоратида бўлиб келган «чиқинди»лар.

Шўро салтанати Россиянинг теграсида мадҳияси «Ассалом, рус халқи – буюк оғамиз» (Ўзбекистоннинг эски гимнидан) каби сўзлар билан бошланувчи 14 та миллий республикани бирлаштирган, бу юртда ҳамма тенг эканлигини тинимсиз таъкидласа-да, ўша даврда унинг армиясидаги рус бўлмаган офицерлар сони атиги бир фоизни ташкил этарди. Бир қараганда, хужжатига кўра украин ва белоруслар ҳам кўпдек кўринар, лекин уларнинг аксарияти бутунлай руслашиб бўлган, ҳатто ўз миллий тилини ҳам билишмасди.

Қисман дўлвари, қисман бези қотган империя эди бу.



ҲАРБИЙ БАЗАДАГИ ЖАННАТ

Аёлларнинг кўплиги исрофгарчиликдир.

КУЛКУЛ афанди

Сал ўтмай, ишларим янада юришиб кетди. Қай йўл билан излаб топганларини билмайман-у, аскар буғолтир борлигини аниқлашиб, мени

гарнизон миқёсидаги ҳарбий-таъминот база-си бухгалтериясида ишлашга чакириб олиш-ди. Гарнизон тасарруфидаги барча ҳарбий қисмларга қурилиш ашёлари, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари кабиларни етказиб беришга ихтисослашган, ҳудудига темирийўл киритилган, атрофлари девор ва тиканли симлар билан ўраб ташланган бу базанинг командири ва ўринбосари ҳарбий эди холос, бошқа ходимлар: бухгалтерлар, режа-иқтисод бўлимидагилар, канцеляриячилар, омборчилар, хатто қоровулу ишчиларгача фукаролар эди. Меҳнат қонунлардаги «жавобгар шахс» деган иборага мақоми мос тушмайдиган аскарларнинг ашёларга лик тўла омборлар атрофида ўралашиб юришини исташмасди, чамаси.

Ҳарбий қисмда кирим-чиқимларга оид бўлган, ракамлар устунни бир неча саҳифага чўзилган бухгалтерия ҳужжатларини қўлимга тутқазиб, жами қанчалигини ҳисоблаб беришимни буюришар, булар нималигини унчалик англамасдим ҳам. Базада бухгалтерия сирларини кенгрок ўргата бошлашди, қирқ ёшлардаги бош бухгалтер Тамара Васильевна Бородина ҳам, пенсия ёшидан ўтган ўринбосар кампир ҳам, менга қандай ишни топширмасин, унинг учи қаердан бошлангани, думи қаерга бориб такалиши, улар бир-бирига қандай ҳужжатлар билан боғланиши ҳақида тушунчалар беришарди. Ҳарбий қисмда нукул чўт қоқиб ўтирган бўлсам, базада бурама қулоқли арифмометрда ишлашни ўргандим.

Бухгалтериядаги йигирмадан зиёд ходимнинг барчаси аёл бўлиб, омборчилар, уларнинг ёрдамчилари ичида ҳам хотинлар кўпчилиكنи ташкил этарди. Эркакларнинг аксарияти истеъфодаги офицерлар, уруш ветеранлари, махсус соҳаларнинг мутахассислари эди.

Жаннатга тушиб қолгандек эдим. Босиккина бош бухгалтер, унинг кекса ўринбосари, олдидаги қоғозларга қалин кўзойнакдан тикилганича, миқ этмасдан елка қисиб ўтирувчи Албина Павловнани истисно қилганда, асосан, 30–35 ёшлар атрофида бўлган, кўпчилигининг офицер эрлари ўрмон ичкарисидagi ҳарбий қисмлардан 10–15 кунда зўрға бир марта келиб кетадиган бу аёллар мени эркак ўрнида кўриб, бири қўйиб бири папаларди. Менга иш ўргатишни бош бухгалтер Таня Руденкога топширган эса-да, бошқа аёллар ҳам ёнимда галма-гал ўралашиб, ўзларича у-будан сабоқ берган бўлишарди.

Таня бошқалардан анча ёш эди, мени нега тажрибалироқ ходимга бириктириб қўйишмади, деб юрсам, кейин билдимки, у техникумнинг бухгалтерия факультетини битирган ҳақиқий мутахассис экан. Қолган аёлларнинг аксариятини офицерларнинг хотини ишсиз юрмасин дея шу бой базага тиқиб ташланганлар ташкил этар, улар менга ўхшаб қўлларига нимани тутқазишса, шуларни ҳисоблаб бериб кун ўтқазишаркан. Қолаверса, бу қолоқ чекка шаҳарчада мутахассис буғолтир туғул, тузукроқ чилангарни топиш ҳам амримаҳол эди.

Руденко чиройда техникумимиздаги отдоши Таняга тенг келолмаса ҳам, самимиятда ундан қолишмасди, гоҳ унга, гоҳ бунга ҳазил қилиб, хаммани кулдиргани-кулдирган эди. Шаҳарчада кеча содир бўлган бирон қизиқ воқеани топиб келиб, бугун эрталабданоқ, ҳиринглай-ҳиринглай, барчага сўйлашга тушарди. У шу йили турмушга чиққан экан, тўйдан бир-икки ой ўтиб, шаршина эри ҳарбий билим юртига кирибди, ҳозир олисда экан. Шу боис, дам олиш кунларининг бирида Таня мени кўзикорин териш учун ўрмонга олиб борганини эшитиб (буни ишхонадагиларга Таня ўзи эълон қилганди), Албина Павловнанинг жаҳли кўзиган, эри узоқда бўлган жувон қандайдир аскар билан ўрмонда юрадимиде, деб гадаблашга тушганди.

Аёллар кўп бўлгани учун, нари борса икки ҳафта ўтмасидан, қайси биринингдир туғилган куни нишонланаверарди. Салкам бир взвод аёллар даврасида эркаклардан мен, база командири, унинг ўринбосари, омборни бошқарадиган кекса гармончи Мурашёв бўламиз холос. Ана ичкилик-бозлик, ана қийёо-чий, ана раксу муқом! Командирлар кўпинча эртароқ чиқиб кетиши, Мурашёв ўнг оёғининг кафтида полни тапиллатганича гармон чўзишдан бўшамаслиги боис, борлиқ аёлнинг мастликдаги юлкиб-ялашлари битта менинг бошимга ёғилади, толиқишдан маза қиламан.

Тўққизинчида ўқиётганимда Машрабнинг улфатларига, тракторчилигимда Ўринбой акамнинг давradoшларига, Рудник-конда устозим Раҳмон

акага шерик бўлиб спиртли ичимликлардан гоҳ-гоҳ татиб юрганим, техникумда бу борада тузук-кина чиниқиш ҳосил қилганим қўл келиб, базадагилар билан тенгма-тенг ичаверардим. Лекин, бировлар қистамаса ўзимча ичгим келавермасди.

Базада ишласам-да, ҳануз ўз полкимнинг ихтиёрида эдим. Ораси бир ярим километр бўлгани учун тушликда полк ошхонасида овқатланишга бориб, полк казармасида тунар эдим. Базадагилар ойлигимни ҳарбий қисмимиз бухгалтериясига ўтказишар, пулни ҳам шу жойдан олардим. Шофёрликни битириб келган эски ўртоқларим турли ҳарбий қисмларга тарқатиб юборилгач, полкимизга умуман қадам босгим келмай қолди. Шу маҳаллар гарнизонимиздаги деярли барча ҳарбий қисмларда бурга кўпайиб, ҳамма ёқни ваҳима босди-ю, бу ўрмаловчилар мен орқали базагаям кириб келиши мумкинлигини баҳона қилиб, маъмурий бинонинг орқа томонида алоҳида эшиги бўлган, командир ва унинг ўринбосарини олиб юрувчи шофёрлар яшаб турган хонага ўзим учун кўшимча каравот қўйдирдим. Электр плитаси сотиб олиб, уч аскар баъзан овқатни шу ерда тайёрлаб ейдиган бўлдик.

Йўлда патруллар учраса гап кўпаймасин деб, базадагилар менга бир ойлик «Маршрут варақаси» ёзиб беришарди. Варақа типографияда босилган бўлса-да, исм-фамилия, саналар, юришга рухсат этилувчи манзиллар ёзиладиган жойлари бўш қолдирилган, улар қўлда тўлдириб чиқиларди. Мен варақани ўзим тўлдириб командирга олиб

кирардим, у кўл кўйиб, мухр босгач, маршрутдаги «Ҳарбий-таъминот базаси, 33715-ҳарбий қисм» дея ўз кўлим билан ёзганимни давом эттириб, «Виползово шаҳарчаси» манзилиниям кўшиб кўярдим. Пулим кўпроқ пайтда дам олиш кунлари шаҳарчада санғиб келардим. Кейинчалик, Виползово қолиб, Бологое шаҳриниям кўшадиган бўлдим, вақт топсам, борардим.

Полкимиз кўкқисдан бошқа жойга кўчадиган бўлиб қолди. Буни база бошлиғи подполковник Могилёвга айтсам, буғолтирлик сирларини анча ўзлаштириб олган, баъзан хатто Ленинградга бориб, ҳисобот топшириб келишниям уддалаётган, тартиббузарлик қилмайдиган ходимдан айрилишни истамадими, ё илтифоти кўзидими, гарнизондаги катталар билан телефонлашиб, мени яқинроқдаги бошқа ҳарбий қисмга ўтказдирди. Хизматни битиргунимча бу полкнинг казармасида деярли тунамадим. Фақат маошимни олишга борардим. Мавқеи баланд базада ишлаётганимни, полкдагиларнинг бу базага тез-тез иши тушиб туришини назарда тутибми, қисм командирларидан тортиб мен бириктирилган рота командиригача «ғинг» демасди.

Бир куни бош бухгалтеримиз хонасига чақириб, хизматинг тугаб боряпти, ён-веримиздаги полкларни суриштириб, янги келган аскарлар ичидан ўзингга ўринбосар топ, бухгалтерия ишини тушунадиганроғини қидир, деди. Суриштириб топдим, иккаласиям озарбайжон – Гусейнқули дегани машина-ҳисоблаш станциясида оз-

гина ишлаган экан, Мамед бухгалтер қондошига у-бу нарсаларни ҳисоблашда баъзан ёрдам бериб юрган экан. Тамара опага иккаласиям маъқул тушди, тезда ишга олди. Ўзимни энди иккита аскар устидан бош қўмондондек ҳис қила бошладим, улар ҳам ҳарбий унвонимни суриштириб ўтирмай, ҳамма буйруғимни миқ этмасдан бажаришарди.

Иккита кўмакчи пайдо бўлгач, бўш вақтим кўпайди, қоғозларга тинимсиз тикилаверишдан доим қизариб турадиган кўзларимга тиниқлик югурди. Бундан кейин, дам олиш кунлари мени умуман ҳеч ким безовта қилмаслигига қатъий ишониб, «Маршрут варақаси»га яқинроқдаги баъзи посёлка, йирикрок қишлоқлар номиниям қўшиб кўядиган, гоҳ база командири ўринбосари майор Шербиночка шофёрлик қилувчи белоруссиялик ошнам Фима Лосичнинг «УАЗ»ида, кўпинча пиёда ҳакиллаб бориб, аскарларни қий-чувлаб кутиб олувчи қизлар билан танца тушиб қайтадиган бўлдим. Очигини айтсам, мени қизлардан кўра қишлоқларни қуршаб турувчи гўзалдан-гўзал табиат манзараларини ҳайратланиб кузатишлар, ўрмон кезиб, турли бута мевачаларини териб ейишлар, арзимаган пул эвазига биргаликда брага ё самогон ичиб, гармончи чоллар, пайпоктўқир кампирлар билан гурунг қуришлар кўпроқ ўзига тортарди. Тамоман бошқа дунё эди булар.

Айниқса, осмонранг кўлларнинг ўртасига қайиқда сузиб бориб, қармоқда балиқ тутиб ўти-

ришни жуда-жуда ёқтирардим. Балиқ кам илинардиди, аммо гашти беҳад мўл эди.

*Балиқчилик – бўйдоқлар иши!
Сув парисин тутволса ногоҳ,
Қила олмас қонуний никоҳ,
Уйланган киши.*

(1973)

Узокрокдан қарасанг, Россия ўзига СССР деган бир эшикли тошқўрғон қурволиб, қарам миллатларнинг борлиқ ер ости ва ер усти бойликларини тагида босиб ётган улкан аждарҳо; бастига бино қўйиб, гоҳ фазони биринчи ўринда забт этган, гоҳ саноксиз даҳшатли ядровий ракеталари билан дунёни дағ-дағ титратган, гоҳ Америкадек девни оғиз юмиб ўтиришга мажбурлаган, гоҳ Осиё, Арабистон, Африкадаги камхаржларнинг бошидан улгуржи-улгуржи маблағлар сочаётган кудратлидан-кудратли салтанат. Яқинрокдан кўз ташласанг, заводларидаги ускуналари аллақачон эскириб бўлган, халқ эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилаётган истеъмол моллари сифати ривожланган давлатларникидан ярим аср ортда қолган; автомобиль заводлари қолоқлигича турган, машина олишга йиллаб навбат кутадиган аҳолисининг 90 фоизини пиёдалар ташкил этган; ўн минглаб қишлоқларига газ, электр етиб бормаган, ҳатто йўл ётқизилмаган йўқсилдан-йўқсил мамлакат. Энг авж олган иллат – ялқовларча лоқайдлик ва мислсиз исрофгарчилик.

Бу юртдаги исрофгарчилик чидаб бўлмас даражага етганди. Рудник-конда юрган давримда,

бир мутахассис афсусланиб, техникаларимиз ниҳоятда эски, биз қайта ишлаган рудалар чиқиндисидан америкаликлар яна шунча кўрғошин олиши мумкин, дегани эсимда. Табиийки, бошқа конларда ҳам аҳвол шу. Номи завод-фабрика борки, барида исрофгарчилик, исрофгарчилик.

Дамодам базамизнинг ўзидаги хўжасизликларни кузатиб, бир аччиғим келса, бир ҳайратим ошарди – бу сочма-сочарларни нега отувга ҳукм қилишмаяпти? Буларни ким текшириб, ким чора кўриши керак? Ахир, бухгалтерия ҳисобида ўн вагон қимматбаҳо оловбардош (огнеупорный) ғишт турибди, амалда эса, бир донаям йўк, унинг ўрнига шунча миқдордаги арзон селикат ғиштлар ётибди. Демак, оловбардош ғиштларни селикатнинг баҳосида сотиб юборишган. Худди шунга ўхшаб, том ёпишда ишлатиладиган оддий тахталар ўрнига тайёр рандаланган пол тахтасини; паст маркалиги ўрнига юқори маркали цементни чаласавод омборчилар арзон нархда юклаб бераверган. Кейинчалик буларнинг бир қисми «омборда жой етишмагани учун цементлар ёғингарчиликда қотиб қолди», «ғиштларнинг 40 фоиздан ортиғи синиқ тарзда етиб келди», «тахталар чирик ҳолда жўнатилгани аниқланди» деганга ўхшаш баҳоналарга тўлиб-тошган актлар асосида ҳисобдан чиқарилиб, нархларнинг чалкаштирилишидан ҳосил бўлган хатолар ёпиб ташланди. Булардан тажангланардим, лекин бировга лом-мим демасдим.

Қурилиш бораётган жойларда ракета шахталари атрофига ўрнатиладиган цемент плиталарнинг,

юқори вольтли электр тармоғи симёғочларининг, казарма тиклашда ишлатиладиган тахта деворларнинг қанча-қанчаси ташландиқ аҳволда қолиб кетарди. Каттароқ командирлар у ёқда турсин, хатто старшиналар, омбор мудирлари талон-торож қилинган нарсалардан ўзларига уйлар, дачалар куриб олаётганди, баъзиларида – яп-янги машина, машина олишга навбати етмаганлар хонадони ҳашаматларга лик тўлиб бўлган. Назаримда, биргина бизнинг базамиздан ўтаётган ашёлар исрофгарчилиги, талон қилиниши тўхтатилиб, хайрли ишга сарфланса, бутун салтанат аҳолисига камида биттадан текин телевизор тарқатиш мумкиндек эди. Агар Москва атрофида уч ҳалқада курилаётган ракеталар қалқонининг битта доираси камайитирилса, тежалган маблағ мамлакатдаги барча йўлларни асфальтлаштириб, барча қишлоқларни электрлаштиришга бемалол етган бўларди, балки.

Кейинчалик советлар юртининг емирилишига бошқалар нима сабабни рўкач қилса қилсин, мендан сўрашса, бу империяни унинг мечкай армияси кемирди, деган бўлардим.

* * *

Хатларда қишлоқдан гоҳ яхши, гоҳ мундоғроқ хабарлар келиб турарди. 1969 йилнинг бошларида юборилган бир хатдан дадам маҳалламиздаги эски мачит ўрнига бундан ўн йилча олдин қурилган магазинга мудир бўлганини билиб, рўзғоримизга кут қўшилаётганидан қувондим.

Ёзнинг бошларида Шаҳодат опамдан бошқача бир мактуб келди, конверт ичида қўлини жағига тираб турган бир қизнинг фотоси ҳам бор эди. Хўп десанг, шу қизни сенга унаштириб қўймоқчимиз, унга совчилар қаторлашиб келаётган эмиш, деб ёзибди опам. Шошмай туринглар, бу масалани борганимда ҳал қиламиз, деган жавобни юбордим.

Барибир тинч қўйишмади, ортиқча пайсалга солсам, яхши қиз қўлдан чиқиши мумкинлиги, бола дегани ота-онанинг гапига кириши керак-лигини қайта-қайта уқтиришга тушишди. Охири мени тергашга ўтиб, кейинги пайтда даданг қаттиқроқ касалга чалиниб қолди, ҳеч бўлмаса, тўнғич ўғлимни уйлантириб олсайдим, дегани-деган, иложини топсанг, қишлоққа бир келиб кет, деб юрагимга ғулғула сола бошлашди.

Қизнинг фотосига тикиламан. Ўйланаман.

Жуда бошоғриқ бўлдингиз-ку, хоним. Хў-ў-ш, бу тугунни қандай ечсак экан?

Бермоқчисиз қўнғлимга оро...

Хўш кейин-чи?

Айтинг барини.

Жунун ҳислар тўфони аро

Кўрмаяпман Сиздан нарини.

(1977)

База бошлиғи подполковник Могилёвга да-дамнинг аҳволидан гап очсам, ўзи хизматинг ту-гашига оз қолди, борди-келдингга анча харажат кетади, ундан кўра сабр қилиб тур-чи, гарнизон-даги катталар билан маслаҳатлашиб, сени армия-дан эртароқ бўшатишларини сўраб кўраман, деди.

Командиримиз айтганини қилди. Хизмат муддатини ўтаб бўлган аскарларни резервга қайтариш ҳақида ҳали Мудофаа министрининг буйруғи чиқиб-чиқмасиданоқ, мени озод қилиб юборишди. Ортга ўгирилиб боқсам, умримнинг уч ойи кам уч йилини бирда пўрим, бирда кир-чир ҳарбий кийимда ўтказибман.

Базадагилар билан хушлашувим ичимликларга бой базмдан бошланиб, кекса омборчимиз Мурашёвнинг гармони садоси остида бухгалтериядаги ҳар бир аёлни алоҳида-алоҳида оғушга олганча рақс тушиш, йиғи-сиғили ўпишишлар ила якунига етди. Бош бухгалтеримиз Тамара опанинг ҳам кўзлари ёшланиб, қишлоқда ишинг юришмас, тўғри ўзимизга қайтиб кел, шунақа катта ойлик қилиб бераманки, уч-тўрт йилда машина оласан, деди. Илгарилари ҳам хизматни битирганимдан кейин базада қолиб ишлашим кераклигини кўп таъкидларди бу опам, аскарга материалларга жавобгар шахс мартабаси берилиши қонунда тақиқланган, шу боис сени паст лавозимда озгина ойликка ишлатишга мажбур бўлиб юрибмиз, деб афсуслангани-афсусланган эди. Хайрлашаётиб, Тамара опани биргаликда ўтган бутун фаолиятим давомида биринчи марта ўпдим.

Юмалоқ юзининг иккала лунжи доим асабий пирпираб турадиган, сокқасимон кўзлари косасидан отилиб чиққудек тарзда бақрайиб тикиладиган, баланд товушда шанғиллаб гапирадиган, сен бола хотинларга илакишаверма, бу эркакхўрлардан бирортасининг офицер эри қоқ

пешанангдан отиб ташламасин, дея жиғимга тега-
верадиған майор Шербинокни ҳисобга олмаған-
да, базамизда мен ёқтирмайдиган одамнинг ўзи
йўқ эди. Ҳаммаси билан аҳил-иноқ бўлиб келдим;
баъзиларининг хонадонига меҳмонга борардим,
баъзилари уйдан овқат олиб келиб едирарди;
омборчи Макаров ҳатто канцеляриячи қизи Лида-
ни менга илиниб, шунга уйлансанг, мотоциклим
ҳам, янги қурган уйим ҳам бор зеб-ҳашами би-
лан сеники, деб кайфда тантилик қиларди. Лида
ниҳоятда очиқтабиат қиз эди, бироқ жанжалчи
опасидан доим кўрқиб юрардим, синглим билан
кинога борибсан, агар бирор ишқал чиқарсанг,
сени соғ қўймайман, деб турарди.

Тамара опани барибир бошқача яхши кўрар-
дим. Ҳарбий хизматдан кейин ҳам гоҳ-гоҳ уйига
майиз-туршак солинган бандероллар жўнатиб
юрдим. Уни ҳануз меҳрим ёлқинланиб эслайман,
ҳануз кўргим келади.



БОШИМ ИККИТА БЎЛДИ

*Далага тупурмагил, ўзинг
эртага ейдиган қовунни бул-
гайдурсан.*

Гулмат ШОШИЙ

Ҳарбийдан қайтганимда, дадам анчадан бери
вилоят касалхонасида ётган экан. Таътилга келга-
нимда ҳам, бир вақтлардагидек бўйни бағбақали

бўлмаса-да, жуссаси ҳалиям гўштдоргина эди. Шу қисқа вақтда буткул озиб-тўзиб, эти суякка ёпишиб қолибди. Киртайган кўзларида илгариги тийракликдан асар йўқ. Ҳатто таъби хирароқ чоғидаям кулимсираш аломатлари зоҳирланиб турaveraдиган чехрасини энди мунг тўлиқ қоплаб олганди.

Қўшнилар, таниш-билишлар, қондошларнинг келди-кетдиси камайганидан кейин, касалхонадан вақтинча жавоб сўраб келган дадам мени ёнига чакириб, тўйни тезлатиш хусусида гап очди. Умримда кўрмаган қизга менинг розилигимсиз оқ кийиб, фотиҳа тўйини ҳам ўтказиб улгуришганидан жаҳлланиб юрганим учун, журналистликка ўқиш ниятим борлигини билардингиз-ку, уйландиган бўлсам, рўзғорда уймаланганча қишлоқдан чиқолмай қолишимни ўйламадингизми, деб жеркиндим.

— Умрим жуда оз қолганини билиб турибман, — деди дадам хотиржам товушда. — Катта ўғлимсан. Ҳеч бўлмаса, сенинг бошингни иккита қилиб, кўнглим тинчиброқ кетай.

Мен нодон яна тихирланишга тушдим:

— Сиз айтсангиз, шахтада ишлашгаям розиман, дада. Омалейкин, уйланиш масаласига келсак...

— Э, болам-ма! — сўзимни бўлиб, хиёл зардаланди дадам. — Бир нарсани ҳисобга олмаяпсан. То уйланмагунингча, укаларингга оталик салобатида кўринолмайсан. Ё гапимга ҳалиям тушунмадингми?

Ҳаммаси тушунарли: мен кетяпман, энди бу ҳовлининг хўжайини сенсан. Тезроқ уйлан, рўзғор тебратиш масъулиятини чуқурроқ ҳис эт. Кенжа уканг бор-йўғи ўн ёшда, катталари ҳам ҳали ғўрроқ. Шоирликни ҳавас қиласанми, пош-шоликними, энг олдин, оила аъзоларининг бирлигини таъминлашинг, хонадон мавқеини бундан оширолмасанг, лоақал борини асраб туришга интилишинг, ота бўлиб, уйнинг файзу тароватини кўриқлашинг шарт!

Қанчалар қайсар бўлмайин, дадамнинг шу аҳволида орага бундан ортиқ сўз сиғмаслигини англаб, бўпти-да, нима десангиз – шу, деб пешанамни тириштирдим. Дадам қувониб кетиб, опангларга айтаман, сени келин билан бирор жойда учраштиришади, бир кўз уриштириб оларсан, деган эди, барибир уйланадиган бўлсам, кўриб нима қилдим, дея лаб жийирдим.

Бу орада дадам яна касалхонага тушгани, дарди кучайиб бораётгани боис, унга қарашли магазинни янги дўкончига ўзим топширишимга тўғри келди. Ёшгина, буткул тажрибасиз бир татар қизни ревизор қилиб тайинлашган экан, ишни уриниб-суриниб ётиб зўрға охирига етказдик. Анчагина камомад чиққанидан кўнглим жуда хира тортди, матлубот жамияти раҳбарларидан бири бўлган Обидов идорасига чакиртириб, пул тезроқ жойига кўйилмаса, иш судга ошади, деганида, юрагим пўкиллашга тушди. Воҳ! Энди нима бўлади? Наҳот, дадамни шу аҳволидаям суд қилишса? Йўғ-е, бунгача боришмаса керак. Балки,

қарзни ойлигимдан секин-секин узишимга тўғри келар...

Кўп ўтмай, энди даволашга уринишдан фойда йўқ, уйда борица парваришлаб тура қолинглар, деб дадамни касалхонадан қайтаришди. Гоҳо маҳаллий дўхтирлар келиб, у-бу муолажалар қилиб туришди. Ўшанда йигитдек вазмин туролмаганим, дўконнинг қарзидан кутулиш масаласида дадамга инжиқланиб гап очганим, дадам мени тинчлантиришга тиришиб, кўркма, тирик қолсам, жавобини берарман, ўлиб кетсам, сенга ёпишиб олишмайди, деб изтироблангани эсимга тушса, бировларга қамчи тутқазиб, ўзимни аёвсиз савалатгим келади ҳануз. Аксинча бўлиши керак эди-ку! Мабодо, дадамнинг ўзи шу мавзунни қўзғаб қолса, кўп сиқилаверманг, то жоним ичимда экан, хамма иш жойига тушиб кетади, деб таскин беришим керак эмасмиди?

Дадам умрининг сўнгги ҳафталарида яшаётганини дўхтирлардан суриштириб билишганими, бир куни ўша матлуботчи Обидов келиб, дўконингизнинг камомадини амал-тақал қилиб ёпиб юбордик, энди ташвиш тортманг, деб дадамга хушхабар айтди. Ичимга бирдан ёруғлик ёғилди. Бунни сезган дадам менга қараб мажолсизгина кулимсираб қўйди. Ўзининг иши битганидан кўра, менинг кўркувим барҳам топганидан кўпроқ хурсанд эди, чамаси.

Амалиётда юрган вақтимда туман молия бўлими мудирига маъқул кўринганманми, ўзи мени ишга таклиф этиб қолди. Одамларга пўписа қилиб

солиқ йиғишга бўлган азалий безиллоғим боис, ана-мана деб, гапни мужмаллаб юравердим. Бир куни колхозимиз раҳбарлари дадамни йўқлаб келиб, шу Анварингизни бизга беринг, ҳозирча дадада табелчилик қиптурсин, пахта терими тугаганидан кейин идорага буғолтир қилиб оламиз, томорқа-поморқа берамиз, деб қолишди. Бир маслаҳатлашайлик-чи, деди дадам. Улар кетгач, укаларинг орқангда қаторлашиб турибди, колхозда ҳеч бўлмаса икки-уч йил ишлаб, томорқа олволишинг керак, деб менга йўл кўрсатди.

У даврда пахта сиёсати ўта тажовузкор эди. Қўриқ ерлар тинимсиз ўзлаштирилар, боғларни бузиб, зовур дўнглари текислаб, йўл четидаги ва ариқ ёқасидаги уватларни торайтириб бўлса ҳам кўпроқ ғўза экишар, пахтазорлар кўпинча хонадонларнинг деворига бориб такалар, томларгаям чигит қадагилари келарди (бундан Орол денгизи қуриб бораётганини ҳали билмасдик). Маҳаллий фуқароларга, ҳатто колхозчиларга кенг-кенг томорқалар бериш аллақачон эллигинчи йиллар «сарқити»га айланганди. Агар томорқа сўрасанг, ҳозир беролмаймиз, Ўзбекистон қишлоқларидаги ҳар бир қарич ер Москвадагиларнинг назоратида туради, пахтазорни бир қаричга камайтириш учун ҳам ўшалардан рухсат олиш керак, дейишарди.

Қизил империяга ўзбеклар эмас, ўзбекнинг пахтаси керак эди. Болалигимда республикамизнинг пахта хирмони икки миллион тоннага етди, деб жар солингани эсимда. Энди беш миллион

тоннадан ошибди ҳамки, Москва «тўйдим» демасди.

Аслида четроқ-четроқдан бўлса ҳам ер топса бўларди, аммо томорқа беришни қисишдан асосий мақсад ер тақчиллиги эмас эди, бунинг туб-тубида бошқа яширин сиёсат ётарди – Туркистон аҳолисининг аксариятини ташкил этувчи ўзбеклар ўз юртида кўпайгандан-кўпайиб борар, СССРнинг Европа қисмида эса туғилиш кескин камайиб кетаётганди. Ўрта осийликлар, айниқса, ўзбекларнинг бир қисмини Россиянинг ноқоратупроқ минтақаларига кўчириб, бу ўрамларда қишлоқ хўжалиги маданиятини юксалтиришга қодир арзон ишчиларга эга бўлишдан ташқари, келгусида осонгина руслаштириб юбориш чоралари бундан анча олдинроқ белгилаб чиқилган; борганларга тайёр уй-жойлардан ташқари текин сигир, бошланғич маблағ бериш каби катта имтиёзлар ваъда қилинар, айрим жойларда ўзбек қишлоқчалари ҳам пайдо бўла бошлаганди. Москванинг нияти шу – тилини, қадимий маданиятини баъзи қўшниларидан кўра (масалан, Қозоғистон пойтахти Олмаотада ўшанда биттагина қозоқча мактаб қолган экан) ҳануз мустақкам асраб келаётган ўзбекларни Ўзбекистондан ташқаридагина кўҳна қадриятларидан жудо қилиш мумкин; Ўзбекистондагиларини «тартибга солиш» учун эса, биттасининг атрофига икки-учта славянни тиқиштириш кифоя.

Ўзбек ўз юртида яшашга жой тополмай, баъзилари Россиядан бошпана қидира бошлаган

бўлса, айна паллада, турли мутахассисларга эҳтиёж ортаётгани, завод-фабрикаларда юкори малакали ишчилар етишмаётгани рўкач қилиниб, Россиядан Ўзбекистонга минг-минглаб руслар кўчириб келинмоқда эди. «Азиз меҳмон»лар, асосан, шаҳар ва туманлар марказига солинган уйларга келиб жойлашар, уларга янги бинолар куриш ёки улар ишлайдиган корхона ҳудудини кенгайтириш зарурати туғилиб, бўш майдон топилмаса, экинзорлардан ер ажратилишига ҳеч ким тўсқинлик қилмасди. Масалан, Тошкентнинг Чилонзори, Юнусободидаги минглаб гектар бўлиқ экинзорлару боғ-роғлар ўрнида юзлаб кўп қаватли бинолар барпо этилиб, ўшанда уларнинг 80 фоиздан зиёд квартираси русийзабонларга бўлиб берилганди.

Шароит шундайлигига қарамай, ўзбекнинг асосий қисми ҳадеганда жойидан силжимаётганди. Ҳа, бу шунақа гажир халқ; ҳатто уни кушга айлантириб, фалон жойда дон-дун тикилиб ётибди, деганингдаям, зувиллаб учиб кетавермайди. Мабодо парвозга мажбурласанг, ўзининг томидан учиб, барибир ўзининг томорқасига кўнаверади.

Бунақа сирли гапларни неча йиллардан кейин тушуниб етдим. Ўша топда эса, фақат бир нарсани билардим: пахта – ўзбекнинг ғурури ва ифтихори; қанча кўп «оқ олтин» берсак, советлар давлати шунча кучли бўлади; агар кучсизлансак, теваарадаги зўрларга ем бўламиз, буржўйлар яна қамчилаб юриб, қонимизни ичади. Ана, чорак аср олдинроқ гитлерчи фашист деганлари қўлимизга

кишан уришига салгина қолди-ку. Бу баттоллар китобларда ўқиб, киноларда кўрганимиздек, дуч келган қишлоқ-шаҳарга ўт кўяверса, учраган одамни ёш-қари демай отаверса, печларга тикиб ёқаверса!

Советлар мамлакатида йигирманчи, ўттизинчи йиллари фашистларникидан баттарроқ ваҳшийликлар бўлгани, фуқаролар урушида қонунсизлик қонунга айлангани, очарчиликлар оқибатида қаровсиз, ҳимоясиз қолган одамлар тутдек тўкилавергани, миллатнинг энг сара фарзандлари Сталин лагерларида судсиз отиб юборилавергани, хўрловли қийноқларга солингани тўғрисида на китоблар бор эди, на кинолар. Буларни кўрган, гапириб бериши мумкин бўлган, неча-неча хунрезликлардан зўрға омон чиққан кимсалар юртда ҳали кўп эди, аммо бировга оғиз очишдан кўрқиб, дим-дим яшаб юришарди. Жумладан, дадам ҳам.

Томорқа деган бахтни орзу қилиб, молиячиликни эмас, табелчиликни; биққи курсили покиза хонани эмас, чангли далани танладим. Ҳарбийдан қайтганимдан беридаги сатангликлар тугади; ўша маҳаллари кенг русум бўлаётган карнайпоча «клёш» шимни, матросларникидек йўл-йўл чизиқли шойи кўйлақни, тарсиллаган хиром туфлини ечиб, ёғ суртиб ялтиратилган қалин сочимни устарада кирдирдим; эгнимга атлас белбоғли парпаша беқасам тўн, оёғимга кирза этик кийиб, бошимга марғилонча дўппини бостирдим. Маҳалламиз дўконида тепада яшовчилардан

тузилган бригадага табелчи бўлиб, «ЗИЛ» юк машинасининг усти очик кузовида далага йўл олдим. Темирйўлдан анча пастдаги бу бригадага ўқувчилик давримизда пахта теришга келиб турардик, энди янги ер ўзлаштирувчи чўлкуварлар учун томорқали уйлар қуриб беришга мажбур бўлиниб, манзара анча ўзгариб кетибди.

* * *

*Оқ милтиқ, қора милтиқ отган отам, ёр-ёр,
Ўз қизини танисмай сотган отам, ёр-ёр.
Ўз қизининг ўрнига бодам эксин, ёр-ёр,
Бодам шохи титраса, «Болам!» десин, ёр-ёр...*

1969 йилнинг 5 сентябрида тўйим бўлди. Полкдош ошнам Қаҳрамонни йўқлаб Самарқандга борганимда мезбонлар елкамга ёпган олача бекасам тўнни кийволган дадамни қўлтиғидан суяб чиқиб, ташқидаги каравотга ёнбошлатдик, тўйни шу жойдан бошқариб, шу жойдан томоша қилиб ётди.

Келин ҳали ўн саккизга тўлмагани сабабли, ҳукумат идорасида ҳужжат расмийлаштиролмай; давлат бу «бирлашув»дан хабардор бўлган бўлмаганини олдин албатта суриштириб оладиган, арабийдан бошқа ҳарфни танисмайдиган мулла Аҳмадқул отага Авазбек укамнинг туғилиш гувоҳномасини ЗАГС қоғози деб кўрсатиб, мусулмонча никоҳдан ўтиб қўя қолгандик; тўйнинг эртанги кунидаги «юзочди»да хотинимнинг юзини биринчи марта кўрдим. Ёкди. Турқим маъқул келган-келмаганини Ғалати ойсанам-

нинг рақибига айланган Кароматбонудан сўраб ўтирмадим.

Тўйдан ўн кунча кейин дадамнинг аҳволи жуда оғирлашди. Ёмон ҳаёлларга бориб, руҳи бутунлай чўкмасин дея, дўхтирлар билан келишиб, яна вилоят касалхонасига ётқиздик. Анча ётди, яхши томонга ўзгариш бўлмади. Бир куни дўхтир бизни ёнига чақириб, жигари бутунлай тугаб, бу ёғи яқин қолди, уйга олиб бориб, тайёргарлик кўраверинглар, деди. Яна уйда озгина дам олиб, уколларни сингдиришингиз керак экан, дея дадамини алдаб, ҳовлимизга олиб кетдик.

— Ҳа, яхшилаб дам оладиган пайтим келди, — деди дадам ўзини сокин тутиб.

Буни эшитиш аламли эди. Дадам гап нимадалигини аллақачон фаҳмлаб етганди, чамаси. Уйинг куйгур арақлар, қотиллар! Чайирдан чайир дадагинамни ўшалар шу аҳволга солди. Бунга қўшадиган бўлсак, ёшгина вафот этган тўрт фарзанднинг қиёфасини кўз олдига келтиравериш ҳам отанинг жигарини тўкмасдан қўймайди...

Шафоат аммам кийим-кечакларини тугиб келиб, бизникида муқим яшай бошлади. Аям иккови навбатма-навбат ухлаб, дадамини гоҳ уқалашар, гоҳ овқатлантиришар, гоҳ ювиб-тараб қўйишарди. Мен эса, далага эрта кетиб, кеч қайтардим, дадамнинг ёнида узокроқ ўтириб қолсам, бор, уйингга кир, вақтида ухла, деб буюрарди. Янги уйланган ўғилга бу гап хуш ёқарди, албатта.

Пахта терими авж олгач, даладан умуман бўшамай қолдим. Ишдан кеч қайтишимизга қарамай, раис кунда мажлис қилиб, бригадир ва табелчилардан ҳисобот сўрашга тушарди. Йиғин баъзида ярим кечагача чўзиларди. Эрталаб яна соат беш бўлмасиданоқ кўрпадан туриб, аъзоларни уйма-уй чақиришга, бугун фалон ишим чиқиб қолди деганларни ҳам мажбурлаб машинага юклашга тушасан. Пахта терими даврида маҳаллада тўйлар такқа тўхтар, далага чиқмаслик учун ё ўзинг қаттиқроқ касал бўлишинг керак, ё уйингда биров ўлиши лозим. Мабодо, кимгадир ён босиб, бирор кунга рухсат берсак ҳам, биздан кейин маҳаллаларни уйма-уй текшириб чиқадиған райком вакили, колхоз фаоллари ва милиционердан иборат махсус гуруҳ аъзолари уларни тутиб олиб, барибир далага жўнатишарди.

Даладан қайтгач, гоҳо мажлисга бормаи, дадамнинг ёнида уймаланган бўлардим. Кўнгилни кўтарадиған ширин сўзларни тахлаб ташлашга азалдан укувсизроқлигим важхидан, дадамга нима дейишни билмай, бир аштдан, бир даштдан гапириб ўтирардим. Бунақада аммам жонимга ора кирар, эски қизиқ воқеаларни эслаб, дадамни жилмайтиришга урина бошларди.

Бир гал мажлисга бормаганимда, раис одам юбориб, чақиртириб кетди. Боришим биланок захрини сочишга тушди.

– Мен табелчиман, – деб жирракиландим. – Вазифам – одамларнинг ишига тўғри ҳақ қўйиш.

Пахтанинг оз-кўплигига бригадир жавоб беради. Бунақа мажлисларга келмайман энди.

Раиснинг оғзи пешароқ бўлса ҳам, найник гапларни кўшмасдан, мени қаттиқ пўписалаб берди. Дағдағасига жим чидаб турдим-у, лекин ўшандан кейин ҳам мажлисга бир кун борсам, уч кун бормай юравердим. Раис буни ё пайкамасди, ё сезмаганга оларди. Қолаверса, бу замонда бригадир топишдан кўра, ҳисоб-китобни жойига қўя оладиган табелчини топиш қийинроқ эди, салга хайдаб юборишавермасди.

Каллам ҳали унча пишиб етмаган ёшимда колхоздаги энг йирик бригадалардан бирида табелчилик қилиш; олтмишга яқинлаётганига қарамай, хануз мушт-муштни пулга сотволадиган Бозор-қантовуз, мастлигида қўл-оёғини арқонда боғлабгина тажовузидан кутулиш мумкин бўлган Турғун-эшонча, аччиқтил Комил-сиёсат, чўрткесар Қўчқор-қайсар, ўжар Ғани-тарвузчи, девонаваш Марип-гапбузар, дангалфеъл Тўлқин-морьяк, шартаки Ўрин-новча, хангомачи Хусанбой-туя, димоғдор Мадамин-тақачи каби бири беш-олти фарзандли, бири неварали кимсалар билан тил топишиш бошда осон кечмади. Гоҳ Бозор-қантовуз қутқу кўзиб, Турғун полвонни курашиб йиқитолмасанг, бизга хўжайинчилик қилолмайсан, деб қариллар; гоҳ Хусанбой-туянинг кайфи ошиб, ичишамиз, қани, ким олдин йиқиларкин, дея баҳсга чорларди. Бригадада эскитдан чатокроқ бир анъана ҳукм сураккан, жамоага янги қўшилганни кўпчилик бўлиб таппа ерга босишаркан-да, ши-

мини тушириб, томоша қилишаркан. Мени ҳам сўрига йиқитиб, шимимнинг камарини ечишаётганда, индамасдан хотиржам ётавердим. Ие, вей, нимага типирчиламаяпсан, деб сўрашди. Нега типирчилар эканман, кўрсаларинг кўраверинглар, деганимдан кейин, бунақада қизиғи қоларканми, деб қўйиб юборишганди.

Э, майнавозчилигинг кўзима кетгурлар-а! Ўшанда ҳаммага ўхшаб нега бақириқлаганча потирлаб-потирлаб турмадим? Бир яйраб олишмасмиди, шўрликлар.

Аёллар ичида ҳам тили ўткирлари, табиати терсроқлари анчагина эди. Ошпазимиз Саломат опа бу галанинг «энаси» ҳисобланар, тушликка тўпланган аёлларнинг ёнидан ўта бошласам, кимлигини айтмайман-у, жувонларимиздан биттаси сизни яхши кўриб қолибди, бўпти десангиз, бир чеккада учраштириб қўяман, деганга ўхшаш ҳазил гапларни қистирар, хотинлар ҳар сафар хайҳаювлаб қулишга тушарди.

Эркакларнинг кўпи ялқовтабиат эди. Уларнинг орасидан бригадирликка кўтарилган Мўса ака кечагина тенгма-тенг гаплашиб юрган кимсаларга бугун хўжайинчилик қилиб қаттиқроқ тегишдан тортинармиди, дадил бўлинг, буларнинг қулоғини сал-сал бураб турунг, деб мени дам-дам нуқилаб қўярди. Эркаклардан тузукроқ ишлашни талаб қилишга тушсам, нормани икки баравар бажарганимиздаям, идорада ўтирадиган бош табелчи, ие, сувчи мендан ҳам кўп ойлик оларканми, деб барибир пулимизни қирқиб ташлайверади, дея хитла-

нишарди. Энди ҳақларингни қирқишолмайди, мен турибман десам, қани, кўрамиз-да, деб нормаларни бир ярим бараварга етказиб бажара бошладилар.

Тўғри гапиришган экан, биринчи марта ойлик табелни тўлдириб борганимдаёқ бу ҳужжатни тасдиқлаши лозим бўлган участка бошлиғи ҳам, бош табелчи ҳам тундланиб, манави-манавиларга жуда кўп ҳақ ёзиб юборибсан, бошқатдан камайтириб кел, дея хиралик қилишди. Қанча ишлашган бўлса, шунча ёздим, менга ишонмасаларинг, ўрнимга ўзларинг табелчилик қилинглар, деб туриб олганим, иш бақириқ-чақириқларга бориб тақалганидан кейин ноилож ён беришди. Аъзолар мўмай пул олаётиб, кўзларига ишонишмади, айтганингни қилдинг, э қойил, деб мендан қаҳрамон ясай бошлашди.

Аёлларнинг аксарияти пулнинг оз-кўплиги юзасидан тортишмасди. Нар и борса, тағимиздаги шолчаларнинг йиртилиб ётишини қаранг, буларни қачон янгилаб берасизлар, деган ғалвадан нарига ўтишмас эди. Болалик аёлларнинг дарди бошқа бўлиб, кичкинтойларини уйдан олиб келинган юмшоқроқ овқатлар билан боқишар (у пайтда болаларга марказлашган ҳолда сутли бўтқа тарқатиш йўлга қўйилмаганди); тепадан текширувчилар келса, болаларга алоҳида овқат пишириб бериш учун харажат ташлаб кетишади, кейин идорадагилар яна ўзининг жиғилдониға уришни бошлайди, деб вайсашга тушардилар.

Суриштириб кўрсам, ҳақиқатан ҳам болаларга алоҳида овқат пишириб едириш учун бригадада-

ги кичкинтойлар сонига қараб колхоз томонидан маълум миқдорда махсулот бериб борилиши лозим экан. Лекин бу болапарварлик фақат қоғозда бўлиб, амалда байрам кунлари ёки комиссия келгандагина намоён бўлиб тураркан.

Эски мактабдош ўртоғим, ашаддий мушталашқоқ Абдубанноб ҳам армиядан сўнг табелчилик қила бошлаганди. Болаларнинг текин овқати борлигини унга ҳам чикитдим, иккаламиз гапни бир жойга қўйиб, омборга бостириб кирдик. Омборчи аввалига, юқоридан шунақа топшириқ берилган бўлса-да, колхознинг бундай катта чиқимга қурби етмаслигини пеш қилишга тутинди; Абдубаннобнинг кучуклиги қўзиб, биламиз, ҳаммасини ўзинг еб ётибсан, дея ёқасидан олгач, шўрликнинг капалаги учиб, бўпти-бўпти, бераман, лекин иккалангга бераман холос, бошқа табелчиларга айтиб юрманглар, деб теримчиларнинг бўз этагини масалликқа тўлдириб берди: гуруч, макарон, шишали пахта ёғлари, гўшт, шакар. «Жанг»да ғалаба қозонганимиздан талтайиб, битта болага бир ойда нималар қанчадан берилиши кераклигини суриштиришга ўтсак, омборчининг пешанаси терлаб, энди-и гапни чуқурлаштирманглар, янаги ой келсаларинг яна шунчадан оласизлар, деб ғўданглади.

Масалликларни омбордан қандай олган бўлсам, эртасига ўшандайича далага элтдим, буларни болаларга едирасиз, деб ошпазимиз Саломат опанинг қўлига топширдим. Бир пайт тушликка чиқсам, эркаклар дастурхонга иккита катта оштовокда шавла қўйиб, мени кутиб туришибди. Бугун ким бунча-

лик эриди деб сўрасам, эрталаб ўзингиз харажат олиб келибсиз-ку, дейишди. Тўсатдан бароғим айниди, оштовоклардан бирини кўтарганимча Саломат опага олиб бордим; келтирган харажатларимнинг бари болаларники, жа борса оналариям ейиши мумкин, агар яна бир марта бошқаларга илинсангиз, пулингизни қирқаман, дедим. Иккинчи товоқни эркаклардан тортиб ололмадим, аллақачон ейишни бошлаб юборишган экан.

Омборчи кейинги ойлардаям болаларнинг улушини индамасдан бериб турди. Орада ундан иккита янги шолча ҳам ундирдим, аёлларимиз ғоятда хурсанд бўлишди.

Ишда қийинчилик кўп бўлса ҳам, бригададаги муҳитнинг яхшилиги чарчоғимни сездирмасди. Эркагу аёлнинг барчаси кўнглида кири йўқ, иғводан, хусуматдан олис, анча-мунчага кек сақлайвермайдиган шалдир-шулдир кимсалар эди. Бригадирим Мўса ака отаси Оймат кўрбоши раҳматлига ўхшаб ниҳоятда босиқ, ройишли киши эди. Бирор нарсадан бўғилсам, кенгроқ бўлинг, ҳар қандай ғалва ўтади-кетади, соғлик кетмаса бас, деб кўярди.

Кунда оломоннинг ичида юрардим, бу одамларнинг энг майда ташвишу эҳтиёжларидан деярли тўлиқ хабардор эдим, уларнинг тавозедан ҳоли турмуш тарзи менга секин-аста юқиб бораётганди. Ҳаётнинг бу янгича бўлаги ҳар қандай ижодкор учун қиёси йўқ академия эди.



АЛВИДО, ДАДАЖОН!

*Етимликка тан бер! Бо-
лангни тириклизингда етим
қилма!*

КУЛКУЛ афанди

Октябрнинг яримларидан ўтиб, дадамнинг аҳволи кескин оғирлашди, ҳатто бир қошиққина овқат ейиш ёки бир қултумгина сув ичиш учун ёстикдан ўзича бош кўтаришга ҳам ҳоли келмай қолди.

Бригадир дадамнинг аҳволидан хабардорлиги туфайли, кўпинча тушдан кейиноқ даладан қайтишимга ижозат берарди. Бемордан хабар олишга келадиган қишлоқ фельдшери, касалхона дўхтирларини кутиб-кузатиб, вақтлари бўлса бирор пиёла чой ичкизиб жўнатардим. Дадамини чақалоққа ўхшатиб жомга тўсган пайтим ҳам бўлди. Яширмайман, ичимда оз-моз ижирғанардим гоҳ.

Акрам укам ҳануз ҳарбийда эди, чақиртирайлик десак, дадам кўнмасди. Укамнинг кийимларини қозикқа илдириб, суратини токчага тиккалатиб қўйганди, гоҳо уларга бир-бир тикилиб, бу зарғалдоқ жудаям мунғайган бола-да, уни хафа қилманглар, деб шивирларди. Ниҳоят, 28 октябрда, Акрамбойни чақирсакмикан, деди. Шу куниёқ туман ҳарбий комиссариати орқали Туркманистонга телеграмма жўнатдик.

Дадам икки кун ўтиб, 30 октябрда вафот этди. Дадамнинг қандай жон бераётганини ҳам кўролмай

қолдим. Аслида, буни кўришдан кўрқиб юрардим. Мени бемахалда уйғотишгач, шошиб дўнгалак уйга кирсам, дадам кўкси кўтарилиб-кўтарилиб нафас оляпти. Аммам билан аямнинг кўзида жикқа ёш. Нима қилишимни билмай, дадамнинг у ер-бу ерини силаган, алланарсалар деган бўлдим. Шунда аммам биқинимга нуқилаб, югур, тезда Орифжон тоғангни чақириб чиқ, деб буюрди. Кўшнимиз уста Орифжон тоғани бошлаб қайтганимда, дадам узилиб бўлган экан; жағини, оёқларининг бошмалдоқларини боғлашди, қўлларини кўкракка ковуштиришди. Жуда осон жон берди, бирор мартаям хириллаб қўймади, қиблага ўгираётганимизда калима келтириб турди, деди аммам.

Махалладошлар, қариндошлар бирин-сирин келиб кўнгил сўраётганида ҳам, дадасига сув куйиб берса савоб бўлади, дея ювғичининг ёрдамчиси мени ичкарига бошлаб кирганида ҳам, таъзия ўқиладганида ҳам, тобутни қабристонга элтаётганимизда ҳам кўзимга унча ёш инмай, қарахтлигимча юравердим. Дадамни қабрга қўйишаётганда шу қадар йиғи келдики, ўкранишдан ўзимни ҳеч тўхтатолмадим. Мени кўриб, укаларим ҳам дод солишни бошлади. Худо бу йиғиларимизни кўриб турган бўлса, раҳми келиб, дадамизни бирдан тирилтириб юборса-я!

Дадажоним-а, дадажоним-а! Наҳотки, энди ҳеч қачон кўришмасак?! Қиёматда ҳамма учрашадим, дейишади. Ҳаҳ ҳ-ў-ў, қиёматгача кутиб ётиш осонми?! Бир кетган сира-сира қайтмаслигини била туриб, нега кечасию кундузи ёнингизда

бўлолмадим, дийдорингизга тўйиб-тўйиб ололмадим?! Озгина бўлсаям, Сизни рози қилолдимми?!

Акрам укам дадамни қабристонга қўйиб қайтганимизда етиб келди.

Шу жойда бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмайди. Буни тентакликка йўясизми, ашаддий бетаъсирликками, у ёғи ўзингизга ҳавола. Дадам узилган куни туманимиздаги «Пахта учун» газетасида бир нечта «Тўртлик»ларим чиққан экан, буни кечки пайт кўшимиз Ўринбой акадан эшитиб, энтикиб кетдим, мотам буткул эсимдан чиқди, уларникига кириб, газетани ўқишга тушдим; ҳозирги кўз билан қаралса, бир чақага арзимайдиган ўша олди-қочди нарсаларимни хузурга чулғаниб-чулғаниб ўқидим. Бу дамда, балки дадамнинг гўрдаги танаси ҳали буткул совиб улгурмагандир ҳам. Менинг эса, ичим чароғон...

Шу топда шу нарса кўнглингга сиғганини қара! Ҳе, сумбатингдан ўргилдим!

* * *

Фотиҳага келиб-кетувчиларга кўчада қўл қоуштириб туришим уч кунгинага чўзилди. Тўртинчи куни маҳаллага ош берганимиздан кейин, бригадирим Мўса ака курагимни сийпалаб туриб, дунёнинг ишлари шунақа, укам, битта-битта бўлиб ўтаверамиз, қолганлар яна тирикчилигини қилаверади, деб таскин бергач, мени далага етаклади. Даладаги ишларнинг кундалик ҳисоб-китоби бу чаласавод кимсани қийнаб юборганини сездим.

Яна ўша чанг-тўзонли дала сари боряпман.
Қадамим суст, кўзларим маъюс, кайфиятим туш-
кун, кўнглим ғижимланган...

*Шамол хомуш еляпти,
Ла-ла-лай...
Қўшиқ айтгим келяпти,
Ла-ла-лай...*

*Мен куйлайман нечун гоҳ?
Ла-ла-лай...
Йиғламаслик учун... Оҳ!
Ла-ла-лай...*

(1976)

Далада ишлар беҳад тигиз эди. Кетма-кет те-
рилавериб, пайкаллардаги ҳосил ҳафтама-ҳафта
камайгани сари; пахтани бугун кечагидан кам
топшириб кўр-чи, уни қаердан бўлмасин топасан,
биринчи синф ўқувчиси тугул, менга деса, боғча
болалариниям далага ҳайда, дейдиганларнинг
камчисидан кўпроқ қон томиб бораётганди.

Айнан ўша кунларда колхоз раҳбарияти би-
лан яна тортишиб қолдим. Пахтачиликдаги энг
расво одатлардан бири – бор ҳосилни териб топ-
шириб, давлатга пахта сотиш режасини барвақт
бажариб бўлган илғор бригададан ҳам, то ту-
ман, вилоят, республика миқёсидаги «план»лар
тўлмагунча, пахта талаб қилишаверарди. Декабр-
нинг ярми ўтиб бўлдики, ҳеч кимда тинчлик йўқ,
чол-кампирилардан тортиб, ташкилот-муассаса, за-
вод-фабрика ишчи-ходимларининг бир қисми те-
римга сафарбар этилган; олий, ўрта махсус билим

даргоҳлари талабалари, мактабларнинг бешинчидан юкори синф ўқувчилари далада тунаб иш-лашади; учинчи, тўртинчи синфдагилар дарсдан кейин яқинроқ жойлардаги пахтазорга чиқишади; баъзи қишлоқларда биринчи, иккинчи синфдагиларниям пайкалга ҳайдашиб, болакайларнинг кўпи совуқдан, турли ўткир химикатларга бўкиб ётган ғўзалар захридан касалга чалина бошлаган, ҳатто вафот этган ҳоллар юз бергач, аҳоли орасида пайдо бўлаётган норозиликлар кучайишидан чўчишдими, қаҳратонда бошланғичларга тегмай кўйишди.

Бригадамиздагилар олачалпак қор қоплаган пайкални дилдираган аснода кезиб, чаноқ четида қолганлари, ерга тўкилганларини тўплаб юриб, тонг ёришганидан асргача зўрғалатдан бир-бир ярим килодан пахта теришарди. Асрдан шомгача эса қуриб бўлган ғўза шохларида музлаб қолган, ҳали етилиб-етилмаган ғўр кўракларни уйда чувиш учун тера бошлашар, терганларини юк машинаси кузовига босиб, устига ўзлари ўтириб олишар, беш километрча масофадаги маҳалламизга етиб боргунча совуқдан кўкариб кетишарди. Уйга келгач, даладан силласи қуриб қайтган кишилар овқатланиб бўлиб, кўрак чувишга тутинар, оиладаги кўмакчиларнинг кўпчилик-озчилигига қараб, бири хуфтонда, бири ярим кечадан ўтганда ишни тугатарди. Сўнг табелчи машина кузови четига осматарозини илиб олиб, чувилган пахта-ларни бирма-бир йиғиб келаверар, уларни қабул пунктига топширгунча соат учдан ўтиб қоларди.

Гарчи, ўзбеклар «варақа» деб атайдиган (русча «ворахочистилель»), трактор ортидаги махсус ғилдиракчадан тортилган айланувчан қайиш тасма ёрдамида ишлайдиган кўсак чувиш агрегатлари анча йиллар олдиноқ ихтиро қилинган эсада, улар пўсти қуриган жирттак кўсакларнигина чувишга ярар, ҳўл кўраклар «тишлари» орасида ҳадеб тикилиб қолаверарди. Бундан ташқари, «варақа» пахталарнинг бир қисмини пўчокқа кўшиб, чиқиндига чиқариб ташларди, шу боис каттаконлар иложи борица бу исрофчи агрегатдан фойдаланмасликка интиларди.

Орқага бурилиб олиши учун ернинг боши ва охиридан беш-олти қадам жойдаги ғўзалар ўриб ташланиши лозим бўлган; пайкалларни пайпаслаб, кўрак ва пахталарни ерга тўкиб ташлайдиган; хомашёни хас-хашакка қориштириб, ортикча ифлослантириб юборадиган терим машиналарининг тақдири ҳам «варақа»никига ўхшарди. Юқоридагилар жазолашидан кўрқиб раислар дастлабки теримларда машиналарни хўжакўрсинга оз-моз ишлатган бўлишар, сўнг колхозчиларнинг пулига келган бу қимматбаҳо техникалар трактор паркларида қаторлашганича занглаб ётарди. Бу агрегатлар экин майдони кўп, аҳолиси сийрак бўлган Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё каби жойлардагина анча-мунча кадрланар эди.

Кўрак чувишдаги жиннича ишлар охири ҳиқилдоғимга қадалди. Бир куни бригада аъзоларига чувишни тугатиб бўлибоқ бемалол ухлайверишни, шофёрга пахталарни йиғишга кел-

масликни тайинлаб, ўзим ҳам вақтида кўрпамга кирдим. Сахардаёқ мени идорага чақиришди, бир раис, бир партком котиби копток-копток қилиб бўралашга тушди.

— Барини йикқанда юз килодан ошиб-ошмайдиган пахтани пунктга бугун топширдик нима-ю, эртага топширдик нима, — деб ўжарландим мен. — Ўша суви вишиллаб турган пахталарни бу ёқдан олиб борганимиз заҳоти у ёқдан ип қилиб чиқаришаётган бўлса бошқа гап эди, пунктда куритилиб, янаги йилнинг кузигача ғалвайиб ётади барибир.

Ана энди бақириқларни ёнбошлаб тинглайверинг:

— Ўрнингга одам топилиши биланок, сен болани кетингга тепмасамми!

— Сиёсий томондан қолоқ десам, давлатга ғирт душман экансан-ку!

Сўкишлар эшитиш эвазига бир кунлик захирани яратиб олиб, ишни янгича тартибда давом эттиравердим. Ўзимгаям, аъзоларгаям анча енгиллик туғилди.

Ўзбекнинг жони бир мисқол пахтага арзима турган ўша қарғишли кунларнинг бирида «юмшоқтабиат эшонваччалар» сулоласи тарихига қизил доғ сачратувчи қонли фожиа; ўзимнинг ҳаётимда на кечириб, на тузатиб бўладиган мудҳиш хато юз беришига сал қолди. Даладан қайтиб, эндигина овқатланаётсам аям дастурхон устида ўз-ўзидан йиғлаб юборди. Сабабини суриштирдим. Билсам, учраганни далага қувиб

юрувчи гуруҳдагилардан бири – депутат бригадир зуғум қилган экан; астмам бор, совукда нафасим қисади деса ҳам, бозорда эркакларга илжайиб камзул сотишга ярайдилар-у, пахта теришга ярамайдиларми, деб аямни ҳақоратлабди. Агар, «эркакларга илжайиб» ибораси қўшилмаган бўлса, аям бу воқеани айтиб ўтирмаган, айтганида ҳам, мен ортиқча бўғилмай, ҳозир ҳамманинг аҳволи шу, деб қўя қолган бўлардим. Бир вақтлар бизникига таъзимланиб кириб юрган, яқингачаям дадам билан мемахоналарда товоқдош бўлган кимсанинг бу қадар беюзлиги, оиламиз ҳамиятини тепалашга ботингани юрагимга бигиз санчди, томоғимдан овқат ўтмай қолди.

Акрам укам ҳануз ҳарбийдалиги, кичиклари ҳали ёш бўлгани учун жангариликда тенги йўқ, ундан ўзим ҳам чўчиб турадиган Тохир укамни секин ташқарига имладим. Чикқач, ёпилма пичоқчамни чўнтакдан олиб, кўлига тутқаздим-да, ҳозир фалончиникига борамиз, мен чақириб мушталашаман; агар улар кўпчилик бўлиб ташланишса, бошқаларга тегмайсан-у, тўғри бориб ўша фалончининг қорнига эмас, оёқ-поёғига пичоқ урасан; кўрқма, сен ҳали ўспиринсан, турмага қамашмайди, акамни савалашаётганини кўриб, пичоқчамни қандай ишга солганимни билмай қолдим, десанг, болалар колониясига жўнатишади холос; шунақа маразларга индамай юраверсак, биров биз етимларни менсимай қўяди, охири маҳаллада кун кўролмай қоламиз, дедим. Укам негадир қаттиқ кизариб кетди-ю, эътироз билдирмай, бўпти, деди.

Ўшанда маҳалладошлар ўртага тушиб, иккала-мизни эртасигаёқ яраштириб қўйган, ҳозирга келиб фарзандлари фарзандларим билан дўстлашиб юрган, шуларни назарда тутиб, шу топда мен отини яшираётган ўша кимсанинг хонадонига бориб, дарвозасини итарсам, орқадан танбалаб қўйилибди. Қанча қичқириб чақирмайин, ичкаридан «тик» этган товуш эшитилмади, безовта бўлган қўшнилари бир-бир чиқиб келиб, нима гаплигини суриштириб бошлашди. Эсликрокларидан бири қўлтиғимдан маҳкам тутиб, билиб турибман, бу одам сизни қаттиқ хафа қилганга ўхшайди, шуни эртага ўзим бирга туриб гаплашайлик, дея мени уйимиз томонга судради. Бу ғалвадан кечроқ хабар топган кекса табелчи Бозор Мирза эндигина кийиниб, кўчага чиқаётган экан, мени етаклаб келишаётганини кўриб, уйимизга бирга кирди, ўша гуруҳда ўзим ҳам бор эдим, бу ярамаснинг «сассик»лиги қўзиб, аянғизни ранжитганида уни секин кўчага тортиб, чакки қилдинг, бугун уйингдан чиқмайроқ тур, аяси Анварга арзланиб қолса, бир балони бошламасин, деб уни огоҳлантирувдим-а, деди. Бунини эшитиб, нима учун дарвоза эрта танбалаб қўйилгани, шунча чақирсам ҳам ҳеч ким жавоб қайтармагани сабабини ниҳоят англаб етдим.

Бу ҳодиса қачон эсимга тушса, зап доно одам бўлган экан ўша Бозор Мирза, деб қўяман. Агар у рақибимни олдиндан сескантириб қўймаганида, жанжалнинг оқибати нима билан тугаши номаълум эди. Аввало, худонинг ўзи иш яхши томонга бурилишини бошқариб тургани аниқ.

Аям ёзда далачилар киядиган кителлар, қишда эркакларнинг пахтали камзулини тикиб сотиб, меникидан икки-уч баравар кўп пул топса-да, рўзгоримиздаги етишмовчиликлар ортиб бормоқда эди. Ўспиринлик белгилари қиёфасида эндигина тепчиланаётган Авазбек укам қийинчиликларга чидамай, кузнинг бошроғида, ҳатто уйдан қочиб ҳам кетди. Жон ҳовучлаганча қидириб-суриштириб юрганимизда, хайриятки, уч кундан кейин ўзи уйга қайтди. Қўқонга бориб, бир чойхоначига югурдаклик қилишни бошлаганида, участка милиционери уни сўроққа тутиб, қамамасимдан олдин тезда уйингга жўна, деб қувиб солибди.

Буғолтир бўлиб олсам, балки аҳволимиз анча яхшиланар деб умид қилардим. Лекин, янги йилга ўтиб, эски йилнинг якунлари ҳисоб-китоб қилинаётган кунлари раҳбарлар билан орам янада бузилди-ю, бу умид тугал чиппакка чиқди. Ғалати бир қоида мавжуд бўлиб, йил давомида далачиларга иссиқ овқат пишириб бериб турилди дея, ҳар қайси бригадага алоҳида ведомостлар тузиларкан, колхозчилар буларни егани ҳақида қўл қўйиб беришгач, уларнинг «отчёт» деган йиллик қўшимча мукофотидан маълум миқдорда пул чегириб қолинар экан. Аъзолар уйларида навбати билан қаймоқ опкелиб, шўрва пиширишарди, емаган нарсаларига қандай қўл қўйдираман, деб кўнмадим. Яна тортишув, яна машмаша!

Партком котиби маҳалладошим эди. Бир куни унинг онаси аямнинг олдига кириб, ўғлимнинг айтишича, болангиз ҳаддидан ошиб кетганмиш,

энди уни буғолтирликкаям олишмайди, томорқаям беришмайди, дебди.

Қишлоғимизда иккита колхоз бўлиб, мен ишлаётганим Жданов номида эди, унисини «Ленин-обод» дейишарди (у даврда ўзбекона аталгучи колхоз деярли йўқ эди). «Ленинобод»га уйимизнинг ортидаги ҳовлида яшовчи Мамадали Ғиёсов раис эди. Аям унинг онаси ёки хотини орқали илтимос қилган бўлса керак, бир куни мени кўчада учратиб, бизнинг колхозга ўтиб ишласангиз-чи, деб қолди. Дарров рози бўлдим.

Майли, бу «кабоб»ниям бир татиб кўрсак кўрибмиз-да...



ЎПКАНИ БОСИШ КЕРАКМИ, БОСАМИЗ

*Ҳолингга қуймагонлардан
нолийвермай, ўзингга ўзинг
куяверсанг-чи, окоси!*

Гулмат ШОШИЙ

Янги жойга ўтишимдан олдин, аям мени ёнига ўтказиб, суянадиган даданг кетди, энди оиланинг отаси сенсан, укаларинг изингдан юришини ўйлаб, ўзингни босвол; ким нима буюрса, тўғри-нотўғрилигини суриштириб ўтирмай, «хўп» деявер-чи, шундаям кўкрагингдан туртаверадиган баттол топилса, уни Парвардигор ўзи йўлингдан олар, деб анча насихат қилди.

Кўпинча бўладиганидек жеркиб эмас, сокин товушда, йиғламсираб гапиргани учунми, сўзлари кўнглимга қаттиққина таъсир қилди. Қолаверса, ишлар чаппа кета бошлагач, шунчалар қайсар бўлишим шартмиди, лоақал томорқа олгунча каттаконлар билан келишиб туратурсам бўлмасмиди, дея ўзим ҳам феъл-атворимни ўзимча таҳлил қилиб юргандим.

«Ленинобод»да мени Граждан мудофааси штаби бошлиғи лавозимига тайинлашиб, клуб мудирлигиниям вақтинча эплаб турасиз, дейишди (клубда қиладиган иш унча кўп бўлмаса-да, кейинроқ алоҳида мудир олишди). Юқоридан белгилаб берилган кўрсатмалар бўйича колхозчилар ўртасида ўқув-машғулотлар ўтказиб, уларга оммавий киргин қуролларида қандай сақланишни, газниқоблардан фойдаланишни, омади келиб ўлмай қолган ярадорларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш биринчи галдаги вазифам ҳисобланар; гоҳ тепадан текширувчилар келиб, идора ходимларидан 20–30 таси орасида машғулот ўтказиб кетишини истисно этганда, қолган ишларнинг ҳаммаси қуруқ қоғозда «бажарилар», мен колхоздаги сон-саноксиз катта-кичик юмушлардан ортмасдим. Бир гаражга югуртиришади, бир фермага, бир дўкон ёки бозорга.

Раисимиз Мамадали ака қаттиққўл ва тажангфеъллигига қарамай, менга доим мўътадил муносабатда бўларди. Идора ходимлари билан ҳам қалин эдим. Айниқса, бош бухгалтер Ура-

йим ака, партком котиби Қаҳҳор ака мендан тез-тез ахвол сўраб, оилада муаммолар йўкми, деб туришарди. Бу меҳрибонликлар раиснинг менга муносабати яхшилиги учунгина эмас, ким нима иш буюрса, учиб-чопқиллаб юриб бажаришим, ҳар қандай танг вазиятдаям деярли гап қайтармаслигим, юмушларни нечоғли ортиқча тиқиштириб юборишмасин, чарчаб кетганимдан шикоят қилмаслигим туфайли эди, аввало.

Кунда хил-хил юмуш кўндаланг келаверарди. Партком котиби кўлимга қизил мато, чизув қуролларини тутқазар, дам қўшни туман, дам бошқа вилоят ёки қардош республикадан келиб, тажриба алмашиб кетадиган мусобақадошларни алқовчи шиорлар ёзиб беришимни сўрар; асли касбимдан хабардор бош бухгалтер баъзи бир ҳисоб-китоб ишларига кўмаклашишимни илтимос қилар; раисимиз ўтган беш йиллик мобайнида колхознинг давлатга пахта, пилла, дон, гўшт, сут, жун каби маҳсулотлар сотишдаги ўсишларини катта-катта оқ картон қоғозларга суратдор қилиб чизиб, хонаси деворларига қоқиб қўйишимни буюрар эди. Гоҳ консерва заводига колхознинг мева-сабзавотини топшириб келардим, гоҳ омборчига нарсаларини тартибга солишда кўмаклашардим, гоҳ пилла қурти парваришини текширувчилар билан бирга уйма-уй юрардим, гоҳ чокидан кетган стулларни тузатиб берардим, гоҳ пахта теримига чиққан қарияларга вақтинча бригадир бўлардим, гоҳ колхоз аъзоларини газета-журналларга обуна қилардим, гоҳ идора ходимларига овқат пиши-

раётган ошпазнинг ёнида ўчоққа ўт қалаб ўти-
рардим...

Бошқача одам бўлиб бораётгандим. Бирда аямнинг насихати, бирда оғир ётган дадамнинг ака-укалар бирлигини йўқотмаслик, оила нуфузини қаттиқ асраш ҳақидаги гаплари тез-тез ёдимга тушар, хулқимни ўнглашга астойдилроқ интила бошлаган эдим.

Ҳаммасини билиб юрибсан, йигитча, ҳаётда телба-тескари ишлар, маънисиз топшириқлар, ўринсиз кўполликлар, кўр-кўрона ноҳақликларнинг адоғи йўқ; олишаман, курашаман, ҳақлигимни исботлайман десанг, умр бўйи бошинг ғалвадан чиқмайди, барибир охирига етолмайсан. Тўғри, буларни кўриб туриб, индамай чидаб юравериш ниҳоятда қийин. Бироқ, барига бас келаман дейиш – пастга юмаланаётган улкан харсангни тўхтатиб қолишга уринишдек гап. Шундай экан, одамларнинг ҳаммасига тааллуқли муаммолар харсангини бир зарбда парчалаб ташлашга беҳуда гувланавермай, аҳволини юқоридагилар эмас, ўзинг енгиллатиб бера оладиган алоҳида-алоҳида кишиларга қаралашиб, уларни заха еб қолишдан имкон қадар асрашга интилаверсанг, қалай бўларкин? Шундай килувчилар қанча кўпаяверса, чалкашликлар, ноҳақликлар шунча камайиб, кишиларнинг мушқули ўз-ўзидан осонлашиб бораверади-ку. Бу оламда одамларга фақат ўз ваколатинг, ўз мавқеинг, ўз имкониятинг доирасидагина яхшилик қила олишинг мумкинга ўхшайди. Агар, айтилган илтимосни бажариш ва-

колатингдан ташқарида бўлса, буни юқоридагилар кўмагида ҳал қилишга уриниб кўр, улар рад этса, хафа бўлма, тортишма. Бошқа йўлини изла.

Ҳа, сабрлироқ бўлишинг, ҳар бир вазиятга вазминлик билан, ақл билан ёндошишни ўрганишинг, олдин ишнинг тагига етиб, сўнг бирон тўхтамга келишинг лозим шекилли. Сенга ёкмаган нарсани ўзгалар фақат шахсий нафси, шахсий мавқеини ўйлаб қиялпими ёки ўзи истамаган тақдирдаям, барибир шундай қилишга мажбурми? Масалан, нариги колхознинг раҳбарлари билан сўнгги тортишувингга сабаб нима? Доим шундай қилинган, бундан кейин ҳам қилинаверади, бошқа иложи йўқ, деб бригадирингдан тортиб партком котибига пешанангга қўл ниқташди, сен тагини суриштирмай, бригадамиздагилар емаган овқатни ейилдига чиқариб қўл кўёлмайман, дея сўзингда туриб олдинг. Охири раис хонасига чакиртирди. Ҳушёр бўл, кўрслиги тутса, калтаклаши ҳеч гапмас деб сени кўрқитишгани учун, фуфайкангнинг чўнтагига тош солиб, секингина ҳузурига кирдинг. Раис бақирмади, ўтиришга таклиф этиб, босиқ товушда сўзлай бошлади:

– Нимага ҳадеб бизга сапчилайверасан, Анваржон? Даданг раҳматли билан кўп улфатчилик қилганмиз, уйларингдан туз тотганман. Шуларни ўйлаб, сени иложи борица авайлаб юрибман. Бир чидадим, икки чидадим, ҳозирга келиб одамни қон қилвординг-ку, болам! Колхозга ҳар куни райком вакили, ҳар ҳафтада обком вакили келади, ойда камида бир марта гала-гала бўлиб комиссия

босади, уч-тўрт кунлаб ишимизни текширишади, бир механизаторлар, чорвачилар, химизаторлар семинарини қаторлаштириб ўтказишса, бир ёнғинга қарши кураш, ё бўлмаса, атом бомбасидан сақланиш машғулотларини ташкил этишади. Уларни едириб-ичирмасанг бўлмаса. Шуларга кетган харажатларни колхозчиларнинг ҳисобидан ёпамиз-да, болам.

Барибир тушунишни истамадинг, уйимга меҳмон келса, ўзимнинг чўнтагимдан харжлаб кузатаман, нега сизларникини бировлар тўлаши керак экан, деб яна тўнглик қилдинг. Раис шўрлик шундайм ловулламай, бўпти, бу бригадага ҳашарчилар учун текин овқат бериб турилган, десак кўнглинг тўладими, дея ён берди. Нима бўлгандаям, жўяли одам экан бу Эса Ҳаким дегани...

Қисқаси, ўпкангни босиб ол, Анварвой. Дадангнинг: «Энди ҳамма нарса сенга қоляпти, пишиқ бўл», деган гаплари эсингдами? Ҳали хомсан, ғўрликдан тезроқ қутул, дегани бу. Балки, тагин кўп гапларни айтгиси келгандир-у, айтмагандир. Сенга безовта тикилган кўзлар ўшанда ўзича яна нималар деганини топишга уриниб кўр: билиб турибман, болажоним, сенга жуда қийин бўлади. Қандай чигалликларга дуч келишинг мумкинлиги-ю, улардан қутулишда қандай хислатларга таянмоғинг лозимлиги, биринчи галда, қайси хил офатлардан эҳтиёт бўлишинг зарурлиги ҳақида ортиқча эзмаланишимдан шу топда фойда йўқ, бунақа нарсаларни эшитгинг ҳам келмайди ҳозир. Томдан йиқилиб кўрмаган одам

Ўзидан кўпроқ кўйлак йиртганларнинг «томнинг кирғоғида юрма», деган насиҳатини бир пулга олмаслиги аниқ. Одам боласи, туртиниб-қоқиниб юриб буларни ўзи бир-бир англаб етаверади. Муҳими, худойим сени бирон-бир хато боис қаттиқ шикастланишдан асраса бас, мундоқроқ яралар битиб кетаверади. Ишқилиб, кўр ҳассасини бир марта йўкотади, деган мақолга амал қилиб яшай олсанг, хатолардан тўғри хулоса чиқаришни ўрганолсанг бўлгани. Сени худога топширдим, болажоним, манглайингни Ўзи ёрлақасин.

Бир нарса ўзимга ҳам аён эди – иродам кучли эмас, асабим бўш. Менга, биринчи галда, шулар панд бериши мумкин. Иродани ақл билан бошқарса, чидашга куч топса бўлади. Кучнинг бош манбаи – рух, руҳни ҳозиргидек баланд тутишга уринаверишим керак. Демак, энг хавфлиси – асабим. Қаттиқ жаҳлим чиқдими, тамом – ўзимни буткул идора қилолмай қоламан, нималар деб, нималар қипкўйганимни ўтим босилгандагина англаб етаман. Дадамнинг аждодлари орасида бунақаларни кўрмаганман, бу хислат менга она уруғимдан ўтган. Энг олдин, ҳар қандай ҳолатда ҳам асабни жиловлашни қаттиқ машқ қилмоғим зарур.

Янгича тушунчалар билан янгича кайфиятда яшаётганим ҳар қадамда ўз самараларини бераётганди, бошқаларга бўлган ҳурматим ўзимга иззат бўлиб қайтаётганди, ўзгалардан кўпроқ яхшиликлар кўра бошлаган эдим. Менга бир йил ўтмаёқ томорқа бермоқчи бўлишди.

Мамадали акага ўз маҳалламга яқинроқ жойда яшасам девдим, десам, майли, нариги колхоздаги янги раисга айтаман, бирорта томорқа топса бўлади, деб кўнглимга қувонч солди. Нариги колхозда раҳбар алмашиб, олдинги партком котиби энди раис бўлганди. Унга Мамадали ака айтган бўлса керак, бир куни ўзи уйимизга кириб, сенга қаердан томорқа беришни мўлжаллаб юрибман, топсам, хабар қиламан, деди. Янада севиндим. Аммо, беш-олти кундан кейин кўшнимиз уста Орифжон тоға мени кўчада тўхтатиб: «Анвар ўзи колхозимиздан қочиб кетган бўлса-ю, яна мендан томорқа сўрайди-я, айтиб қўйинг, беролмайман, деди раисимиз», деб қолди. «Ленинобод»даги раисимиз Мамадали акага бу ҳақда ҳеч нима демасам, тоқат қилсам худо ахийри беради-да, деган қарорга келгандим.

*Нон емади зорланиб...
Тиланишдан орланиб,
Ўлиб кетди хорликда.*

Олдингидан яхшироқ пул топаётган бўлсамда, ҳалигача томорқа ололмаётганим, бўш вақтимда ҳовлидаги ишларга уннамай, яна нималарнидир ёзиб-чизаверишим хануз аямнинг асабига тегарди. Ҳарбийдан қайтган Акрам укангни уйлашимиз керак, унга жой қани, деявергач, дадам курдирган уйнинг биқинига уста Абдуқаҳҳор бошчилигида айвонли иморат солишга киришдим. Шундаям ора-сира шеър ёзаверардим. Колхозимиздаги зафарларга бағишланган бири гу-

гуртнинг, бири сигаретнинг қутисидек келадиган хабар-мақолачалар қаторида гоҳ-гоҳ шеърларим ҳам кўриниб қоларди. Баҳонада туман газетасидаги барча ходимлар, жумладан муҳаррир Турсунали Азизов билан ҳам яқинроқдан танишиб боравердим. Гоҳи газетада адабий ходимлик қилувчи қишлоқдошим Эркин Иброҳимовга (бир маҳаллар мендан олдин қишлоғимиз кутубхонасида ишлаган ўша ўқитувчи йигит), гоҳи редакторнинг ўзига шу даргоҳга ўтиб ишлаш орзум борлигини чикитиб турардим. Ҳарбийда юрганимда, узоқ вақт шеър жўнатмай қўйганимдан таажжубланиб, обуна ташвиқоти баҳонасида уйимизга шоир Миразиз Аъзамни юборган «Гунча» журнали жамоаси билан ҳам эски алоқани тиклаб олдим – хатда шеърлар йўллашни давом эттирдим.

Колхоз парткоми котиби Қаҳҳор акага мажлислар протоколини расмийлаштириб, папкаларга тикиб боришда, коммунистлардан аъзолик бадаллари йиғишда, юқори ташкилотдан келган кўрсатмалар қандай бажарилаётгани юзасидан ҳисоботлар тайёрлашда кўмаклашиб турар эдим. Шу боисдан у мени бот-бот қистовга олиб, баъзида кўлингиздан ҳатто партиянинг маҳфий ҳужжатлари ўтяпти, сизни партияга қабул қилмасак бўлмайди, дейишга тушар; мен эсам, бирон-бир фирка аъзоси хотинини қаттиқроқ хафа қилиб қўйса ҳам аямай пўстагини қоқаверадиган партияга яқин йўлашдан чўчиб, ишни пайсалга солаверардим. Ваҳоланки, ўша даврда, айниқса,

зиёлилар, мутахассис кадрлар орасида фиркага киришга уринувчиларнинг сони бесанок эди; партия эса ўз сафида кўпроқ оддий ишчи-деҳқонлар бўлишини истарди, бундайлар билан умумий тил топишиш осон эди, чамаси.

Одмифеъллигим, ижрочилим кучимдан фойдаланиб турувчиларнинг барига ёғдек ёкарди, ҳаммаси бирон яхшилик қилишга, лоақал яхши йўл кўрсатишга тиришарди. Бош бухгалтер Урайим ака менга касбининг сирларини чуқурроқ ўргатишга, буғолтирликка олишга уринар; иқтисодчи лавозимида ишлаб, колхоз комсомол ташкилотини ҳам бошқараётган Муҳаммаджон ака мендан комсорг ясамоқчи бўлар; Аъзам ака, Ҳайдар ака, Икром акалар, агар қишлоқ хўжалиги институтини лоақал сиртдан битириб олсам, келажакда албатта раис бўлишимни башорат қилишар; партком котиби Қаҳҳор ака, хўп деб партиёга кирсам, икки йилдан кейин олий партия мактабига ўқишга юборишини айтиб, сизнинг жойингиз камида райком идорасида бўлиши керак, дея янада баландроқдан келарди. Гўё бари ўзаро маслаҳатлашиб, шоирликдан кўнглимни батамом совутмоқчидек.

Бир куни, ҳисобчиликдан нафақага чиққан яхудий чолни шаҳардан чақириб, архивга топшириладиган бухгалтерия хужжатларини жой-жойига қўйиб, папкага тикиш ишига ёллашди. Хона деворига қоқилган, ишлаб чиқаришдаги ўсишларга оид безакдор плакатчаларни мен чизганимни билгач, чол олдимга яқинроқ сурилиб,

нега бу ерда чангга ботиб юрибсан, ўғлим Фарғона рус театрида ишлайди, рози бўлсанг, ўша ерга рассом қилиб жойлаб қўярдим, деди. Шеърлар, мақолалар ёзиб туришим, журналистикага кириб ўқиш ниятим борлигини айтдим.

– Унда, бу ердан тезроқ қорангни ўчир, – деб куймаланди чол. – Шаҳардаги газетадаям танишларим бор. Қатнашдан эринмасанг, кичикроқ бир ишни бўлсаям тўғрилаймиз. Қани, уй телефонимни ёзвол-чи...

Редакцияга кириб ишлаш борасидаги орзуйимнинг чўғига яхудий чол керосин сепгандек бўлди. Мухбир Эркин акага айтаман, муҳаррирнинг кўнглига яна бир марта қўл солсин, ҳали-бери ишга олишолмаса, шу чолга осилиб кўрарман, деб ўйладим.

Ҳарбий базадаги бош бухгалтеримиз Тамара опани ҳам, паспортида «рус» деб ёзилган бўлсада, аслида яхудий дейишарди. Ўша опа менга қанча меҳрибонликлар қилди. Мана энди яна бир яхудий қўлтиғимдан кўтармоқчи. Яхудийлар мафияси жаҳондаги баъзи йирик-йирик мамлакатлар иқтисодиёти ва сиёсатида ҳал қилувчи қора кучга айлангани, Исроил давлати мусулмон қўшниларнинг тинчини бузиб туриш мақсадида атайлаб яратилгани хусусидаги қарашларни чуқур таҳлил қилишдан ожизман. Аммо яхудий ҳақида ким нима деса десин-у, мендан сўрашса, ҳамма миллат вакилларига ўхшаб, буларнинг яхшисиям бор, бемаънисиям бор, деган бўлардим.

Темур ҳазратлари 1370 йили Балхда бўлган курултойда Туркистоннинг амири деб тан олинганидан сўнг, орадан роппа-роса 600 йил ўтиб 1970 йилда турмушимдаги энг қувончли, энг эсда қоларли воқеалардан бири юз берди – ўғил кўрдим, «ота» деган унвон олдим. Эшон бобомизнинг хотирасини эъзозлаб, биринчи фарзандимга Баҳром деб от қўйдим.

Сурат титкилашни болаликдан хуш кўраман. Дамодам альбомни очаман, эски суратларга узоқ-узоқ тикиламан, абадий қотиб қолган кўзлардан маъно қидиришга тушаман. Дадамнинг нигоҳидаги маъно бошқаларникидан минг баравар кўпроқдек. Бу тийрак кўзларга бирдан даядил боқаман, ўзимча пичирлаб қўяман: «Ташвиш тортманг, дада. Ҳаммаси яхши бўлади...»



КИССАВУРНИНГ МАКТУБИ

Вайсақилар икки тоифага бўлинадир: бири – тен-так, бири – жўрнолис.

КУЛКУЛ афанди

Баҳромбойнинг қадами қутлуғ келди, ўша йили хонадонимизга янги уй қўшилди, у туғилган октябрь ойида колхоздагилар маошимни оширишди. Яна десангиз, 1971 йилнинг бошидаёқ туманимиздаги «Пахта учун» газетасига ишга чақирилиб, 1 февралда адабий ходим лавозими-

га тайинландим. Эркин ака ўрнини менга бериб, ишдан бўшаб кетган бўлим мудирининг жойини эгаллаганди. Шу давргача босиб ўтган йўлимдаги турли-туман ишларни тикиштириб ўтирмайин, Тангрим умр берса, пенсияга чиқишимда бундан буёнги меҳнат фаолиятимнинг ўзи етиб ортади деб, редакцияда янгитдан «Меҳнат дафтарчаси» очтирдим.

Воҳ! Шу баландмақом муассасада ишлаётганим, наҳотки, рост бўлса?! Бу ерга яқингинадаям оёғимнинг учида кириб келиб, ҳатто қоровули билан эгилиб сўрашардим. Мана энди, жигарранг полидан тортиб кўкиш деразаси ойналаригача чиннидек артилган, деворлари янги қордек оппоқ, пастдан шипгача бўй чўзган голланд газ-печи лакланган хиром этикнинг қўнжи мисол тим қора, эшиги қўшқанот бўлган хонадаги биққи стулда Худоёрхонга ўхшаб яп-ялпайиб ўтирибман.

Журналистиканинг «одми қолипи»га тушим осон кечмади. Шоирчиликда гапнинг ғажани бураб, жумлаларга бадий қалпоқ кийдириб ёзишга ўрганиб қолган эканман, қайсидир бригада аъзолари пахта топшириш планини туманда биринчилар қаторида бажарганлиги тўғрисидаги кичкинагина оддий хабарни ҳам қуюқ рангларга тўлдириб, фалон бригада Алпомишзодалари халқпарварликда тенги йўқ ҳукуматимизнинг табаррук топшириғини оҳудек илдам қадамлилар сафида шараф билан дўндиришга мушарраф бўлдилар, каби жимжимадор сўзларни қалаш-

тириб ташлардим. Бўлим мудири буларни индамай тахрир қилар, агар битганларим шундайича редактор ўринбосарининг кўлига бориб қолса, жайбиллоси кўзиб, шовқиндан хона деворларининг сувоғи кўчгудек бўларди. Дастлабки чоғларда танбеҳларни менсигим келмай, ўзлари чиройли ёзолмайди, уддалаганни кўролмайди, деб ранжиб юрган бўлсам, бора-бора эпақага келиб, икки-уч ойда шароитга деярли тўлиқ мослашдим.

Адабий ходим деган номни тузукроқ оқлаш учун олдин газетанинг тўртинчи бетида «Шанба саҳифаси» деган рукн ташкил этиб, устига ўзим суратли рамка чизиб бердим; сал ўтиб, редакция қошида адабий тўғарак очдим. Тўғаракда ойига икки марта машғулот ўтказиб турилар, катновчилар сони йигирмадан ошиб қолган, улар орасида кейинчалик шоира сифатида кенг танила бориб, Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган Энахон Сиддиқова (Эркабоева), Мақсуда Эргашевалар ҳам бор эди. «Шанба саҳифаси»да тўғаракчиларнинг шеър ва хикоячаларига биринчи навбатда ўрин бериларди.

Газетамиз ихлосмандларининг ошишига шу янгилик ҳам сабаб бўлдим, навбатдаги обуна мавсумидан кейин тираж кескин ўсди. Кўп ўтмай кўшни туман газеталаридаям шундай адабий саҳифалар пайдо бўла бошлади. Бу ҳол тепадагиларга ёқмай, вилоят Матбуот бошқармасида бўлган бир йиғилишда «хашакона шеър-бозлик»лар қаттиқ танқид қилинибди, айниқса,

бизнинг нашримиз устида алоҳида тўхталишибди, вилоятдаги номдор шоирлардан бири бу партия газетасими, адабиёт газетасими, дейишгача бориб етибди. Шундан кейин, бошқа газеталардаги адабий саҳифалар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Биз эса, йўлдан тоймадик, газетани узоқ вақтдан бери бошқариб келаётган, каттаконлар орасида ҳурмати баланд бўлган редакторимиз Турсунали ака менга ўша мажлисдаги гапларни бамайлихотир айтиб, бундан кейин кўпроқ тарбиявий аҳамияти бор шеърлардан беринг, деб тайинлади, холос.

Турсунали ака ўзи ҳам шеър, ҳажвиялар ёзиб турарди. Мен гоҳида русларнинг «Крокодил» журналидан ҳажвиялар таржима қилиб, «Шанба саҳифаси»да берсам, қаламингиз бор, шунақа нарсаларни ўзингиз тўқолмайсизми, дерди. Илгариям ҳажвия жанрида салгина машқ қилиб юрардим, астойдилроқ қўл урдим. Баъзан Турсунали ака бирор мавзуни шама қилиб қолса (кейинчалик, ҳатто, шама қилмаса ҳам), ҳажвия ёзиб, кўпинча иккаламизнинг номимиздан босардим.

Бир йилдан сўнг мени қишлоқ хўжалиги бўлими мудирлигига тайинлашган бўлса-да, «Шанба саҳифаси»ни чиқариш барибир зиммамда қолаверди. Матбуот бошқармасидаги танқидлардан кейин муҳаррирнинг айтганини қилиб, дастлабки даврларда, асосан, замонани, меҳнат қаҳрамонларини улуғловчи шеърларни бериб бордик, тепадагилар қайтиб инжиқлик қилишмагач, гоҳ-гоҳ «ўткирроқ»ларини ҳам қўша бошладик.

У даврда оммавий ахборот воситалари устидан давлатнинг қатъий назорати ўрнатилган, нашриётлардаги китоблар, республика, вилоят газеталари, телерадио материаллари олдин цензурадан ўтказилиб, сўнг оммага тарқатиларди. Туман газеталарини эса, назоратчи кадрлар сони камроқ бўлса керак, чикиб бўлганидан кейин, бир ойлигини тўпича текшириб, эътирозлар туғилса, редакторга маълум қилиб туришар, каттароқ хатога йўл қўйганларни партиядан ўчириб, ишдан ҳайдашгача бориб етишарди.

Мухарриримиз материалларнинг аксарият қисмини газета босиладиган кунда босмахона териб берган саҳифадан ўқирди. Ўқиб кўриб, бу нарсани айтиш тақиқланган, дея баъзи мақолаларнинг айрим жойларини ўчириб ташларди. Буларнинг ҳаммасини у қаердан биларкин, деб ҳайрон бўлардим, кейинчалик сирнинг тагига етдим. Турсунали аканинг тез-тез қон босими кўтарилиб турар, юраги ҳам касалга чалинган, ҳадеб даволанишга ётавермаса-да, ўзини камроқ уринтиришга астойдил ҳаракат қиларди. Гоҳида саҳифаларни менга бериб, буларга шунчаки кўз югуртириб чиқдим холос, сиз синчиклаброқ ўқинг, имло хатолар кетмасин, дерди. Ишни сидқидилдан бажарардим, имло хато камдан-кам ўтиб кетарди. Айрим мақолаларда мужмалроқ жумла учраса, муҳаррир билан маслаҳатлашиб, таҳрир қилардим.

Бир галги жумада, ишлар тугагач, Турсунали ака мени хонасига чақириб, буни бировга кўрсатиш мумкин бўлмаса ҳам, сизга ишониб

беряпман, уйга олиб кетиб, шанба-бозор ичи яхшилаб ўқиб чиқинг, унда ёзилганларни бошқаларга гапириб юрманг, дея кўлимга юпқагина китобчани тутқазди. Бу — газета ишида нималарга алоҳида эътибор бериш лозимлиги ҳақида цензурачилар томонидан тайёрланган қўлланма экан. Ўқиб кўрдим: фалон-фалон йўналишдаги завод-фабрикалар ҳақида умуман оғиз очмаслик керак; фалон-фалон корхоналар ишини ёритса бўлади-ю, режалар ошириб бажарилаётганини мақташ билан чекланиб, қандай турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани айтилмасин; далага самолётларда кимёвий дори сочилаётганини ёзиш мумкин, самолётларнинг умумий миқдорини кўрсатиш, ҳатто фалон жойдаги эскадриляга қарашли дейиш мумкин эмас; аскарларни мақташга ижозат бор, улар қай ҳудудда жойлашган қисм ихтиёрида эканини маълум қилишга рухсат йўқ ва ҳоказо, ҳоказо.

Мухаррирнинг нияти нималигини душанба куни китобчани қайтариб берганимдан кейин билдим.

— Кўриб юрибсиз, ора-сира бир-икки кун даволаниб туришимга тўғри келяпти, — деди у. — Ўринбосарим андак масъулиятсизроқ одам. Бундан кейин йўқлигимда саҳифаларни ўзингиз ўқиб, босишга ўзингиз рухсат берасиз. Манави ўқиган китобчангизда нимаики тақиқланган бўлса, бошқаларга тушунтириб ўтирмай, мақолалардан индамасдан ўчириб ташлайверасиз.

Мухаррир ўринбосарининг кўнгли нозиклигини эслаб, мен турганда, саҳифага нега бу бола

қўл қўяркан, деб Ёкуб ака хафа бўлмасмикин, десам, бир кўзингиз ожизлигини ўйлаб, сизни хатга кўп тикилтириб қийнагимиз келмаяпти, дейманда, деб кулди муҳаррир. Шундан кейин муҳаррир ишга чиқолмаган кунлари саҳифаларни ўкиб, босишга мен рухсат берадиган бўлдим. Бундай эътибор, бундай ишончлардан жуда қувонардим, ўзимни босишга қанча уринмайин, секин-секин ҳаволаниб ҳам бораётгандим.

Ҳаётда оёққа туриб олдим деб юрганимда, эски ревматизмим қайта кўзиб, оёғим бирдан панд берди. Бир-икки кун уйда ётганимдан сўнг, касалхонага замбарда олиб кетишди. Бир ойча даволандим. Бу жараёнда бир ҳамшира жувончани севиброқ қолдим. У шеърятни жуда яхши кўраркан, кечкурун навбатчилик қилса, шеърларимдан ўкиб берардим, кейин елкага елка тираб, сирлашишга тушардик. Менга нисбатан меҳрибонлиги шу қадар ортиб бораётгандики, бемалол юра оладиган бўлганимда ҳам, ташқари шабадароқ, бод билан ҳазиллашиб бўлмайди, деб овқатимни ошхонадан олиб келиб берарди; уйдагилар, қариндошлар келтирган таомлар идишини ярқиратиб ювиб қўярди; кўпнинг назаридаги одамсиз, дея, касалхонага тегишли ички кийимларимни ҳар уч кунда алмаштиргизарди. Турмушидан кўнгли тўлмай юрган бўлса, мени ўзига оғдирмоқчимикан десам, эридан нолиш тугул, нукул унинг яхши томонларидан гапирарди.

Бир куни шоирга оиладош бўлиш ниҳоятда фахрли эканини айтиб, хотинингиз сизни боши-

да кўтариб юрса керак-а, деб сўради. Кўтаришга кўтармайди-ю, ўтказишга жой тополмайди, деб ҳазиллашдим.

Шу жувон дардимни олдим, тез тузалдим. Ўзимни олдингидан ҳам тетикроқ ҳис қилаётгандим.

*Сизсиз ёлғиз дарддошим,
Сирни гуллаб қўймайсиз.
Баландпарвоз сўз айтсам,
Девонага йўймайсиз.*

*Сизсиз ёлғиз ҳамдардим,
Бордир, афсус, эрингиз.
Садагага ўхшайди
Шафқатингиз, меҳрингиз.*

(1978)

Ишга қайтдим. Куним яна Ёкуб ака, Карим ака, Йигитали ака, Абдумалик ака, Эркин ака, Маҳмуд ака, Саломатхон, Нурхон, Насибахон, Олимжон, радиочи Раҳмон ака кабилар ила кеча бошлади.

Орзулай-орзулай, зўрға топган ишимни келгусида бежавотир давом эттириш учун Тошкентдаги университетнинг журналистика факультетига сиртдан бўлсаям ўқишга киришим зарур эди. Йўқса, қачондир дипломли журналистлар кўпайиб, менга ўхшаган «малакасиз»лар табиий равишда суриб чиқарилади. Шунини мулоҳазалаб, 1972 йилнинг ёзида Тошкентга бордим. Суриштириб билсам, сиртқи факультетга ҳужжат топширувчилар камида икки йил бирон редакцияда ишлаган бўлиши шарт экан. Орзуни кейинроққа

суришга тўғри келди. Имкон туғилганидан фойдаланиб, менга ғойибона устозлик қилиб юрган Миразиз Аъзам билан учрашиш ниятида «Ғунча» журнаliga кирдим, ўзимни танитганимдан кейин, сизни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку, деб илик сўраша кетдилар. Бир папка шеърлар олиб борган эдим, икки-учтасини танлаб олишди.

Миразиз ака бу пайтда «Ёш гвардия» нашриётига ўтиб ишлаётган экан, излаб бориб, у билан умримда биринчи бор юз кўришдим. Ишдан сўнг уйига олиб кетди, папкадаги шеърларни бирмабир кўздан кечириб: «Тузуккина тўплам бўлибди, менга қолса, шу йилиёқ босмахонага туширтирардим, лекин бизда ишлаб чиқариш режаси бир йил олдин тузилади, етмиш учинчи йилники аллақачон тасдиқлаб бўлинган, бу шеърларингизни етмиш тўртинчи йил режасига киритиб, китоб қиламиз», деди.

Мен ҳали илтимос қилиб улгурмасимдан айтилган бу гапдан сўнг ҳушимдан кетиб, йиқилишимга оз қолди. Нима дейишни билолмаётгандим. Миразиз ака буни тушуниб, ўзининг самимий чехрасига ярашиқли чиройли табассум билан менга зимдан мулойим боқиб турарди.

– Энди «Обиджонов»ликдан қутулинг, – деди Миразиз ака. – Китобга нима деб ёзайлик? Анвар Обид дебми, Анвар Обиджон дебми?

– Билмадим, – дедим ҳануз ҳушимни йиғолмай. – Сиз нима десангиз, шу...

Қишлоққа қайтгач бу хушхабарни ҳаяжонланганимча аямга айтсам, менга қўшилиб қу-

вонган бўлди-ю, сўнг энтикиб туриб, китобга қанча пул тўлашаркан, сўрамадингми, деб оғзимга тикилди.

Китобимни чиқармоқчи бўлишяпти деган гапни ишхонадагиларга айтмадим. Бирор сабаб билан босилмай қолса, масхара бўласан.

Эҳ қанийди, Ерни шапалоғимда глобусдек чирпиратиб айлантурсам-у, бир зумда 1974 йил келса-қолса! Лекин, буни худонинг ўзи хоҳлаши керак, хоҳлайдиган бўлса, биргина У шундай қила олади.

Миразиз ака билан гоҳ хат ёзишиб, гоҳ телефонлашиб турдим. Унинг маслаҳатига кўра, 1973 йили яна Тошкентга бориб, тўпламни янги ёзган шеърларим, «Бахиллар футбол жамоаси», «Сотқин бароқ» ҳақидаги эртақлар билан тўлдирдим. Бу гал ҳам устознинг хонадонида тунаб, онаси Ҳатира ойининг суҳбатини олдим, Сиддиқа келин опамиз пиширган мошкичирини ўғиллари Мирсодиқ, Мирвосил, Мираҳмадлар билан талашгудек бўлиб тановул қилдим.

Эртаси куни ҳайит эди. Миразиз ака мени барвақт уйғотди, қўлимга жойнамоз тутқазиб, Ҳастимом мачитига бошлаб борди. Намоз ўқишни билмасам-да, ҳамма эгилганда эгилиб, тикланганда тикланиб туравердим. Ортга қайтаётганимизда, коммунист одам бўлсангиз, бирортаси бошлиқларингизга айтиб қўйса, гап тегмайдими, десам, қандайдир айғокчидан кўрқсам-у, худодан кўрқмасам, шу тўғри бўладими, деб кулимсиради Миразиз ака. Ўтиқодни кўринг! Юракнинг бутунлигини қаранг!

Ерни глобусдек шапатилаб тезлатолмаганимга қарамай, 1974 йил барибир зувиллаб етиб келди. Китобим йилнинг охирироғида чиқишини Миразиз ака университетга ҳужжат топширишга борганимда ҳам, имтиҳонлардан ўтиб, журналистликка кириб олганимда ҳам қайта-қайта айтган эса-да, китоб дўкони дуч келсаёқ ҳовлиқиб кириб бориб, токчалардаги адабиётларни жаланглаб кўздан кечиришга тушардим – шу қишлоқи бир қувонсин деб, меникини олдинроқ чиқариб юборишгандир, балки...

Керакли китобларни титкилашга, имтиҳонларга тайёргарлик кўришга деярли вақт тополмаганимга қарамай, ўқишга киришим жуда осон, жуда қизиқ кечди. Абдусалом ўртоғим билан ҳарбийда бирга хизмат қилган, тор ижара уйидан менга бир неча кунга жой ажратган ўшлик Аҳмаджон Мелибоев топширган ҳужжатларим папкасига 55 рақами қўйилганини эшитиб, ие, иш битибди-ку, бунақа бахтли рақам билан имтиҳонлардан ғириллаб ўтиб кетаверасиз, деб ҳазиллашгани чинга айланди. Биринчи имтиҳонга тонгги поезддан тушиб, зўрға улгуриб келганим, уйқусираб ўтирганим боис, синов бошланиши олдидан, одатга кўра, ишга киришаверайликми, ҳеч кимда муаммо йўқми, деб сўраганларида, мен қўл кўтариб:

– Тиқин вагонда яхши ухлаёлмай келганим учун мудраб ўтирибман, агар битта сигарет чекволишимга рухсат берсаларинг, бу иншони «беш»га ёзардим, – дедим.

Ёшроқ ўқитувчи менга эндигина дакки беришга тутинган эди, кекса профессор унинг сўзини бўлиб, ручкам яхши ёзмапти, сиёҳ опкелишни эсдан чиқарибман, деганларини эшитганман-у, бунақасини биринчи кўришим, бор, уни балконга олиб чиқ, чекса чекволсин, деб буюрди. Иккинчи қаватдаги аудиториянинг балконига ўқитувчи назоратида чиқиб, иккита сигаретни кетма-кет сўрдим, уйқум анча ёзилгандек бўлди.

Қайтиб киргач, яна мудроқ босишидан чўчиб, Ҳамзанинг мактабданоқ таниш бўлган «Бой ила хизматчи» пьесаси мавзуидаги иншони жадал ёзишга тушдим. Ҳаммадан эрта тугатиб, биринчилардан бўлиб ўқитувчиларга топширдим. Хонадан чиқиб кетганимдан сўнг кекса профессорда (кейинчалик бизга дарс бермагани, бошқа учратмаганим учун, унинг исмини билолмадим) қизиқиш туғилганми, қани, бу мактанчоқнинг иншосини менга беринглар-чи, шу жойдаёқ кўриб қўяқолай, дебди. Газетадаги саҳифаларни ўқишда кўпинча корректор вазифасини ҳам ўзим бажариб юрганим мевасини бериб, кўп имло хато тополмабди, мазмунига ҳам ортиқча эътироз билдирмай, «тўрт» баҳо қўйибди. Якуний натижани кўрсак, икки юзтага яқин абитуриентлар орасида иншода мендан ташқари яна икки кишига «тўрт», қирқтачасига «уч» қўйилибди, қолганлари «икки» баҳо билан «йиқитилибди».

Грамматик атамаларни азалдан яхши тушунмасдим, иншодаги «тўрт»нинг хурматидан «Она

тили» имтиҳонида зўрға «уч» қўйиб беришди. «Тарих» имтиҳонида ёлғон-яшиқни қўшиб ётиб, яна «тўрт» олдим.

Энг қалтиси – охирги имтиҳон бўлди. Ўқитувчи етишмаганидан тўққизинчи, ўнинчи синфларда чет тили ўтмаганимиз боис, «аттестат»га ҳам баҳо қўйилмаган, университет ректори номига чет тилидан мустақил сабоқ олганим ҳақида ариза ёзиб берганимдан кейингина университетга ҳужжат топширишимга ижозат этилганди. Қабул комиссиясидаги йигит ректор тасдиқлаган аризани папкамга тикаётиб, аризада «чет тилидан» дебсиз-у, қайси тилдан мустақил тайёрланганингизни аниқ ёзмабсиз-а, деганди. Имтиҳон топширувчилардан бири француз, бири инглиз, бири немис, бири испан тили кафедраси эшиги олдида қаторлашиб турганини кўриб, менга қайси бири қулайроқлигини ўйлай бошладим. Чет тили ўқитувчилари топилишига қараб, олтинчи синфда француз, еттинчида немис, саккизинчида инглиз тилидан дарс олгандик. Шунисидан, ҳартугур, ўнгача санашни, беш-олтита сўзни ҳам биламан, деб «инглизлар»нинг ортидан навбатга турдим.

Кириб, имтиҳон билетини суғурдим-да, бир рус қизнинг ёнига бориб ўтирдим, инглизчадаги сўзларнинг таржимасини («бувим бозорга борди, картошка, помидор, пиёз олди» кабиларни) билиб олиб, галим келишини кутдим. Чақиришгач, бориб ўтиришим биланок, эллик ёшлардаги кавказбашара аёл менга бир нималар деб мурожаат қилди; таваккалдан «рахмат» десам, аёл ҳам,

унинг ёнида ёрдамлашиб ўтирган ёшгина ўзбек қиз ҳам кулиб юборишди.

— Фамилиянгиз нима деб сўраяпти, — деди кулгисини хануз босиб улгурмаган ўзбек қиз.

— Обиджонов, — дедим дарров.

— Инглизчалаб айтинг, — дея жилмайди қиз.

Мен ҳайронланиб қараб, ўзбекчасигаям, инглизчасигаям Обиджонов-да десам, иккаласи яна кулди. Аёлнинг кайфияти очилгани учунми, иккита «тўрт»и бор экан, майли, йигитни қийнамайлик, деб, «уч» қўйиб берди. Шу билан студент бўлдим-қолдим.

Бундан руҳим тоғ бўйи кўтарилди. Ўзим қишлоқдаги ташвишларга ботиб ётибман-у, энди имкон туғилди дегунча Тошкентга бориб, бирон-бир газета-журналда ишлашим ҳам мумкин, деган ўй бошимда тез-тез айланадиган бўлиб қолди.

Талабалик гаштидан роҳатланиш бошқа бир «катта воқеа»га уланиб кетди. Туманнинг биринчи раҳбари Холдор Зокиров негадир мени ёқтириб қолган, қаерда дуч келсак, қуюқ ҳол-аҳвол сўрай бошлар, баъзан мажлисларда ҳам менга мурожаат қилиб, Анваржон, манави бригадир жуда илғор, уни газетада бир мақтанглар, деб қўярди. Бир сафар хатто хонасига чақириб, оилангизда қандай камчиликлар бор, мендан нима ёрдам керак, деб сўради. Муаммолар шунчалик кўпки, ҳаммасини бирдан битириш қийин, энг зарурини ўйлаб олиб айтарман, десам, ўйланг, истаган пайтингизда тўғри олдимга кираверинг, деб марҳамат кўрсатганди.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатгач, энди туман қишлоқ хўжалиги бошқармасида бош агроном бўлиб ишлаётган Абдусалом ошнамнинг эскидан-эски «Газик» машинасида кечқурун далама-дала кезиб, сувчилар ишини текшириб юрсак, оқ «Волга» қоронғуликдан чиқиб келиб, олдимизда тўхтади, ундан тушган Зокиров мени кўриб, э қойил, мухбир дегани сизга ўхшаб кечани кеча демай ишласа-да, деб мақтай кетди. Журналистликка кириб олганимниям эшитган экан, қўлимни сиқиб табриклади. Кейин, сиздақалар партия сафида бўлиши шарт, индинга бюро ўтказамиз, редакторингизга айтинг, тезда ҳужжатларингизни тайёрласин, деди. Икки кундан сўнг компартия аъзолигига номзод этиб қабул қилиндим.

Ўша кезларда газетамиздаги «шеърбозлик»нинг тагига иккинчи бор сув кетишига озгина қолди. «Киссавурнинг порахўрга мактуби» деган бир назмий ҳангомача ёзгандим. У «Пахта учун»да босилганидан сўнг, ўн кунлар ўтиб, туман прокурори Шокиров мени ҳузурига чақиртирди. Хонасига кириб бориб, узун столнинг қуйироғидаги стулга ўтирган заҳотим, давара қилишни бошлади:

– Порахўр ҳақида шеър ёзибсиз... Бизнинг жамиятимизда ҳозир ҳам порахўр бораканми?

– Жиноят кодексида колхоз тузуми душмани бўлган «кулоқ»ларни жазоловчи модда йўқ, чунки улар бундан қирқ йил олдин тугатиб ташланган, – дея босиқлик билан жавоб қилдим мен. – Китобингизда порахўрларни жазолаш тўғрисидаги модда турган экан, демак улар ҳалиям бор.

– Масалан? Мисол келтиринг-чи... Келтира оласизми?

– Ҳар ким ўзининг ишини қилгани яхши. Менинг вазифам – ёзиш, сизнинг вазифангиз – топиш.

Прокурор кўзимга узоқ тикилиб қолди. Кейин, ўзини осовишта тутиб, сўзлашга ўтди:

– Энди-и... порахўрниям даражаси бор-да, ука. Шеърингизни ўқиб кўрсам, сиз айтаётган порахўрнинг тагида учар машина, идорасида шахсий котиба. Суриштириб кўрдим, республика газеталаридаям у-бу нарсаларингиз чиқиб тураркан, ўсадиган кадр экансиз. Сал эҳтиёт бўлиш керак-да. Бу шамангиз Зокировгами, Маматхоновгами тегиб кетса-чи? Оқибати нима бўлишини тушунасизми?

Юқорида айтганимдек, Зокиров туман партия кўмитасининг биринчи котиби, Маматхонов эса туман ижроия кўмитаси раиси эди. Уларнинг қаҳрига учрашдан чўчиб, аввалига бироз гангиб қолдим, сўнг тезда ўзимни ўнгладим.

– Буни яхши айтдингиз, – дедим ўзим рақибнинг думидан ушлашга тиришиб. – Бугуноқ Зокировнинг қабулига кириб, ундан кечирим сўрайман, прокурорнинг айтишича, порахўр тўғрисида ёзган шеърим сизга тегиб кетиши мумкинмиш, мен бундай бўлишини хаёлимгаям келтирмагандим, чунки сизнинг ҳалол одамлигингизни ҳаммамиз яхши биламиз, дейман.

Бу гапимни эшитиб, прокурорнинг бирдан ранги оқарди.

– Унақамас-да, ука... Сизни авайламоқчи бўл-
сак... Э, қўйинг-э!

Мундоқ ўйлаб қараганда, булар қаттиқ қасд-
лашса, бошқа бир баҳона топиб, мени четга чирпи-
ратиб ташлаши ҳеч гап эмасди. Шу боис, муроса-
га келиб, майли, бундан кейин эҳтиётроқ бўламан,
дедим. Прокурорнинг чехраси очилиб, дўстона
насихатлар қилган бўлди, мени ташқарига куза-
таётиб, яқинда бир мақола олиб кираман, шунинг
уёқ-буёғини тузатиб, иккаламизнинг номимиздан
чиқарарсиз, деб қўйди.

Кейинроқ, прокурорнинг мақоласини ҳам
чиқариб бердим, «Порахўрнинг киссавурга жа-
воби» деган шеъримни ҳам эълон қилдим. Бу –
сизлар билан журналист сифатида келишиб яшай-
ман, лекин «чатоқроқ» шоирлигимдан воз кечол-
майман, деганим эди. Менимча, буни тўғри тушу-
нишди, бу гал ҳеч ким ҳеч нима демади.

Ўша палладан туриб қаралса, ўзим таваллуд
топган қирқ еттинчи йилнинг тескариси бўлмиш
етмиш тўртинчи йил мен учун жуда «серҳосил»
келди. Ниҳоят китобим ҳам чиқди. Уни кеч кузда,
вилоятдаги малака ошириш курси тингловчилари
билан бирга Марғилондаги «Атлас» фирмасини то-
моша қилишга бориб, орада китоб магазинига кир-
ганимда, биринчи марта қўлимда ушлаб кўрдим;
борини сотиб олиб, бир қисмини шерикларимга
тарқатдим, бир қисмини уйга олиб кетдим.

Ишга қайтган кунимоқ редакциядагилар ки-
тобни ювишди. Ўшанда 12 мингдан зиёд нус-
хада чиқувчи «Пахта учун» газетасида туман

миқёсидаги бу катта янгилик баралла овоза қилинди.

*Югуравер, толиқма,
Энг муҳими – ҳовлиқма
Манзил яқин қолганда.*

Шундай «хаёв-хаёв»лардан кейин ҳам ўзимни камтарроқ тутиб, катта-кичикнинг хизматига доим шай туришга, ижрочи ва итоаткор бўлиб кўринишга уринавердим. Олдингидан фарқи, энди руҳим баландлашиб, кимдир зуғум қилиб қолишидан безиллаш туйғуси кўнглимдан буткул ғойиб бўлган, қайсидир зўравон мени бу туманга сиғдирмаслиги мумкинлигидан кўрқадиган жойим қолмагандек эди. Сиғдиришмаса, бошқа жойга кетиб ҳам, бундан яхшироқ кун кўра оламан, деб ўйлардим.



ШЕЪР ЁЗДИРАДИГАН ҚИЗ

*Илҳом келмаса, устига
от солдириб боргил.*

Гулмат ШОШИЙ

Китобим чиққач, шоирликка кучлироқ берилдим. Ҳануз болалар ва катталар учун аралашкуралаш ёзардим. Ҳажвий ҳикояларга қўлим анча келиб қолганидан чуччам кўтарилиб, насрга ҳам кенгроқ кўламда қўл ура бошладим. Кулгилироқ бир қисса ёзиб кўрдим, кўнглимга ўтирмади. Уни четга суриб (бу асарчага кейин ҳам қайтиб қўл урмадим, ундаги баъзи эпизодлардан бошқа

киссаларимда фойдаландим), «Уйкудаги қотил» деган детектив қисса ёздим. Маслаҳат олиш учун муҳарриримизга берсам, ўқиб кўриб, тантилиги кўзиди-ю, газетамизда сонма-сон бера бошладди (бу ҳам газетада чиққанича қолиб кетди, бирорта китобимга киритмадим). Кейин дилимда Аламазон исмли шартаки бола ҳақидаги қувноқ қисса ғояси туғилди. Айрим парчаларни ўша маҳаллардаёқ қораламалаб қўйган эсам-да, ёзишни бошлаёлмай, миямда пишитиб юравердим.

Биринчи китобим бирорта танқидчининг назарига тушмаган бўлса ҳам (аслида биринчи китобим ўта бўш эди, аксарияти ўсмирликда, илк йигитлик давримда матбуотда босилган ғўр шеърлардан иборат эди), барибир, асосан, болалар учун ёзаверишим керак. Миразиз ака айтганидек, шу жанрда назарга тушиш имкониятим кўпроқ, деб ўзимга йўл кўрсатардим. Кўлим бўшади дегунча, тўшакка чўзилиб ёзаверардим.

Болаларга аталган яхши китоблар камлиги, ўзбек болалар адабиёти катталарникидан анча орқадалиги, миллий адибларимизнинг кичкинтойларга аталган асарлари орасида Худойберди Тўхтабоевнинг «Сеҳрли қалпоқча»сигина кенг шуҳрат қозона олганини мунаққидлар кўп таъкидлашарди. Болалар шоирлари ичида Миразиз Аъзам янгича овози билан ажралиб бораётганини гоҳо андак шамалаб, Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўминларнинг болаларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги хизматларини тез-тез дўмбиралаб туришарди. Миразиз Аъзам

дан ташқари Қуддус Муҳаммадий шеърларини ёқтирардим. Унинг ўйноқи мисралари бахшиёна сероҳанг қофиялари таъсирини дастлабки ижодимдан ора-сира сезиб олиш қийин эмас. Қисқаси бу жанрда ичингни қайнатадиган китоб йўқ ҳисоби эди. Асосан, катталар адабиётини ўқирдим.

Навоийга тишим ўтавермас, Машраб, Фуркат, Муқимий, Огаҳий, Маҳтумқули, Бобурларни кўп мутолаа қилардим, ўзбекчага ўтирилган шоирлардан Есенин, Гейне, Бёрнс назмини беҳад хуш кўрардим. Ўзимизнинг замонавий шоирларимизга келсак, «Коммунистлар гуллатмиш бу озод Осиёни», «Осмондаги юлдузни санаб етоман дема, Ҳамроҳингман ёнингда, ташлаб кетоман дема», «Бизларга устоз доно партия, Эркесвар халқнинг суянган тоғи», «Осмондаги ойга қаранг, Кўринадиган кўзга аранг. Тўйингизга ўзим бориб, Ўйнаб берай қилмай таранг», «Жон Москва – пойтахтим, салом сенга Хоразмдан», «Эй, улуғ партия, минг яша, яша» каби шеърлари қўшиққа айланиб кетган номи улуғ унсурларни четлаб ўтардим, адабиёт майдонига уриниб-суриниб бош суқаётган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Парфи каби «бошқачалар»нинг китобларини қидириб топиб, қаърига шўнғирдим. Бунақа пайтда, қаламим яна ўз-ўзидан катталар шеърляти томон бурилаверарди. «Бошқача» шоирларнинг баъзи сатрлари тагига яширинган ғалаёнларни кўпинча айрим зукко шеърхонлардан эшитибгина англаб етардим, шеърятдан янгича олам кашф этаётгандим.

Катталар шеърлятида кун кўриш мураккаб-роқдек туюлар, бу «ўрмон»даги сон-саноксиз, турли-туман «дарахт»лар орасидан бўй чўзиб чиқиш, кўзга ташланиш мушкулдан-мушкуллигини англаб олиш кишидан катта ақл талаб қилмасди. Кўнглим эса ақлимга қулоқ солавермасди, қаламимни ҳадеб катталар шеърлятига етаклайверарди. Катталар адабиётида торгина жой эгаллай олиш учун керакли омиллар етарлидек эди – тақдир тақозоси билан ҳаётнинг кўп оғирликларини кўрдим, кўряпман; оддий кишиларнинг энг митти дардларига менга боламдек таниш; миллат дегани нима эканини, «эрк» сўзининг салмоғи «мол-давлат», «обрў-мартаба», «шон», ҳатто «жон»никидан минг-минг баравар ортиқлигини Тошкентдаги зиёлилар гурунглирида чуқургина ҳис этиб улгурдим...

Ҳа, Ватан эрки, миллий ғурур борасидаги тушунчаларнинг менга шу дамгача нотанишроқ бўлган уруғлари кўнглимга энди қалингина сепилиб, улар тобора гуркираб унаётган эди. Буларнинг ҳаммаси «Муштум» журналида босмачиларни мазахловчи уч-тўртта латифачаларим эълон қилинишидан бошланди. Миразиз Аъзам буларни ўқиган экан, бир гал Тошкентга борганимда олдиға ўтиргизиб олиб, босмачиларнинг нимасини ёмон кўрасиз, деб ўқрайди. Бу – устознинг менга биринчи марта кўрс муомала қилиши эди, довдираб қолдим.

– «Босмачи» деган ҳақоратли номни қизил большевиклар атайлаб тўқиб чиқарган, – деб куйканди у. – Аслида улар юртимизни келгиндилар-

га бермаймиз, ўзбекни кулдорларга қарам қилиб қўймаймиз, деб жонини аямай курашган ботирлар, миллатимизнинг энг ориятли кишилари.

Миразиз ака, шу тариқа, мени эзаверди, эзаверди, қанийди, бирданига ер ёрилса-ю, оёғим осмондан бўлганича тубига ағанаб тушсам. Юрагим увишиб бораётганди. Бунақа ишни сотқинлар қилади, деворди-я устоз, энди алоқани чирт узиб, бетимга буткул қарамай қўйса-чи?

Кейинроқ Ўктам аканинг уйида Миразиз ака, Маҳкам Маҳмудов, Тохир Малик сингари адиблар иштирокидаги ошхўрликда ҳам миллат ғурури, миллий орият мавзуси давом эттирилди. Бири грузинлар ўз юртидаги «катта оға»ларни умуман менсимаслиги, уларни асосан «қора иш»ларга ёллашидан сўзласа, бошқаси Болтиқбўйи республикаларидаги ерли аҳоли совет ҳукуматини ҳалиям очикчасига «оқкупант» дейишдан кўркмаслигини ҳайратланиб ҳикоя қиларди. Гап орасида кимдир «бу оққулоқлардан қачон қутуларкинмиз», деди-ю, баҳс қизиб кетди:

– Умидимиз – биттагина Америкадан. СССРни йиқитса, шу Америка йиқита олади, холос.

– Олдин ўзининг негрларига эрк берсин Американгиз.

– Тўғри, негрлар масаласи уларда энг оғриқли масала. Аммо Американи яқиндан биладиган бир таниш сиёсатдоннинг айтишича, негрлар шунчалик тиккабосар, бетартиб эмишки, уларга тўлиқ эрк берилса, оқтанлилар маданиятини тепалаб юбориши ҳеч гап эмасмиш.

– Бу – оқтанлилар тўқиган ваҳима. Улар негрларни юз йиллаб миниб келди, яна миниб юрмоқчи.

– Бошқа ёқдан қарасак, кичкина миллатмиз. Ўрис кетса, бизни барибир кучлироқ бир мамлакат босиб олавериши мумкин. Жуда омадимиз келса, хомашёларимизни қайсидир зўрга арзонгина сотиб, бир нав жон сақлармиз.

– Масалан, мен эркин юртда хор-зор бўлиб яшашгаям розиман...

Дамодам ўйланиб қолардим. Агар руслар кетиб, бизни барибир каттароқ бир давлат босиб оладиган бўлса, нима ўзгаради? Улардан қайси бири инсофлироқ? Ё у, ё бу зўравоннинг оёғи остида яшашга маҳкум эсак, қай бири «ўзимизбоп»роқ бўлсайкин?

Буларга жавоб тополмасдим. Фақат, мутойибасимон бир ўй бошимда лип этиб ёниб-ўчарди – хартугур, ўрисча гаплашишни биламан...

Шу тариқа бир қатор шеърларимда исёнкорлик, эрксеварлик, миллатпарварлик учқунлари яллиғланиб, алангага айланиб бораверди. Улардан айримлари марказий нашрларда ҳам кўрина бошлади. Бош муҳаррир Асқад Мухторнинг муруввати билан, ўшанда киоскалардан сотиб олиш тугул, микдори чеклаб қўйилгани туфайли ҳатто обуна бўлиш мушкул ҳисобланмиш доврүкли «Гулистон» журналида босилган «Мартин Иден» сарлавҳали шеърим кўпчиликнинг эътиборини тортди, биринчи ўринда Миразиз ака мени телефон орқали табриклаб, астойдил мақтаганидан бошим осмонга етди.

Кейинроқ Тошкентга курс имтиҳонларини топширишга бориб, қайтишда Аскад Мухторга ҳам раҳмат айтиб чиқаётганимда, шу журналда ишловчи қалами ширин шоир Абдулла Шер мени тўхтатиб, Рауф Парфи «Мартин Иден» ингизни ўқиган экан, бу йигит ким деб суриштириб, келса, менга албатта учраштиринг, деган эди, дея Рауф акага қўнғироқ қилди. Келгач, учаламиз шеърни ювиш учун кўп қаватли «Журналлар корпуси»нинг соатдор биносидан тушиб, КГБ идораси қаршисидagi чучварахонага бордик. Ўқиш давомида бор пулимни харжлаб, йўлкирадан салгина ошадигани қолганди, битта арақ, бир нонкосадаги музқаймоқни олишга зўрға кучим етди. Арақни ичамиз, музқаймоқни навбати билан ялаймиз, арақни хўплаймиз, яна музқаймоққа ёпишамиз. Тураётганимизда, тили аччиқлиги билан алоҳида ном қозонган Рауф Парфи лоҳасланиб қорин силаркан, шунча арақ ичиб юриб, бунақа хор бўлмаган эдим, дея гулдираб кулди.

Катталарга аталган шеърларимнинг талайи севги мавзусида эди. Буларда нимадир етишмаётганга ўхшайверарди. Ўйлаб-ўйлаб кўрсам, мени мактабларда, қисман техникум ва ҳарбийда куйдириб юрган нозанинларим энди йўқ; гоҳ томорқада бодринг чопаётган, гоҳ букчайиб кир юваётган, гоҳ даладан юлиб келган ўтларини хансираб офтобга ёяётган, гоҳ молга терт қораётган, салга жиззакиланувчи, янгироқ рўмоли йўқлигини ҳам фожиага айлантирувчи хотинингга тикилиб эса,

кесатибми, ҳазиллашибми, ачинибми уч-тўртта шеър ёзиш мумкинدير, аммо у ҳақда ичикиб-ичикиб ҳаёл суролмайсан, тинимсиз ўртанолмайсан, ёникиб тўлғанолмайсан.

Ҳа, аллақачон пайқаб улгурганингиздек, юрагимни бетўхтов жазиллатиб турувчи битта хушбичимроқ, ўжарроқ «севикли ёр» камлик қилаётганди менга. Бунақаси ҳадеганда олдимдан чиқавермади. Дуч келавермагач, камтарликка ўтиб, уни ўзим қидиришга тушдим. Босмаҳонамизда боши очик қизлар кўп эди, яқинроқда бўла қолсин деб, «объект»ни шуларнинг орасидан излаб юрганимда, бирдан редакциямизнинг ўзида ишловчи санокли қизлардан бири лоп этиб саҳнага чиқди. Бир куни у писмайиб туриб, хотинингизни яхши кўрасизми, деб савол берди.

– Кўрмай-танимай уйланганман-у, барибир ёмонмас, – дедим.

Қизи тушмагур яна сўроққа тутди:

– Шеър ўқишни ёқтирадимми?

– Шеърни гапирасиз-а, – деб кулдим мен. – Ўзининг отини зўрға хатосиз ёза олади боёқиш.

– Мен шеърятни жуда яхши кўраман, – деди қиз. – Дафтарларингизни бериб туролмайсизми? Босилмаган шеърларингизни шунақаям ўқигим келадики!

Ана-а, бор экан-ку! Туйқусдан қўлга тушди шўринг курғур! Қидириб топишимни кутмасдан, мени ялинтириб-нетмасдан, ўзи чанғалимга қўниб ўтирибди-я! Ҳе, сабрсиз! Ҳе, лодон! Нима бўлгандаям, энди мендан қутулиб бўпсан! Шу

пайтнинг ўзидаёқ сенга дабдабали ном берганим бўлсин – «Севгилим»! Гап тамом!

*Бошинг эгик,
Сўник нигоҳинг,
Портлагудек қалбингдан оҳинг.
Остонадан ўтдинг паришон,
Мени излаб келдингми, жонон?
Ўзинг келдинг – нур устига нур,
Менда қайдан пайдо бу ғурур?
Келмасанг-ку
Борардим излаб,
Ялинардим, сўзлардим сизлаб.*

(1972)

Ишни пайсалга солмадим, кейинги йилларда тўлдирилган шеърӣй дафтарларимдан бирини эртасигаёқ олиб келиб, Севгилимнинг кўлига тутқаздим. Дафтарни уч-тўрт кун ўтиб қайтаргач, тушликдан сўнг ҳовлидаги фонтанчали ҳовузча ёқасига қўйилган боғкурсида ўтириб, олган таассуротларини ўртоқлашдик. Сатрларимдан анчагинасини, баъзи шеърларимни тўлиғича ёдаки айтганидан бир қувонсам, булар аллақачон китоб бўлиши керак эди, зўр китоб бўлади, деганидан икки қувондим. Кейин аста-секин «интим» гапларга ўтдик, мен турмушдаги бир хилликлардан жуда зерикиб бораётганимни айтдим, у эса, бу олди-юлди ҳаётда кунлари мазмунсиз кечаётгани, уйидагилар оила қуришга қанча қисташмасин, лоақал салгина дидлироқ йигитни учратолмаётганидан нолиди.

Ана энди шеър ёзишми! Семиз-семиз «умумдафтар»ларни баъзан икки ой ўтиб-ўтмай тўлдириб ташлайман, ичимдаги Ғалати ойсанамнинг

китикқўзар дугонасига айланаётган Севгилим уларни бир бошдан олиб ўқийверади, мени мактайверади, ўзининг қиёфаси, қилиқлари бўртиб турувчи шеърлардан гап очиб, булар кимга аталган, дея сирли жилмаяди. Ишдан қайтгач, тунлари танамда ҳузурли титроқ ўрмалаб ўйлайман: ҳозир Севгилим шеърларимни ёниб-ёниб ўқиётгандир, ўзига очик шама қилинган жойлари учраса, балки юраги оқишни бошлагандир. Йиғлаётган бўлса, янаям яхши...

Гоҳо кўриб чиқиладиган хатлар, таҳрир қилиниши керак бўлган мақолалар кўпайиб кетгани учун шанба куни ҳам редакцияда ишламоқчилигимни айтиб, вақтингиз бўлса, сиз ҳам келинг, дердим. Келарди. Озгина ишлаган бўлардим, сўнг яна дардлашишга тушардик. У оиладаги ёки хаётдаги бирор ноҳақликдан ўқиниб, кўзига ёш олса, юрак-юракдан ачинганимча, таскин беришга уринардим. Баъзида елкасидан қучиб юпатгим келарди-ю, тезда ўзимни ўнглаб, ниятимдан қайтардим.

Олдин елкасидан қучасан, кейин белидан, кейин ўпишишлар бошланади. Бунақада унинг оғушига ташналик, мурувватидан бенасиблик изтироблари қаёқда қолади? Истаган вақтингда бемалол қучоқлаб юришга ҳаддинг сиғадиган қиз хақида ловуллаб-ловуллаб шеър ёзиб бўларканми? Аслида, бу кизнинг эси кўпроқ бўлса, таклифимга «қани, кўрамиз» деб қўйиб, бу учрашувга умуман келмасди. Шунда, унинг оқибатсизлигидан баттар алангаланардим, бор оҳ-

воҳларимни қоғозга тўксам, шеърмисан шеър бўларди. Агар мендан бутунлай аразлаб, бошқа йигит билан очик-ойдин учраша бошласа, бундан зўри йўқ, инқиллаганимча қаламга ёпишиб, дафтардан умуман бош кўтармай кўйишим ҳеч гапмас. Ана ўшанда кўрасиз қанақа шоирлигимни!

Севгилим анча бўшанглик қилиб, ичимдаги бор туғённи хануз тўлиқ юзага чиқаролмаётганди. Минг афсуски, буни қизга айтиб йўл кўрсатолмайсан, ушбу севгибозлик жараёнида хиссий жумбушлардан кўра шоир манфаати устунроқлиги фош бўлса, сендан совийди, илҳом булогининг томчилиб турган сувидан ҳам куруқ қоласан.

Ёши каттароқ машинкачимиз бўларди, унинг эри негадир мендан ҳадиксираб, изимдан пойлагани-пойлаган эди. Буни сезиб юрган Севгилим, шамол бўлмаса, теракнинг учи қимирламайди, бу аёлдан узоқроқ юринг, деб бир куни мени тергаб қолди. Табелчилигимда рус тилидан дарс бериш учун Украинадан икки йиллик мажбурий йўлланма орқали қишлоғимизга келган, мен билан қалинлашиб кетган Толикнинг турмуш ўртоғига хотиним рашк қилаверганидек, энди редакциямиз ёнидаги ўқувчилар уйида мусиқа тўгарагини бошқарувчи Женянинг ёнимга тез-тез кириб турувчи хотини Людани ҳам Севгилим хуш кўрмай қаршиларди. Бундай пайтларда, қизғанаётганини пайқаб, ҳузурланиб кетардим.

Туман газетасидаги салкам етти йиллик фаолиятим даврида шоирчилигимда кескин ўзгаришлар кузатилаётган эса-да, оиламиздаги аҳвол ҳалиям

ўша-ўша эди. Аям тикув машинасини туну кун ғалдиратиб, чеварчиликдан пул топишда давом этар, бу тушум ёнига менинг ва ҳарбийдан сўнг ўрта маълумоти билан мактабда жисмоний тарбиядан дарс бераётган Акрам укамнинг маоши, аскарликдан қайтибоқ четга сабзавот олиб чиқиб сотишни ўрганган Тохир укамнинг орттиргани қўшилиб ҳам, тирикчилигимиз барибир яхши томонга ўзгармаётганди. Айниқса, Акрам укамни уйлантиришдаги харажатлар эндигина тикланаётган тирикчилигимиз кўрғончасини қайтадан нуратгандек эди.

Баҳромнинг ёнига энди Баҳодир ва Бобур ўғилларим келиб қўшилган, Акрам укамда ҳам бирин-кетин фарзандлар пайдо бўлаётган бу тикин-тўполон хонадоннинг бурчак-бурчакларига биқиниб бўлса-да, ижод қилишдан кўра, камхарж рўзғорда қалашиб ётган икир-чикирларга ҳадеб қоқинавериш мени кўпроқ толиқтираётганди.

* * *

Леонид Брежнев йигирма йилда коммунизм қуришни ваъда қилган хомхаёл Никита Хрущёвдан ҳокимиятни юлиб олиб, коммунистик ғояни бутун дунё ишчи-деҳқонлари кўнглига чуқурроқ сингдиришга берилиб кетган даврларда партиёга ҳақиқий аъзоликка ўтиб, «ишончли зотлар» сафи-га сукулиб улгурган мен шилдирвоқини Севгилим билан бўлган муносабатларнинг бир кунмас бир куни қалтис нуқтага етувими ёки тумандаги айрим ахлоқи нотўқис «гражданка»лар билан гоҳо пана-

панада шивирлашиб туришимми тугалай бадном қилиши мумкиндек туюлар, буни ўйласам, юрагим нотинч тепарди. Хайриятки, ишдан кетишимга тамоман бўлак нарса, обрўйимга қаттиқ рахна солмайдиган бошқа бир воқеа сабабчи бўлди.

Бунгача муҳаррирнинг менга бўлган муносабати ҳар доимгидек илиққина эди. Ўзбекистон милицияси ташкил топганининг қирқ йиллиги шарафига 1975 йили ўтказилган республика конкурсида пул ишлаб олиш умиди билан атайлаб ёзган «Милиция солдатлари ўлмайдилар» деган дostonим Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девни миниб», Ёътибор Охунованинг қандайдир асаридан сўнг учинчи ўринни олганидан қувониб, мени ҳаммага мақтаб юрганди. Достонни газетадаям босганди. Ўсишимни истаган бўлса керак, КГБнинг оммавий ахборот воситаларини назорат этувчи бўлимидаги танишлари ўзларига мақбул кадр излаётганини айтиб, ундан маслаҳат сўрашгани, бу соҳада ишлашни истаганлар қандай фазилатларга эга бўлмоғи лозимлиги ҳақида ора-сира гап очиб турадиган, чамаси, бунга, аввало, ўзим хоҳиш билдириб, илтимос қилишимни кутаётган эди.

Мен буни тушунмаганга олиб юравердим. Очиғини айтсам, бу соҳада маошлар мўл, имтиёзлар катталигини билиб, ўтиб ишлашга қўнглим мойил эди-ю, мени шу ерга жойлаб қўйишини сўраб ҳозир муҳаррирга элансам-у, наригиларга бирор томоним маъқул келмай ёътироз билдиришса, юзим шувит бўлишидан чўчир эдим. Агар ўшанда ушбу идоранинг бирорта каттароғи мени

хузурига чақириб, бизга сиздек фидойи йигитлар керак, сафимизга ўтинг деса, оиламиз нуфузини тезроқ кўтариш йўлида бор орзуларимни қурбон қилиб бўлса-да, индамасдан ўтган, кейинчалик онгимда қандай ўзгаришлар юз бермасин, барибир қасамимга содиқ қолиб, умримнинг охиригача уларнинг чизган чизигидан чиқмай ишлашим аниқ эди. Инчунин, феълим шунақа: қасамни-ку кўятуринг, ҳатто ўз боласига жиддий тарзда берилган ваъданиям бузолмайдиган нусхаларданман.

Муҳаррир гапимни иложи борича ерда қолдирмасди. Ёшлар номидан қилган илтимосим билан бизга аввал стол тенниси, сўнг биллиард столи олиб берди. Қишда ҳам ўйнашимиз учун алоҳида спорт залчаси қурдирди. Гоҳ Шохимардон, гоҳ Арслонбоб, гоҳ Йигитпиримга саёҳат уюштирилса, ғазначиликни битта менга ишонарди. Тўнғич ўғлини журналистликка ўқишга киритишда яна меҳрибонлиги тутиб, орада шеърларингизни редакцияларга тарқатиб келарсиз, дея мени Тошкентга эргаштириб кетди. Кўпинча йиғинларга мени ё бирга олиб борарди, ё машинасида ўзимни юборарди. Баъзан соғлиғимдан ташвишланиб, иш кетаверади, курортгами, санаториягами бориб дам олишни ўрганинг, деб кистар, шу туртки боис бир гал Бологоедаги туристик базага йўлланма олиб, баҳонада ҳарбийда орттирган эски кадрдонларимни йўқлаб келгандим.

Қисқаси, муҳаррир менга аёвли муносабатда эди, у билан ака-укадек бўлиб бораётгандик. Кейин... орамыз бирдан бузилди...

Шафоат аммамизнинг ўғли Машраб тимсоҳсимон Россиянинг думи бўлмиш Камчаткага тез-тез қатнаб турар, у ердаги базаларга жўнатиловчи мева-сабзавотни Фарғона тайёрлов идораси вакили сифатида топшириб қайтарди. Вагонлардаги давлат юклари орасига ўзиникини ҳам озгина тиқиштириб, уларни «бозор учарлари»га қиммат нархда кўтарасича бериб юборишдан, базадагилар билан келишиб, топширилаётган маҳсулотнинг бир қисмини ириди-чиридига чиқариб юборишдан катта пул ишлаб олар эди. 1976 йилнинг кузида бир ойлик таътилга чиққан кунларим у уйимизда меҳмон бўлиб ўтириб, ишга қайтгунингча мен билан Камчаткага бориб келсанг-чи, вагондаги юкларни кузатиб борувчи қилиб расмийлаштирсам, бир ёқдан – яхшигина ҳақ тўлашади, иккинчи ёқдан – кўрган фойдамиздан улуш оласан, деб қолди. Суюнганимча кўндим.

Кўнибман-у, бу ишлар қанчага чўзилишини суриштириб кўрмабман. Вагонларга бир ҳафта пиёз урдик, жўнатдик. Ўзимиз ўн кундан кейингина учокқа ўтириб, Владивосток шахрига бориб кўндик. Борсак, вагонларимиз эндигина етиб келган экан, пиёзлар портга туширилиб, юк кемасига жойлангач, тўрт кун денгизда сузиб, Камчаткага йўл олдик. Пиёзларни у ердаги базага топширишга ҳам ўн кунча вақт кетди.

Савдогарчилик баҳонасида, сира ёддан чиқмайдиган қанча-қанча таассуротга эга бўлдим: умримда биринчи бор кемага ўтириб, денгизда суздим; дунёда коряк деган миллат борлигини

билдим, уларнинг асосан дудланган гўшт, балик, сут маҳсулотлари тановул қилиб кечираётган ҳаёти, ўзбекнинг тасаввурига сиғмайдиган даражадаги жайдари турмуш тарзи билан танишдим; биз томонда пиёладан кичикроқ идишчадагиси фалон пул турадиган балиқ увилдириқлари бу ерда оёқости бўлиб ётгани, бир шиша аракка уч литрли банкадагисини олиш мумкинлигидан донг қотдим; чиройи касал кўзни ҳам даволовчи ўрмонлараро чўзилган ўркач-ўркач йўллар, қайноқ сувлари булутдек буғланиб, булоқлари кўпчиб-кўпчиб отилиб турувчи вулқонли тоғлар дилимни ўзига буткул ром этиб бораверди. Совуқ авжига чиққанига қарамай, озгина бўш вақт топилса, портдаги катерлардан бирортасини ёллаб, денгизда сузганим сузган эди.

Машрабнинг икки поччаси – Абдуваҳоб ака ва Абдуқодир, маҳалладоши Ҳомиджон бизга шерик эди, кўрилган фойда ўртада тақсимланиши биланок, уч киши тўғри уйига жўнади. Машраб иккимиз учоқда яна Владивостокка қайтдик. Ҳарбийдаги Аваз укам шу шаҳардан олисроқдаги Ольга деган бухтада хизмат қиларди, уни йўқлаб бориб, командирлари билан биргаликда уч кун айш-ишратга берилдик. Шу асно, салкам икки ойда ишхонамга кириб келдим.

Кириб борсам, муҳаррирнинг қовоғидан қор ёққан, ўринбосари шовқин кўтарган, ходимларнинг сўрашиб-кўришишида ҳам қандайдир нокулайлик. Жуда узокда эдим, аҳволни телефонда тушунтиришга, таътилимни ўз ҳисобимдан

чўзиб турунглар дейишга имконим бўлмади, деган гапларимни раҳбарият ҳатто эшитгиси келмаётганди.

– Баъзилар сизни ишдан ҳайдашни таклиф қилишди, – деди муҳаррир. – Очиғи, ўзимнинг ҳам фикрим шу эди, лекин кўнглим бўлмади, майли, ҳозирча лавозимини пастлатиб, адабий ходимликка тушириб турайлик-чи, дедим. Одам дегани-ям шунақа масъулиятсиз бўладими?! Э-э...

Охиста бош кимирлатиб қўйиб, хонадан индамай чиқиб кетдим. Редакция ҳовлисидаги боғда ўйланганимча анча кезиб юрдим, кейин кўчага чиқиб бориб, уйгача пиёда кетдим, деярли тун бўйи ҳаёл сурдим, бир қарорга келдим-у, юрагимдаги сиқилиш сал камайгандек бўлди.

Гоҳ ярим кечагача ишлатишди, гоҳ дам олиш кунларидаям ишлатишди, гоҳ ойлик таътилимнинг бир ҳафтаси ўтмасиданоқ қайта чақириб олиб ишлатишди, бирор марта «вой жоним-а» демадим. Юриб-юриб, ишга уч ҳафта кечиқибман-у, бунинг оқибатида редакция ёниб кетган тақдирдаям, ҳа энди бир бўлди-да, олдин келсин, сабабини суриштирайлик демай, орқаворатдан лойга чайишгани нимаси? Тўғри, айбдорман, аммо шу айбимни ҳаспўслашга бемалол етиб-ортадиган хизматларим ҳам бор-ку! Тамом – бу ер менга тўғри келмади!

Эртасига муҳаррирнинг олдига сокин кайфиятда кириб бориб, ўз хоҳишим билан ишдан бўшатишларини сўраб ёзган аризамни қўлига тутқаздим. Унинг бирдан авзойи бузилди, э,

канақа одамсиз, шунга шунчами, деб аризамни йиртиб ташлади.

– Чиқинг, ишланг! – деб пўписалади у. – Тоқат киптуринг-чи, амал керак бўлса, яна қайтариб берармиз!

Хонадан чиқиб, аризани бошқатдан ёздим-да, уни бу гал ўринбосарга топшириб, гап битта, энди бу ерда ишламайман, дедим. Бу нарсани мен эмас, муҳаррир ҳал қилади, дея у мени ўтирган жойида совуқ кузатиб қолди.

Шу тариқа, 1976 йилнинг ноябрида ишсиз қолдим. Аямга ёлғон гапирдим, ишдан ўзим аразлаб бўшадим, десам қаттиқ жаҳли чиқишидан чўчиб, мени ҳайдашди, дедим. Тергамади. Раҳми келди.

*Ўтар юзлаб хоқонлар,
Чиқар минглаб фармонлар,
Она меҳри ўзгармас!*

Ишдан ҳўрланиб ҳайдалганимга ўша кунлари, негадир, ўзимни ҳам ишонтиргим келаверди. Бундан қанча ғазаблансам, кучимга шунча куч қўшилаётгандек, қадримга етмаганларга тезроқ ўзимни кўрсатиб қўйишга бўлган иштиёқим тошқинланиб, турмушнинг қандайдир янгича поғонасига бўлган интилувим ошаётгандек эди. Бу ғалати ҳолат сабабини орадан неча йиллар ўтиб англадим. Ўшанда шундай қилишим зарурати туғилган экан: Тошкентга бориб ижодимга кенгроқ йўл очишни тез-тез орзулаб турсам-да, аямни бунга кўндиришим амримаҳол эканини билиб, зўрға чидаб яшаётгандим, энди кутилмаганда қулай вазият туғилди, бундан фойдаланиб қолиш

учун воқеани уйдагиларга бўрттириб кўрсатишим керак, токи бош олиб кетишдан бошқа иложим қолмаганига иқдор бўлишсин. Бу қишлоқдан шунақа қилиб қочмасам, қутулишнинг бошқа йўли йўқ. Кетмасам, бу баракасиз муҳитда ўлгунчаям овим юришмайди, «ов»нинг энг гавжум жойига бориш учун эса «аслаҳалар»им етарли. Ана, Миразиз Аъзам охирги дафтарларимдаги шеърларни ўқиб кўриб, агар ихтиёр менда бўлса, болаларга аталганларини ҳозироқ китоб қилиб чиқарардим, булар тамоман янгича нарсалар, деб турибди. «Гулистон»даги, «Ғунча»даги, «Муштум»даги танишлар ҳам жон куйдириб, имкон бўлса, пойтахтга келинг, қишлоқда юриб назарга тушиш қийин, дейишгани-дейишган.

Хуллас, Тошкентга кетишга кўпдан баҳона излаб юрардим. Мана, ниҳоят катта баҳона топилди...

Ўзингни ноҳақликка учраган муштипарга солгин-да, пойтахтга ғизилла. Дангал жўнай-версанг-чи, ландавур!



ПОЙТАХТГА ЮРИШ

*Ваҳ! Йўқ этикка ишониб,
чоригингни итқитдингми?*

КУЛКУЛ афанди

Кейинчалик «Ялтироқ тугма» асаримда битганимдек, барча ақлирасо саркардалар каби забт-

корликни буғдой ўримида бошламай, Қўқонни қахратонда қамал қилган Бухоро амири Насруллога ўхшаб, юриш қилишга турп пишиғида киришдим. Камчатка сафари чоғида, Машраб ошнамнинг маслаҳати билан, биз томонда камёб бўлган бахмал матодан икки тўпини почта орқали уйга жўнатгандим, шундан қолган фойданинг ўзи аямни қониктиргани учун, топган мўмайроқ пулимнинг кўпроғини ўзимда олиб қолгандим, шу маблағнинг ҳовури билан пойтахтга тетик кайфийтда келдим.

Бирон ишга кириш учун, энг аввало, паспортимни Тошкентга қўнимдор (прописка) қилишим шарт эди. Масаланинг энг қийини шу бўлиб, у замонда ўзбекларнинг вилоятлардан, айниқса, қишлоқлардан «қочиб келиб», ҳузурижон пойтахтда тирбандланишининг барча йўллари тўсиб ташланган, бу масалада фақат икки тоифага катта имтиёз бор эди: бири — четдан ишга чақириб олинган керакли мутахассислар, иккинчиси — Россияда хутор системасини тугатишга қаратилган ҳукумат қароридан сўнг, рус қишлоқларидан тўп-тўпича оқиб келаётган сариқсочлар. Шу «қалтис масала»нинг кетидан бир ойча югурдик, баъзи амалдорларни ўртага солдик, пора таклиф қилдик, барибир ишимиз битмади. Охири Ўктам аканинг Тошкент вилоятига қарашли Янгибозор шаҳарчасида яшовчи ошпаз таниши Тўхтасин ака хонадонига бир амаллаб қўнимдор қилиндим.

Сўнг иш қидиришлар бошланди. Эндиликда Ғафур Ғулом нашриётида муҳаррирлик қилаётган Миразиз ака олдин ўзи ишлаган «Ёш гвардия» нашриётидан менга бирор ковакча топилишига аминдек эди. Лекин, бош муҳаррирга учраб, сизларда корректорлик лавозимида битта бўш ўрин бор экан, шу нашриётда китоби чикқан бир йигитни ўша жойга олсаларинг-чи, деса, бизга шоир эмас, малакали корректор керак, деб жавоб қилибди. Директорга кирса, ўзи нашриётимизнинг қоровулигача шоир бўлиб ётибди, дея қўлини силтабди. Гоҳ Миразиз акага, гоҳ Ўктам акага, гоҳ Маҳкам Маҳмудовга эргашиб мен бош суқмаган нашриёт, газета-журнал қолмади. Ҳамма жойда икки хил жавобдан бири: «Ҳе, аттанг, паспорт пропискаси Тошкент вилоятида экан, Тошкент шаҳрида яшовчиларгина ишга олинсин, деган кўрсатма бор» ёки «Ҳозирча бўш ўрин йўқ!»

Миразиз ака бир куни мени Ёзувчилар уюшмасига бошлаб бориб, Ҳаким Назирга таништирди, кейин эса, болалар адабиётининг йўғонбилак югандорига айланиб турган Пўлат Мўминга йўлиқтирди, олдин таърифимни келтириб, ишга жойлашишимга кўмаклашишини сўради. Ўта дабдабали тарзда дастхат битилган китобчамни олаётиб, бир ўйлаб кўрармиз, дейишди-ю, ўйлаб юришлари жуда узоққа чўзилди. Балки, улар мени қайтиб эсламагандир ҳам. Шоирлик даъвосида дайдиб юрганлардан кўпи борақанми!

Биргина «Ғунча» журналидагилар очик юз билан қаршилаб, одамдек гаплашишди: «Ёши

ўтиброқ қолган иккита ходимимиз бор, ё униси, ё буниси пенсияга чиқадиган бўлса, сизни жон-жон деб ишга олардик». Орқасидан пойлаб юриб, шулардан бирини машинанинг тагига итариб юборсаммикин, деб кулимсирадим ичимда.

Китобсеварлар жамияти деган бир ташкилот бўларди, асосий вазифаси – аҳоли орасида китобларни тарғиб қилиш, жойлардаги завод-фабрикаларда, далаларда, ўқув юртларида адиблар билан учрашувлар ўтказиб туриш. Маҳкам Маҳмудовнинг илтимоси билан мени охири шу жойга оладиган бўлишди. Эртасига ҳужжат расмийлаштиришга борсам, новча бир ходим мени хонасига бошлаб кириб, директор сизни менинг бўлимимга ўтказар эмиш, олдин билиб олайлик, русчада пухтамисиз, деб қолди. Жудаям пухта эмасман, десам, унда чиқишиб кетишимиз қийин, билиб қўйинг, директор билан эмас, мен билан ишлайсиз, тақдирингизни мен ҳал қиламан, деб гезарди. Директор Норматовнинг олдига кирдим, бўлим мудирни шунақа-шунақа деяпти, сиздан минг марта хурсандман, аммо энди бу жойда ишлолмайман, десам; мени қўшни хонага бошлаб чиқиб, мудирни тикка сўкишга тушди, сўнг менга қараб, ишлайверинг, яна жиғингизга тегса, ўзини йўқотаман деди. Эски бемаънилигим қўзиб, барибир бу идорага қайтиб бормадим.

Баҳор ўтди, ёз охирлаяпти, хануз ишсизман. Захирадаги пулларим аллақачон тугаб бўлган, бир нав қишлоққа бориб олсам, қайтишимда аямдан ташқари укаларим ҳам чўнтагимга беш-олти сўм

тиқиб қўйишади. Хотиним дайдилигимдан шикоятланиб, ҳар гал ичимни хуфтон қилиб жўнатади. Тагин қачон келасиз, деб ўғилларим кўчагача эргашиб чиқади. Бундан юрагим оқади, ўпкам бўғзимга тикилади, додлаб юборгим келади. Болаларимнинг мунгли нигоҳлари ҳафталаб кўз олдидан кетмай қийнайверади.

Бир жумада яна қишлоққа бордим. Уйда икки кун тунагач, кечки 559-поездда Тошкентга жўнашга (бу поезд пойтахтдан Андижон сари қайтишда 660-га айланарди) шайланиб, бошқа хонадонларда камдан-кам учровчи, ҳосилдорлиги пастроқ, лекин шираси тилни ёрадиган, дадам Мамасоли деган миришкор танишиникидан олиб келиб эккан карсиллоқ ҳасайни узумларни халтага жойлаётсам, болаларингни тентиратиб, қачонгача шу аҳволда юрасан, ўғлим, дея аям қайтадан куйканишга тушди. Бор қоним тепага йиғилаётгандек туюлди, ҳозир бошим гумбирлаб портлайди-ю, мия парчаларим тирқираб учиб, деворларга чапланиб қолади, деб ўйладим. Халтани ерга ташладим-у, гандираклагудек одимлаганимча бориб, уйдан қизил кутини кўтариб чиқиб, қопқоғини очдим-да, манавилар ҳаммаси пул, ая, дедим Аламазон ҳақидаги қисса, болаларга аталмиш пьеса ва туркум ҳикоялар солинган папкаларни пеш қилиб. Кейин ўшанда сони қирқтага яқинлашиб қолган, кўплари тўксон олти бетли умумдафтарлардан айримларини варақлаб кўрсатдим:

— Манавилар ҳам пул! Пайти келиб, булар китоб бўлади! Китоб бўлса, ҳар битта сатрига

камида етмиш тийиндан тўлашади! Кўргансиз, биринчи китобимга етти юз сўм беришди! Ҳали каттароқлари чиқса, уч минг, беш минг сўмлаб оламан! Озгина тоқат қиптуринглар, худо хайрингни бергурлар!

Икки минг сўмга кичикроқ уй курса бўлади, бу хоббонининг безрайиб беш мингдан келишини кўринг! Олдин беш сўмга бир кило гўшт олиб беришга қурбинг етсин-чи.

Кечки овқат татимади. Кетаётганимни билиб, болаларим тагин мўлтираб туришибди. Улар қиммат кийимлар, чиройли ўйинчоқлардан кўра доим ёнларида бўлишимни кўпроқ исташаётганга ўхшарди. Наҳотки, менга ўчакишиб, йўқлигимда буларни атайин ўксинтираётган бўлишса? Йўғ-е, бунчаликка боришмас...

Тошкентдаги жонкуярларим менга бошқа иш топишди, республика радиосининг қишлоқ хўжалиги бўлимига олти ойлик синов муддати билан югурдакликка қабул қилиндим. Югурдакликнинг маъноси шуки, синов даврида ишга расмийлаштиришмайди, бўлимдагиларнинг топшириғи билан тайёрлаган эшиттиришларингга қалам пули оласан холос. Қалам пули ёмон эмас, чидаб кун кўрса бўлади. Энг муҳими, бўлимдагилар билан қалинман, ўртада совуқ гап ораламади.

Ярим йил ҳам ўтиб, ниҳоят мени ишга оладиган бўлишди. Қувониб турганимда, кадрлар бўлимидаги музкўз қария паспортим Тошкент шаҳрида кўнимдор эмаслигини баҳона қилиб, ишнинг белига тепди, бўлимимиз бошлиғининг

илтимоси ҳам ўтмади. Тарвузим яна қўлтиғимдан тушди. Энди нима қиламан? Яна қаерга бориб ялинаман?

Шунча ташвишлар ичида университетдаги ўқишимнинг ғалвалари ҳам бор эди. Гоҳ синов иши, гоҳ курс иши ёзасан, имтиҳон ойи келса, умринг аудиторияларда ўта бошлайди, «кониқарсиз» баҳо олмаслик учун муаллимларга пой-патак бўлишга тушасан. Дарс тайёрлашга вақтинг бўлмай, гоҳ бирига «Талабалар шаҳарчасидан МУМ-га саёҳат» каби қизиқ шеърларингдан ўқиб бериб, гоҳ иккинчисига тишинг қаттиқ оғриётганидан шикоят қилиб ўтириб, минг найранг билан имтиҳондан ўтасан.

Иш қидиришдаги омадсизликлардан, иқтисодий қийинчиликлардан кўнглим буткул чўкиб кетганми, Тошкент сарсонгарчиликлари даврида учта имтиҳондан ўтолмадим, қайта топширишга ҳафсалам келмай, бўлди, энди ўқишнIAM йиғиштираман, дея университетга бормай юравердим. Бу пайтда Бешёғочдаги бир кампининг уйида ижара турардим, группамиз курсбошиси Назиржон, курсдошимиз Шукурни ҳам вақтинча шу ерга жойлагандим. Кўнглига яқин ўқитувчиларни авраб, имтиҳон топширмасам ҳам менга баҳо қўйдириб бераверадиган Назиржон аразимдан куйиниб, иложим қанча, бу домларга гапим ўтмади, лекин сиз бунақа ўжарлик қилманг, курсда қолдириб юборишади, деса ҳам парвойимга келтирмадим. Бу ҳолдан Мир-азиз аканиям хабардор қилишган экан, охири шу

устознинг аччиқ сўзлари таъсирида зардаланганимча бориб, бир зарбда ҳамма қарзимни узиб ташладим.

Курсдошларим ичида андижонлик Назиржон ва Шукурдан ташқари, кашқадарёлик Акрамжон, оҳангаронлик Жўравой билан ҳам жуда иноқ эдим. Қизлардан сирдарёлик Баҳорой, тошкентлик Назирахон (адабиётшунос Ғайбулла ас-Саломнинг кизи) ўзларини менга яқин тутишарди. Бошқа курсдошлар билан ҳам аҳил эдим, ёзги ёки қишки сессияга йиғилсак, қай бирлари менга хонадош бўлишни истаб, яхши жой топдик, квартирада биз билан яшасангиз-чи, деб қисташарди. Дам униси, дам буниси меҳмонга чақириб турарди.

Кундузги бўлимда ўқийдиганлар орасида ҳам танишларим кўп эди, баъзан уларнинг ижарахонасида тўпланиб, айрим ёш шоирлар билан мушоира ўтказардик. Бир гал Акрамжон ташкилотчилигида кашқадарёлик талаба Юсуфжон Ҳамдамовнинг кулбачасига Усмон Азим, Муҳаммад Раҳмон, Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст кабилар йиғилиб, шеърхонлик қилдик. Қиссанавислиги боис ўзини даврада кўрсата олмаётганиданми, ё Москва адабиёт институтидаги дўстидан қарзга сўраб кийиб келган костюмини мастликда электр печи устига ташлаб куйдириб қўйгани учунми, биргина Мурод йиғинга унча қовушолмай ўтирарди.

Бир пайт Акрамжон балет ҳақидаги шеърни ўқиб беришимни сўраб қолди. Найиқ сўзлар кўп бўлгани учун аввалига кўнмадим, бошқалар

ҳам қисташга тушгач, ёддан ўқиб бердим. Бўлди кулки, бўлди кулки. Бундан руҳланиб, орқасидан Гулмат ғазалларидан ҳам биттасини қистирдим.

Гулмат деган девонаваш шоир номидан талай қизиқ ғазаллар ёзиб юрган бўлсам-да, уларни на «Муштум»дагилар юрак бетлаб боса олишди, на бошқа газета-журналдагилар. Фақат талаба дўстларим даврасидагина ўқиб турардим. Самарқандлик курсдошим Сирожиддин бунга тақлид қилиб, Хумий тахаллуси билан ҳажвий ғазаллар ёза бошлади. Қойилмақом ёзарди. (Гулмат туркумидаги ғазалларни шеърӣй умумдафтарларга кўчирмай, алоҳида папкага йиғиб юардим; 80-йиллар атрофида ўта бўш туюлганларини меҳнатимга ачина-ачина йиртиб ташлагач, айрим тузукроқларини қайта пишитиб, буғолтирлар ишлатадиган катта қора дафтарга жамлашга тутиндим).

Аҳволим оғирлашаверди. Олтиариққа шалвираб қайтишга бетим чидамасди, Тошкентда яшашга қурбим қолмаганди. Хонани ижарага берган кампир кўнгли юмшоқ аёл эди, топганда пул тўлардим, вақтида тўлолмасам, қистовга олмасди. Барибир бу хонадондан кетишимга тўғри келди. Гоҳ Миразиз аканикига, гоҳ Ўктам аканикига, гоҳ қишлоғимиздан келиб турли жойларда ўқиётган танишларимникига бориб тунайман, овқатларига шерик бўламан. Бир неча марта темирйўл вокзалига бориб, узункурсида мудраганча тонг отирган кунларим ҳам бўлди. Бир қултум винони тангрининг чексиз инояти сифатида қабул

килувчи уйсиз саёқларнинг юзаки караганда ўта кувнокдек туюладиган, уларнинг ўрнига ўзингни қўйиб кўрсанг, беҳад аянчли бўлган турмуш тарзи билан шу жойда тобора яқиндан танишавердим. Ўзимни ухлаганга солиб, уларнинг ўзаро суҳбатларини зўр қизиқиш ва ҳаяжон ила тинглаб ўтирардим баъзан.

Нонуштадан тортиб кечки овқатимгача бир хил таом – бор-йўғи тўрт тийин турадиган, биров «ухо-горло-нос», биров «беданакабоб» деб атайдиган гўмма сомсачалардан тўрт-бешта олиб, чапиллатиб-чапиллатиб ейман, ҳикичок тутса, артизоннинг сувидан босиб ичаман. Ҳеч илож қолмаганда, аҳволи меникидан яхшироқ бўлмаган Ўктам акага қўшилиб, тиламчиларнинг олдида тўпланиброқ қолган тангаларни талашда ҳам катнашардим. Бу – жуда уятли, жуда изтиробли эди.

*Ғалаба ҳам икки хил:
Бирисидан яшнар дил,
Орланасан биридан.*

Болалар нашрларида, гоҳо «Муштум» журналида исмим кўриниб турарди, аммо плагиатлик авж олган, баъзилар туман, вилоят миқёсидаги газеталарда босилган шеърларни йиғиб, пойтахтда ўз номидан китоб қилиб чиқаришгача бориб етган, бу кўчирмачилар ҳақида фелъетонлар босилаётган муҳитда битганларимни туркум-туркум тарзда бировларнинг қўлига топшириб қўйишни истамасдим, редакцияларга

уч-тўрттадан шеър тарқатиб турардим, холос. Шунга қарамай, мавзу ўғриларига бир-икки бор дуч келдим. Масалан, ўшанда «Шарқ юлдузи» журналида ишловчи ходима қолдириб юборган шеърларимдан биридаги сатрлардан ўзининг шеърида деярли ўшандай фойдаланганига гувоҳ бўлдим. Этикдўз мушук ҳақида эртакча ёзиб, «Ғунча»га топширсам, орадан анча ўтиб, бошқа одамнинг шу мавзудаги каттагина шеъри босилиб чиқди.

Худди шундан чўчиб, саргардонликда ёзиб тугалланган «Аламазон ва унинг пиёдалари» деган қиссамни ҳам анчагача бировга кўрсатмай юрдим. Охири Ўктам ака ўқиб кўргач, жуда қизиқ асар бўлибди, дея мени «Шарқ юлдузи»га етаклаб борди, қиссамни мактаб, наср бўлими мудирри Шукур Холмирзаевга топширди. Шукур ака икки ойчадан сўнг остига фамилия қўйилмаган тақризни қўшиб (дўстим Тоҳир Малик одоб юзасидан шундай қилганини журналда ишловчи Тоҳир Қахҳордан барибир билиб олдим), асар ҳали хом, дея папкамни қайтариб берди. Тақризда айтилган камчиликлардан ўринлиларини тузатиб, қиссамни яна олиб бордим. Шундан кейин ора-сира йўлиқиб турдим, аммо Шукур ака асар ҳақида бошқаларнинг ҳам фикрини эшитиш учун кимгадир бергани, кимлиги эсида йўқлигини айтиб, гапни чувалайверди. Охири суриштирмай қўйдим.

Ҳар нарсанинг ўз пайти бўларкан, кунлар кетидан ойлар кечиб, бу асарни босиш «Шарқ

юлдузи»га Холмирзаевдан кейин ишга келганларга насиб этди. Факат, улар очик-ойдин шартлар кўйишди — фалон-фалон бобларнинг фалон-фалон қисмларидаги маънолар ўта қалтис, бошқа боблардаги фалон-писмадон жумлаларни ҳам ҳозирги замонда бериб бўлмайди, уларни қискартириб ташлаймиз. Шунда тушундимки, Шукур ака менга бу гапларни ошкора айтиб, ўзини бир қишлоқи йигитча олдида ҳуркак кимса қилиб кўрсатишни истамаган, у-бу баҳоналар билан ишни ортга сураверган.

Мазкур қиссани нашриёт ўшанда аллақачон босмахонага топширгани, ҳадемай бирон жойи ўзгартирилмаган тарзда китоб бўлиб чиқишини назарда тутиб, ҳартугур тузуккина гонорар тўлашади-ку, дея журналдагиларнинг шартига рози бўлдим. У ёғини сўрасангиз, асарнинг нашриётдан бус-бутун ўтиб олиш жараёни ҳам осон кечмаган, бундан олдин Ёзувчилар уюшмасида яхшигина тазйиққа учраган эди. Ушбу воқеа ҳақида фурсати келиб, балки кейинги китобда алоҳида тўхталармиз.

Ҳозирда ўша дамларни ўйлаб қолсам, қанчалар оғирчиликлар кўрмайин, ёзганларимни тезроқ нашр қилдиришнинг орқасидан қувавермай, ўзим таг-тагигача тушуниб етмаган ҳолда, асосий вақтимни ёзишга сарфлайверганим зап тўғри иш бўлган экан, деб қўяман. Зеро, йиллар ўтиб, ёшликдаги кучни ҳам, кўнгил ёниқликларини ҳам топиб бўпсан!

БОҒСИЗ БОҒБОН

*Мажлис болашавойлар-
нинг сиёсий замбарагидур.*

Гулмат ШОШИЙ

Бир куни қишлоқдош студент ўртоғимнинг квартирасида тунашга бориб, телевизор кўриб ўтирсам, Озиқ-овқат саноати министри (вазир) Воҳид Содиқов билан суҳбат намойиш этила бошланди. Бу одам олтиариклик эди. Суҳбатни тинглаётиб, миямда таталоғич ўй ғимирлади: ие, ҳукуматнинг бир устунига айланган шундай ҳайбатли қишлоқдошнинг бўла туриб, сен нега Тошкентда тепаланиб юрибсан? Бор, ўзингни таништир, соясининг оёқроғидан сенгайм жой топилиб қолар.

Эзилишлар иситмаси таъсирида шундай деб юбордим-у, кейин эски тортинчоқлигим тутиб, боришга ҳеч оёғим тортмади, ишни анча кун пайсалга солиб юравердим. Танимаган одамимнинг олдида пўмпайиб нима қиламан? Сендан бошқа ташвишим йўқми, деса-чи?

Охири бордим. Ленин майдонининг (ҳозирги Мустақиллик майдони) бир четига қурилган кўп қаватли «Министрлар уйи» биносига кириб, лифтда юқорига кўтарилдим. Мени тунд тикилиб қарши олган котиба, олтиариклик эканимни билиши биланоқ муомаласи илиқлашди, ҳозир бандлар, пича кутасиз, дея қатор биққи стуллардан бирига ястанишимни таклиф этди.

Мана, министрнинг қаршисида ўтирибман. Шумшаймасликка тиришганимча ўзимни таниш-тирдим, қайси оиладанлигимни, қаерда ўқиётганимни қистириб ўтдим.

– Отангиз Обиджон акани яқиндан билардим, жа очикқўнгил одам эди раҳматли, – деб ичимга ёруғлик солди министр. – Хўш, биздан нима хизмат?

– Тошкентда ишга жойлашмоқчи эдим, сал чўзилиб турибди, – дедим янада дадилроқ бокиб. – Иш-ку топилади, тайинли яшаш жойим йўқлиги сал қийнаб қўйди.

Воҳид Содикович кўзини шипга тикиб, пича ўйланиб қолди. Ўзича бир қарорга келгач, яна менга юзланди:

– Мундоқ қилсак-чи, иш топгунингизча Янгиободдаги Ёғ-мой комбинатимизга ўрнаштириб турай. Ҳам ойлик тўлашади, ҳам ёш оилалиларга аталган умумётоқдан алоҳида хона беришади. Нима дейсиз?

Иккиланмасдан кўндим. Министр шу заҳотиёқ комбинат директориға кўнғироқ қилиб, бир оғиз гап билан ишни пиширди.

Шундай қилиб, 1977 йилнинг 10 октябридан эътиборан Тошкент Ёғ-мой комбинатида «боғбон» деган штатда иш бошладим. Янгиободдаги умумётоқдан бир хонали хужра ҳам беришди. Ётоғим алоҳида-ю, ошхона, душхона, ҳожатхона кабилар умумий.

*Кўрдим ярим кечаси
Бутоқда шим турганин.*

Ҳеч ким билмас

Эгаси –

Нима қилиб юрганин.

(«Богдаги сир». 1981)

Комбинат директори Пўлатов «министрнинг одами» эканимни назарда тутиб, вазифамга кўра дарахтларни суғориш, гуллар остини ўтлардан тозалаб туриш ишларига мени яқин йўлатгиси келмади; журналист экансиз, Раъно опангизга қарашиб юрақолинг, деб мени комбинат бошланғич партия ташкилоти котибининг ихтиёрига юборди. Яна ўша «Ленинобод» колхозидagi аҳвол такрорланди – коммунистлардан ҳар ойда бир марта аъзолик бадалларини тўплайман; йиғилиш ўтказилса, котиблик қиламан; ё ўша куни, ё эртасига мажлис баённомасини ёзиб, папкага тикаман. Кўпинча одамларни ишдан қолдирмаслик учун мажлис ўтказилмас, лекин барибир «ўтказилди» деб баённома ёзилаверарди. Фалон куни фалонча коммунист иштирокида КПССнинг фалон қарори муҳокама қилинди, йиғилишда фалончи-фалончилар сўзга чиқиб, фалон-фалон фикрларни билдиришди, деган жумлаларни ҳаводан олиб тўқишга тушаман. Буларни ўқиб кўриб, жуда чиройли тайёрлабсиз, дея Раъно опанинг оғзи қулоғига етади.

Фирқага аъзолигим жонимга ора кираётганди. Шаҳарнинг энг баланд тепалигига чиқиб, партияни шарафлаб қичқиргим келарди: Гапфуруш большевиклар ўйлаб топган сиёсий дабдабаларга минг тасанно! Бу дабдабалар маҳсули бўлмиш барча

қоғозбозликларга миллион-миллион офаринлар бўлсин!

Деярли бекорчихўжа эдим. Ойлигим 90 сўмгина эса-да, ҳарқалай, лоақал тушликда тузукрок овқатланишимга, қишлоққа олдингидан серкатноврок бўлишимга учма-уч етиб турарди. Ишхонага ҳафтада бир-икки марта бош сукиб қўярдим. Қолган кунлари каравотдаги кўрпамни полга тўшаб чўзилганимча, шеър тўқиганим-тўқиган эди. Маош олган кунларим қишлоққа кетиб, баъзан бир ҳафта ўтказиб қайтардим. Қайтгач, қўлим бўшасаёқ, яна тинимсиз шеър битишга тушардим. Болаларга аталган туркум шеърларимнинг асосий қисми шу умумётоқдаги бор жиҳози бир шкаф, бир каравот, бир стол, бир стулдан иборат бўлмиш торгина хона деворлари орасида дунёга келган. Пиёниста қўшниларнинг улфатчиликка чорлашларидан, таниш жувонларнинг дам олиш кунлари залда ташкил этиладиган «танца»ларга судрашларидан бешиб, эшикни ичкаридан кулфлаб олиб ёзардим. Айрим қилиқларимни ахлоқсизликка йўйиб, тепадагиларга арз қилиб юрмаслиги учун қишлоқдан олиб келган мева-чевалардан бир қисмини умумётоқ комендантига бериб турардим. Шу боис, мажлис бўлиб қолса, менинг интизомимни, хонани тоза тутишимни мақтагани-мақтаган эди.

Лекин, шонинг душмани – шо, гадонинг душмани – гадо, деб бекорга айтишмаган. Бир куни боғбонлар бригадири Раъно опанинг олдига кириб, министрнинг эркатойига айтиб қўйинг, ҳеч

бўлмаса, ҳафтада уч кун бизга қўшилиб ишлаб турсин, дебди.

– Бу одам жуда муттаҳам, – деди Раъно опа. – Ҳатто директоромизнинг устидан шикоят қилиб, марказқўмга хат ёзган. Бирор йўлини топиб, у билан ўзингиз келишиб олинг. Очиғини айтсам, ичишни яхши кўради, лаънатига баъзан арақ-парақ олиб берсангиз, балки оғзи юмилиб қолар.

Ҳозир нима аҳволдаман-у, учраган эшакни емлайверсам, ўзим қандай кун кўраман, дейишдан тилимни тийдим. Ётоққа боргач, нима қилсам экан, деб роса бош котирдим. Нихоят, чора топилди – бунақаларни лақиллатиш фирибгарликка кирмайди, ёмондан жон сақлаш учун ҳар қандай маккорона усулни қўлласа бўлаверади.

Эртасига бригадиримга йўлиқиб, олдинига ҳол-аҳвол сўраган, у ёқ-бу ёқдан сўзлашган бўлдим. Сўнг гапдан-гап чиқариб, кўпни кўрган одамсиз, ўзи анчадан бери бир нарсани сиз билан маслаҳатлашмоқчи бўлиб юргандим, дедим.

– Нима гапакан? – деб чакчайди бригадир.

– Ўқишим тугаб боряпти. Университетни битирсамоқ, министр қондошим мени бирорта кичикроқ корхонага бошлиқ қилмоқчи эканини айтди. Омалейкин, кўрқоқманми, эҳтиёткорманми, бошлиқ бўлишга сира юрагим чопмаяпти. Четдан келган одам Тошкентда кун кўриб кетишиям, ғажийман деб турувчилар орасида униб-ўсишиям осонмас.

Бригадирнинг тўсатдан қиёфаси ўзгариб, менга ялтоқланиб бокди:

– Юракни бутун қилсангиз-чи, укахоним. Хўжайинликни кўркмасдан олаверинг. Керак бўлса, мана биз ёнингизда туриб берамиз. Биров соянгизни эзиб кўрсин-чи!

– Балки, сиздек тажрибали, дангалчи акаларга таяниб ишласа бўлар. Пайти келганда, яна маслаҳатлашиб кўрармиз...

Шу-шу, бригадир мен билан кучоқлашиб кўришадиган, ўқишим қачон тугашини суриштириб турадиган бўлди. Гоҳо уйидан кўтариб келган тушлигига мени шерик қилмоқчи бўлар, тинч юрганимнинг ўзи етади, ҳаддимдан ошмаганим маъкул, дея кўпинча бир нимани баҳона қилиб, узр сўрардим. Кап-катта одамни лаққа тушираётганимдан барибир хижолат тортардим. Начора, ўзи бошладими, ўзидан кўрсин, деб кўнглимга таскин берардим бунақада.

Ижоддан бош кўтаролмай қолсам, кўзларим зўриқишдан қизариб, киприкларим остида ярачалар пайдо бўла бошларди. Бундай дамларда гоҳ кадрдонларимни уйларига бориб йўқлардим, гоҳ редакцияларга уч-тўрттадан шеър тарқатиб чиқардим, гоҳ тушлик чоғи таниш адиблар билан ошхонада гурунг қулардим. Торроқ доирадаги суҳбатларда кўпинча мавзу яна миллатимиз тақдирига, эрксизлигимиз фожиаларига бориб тақалаверарди. Бунинг сайин истибдодни қоралаш, юрт мустақиллигини орзулаш катталар учун ёзганларимдагина эмас, болаларга аталган асарларимда ҳам кенг аксини топиб бораётганди.

Энг хавфлиси – тобора ашаддий миллатчига айланаётганим эди. Қишлоқлардаги ўзбек болалари ҳатто тўп тепиб чигил ёзишга майдонча тополмаётган, эгни тузукроқ либос кўрмай яшаётган бир пайтда, бошқа миллат вакиллариининг ясаниб олган болалари истироҳат боғларида бири арғимчоқ учиб, бири отўйинда айланиб қувнаётганини; барча қулайликларга эга бўлган спорт мактаблари, турли-туман тўгараклар шуларнинг ихтиёрида эканлигини кўрсам ҳам юрагим эзилишга тушарди. Идоралардаги маъмурий ходимларнинг аксарияти европаликлар, кўча суғурувчиларнинг бари ўзбек. Қайсидир ҳинд кинотидаги бир шофёр инглизларга қарамликдан кутулиш йўлида курашиб, кўзида жикқа ёш билан ўзини қурбон қилаётганида, унга қўшилиб ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлардим, оддий ўзбекларнинг ҳамма-ҳаммаси қачон шундай олий тушунчага эга бўларкин, дея олдимдаги телевизорни тепиб синдиргудек кепатада тутоқар эдим. Ўқтин-ўқтин, ҳаёлларим қўрқинчли тус оларди.

Ҳаёт оғирликларини кўп бошдан кечирган собиқ сиёсатчи-амалдорлар ёки кекса зиёлилардан айримлари билан эл-юрт тақдири ҳақида гоҳо эркин суҳбатлашиб қолсам, ҳовурим босилаётгандек туюларди. Улар мавжуд тузумнинг салбий томонларини очиқчасига танқид қилиш билан бирга, агар большевиклар ҳокимиятни қўлга олиб, ҳўжакўрсинга бўлса-да, ишчи-деҳқонлар манфаатини биринчи ўринга кўтармасайди, кунимиз пулдор ва мансабдорларнинг мутлак

хукмронлиги остида тураверган, ҳатто юрт фарзандларини ёппасига бепул ўқитиш орзулигича қолаверган, натижада оддий халқ ҳозирга қадар феодал тузум шароитида иприндилигича юраверган бўлиши мумкинлиги кабилардан сўзлаб қолса, буларнинг гапида ҳам жон бор, дея чуқур хаёлга чўмардим.

Донолар қадимдан таъкидлаб келганидек, хар қандай ёмон нарсанинг яхши томони ҳам бўлади-ку! Мушоҳада тарозисининг бу палласига «ёмон»ларини, у палласига «яхши»ларини қўйиб, шайн қайси томонга оғишини шошмасдан кузатиш лозим шекилли. Лекин буни холис солишти-ра олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун одамга, энг аввало, сиёсий-ижтимо-ий билимларга лим тўла ка-а-ттакон калла керак. Афсуски, ҳозирча менда бунақаси йўқ.

Нукул иккиланардим. Бизни ўтмишимиздан, бой удумларимиздан, муқаддас қадриятларимиздан узишга интилмаса, айникса, тилимизга тазйиқ қилмаса, балки, бундан зўрроқ тузум йўқдир. Империянинг югандорлари қанақа думбул одамлар ўзи? Бир тутуми билан меҳрингни жўшдирса, икки тутуми билан ўзидан бездиради? Ҳамма миллатга бирдек қайишадиган ақли бутунроқ доҳий лоп этиб балқиб чиксайди, ишлар буткул бузилмай туриб, бари бирма-бир из-изига тушиб кетармиди...

1978 йилнинг 30 январиди тўртинчи ўғлим Ботир ҳам туғилди. Учгудек бўлиб қишлоққа бордим. Чақалокни кўриб, кўзим қувонгандан-

кувониб кетди – Яратганга минг қуллуқки, дадам
рахматлининг ўзгинаси-я!

*Кўриб қўйдим умримда
Қанча қаламқошларни.
Қанча ёлгон қулги-ю,
Қалбаки кўзёшларни.*

*Билдим – сохта ҳаммаси,
Барчаси бир дақиқий.
Фақатгина хотиним –
Туққан ўғил ҳақиқий!*

(1981)

Тўрт ўғил, тўрт севинч, тўрт юпанч... тўрт ба-
равар эҳтиёж...

Бош омон бўлса, буларни худо ризқсиз қўй-
мас, қорнини амаллаб тўйдирарман, ундоқроқ
бўлмаса, мундоқроқ кийинтирарман. Лекин, ён-
ларида доим парвона бўлиб, тузукроқ тарбия-
лашга вақт, имкон топа олармиканман? Пайти
келиб, етарлича ғамхўр бўлолмаганимни таъна
қилишмасмикин?

Бутун бошли умумётоқ каби менинг хонам
ҳам қишда яхши исимади, электр плитаси сотиб
олишга камбағаллик қилдим. Комендантдан та-
гимга қўшимча матрац сўраб олган, ёпинчиғим
устидан пальтомни ташлаб ухлашга ўтган эсам-
да, тун билан дилдирайверардим. Бошим тумов-
дан чиқмай қолди; бир йўтал тутса ўпкам узил-
гудек бўларди; суяқларим қақшай бошласа ревма-
тизмим қайтовланишидан қўрқишга тушардим.

Бир гал, армияда совукдан ёрилган озиқ ти-
шим оғриб, жағим гумбара бўлиб шишиб кетди.

Овқат ейиш тугул, чой хўплашнинг иложи йўк. Сурункали азоб тугал ҳолдан тойдиргач, жағимни боғлаганча кўчага чиқдим; муолажа чоғида очлик боис ҳушдан кетиб қолмаслик учун ошхонага кириб, кучли оғриқдан кўзим ёшланганича, қорнимни тўйғаздим. Дўхтирга борсам, жағингиздаги шиш қайтмагунча, тишингизни суғуриш мумкин эмас, деди. Чўнтагига пул тиқиб, бошлайверинг, ҳеч нима бўлмайди, дедим. Оғриқ қолдирувчи уколлар у замонда ҳали кенг русумга кирмаганми, ё дўхтирда йўк эканми, пастки озиғимни жонимга човут солган аснода қайира-қайира базўр суғуриб, ёнидагиси ҳам йиринглаб ётибди, унисини олдиргани эртага келарсиз, деб ҳансиради. Сал ўзимга келволай, кейин бунисиниям олиб ташлайсиз, чидайман, дея гандираклагудек аҳволда ташқарига чиқдим; битта сигарет чекиб қайтдим-у, ўзимни яна «жаллод»га топширдим.

Баҳорга чиқиб, негадир, кувватим қочиб бораверди. Ўнгланиб кетарман деб, аввалига парвосиз юрдим; иштаҳам кескин пасайиб, кўнглим тез-тез айнийдиган бўлгач, ўлсам ҳам уйимда ўлайин, Тошкентда даволанишга ётадиган бўлсам, ким ҳолимдан хабар олади, деган хаёлга бордим. Май ойида ишимдан бўшаб, қишлоққа жўнадим.

Шу тариқа, Тошкентга қилган ғаввоғав юришим батамом мағлубиятга учрашим билан тугади. Бу – асабим буткул дош беролмай қолса, рухимни умримнинг охиригача тикланмас даражада синдириб ташлаши мумкин бўлган жуда шармандали, ўта қақшатқич мағлубият эди.

ДИҚҚАТ! ФАРҒОНАДАН ГАПИРАМИЗ!

*Овсарлар ўз мағлубияти-
нинг йириклигидан ҳам ҳа-
воланаверади.*

КУЛКУЛ афанди

Йўқ, мен катта мағлубиятдан ҳаволанишни удалолмадим; шаҳарга қилинган юришда енгилганимни аламли тарзда тан олиб, Полосонга сўлғин қиёфада қайтдим, ҳовлимизга сузқадамлик билан кириб бордим. Йириккина газетага ишга олмоқчи бўлиб туришувди, бирдан тобим қочиб, тўғри қишлоққа келавердим, дея уйдагиларга баҳона тўқидим.

Касалхонада ётишни азал жиним суймаса-да, соғлиғим тез ёмонлашиб бораётгани важҳидан дўхтирга учрашишга мажбур бўлдим. Текшириб кўришса, сариқ касалига чалинган эканман. Юсуфжон дўстим бу маҳалда туман марказий касалхонасида бош врач ўринбосари эди, унинг меҳрибончилиги туфайли мени чўлнинг бир четидаги «инфекционний»га жўнатмай, темирйўл станцияси ёнидаги нефтчилар шифонасига ётқизишди. Алоҳида хона бериб, касалим бошқаларга юқмаслиги учун, имкон қадар бўлимнинг ўнг қисмидан нарига ўтмаслигимни тайинлашди.

Ўша даврда сариқ касали бутун республикада эпидемияга айланиб бораётганди, бундан анча олдин хотиним ҳам шу ташхис билан ётқизирилиб даволанган, қишлоқларда у ёки бу кишиси ушбу

дардга чалинмаган хонадонни топиш амримахол эди. Америкаликлар Вьетнам урушида аҳоли устига ҳарбий учоқлардан ўта заҳарли «Бутефос» химикати сочганини бир пайтлар ҳаммадан баланд овозда қоралаб юрган Кремль хўжайинлари, ҳозирга келиб, ўзимизда айнан ўша «Бутефос», ундан-да кучлироқ бўлган «Меркоптофос», «Би-58» кабилар қишлоқ уйларига туташ пахтазорларда ҳам қўлланилаётганини била туриб билмаганга олишаётганди. Кейинчалик маълум бўлдики, ўшанда ғўза зараркунандаларига қарши кураш шиори остида ҳар гектар ерга йилига ўртача 54 килограммдан кимёвий оғу сепилган (80-йилларда бу кўрсаткич дунё бўйича 300 граммни, Ғарбий Европа ва АҚШда 2–3 килограммни, ҳатто шўролар давлатининг ўзида ўртача 1 килограммни ташкил этган), улар ер қатламига 50 метр чуқурликкача сингиб улгурган, ер ости сувлари, мева-сабзавот, полиз экинлари таркиби зарарли моддаларга тўлиб бораверган экан. Ўн беш республикага ҳукмрон бўлиб турган поёнсиздан-поёнсиз қизил империя миқёсида олиб қаралса, бу даврда сариқ касалига чалинганларнинг учдан бир қисмини миттигина юртда яшовчи ўзбекистонликлар ташкил этганди. Олтиарикдагиси республикамиз аҳолиси бошига келиб тушган улкан кулфат тошининг кичик бир парчаси эди.

Инфекцион касалхона тўлиб-тошиб кетгани боис, нефтчилар шифохонасидаги терапия бўлимининг ўнг қаноти ҳам «сарик»ларга ажратилиб, бу ерга нуфузлироқ шахслар, ёш бо-

лалар ётқизилар экан. Бу шифохонада беҳад хассослиги билан доврў қозонган, гоҳо вилоят касалхонасидаги врачлар ҳам баъзи масалаларда маслаҳатлашиб турадиган Доронина деган хуштабиатгина аёл ишларди. Касални жуда ўтказиб юборибсан, жигарни буткул ишдан чиқаришингга оз қолибди, ҳозирча фақат ошқовоқ еб тур, икки ҳафтагача ҳатто нон ҳам емайсан, деб буюрди у.

Нон ҳеч қачон одамнинг меъдасига тегмайди, дейишарди. Ўн кун ўтмаёқ, нонга ҳам, димлаб пиширилган ошқовоққа ҳам яқинлашгим келмай қолди. Бир куни, беморларга ошхонадан овқат ташиб келтирувчи санитар кампирнинг кўлидаги патнисга чанг солиб, тўрт-бешта котлетни юлқиб олдим-да, хонамга кириб, яйраб-яйраб тановул қилдим. Санитар кампир ортга қайтишда палатамга мўралаб, бундан кейин бировларнинг ризқига човут солмай, нима хоҳлашингни олдиндан ўзимга айтиб қўй, деб танбех берди.

Касаллар кўпайиб кетгани туфайли дори-дармон етишмай, томирга томчилаб қуйиладиган глюкозани марказий касалхона қошидаги махсус аптекада тайёрлаш йўлга қўйилган экан. Бу «ясама»лар заводда чиқарилган «ҳақиқий»ларга нисбатан сифатсизроқ бўлганми, беморларда реакция кўзиб, баъзиларини типирчилатиб кўярди. Маҳалладошим Турсун бензавозчининг тўрт ёшлардаги қизчаси шундай реакция оқибатида ўлиб кетишига сал қолди. Кичкинтойга раҳмим келиб, менга врач дўстим Юсуфжон келтириб бер-

ган ҳақиқий глюкозалардан икки банкасини унга тортиқ қилдим. Врач дўстимдан яна дори сўрашга ийманганим учун, ҳамшира аёлдан ҳеч кимга индамасликни илтимос қилиб, «ясама»лардан бирини менда синаб кўришга зўрға кўндирдим. Бир банка суюқликни танамга юбориб бўлганидан кейин ҳам, ҳамшира анчагача ёнимдан жилмай ўтирди, реакция аломати сезилмагач, сизга билинмади, дея енгил тортди; буни Юсуф ака эшитиб қолса, мени еб ташлайди, унга билдирманг, деб ялинчоқланди. Шу кундан эътиборан, қизчага аталган «ясама»ларни мен ола бошладим, мендаги «ҳақиқий»ларни қизча қабул қилишга ўтди. Глюкозадан ташқари «гемодез» деган осмаукол ҳам бериб туришар, кунда бир неча хил тугмадор ичкизишарди. Тўғриси, ҳаммасини ҳам ичавермасдим. Танам уларни оғир қабул қилаётгани яққол сезилиб турарди.

Касални ўтказиб юборганим рост шекилли, бошқаларга қараганда узоқроқ даволандим. Соғайиб қайтганимдан кейин ҳам ўзимни лоҳас хис қилавердим.

Оиламиздагилар уриниб-тиришиб яшашда давом этарди. Акрам укам мактабдан маош оларди, Тоҳир укам мева тижоратидан маблағ топиш йўлини ўрганаётганди, томорқачиликни уддалаётган Авазбек укамнинг ҳам қўли пул кўра бошлаганди. Хотинимнинг далада ишлаб топгани, ҳарқалай, бир-икки қоп унга етгулик эди. Йил сайин кексайиб бораётган аям энди аввалгичалик бетиним ишлай олмаса-да, барибир чеварлигини

ташламай, тикканларини ҳафта оралаб бозорда сотиб келарди.

Муаммоларнинг энг каттаси — тор ҳовлида тиқилишиб яшаётгандик. Акрам укамни уйлашдан олдин қурилган иморатни ҳисобга олмаганда, бошқа уйларимиз эзилиброқ қолганди. Айниқса, айвонсиз дўнгалак уйнинг орқаси бир неча йил олдинок у ер-бу еридан ёрилишни бошлаган; аям унда яшашдан кўрқиб, охири томнинг остида қолиб ўлар эканман-да, деявергач, усталар нурамайди деб айтишди-ку, гапимга ишонмасангиз, майли, гаров сифатида ўғлим сиз билан турсин, дея митти Баҳромни шу ёққа кўчириб чиқарган эдим. Кейинроқ, уста Абдуқаҳҳорга айтиб, ичкаридан кўшимча устун кўйдирдим.

Баримиз битта қозондан овқат ердик. Энг тайёрхўри — мен ва болаларим. Бунини ҳеч ким юзимга очик таъна қилмас, фақат бирда аям, бирда Тохир укам беихтиёр шамалироқ гап айтиб кўяр, мен-ку пайқамагандек ўтираверардим, аммо хотиним тезда кўнглига олиб, минғирлашга тушарди. Қарабсизки, ўз уйимизга киргач, яна жанжал бошлайди, пешанам бунча шўр бўлмаса, дея сочини юлгудек бўлади. Эски одатига кўра, гоҳо астойдил аразланиб, отасиникига кетади, энди олиб келишга борманглар, деб уйдагиларга тайинласам, бирон-бир кўшни ўртага тушиб, уч-тўрт кундаёқ қайтариб келади. Жигимга ортиқча текканида (аслида, кўпроқ аям билан чиқишмасди), бўлди, етар, энди ажрашаман, деган хаёлга борардим-у; биринчидан — бола-

ларимнинг кўнглини авайласам, иккинчидан – камбағалгина, юввошгина, йигитлигида урушга ҳам жойнамози билан кетган художўй дадаси бундан қаттиқ изтироб чекиши мумкинлигини ўйлаб, тагин ўзимни босардим. Хотинимгаям барибир раҳмим келарди.

Дўхтирим қанчалар такрор-такрор уқтирган бўлмасин, касалхонадан чиққанимдан кейин пархезга амал қилмадим; амал қиламан деганим-даям, бу бир қозонли уйда менга алоҳида овқат пишириб беришнинг иложи қаяқда дейсиз. Бунинг устига, асабни тинчлантиришга бўлган ички иштиёқ мени араққа кўпроқ етаклайверганими; кечалари туз тотмасдан, кетма-кет чекиб, шеърлар, болаларга аталган туркум ҳикоялар, пьеса, Қодирий қаҳрамонларига тақлидан ҳажвиялар битишга ружу қўйганимми жигаримни зўриқтирди шекилли, сариқ касалим қайтовланиб, яна нефтчилар шифохонасига ётдим.

– Ўзи-ку биринчисидан ўлиб кетишинг мумкин эди, организмнинг итникидек чидамли экан, омон қолдинг, – деб жеркишга тушди дўхтир Доронина опа. – Майли, яна бир даволаймиз, аммо бундан кейин ўзингни эҳтиёт қилмасанг, ўлишинг аниқ.

Зора ўлақолсам, деб ўйладим ўшанда. Ҳеч нимадан ташвишланмай, тинчгина ухлайверасан, ухлайверасан, ухлайверасан. Сени на ўнлаб йилларга чўзилган очлик безовта қила олади, на кимларнингдир устингдан тепалаб ўтиши. Энди ҳеч бир бандадан жабр кўрмайсан, ҳеч бир бандага

жабр ҳам етказолмайсан. Ҳамма ёқ – жимжит, шу сокинлик аро биргина ўзинг.

Ўлимдан сесканардим, лекин ўлиб кетишдан, негадир, кўркмасдим у пайтда. Балки ёшликнинг ҳовури баландлиги боис шунақа туюлгандир; балки укубатли ҳаёт мени ўзидан буткул безитиб ташлагандир, ҳозир аниқ бир гап айтишим қийин. Ҳатто, кишлоғимиз қабристонида жой тугамай туриб, дадамнинг яқинроғига кўмилмоққа улгуриш истаги уфуриб турган шеъримни касалхонада заррача талвасаланмай ёзганим эсимда. Қанийди, ўша ёввойи галдирлик, кичкинагина ботирлик қариганингда ҳам сақланиб қолса!

...Вужудининг теграсини порпирок ёруғлик камраб олган дадам ёнгинамда жим турибди. Бир-биримизга сокин қараб кўямиз-у, бирор оғиз гапирмаймиз. Охири дадам олдинга тик бокқанича, мендан секин-секин узоқлаша бошлади; нечоғли узоқлашса, шу қадар қоронғиликда қолиб бораётгандим. Ёруғликка етиб олиш учун дадам томонга талпинаман. Шу пайт, ортимда кимдир пайдо бўлиб, елкамдан тортади. Ўгирилиб қарасам, аям турибди. У ҳам гапирмайди, фақат курагимни меҳрибонлик билан силаб, бошқа ёққа етакламоқчи бўлади. Етагига юраман.

Қоқинмасдан одимлаётгандим. Дадам кетганидан буён жуда хиралашиб қолган ёруғликка кўникиб бораётгандек эдим; хираликка кўниканим сайин, у тобора ёруғ туюлаётганди...

Доронинанинг ибораси билан айтганда, итни-
кидек каттиқ жоним мени яна оёққа турғазди. Бу
сафар ҳам парҳезга қатъий амал қилолмаган эсам-
да, спиртли ичимликлардан нарироқда юришга
астойдил интилдим. Кеч кузга бориб, олдинги
бардамлигимни топгандек бўлдим.

Бекорчилик қанча чўзилса, юрагим шунча си-
килаверди. Энди, кичикроқ ковакларни титкилаб
бўлса-да, астойдил иш қидиришим керак, деган
қарорга келдим. Тўғри-да, бу аҳволда ўтмаслашиб,
хатто занглаб қолиш ҳеч гапмас.

Бошқа тайинли жой йўқлиги учун пар-
тия аъзолигига оид ҳужжатларимни Тошкент-
дан туманимиз газетасига кўчиртириб келган-
дим. Баъзан бадал тўлашга бориб, баҳонада,
эндиликда эрга тегиб олган эски Севгилимга
учрашардим, аввалгичалик ижикилашиб сўз-
лашмасак-да, гапимиз дарров тугайвермасди. Гу-
рунглашиб ўтирганимизда, гоҳо мен билан яна
иноқлашиб кетган муҳаррир кириб келиб, ҳол-
аҳвол сўраган бўлар, ўтган ишга салавот деб,
ўзимизга қайтаверсангиз-чи, дея акаларча елкам-
га қоқарди. Ваҳоланки, очдан ўлсам ҳам бу ерга
қайтмаслигимни, атрофдагилар ўзаро мазахлаб
юришига чидай олмаслигимни у ўзгалардан кўра
яхшироқ билар, ўта синчи, ақлли кимса эди.

Аям билан хотинимнинг писандаларига кў-
никиб бўлгандим, тугалай парво қилмасликка
тиришардим. Аммо, фарзандларимнинг олди-
да юзим шувутдек, бўйним қисикдек эди. Бар-
ча болалар каби уларнинг ҳам ўз истакчала-

ри, орзучалари бор: бири яхшироқ кийинишни хоҳлайди, бири ўйинчоқ ўйнагиси келади, бири ўртоғининг велосипедига суқланади. Олдин да-дамнинг аҳволини суриштириб кўрайлик-чи, дейишни ҳали билишмайди, гоҳ ялинчоқланиб, гоҳ инжиқланиб у-бу нарсаларни талаб қилишга тушишса, нима дейишни билолмай юрагинг эзилади, бунақада ҳатто ўзингни ўзинг ёмон кўриб қола бошлайсан.

Кунлардан бир куни аммамни йўқлаш баҳонасида шаҳарга бордим. Вилоят кўламидаги ўша пайтда «Коммуна» деб аталувчи (ҳозирги «Фарғона ҳақиқати») газетага, сўнг шаҳарникига кириб, иш суриштирдим. Бирорта жой бўшасин, кейин гаплашармиз, дейишди. Шалвираганимча Тўқимачилар шаҳарчасига ўтиб, аммам билан суҳбатлашиб ўтирсам, ўртанча қизи Матлуба опамиз (уни Люба опа дердик) келиб қолди. Иш қидираётганимни билиб, вилоят босмахонаси директори Ўктам ака билан борди-келди қилиб туришлари, ўша одам орқали бирорта редакцияга жойлашга уриниб кўришини айтди. Мадамин поччамиз тўнғич опам билан ажрашгач, Матлуба опа кўп ўтмай унга тегиб олганди. Опам ҳам бошқа турмуш қуриб кетгани боис Мадамин ака билан ярашиб олган эсам-да, уларникига деярли бормасдим. Алоқани яхшилашга уриндими, қондошга жонкуярлиги тутдими, Матлуба опам бир ҳафтадаёқ ишимни битириб берди, вилоят радиосига бориб, бошлиғига Ўктам ака юборганини айтасан, деб уқтирди менга.

Эртасигаёқ бордим. Вилоят радио қўмита-сининг раиси Дониёр Эргашев мени очик юз билан кутиб олди. Қаерларда, қанча вақт, ким бўлиб ишлаганимни сўради.

– Энг муҳими, партияда экансиз, – деб суриштирувни якунлади охири. – Ишончли одамларни доим қўллаб-қувватлаймиз.

Шундай деди-ю, кадрлар бўлими мудирини чакириб, бу одамни бугунданок ишга расмийлаштиринг, деб буюрди. Бу кун – 1979 йилнинг 18 январи эди. Галдаги бекорчилигим салкам тўққиз ой деганда ниҳоясига етди. Рўзғор тебратиш билан боғлиқ жафоларнинг қора булутлари турмушим осмонини ҳали-бери тарк этмаслигини англаб турган бўлсам-да, кўнглимга тотли бир ҳаловат ёйилди.

Уйга қайтиб, бу янгиликдан биринчи ўринда аямни хабардор қилдим. Суюнчи бермаса ҳам, менга кўшилиб жуда суюнди. Балки, ниҳоят пул топа бошлашимдан кўра диққинафас муҳитдан кутулганим онамни кўпроқ қувонтиргандир-у, мен ўшанда буни тушунолмагандирман.

Овқатланиб ўтирганимизда вилоят радиосининг кечки эшиттириши бошланиб, эфирда: «Диққат! Фарғонадан гапирамиз!» деган тантанавор товуш янгради. Қулоғимга шунақанги ширали эшитилдики!

Э, таажжуб! Эшакдай ишлатишларини била туриб, бизни заҳматга йўллаётган турли ёлламачиларга куллуқ қилаверамиз. Бу ғалати мутелик вируси қонимизга нечанчи аждодимиздан ўтиб келаётганикин?

УСМОН НОСИРНИНГ СУРГУНДОШИ

*Ётоқсиз қолгонингда, дўп-
пинг томга айланадур.*

Гулмат ШОШИЙ

Раисимизнинг очиққўнгиллиги бошқаларга ҳам юкиб борганми, жамоадаги муҳит мусаффо, ходимларнинг кўпчилиги дилкаш кишилар эди.

Тошкентдаги саргардонликлар даврида эски хунук одатларим қайта кўпчишга тушганди, радиода иш бошлашдан олдин хулқ-атворимни яна яхши томонга оғдиришга аҳд қилиб, ўзим ўзим билан қатъий келишиб олдим. Барчага бирдек хушмуомаламан, ҳеч кимнинг хизматидан қочмайман, бошлиқларга ўта итоатгўйман, берилган топшириқларни нуқсонсиз бажаришга уринаман, оддий техник ходимдан тортиб фаррошга ҳам ҳурмат билан муомала қиламан, майда гапларга аралашиб юрмайман. Тошкентда мени ишли, ётоқли қилган ўша министр Содиқовнинг яқиндагина журналистлик дипломини олган келини Шаҳодатхон ҳали тажрибасиз, радиомухбирлардан бир-иккитасининг қалами бўшроқлиги боис, баъзан қийналиброқ қолишса, секингина менга мурожаат этишар, ёзганларини эринмасдан таҳрир қилиб берардим. Натижада, касбдошларим ичида тез эътибор қозондим, иззатим ошиб бораверди.

Мени энг қийнаётгани – Олтиариқдан 25 километр масофадаги шаҳарга кунда қатнашга мажбурлигим эди. Эрта саҳарда туриб, шоша-пиша

нонушта қиламан; қишнинг қирчиллама қирқида Тохир укам берган куёнттери оқ телпакнинг қулоғини тушириб олиб, пулни тежаш мақсадида тўрт километр наридаги туман марказига пиёда чиқиб бораман. Эгнимда Акрам укамнинг куёвлик костюм-шими, оёғимда эскириб қолган қишки ботинка.

Бошимдан ҳовур кўтарилганича туман автобекатига кириб бораман. Шаҳарга қатнаб ишловчилар, бирон-бир юмуш билан кетаётганлар одатдагидек бесаноқ, барчаси эрталабки автобусга улгуришга ошиқади; «ЛАЗ»ларнинг бунисига бўлмаса унисига базўр илашиб, тирбанд салонда тик турганча йўлга тушаман. Совуқ кучайиб кетган ёки ишим кўпайган кунлари аммамникида, гоҳо Матлуба опамникида тунаб қоламан.

Аҳволим мушкуллигини сезган бўлса керак, бир куни раисимиз меҳмонхонанинг калитини қўлимга тутқазиб, зарурат туғилса, диванда ётиб юраверинг, аммо бошқа одамни киритманг, деб тайинлади. Радио ходимлари «маишатхона» деб атовчи бу махсус хонада Дониёр ака яқин улфатлари билан гоҳ-гоҳ ўтириш қилиб турар; ўртада – олти ўринли стол-стул, тўрида – диван, чап ёқда – ойнаванд шкаф, унга заргул чойнак-пиёлалар, товоқ-тақсимчалар дид билан териб қўйилган, пастки қисмида – писта-бодомли халтачалар, устига сочиқ ташлаб қўйилган ичимликлар; уч оёқли темир устунча илгакларида – тивити тўкилмаган сочиқлар. Тагимга тўшаладиган оқ чойшаб, ёпинчиқ аёлим, тунги вазифасини ўтаб

бўлгач, устига катта ваза қўйилган тумбанинг ичидан жой олади. Меҳмонхонада қолган кунларим дам у, дам бу қоровул билан ярим кечагача гурунглашаман, овқатларига доим қошиқдошман, дўкондан бирон нарса олиб келсам, астойдил хафа бўлишади. Касбдошларим кўзларига ишонгиси келмай, шунча ишлаб юриб, бу меҳмонхонага ҳатто кириб кўрмаганмиз, хўжайин сизга қандай эридийкин, деб ҳайрон бўлишар эди. Бу гаплардан янада хушёр тортиб, меҳмонхонани мунтазам озода тутардим, ҳеч нарсага тегмасдим.

Алижон деган оғайним бўларди, туман газетасида эканимда у ёшлар кўмитасида ишлар, кўмагимда тез-тез мақолалар чиқариб турарди. Эндиликда ички ишлар тизимига ўтиб, Қиргули шаҳар милицияси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаётган бу йигит шаҳарга қатнайвериш бир юз ўн сўмлик маошимнинг ярмини кемириб ташлаётганини эшитгач, мен сизга идорамдан гувоҳнома олиб берай, автобусда текин юрадиган бўласиз, деб қолди. Икки кундан сўнг ишхонамдан олинган тавсифномага тўртта суратимни қўшиб, унга топширдим. Алижон ўз бошлиғи Аҳмаджон ака билан ҳам таништириб чиққанидан кейин, мана, иш битди ҳисоб, фақат олган ҳужжатни оқлаб, расмиятчилик учун бизга гоҳ-гоҳ у-бу маълумотларни ёзма равишда бериб турсангиз бас, деди.

– Қанақа маълумот? – деб сўрадим анграйиб.

– Одамларнинг ичида юлғичи бор, зарарку-нандаси бор. Орқаворатдан бўлсаям, шулардан хабардор бўптиришимиз керак-да, ошна.

Ҳафсалам пир бўлди. Имтиёздан воз кечишим-га тўғри келди.

Бир нав баҳорга чиқиб олдим. Бу даврда менга боғлиқлик томони бўлмаган иккита кўнгилсиз воқеа юз берди. Биринчиси – сел келиб, Фарғонани сув босди. Ўша куни ташкилотлардаги бор транспортларни сафарбар этишиб, энг кўп талафот кўриши кутилаётган Олтиариқ аҳолисини Қапчуғай қирга эвакуация қила бошладилар. Кўшниларга кўшилиб, уйимиздагиларнинг ҳаммаси трактор тиркамасида қирга жўнашди, учтўрттагина эркак маҳаллада қоровулликка қолиб, худодан шафқат тилаб ўтиравердик. Вилоят раҳбарлари шаҳардаги завод-фабрикаларни асраш мақсадида, Водил сойининг Олтиариқ йўналиши қисмидаги шлюзни кенг очдириб қўйган экан, лекин барибир Яратгучининг айтгани бўлиб, тошқин оқизиб келган «Колхида» юк машинаси қувурга тикилиб тўхтабди-ю, бўтана сувлар Фарғона сари «ялпи юриш» бошлабди. Шимолий йўналишдаги Миндону Чимён, Хонқизу Олтиариқ шу тариқа ортиқча зарар кўрмади, асосий офат шаҳарга ёғилди. Ўша куни тунда қишлоқлар буткул хувиллаб қолганига қарамай, биронта талончилик содир бўлмади, бировнинг мол-мулки тугул ҳатто товуғи ҳам йўқолмади.

Иккинчиси – Минскка учиб бораётган, 1960 йили олий лигага ўтганидан буён ашаддий ишқибози бўлиб келаётганим «Пахтакор» футбол жамоаси авиаҳалокат туфайли деярли тўлиқ таркибда нобуд бўлди. Бундан қалби ларзага тушма-

ган одам қолмади, республика мотам либосига бурканди. Бошқалар каби мен ҳам қаттиқ изтироб чекдим, аммо кўнглимнинг бир четида шу азада кимгадир иблисона қутқу бўлиб туюлувчи ғалати бир таскин яллиғланиб, баҳонада «Пахтакор» ёппасига ўзбеклашиб кетса ажабмас, деб ўйладим. Кавказ командаларининг миллийлигига доим ҳавасим келарди.

Қувончли воқеалар ҳам бўлди. Шулардан энг эсда қоларлиси — ёзги битирув имтиҳонларини ҳалай-хулай топшириб, диплом олдим, олий маълумотли журналист мақомига эришдим.

Чарм ғилофли репортёрни елкага илиб, қанчадан-қанча корхоналарни, муассасаларни, дала-боғларни кездим, неча-неча эшиттиришлар тайёрладим, бироқ шулардан иккитагинаси ёдимда алоҳида таассурот қолдира олди. Биттаси кулгиллиги, биттаси фожиавийлиги билан.

Кулгилиси — кунлардан бир куни Фарғонага келган Вьетнам компартияси фаолларидан бирини аэропортда қаршилаб, интервью олишимни топширишди. Меҳмон кўниш майдонидан чиқаверишда кутиб олиниб, ўқувчилар гулдасталар совға қилишди, вилоят раҳбарлари биродарлик эҳтиромларини изҳор этишди. Мен рус таржимонга йўлиқиб, мақсадимни айтсам, конверт опкелдингми, деб сўради дабдурустан.

- Қанақа конверт?
- Қанақа бўларди, пул солинган конверт-да!
- Менга бунисини айтишмади-ку.

– Айтишмаган бўлса, ўзингда лоақал йигирма сўм топиладими?

Чўнтагимни титиб, бор пулимни олдим. Беш-олти сўм чикиб-чиқмайдиган, бари бир сўмликлардан иборат эски-туски пулларга кўзи тушгач, таржимоннинг энсаси қотди, меҳмон тарафга хавотирли аланглаб қўйиб, йўқот бу ахлатларингни, дея кўлимга шапатилади. Совет – Вьетнам дўстлигининг аҳамияти ҳақидаги саволимга жавобан янграган «донг-дунг»ларни тилмоч акахон тунд киефада русчага ўгириб бўлиб: «Хватит! Пошёл, голодранец!» (Бўлди! Йўқол, ялангоёк!) – деб елкамга нуқиди.

Фожиавийси – оғир касалга чалиниб, Водилдаги «амалдорлар шифохонаси»да ётган Тожихон Шодиева исмли кекса коммунистга учрашиб, хотираларини магнит тасмасига ёзиб олишимиз лозим бўлиб қолди. Вилоят раҳбарлари бу ишни раисимиз ўринбосари Ойматовга топширган эса-да, негадир мени ҳам бирга олиб кетди. Бордик. Кенг ва шинам хонани бир ўзи эгаллаб олган Тожихон ая каравотда сўлғин ёнбошлаган кўйи, бизни ноз-неъматга лик тўла столга таклиф этди, қистаб овқатлантирди. Охирида ниятимизни айтсак, кўриб турибсизлар, ҳозир биров билан гаплашадиган аҳволим йўқ, деб кескин эътироз билдирди.

– Олдингизга атайлаб Анвар Обиджон деган манави шоиримизни олиб келувдим, – деди Ойматов. – Майли, ҳеч бўлмаса танишиб олдиларинг-ку.

– Шоирмисиз? – менга бирдан чехраси очилиб боқди ая. – Усмон Носирни биласизми?

– Биламан, уни жуда яхши кўраман, – деб жавоб қилдим.

Бундан аянинг кўнгли янада яшнагандек бўлди; Ойматовга қараб, сиз сойнинг бўйида бир айланиб келинг, бўпти, Анваржон билан озгина гаплашсам гаплашай, деди.

Ичида узоқ йиллар сақлаб келган сўзларини юракдан тушунадиган одамни топиб айтишни кўпдан ўйлаб юрган эканми, олдин бир воқеани эшитинг, деди-ю, эзгинланиб ҳикоя қилишга тушди. Айтишича, паранжи ёпиниб юришдан биринчилар катори воз кечиб, аввал комсомол, сўнг партия аъзолигига кирган; ҳукуматнинг ҳар қандай оғир топшириқларини ҳам миқ этмай бажариб келган бу аёлни ўттизинчи йилларда кўкқис қамоққа олишиб, Россиянинг совуқ Магаданига сургун қилишибди. Берадиган саволлари нукул бир хил эмиш: «Ўзбекистон компартияси раҳбари Акмал Икромов сенга қандай аксилинқилобий гапларни айтган?», «Республика ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаевнинг зараркунанда гуруҳида юриб, қанақа топшириқларни бажаргансан?»

Аянинг жавоби доим шу экан – иккаласи билан ҳам қўл бериб кўришардим холос, лекин бирор нарса ҳақида сира алоҳида ўтириб гаплашмаганмиз. Терговчининг бундан жаҳли чиқиб, ёлғон гапиряпсан, жосус, аслида биз ҳамма нарсдан хабардормиз, деб яна хўрлашга тутинар экан. Бир куни лагерь бошлиғи уни хузурига чақиртириб, ёшгина, чиройлигина жувон экансан, сенга ачиняпман; яхшиси ўзингниям, бизниям қийнамай,

айбловни тан олгин-да, терговчиларнинг азобларидан кутул, акс ҳолда, шоир юртдошинг Усмон Носирга ўхшаб охири жинни бўлиб қоласан, дебди. Кейин ўзи уни эркақлар колонияси томонга бошлаб ўтибди, камералардан бирининг темир эшиги ўртасидаги тирқишчани очиб, ана, шоирнингни кўриб қўй, дебди.

– Қараб, кўриб кетдим, – деди ая. – Эшик тирқишидан назоратчи мўралаяпти деб ўйлаган бўлса керак, соқоллари ўсиб кетган, эти суягига ёпишиб қолганига қарамай, чиройини йўқотмаган, шахло кўзлари чарақлаб турган йигит шартта ўрнидан туриб, деворни тепа-тепа, айнаиб сўқинишга тушди. Чўчкалар, ҳаромилар, партиянгниям фалон қилай, Сталинингниям, деб сўқинаверди ўрисчалаб.

Вужудим увишиб, юрагим орқага тортди. Тўлиқиб сўзлаётган аяга нима деб тасалли беришни билмасдим.

– Иложи топилган вақтларда шоиримизга овқат киритиб турган пайтларим ҳам бўлди, – дея мунглиниб давом этди ая. – Кўп ўтмай, ёшлигимизни ҳисобга олишганми, мен тенги жувонларнинг бир қисмини муддатидан олдинроқ қўйиб юборишди. Билсам, ҳатто Сталин ўлганидан кейин ҳам шўрлик Усмон Носир ўша томонларда қолиб кетибди, жуда хўрланиб ўлибди...

*Бўсаларни согиниб,
Жононларни ўйладик.
Мангуликка сизиниб,
Она юртни куйладик.*

*Шунча шавқнинг барини
Баҳам кўрдик биз бирга...
Кел, берайлик ярмини
Шўрлик Усмон Носирга.*

(1978)

Бод касалига чалиниб ётган давримдагига ўхшаб юрагим бежо тепа бошлади. Тинчланиброк олиш учун ташқарига чиқиб, сигарет чекиб қайтдим. Хонага кирдим-у, негадир, яна чекким келди.

Ўзи нималарни гапиришим керак экан, деб сўради ая, репортёрни созлаётганимни кўриб. Асосан, партиямиз арбоблари ҳақидаги хотиравларингиз керак шекилли, деб жавоб қилдим. Ая манглайини тириштириб, енгил уф тортди.

— Унақа бўлса, Йўлдош ота тўғрисида гапираман холос, — деди у. — Бошқаларни сўраманг, айниқса, Усмон Юсуповни. Отини эшитишгайм тоқатим йўқ.

Гапидан билсам, Йўлдош Охунбобоев ўшанда Тожихон аяни қамокдан чиқариб олишга уринган бўлса-да, кўлидан келмаган экан. Лагердан қайтгач, олдин майдароқ ишларга жойлабди, уруш вақтида Россиядан Ўзбекистонга эвакуация қилинган болаларнинг бир қисми Фарғонага юборилгач, Тожихон аяни уларга мутасадди қилиб тайинлабди. Ая бир куни Тошкентга бориб, четдан келганларнинг еб-ичиши жойидалиги, аммо отаси урушда юрган ёки ҳалок бўлганларнинг қишлоқлардаги фарзандлари қийин аҳволдалиги, оналарининг бири касалманд, бири ночорлиги боис улар очликдан ўлишгача бориб етаётгани-

ни айтса, Охунбобоев анча сукут сақлаб туриб, э кизим-а, ўзимизникиларга кўмаклашиш hozирча қўлимдан келмайди, мен шипдаги анави лампочкага ўхшаган нарсаман, электр узгичим Москвада, «шиқ» этказишса, ўчаман-қоламан, деб жавоб қилибди.

Бу – машҳур Тожихон Шодиева билан биринчи ва охирги учрашувим бўлди. Кейинроқ унинг вафот этганини эшитдим.

Бекорчиликнинг зах ўрасидан зўрға қочиб чиқиб, энди яйраб-яйраб ишлаётганимга қарамай, тинимсиз елиб-югуришларданми, вақтида тузукроқ овқат еб туриш имконим йўқлигиданми, учинчи бор сариқ касалим қўзиди. Врач дўстим Юсуф-жоннинг маслаҳати билан бу гал шаҳар инфекцион касалхонасига ётдим. Азамат жигарим мислсиз қахрамонлик кўрсатиб, «сариқ ажал»нинг учинчи зарбасидан ҳам мени омон олиб чиқди.

Биламан, врачларни лол қолдириб келаётган бу бардош жигаримга онамнинг аждодларидан ўтган. Она уруғим ниҳоятда чайир, ниҳоятда яшовчан.

Ҳа, врач Доронина опанинг гапи тўғри. Агар ўзини ёмонроқ касалликлардан асраб юролса, унча тўкин бўлмаган шароитда кун кечириб ҳам, бундай пишиқ организм билан одам камида тўксон йил яшайди, деган эди у. Мен ёмон муҳитнинг ёмон дардларидан қочиб қутулолмадим. Тан-жоним яна қанча вақт чидай олади – у ёғи фақат Оллоҳга аён эди.

ҚУТ-БАРАКАЛАР ҚАЛЪАСИ

*Учраган ариққа қармоқ
ташлайверма, ҳаммасидаям
балиқ бўлавермайди.*

КУЛКУЛ афанди

Олтиариқ ибтидодаёқ тупроғига саховат қорилиб яралган, бу саховатлар дарёсига умид билан қармоқ ташлаганни у бирон марта курук қолдирмаган. Менинг ажодларим ҳам тақдирини ушбу маконга боғлаб, кам бўлишмади; бири ундоғроқ, бири мундоғроқ яшаса яшагандир, лекин илиги тўлиқ тупроқ ўз мурувватини ҳеч қачон улардан дариф тутмади, битта уруғ кўмсалар, юзта қилиб қайтараверди. Биз унга жафо қилсак қилдик, у бизга асло жабр етказмади.

Шоҳимардонсойнинг Водилдан шимолга ажралувчи ўзанидаги сермаъдан сувлар Қапчуғай қирлари этагига етганида, чиндан ҳам олтиариққа бўлиниб, яралиш тарихи эрамиздан олдинги даврларга бориб тақалувчи олтиариқ энг қадимий қишлоқ орқали, кейинроқ пайдо бўлган қўшни қишлоқчаларга тарқалади, деярли нарига ўтмай, Олтиариқ тупроқларига паққос сингиб кетади. Бу туман ҳудуди ҳозирда 63 минг квадрат километрни ташкил этса-да, қадимда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлмиш Олтиариқ беклиги чегараси кунчиқарда Марғилонга, кунботарда Сўхга, кунгайда Шоҳимардонга, терскайда Ёзёвон чўлларигача борган. Советлар даврида Туркистон аввалига Ўзбекистон ва Туркманистон

республикалари ва бир неча автономияларга, сал ўтиб беш республикага бўлиб ташланиб, маъмурий худудлар қайта белгилаб чиқилган чоғларда ҳам бу туман ўрами анча кенг эди. 1926 йил декабрида Олтиариқда ўтказилган Шўролар кенгашининг биринчи курултойида Чимён ва Водилда бошланғич синф ўқувчилари учун намунали мактаблар ташкил этиш масаласи кўтарилгани; чекка қишлоқ маданиятини юксалтириш баҳонасида Шоҳимардонга сургун қилинган шоир Ҳамза турли масалаларни ҳал қилиш учун Олтиариққа келиб тургани, тумандаги йирик йиғинларда нутқ сўзлагани каби фактлар шундан далолат беради. Илгари туман ерларининг кўп қисми боғ-роғлар, буғдой, полиз, сабзавот майдонларидан иборат бўлган бўлса, бирин-кетин жамоа хўжаликлари ташкил қилиниб, пахта сиёсати кучайишни бошлаган ўша маҳалларда бор-йўғи ўн минг гектарни ташкил этган суғорма ерларнинг салкам етти минг гектарига чигит экилган экан. Хрущёвнинг «йириклаштириш сиёсати» натижаси ўлароқ хатто ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бошигача Риштон ва Сўх туманлари тўлиқ ҳолда, эндиликда Қўштепа, Фарғона, Ёзёвон, Бағдод туманларининг бир қисми бўлмиш Оқтепа, Болтакўл, Хонқиз, Чимён, ичкари Учуй, Миндон сингари қишлоқлар Олтиариқ тасарруфида эди.

Олтиариқдаги айрим қишлоқларнинг тарихи икки минг йилдан нарига бориб тақалади. Шунлардан, қадимшунослар томонидан қазиб ўрганиш натижасида расман исботлангани Киткон

қалъаси ва Зурай она (Зурайк момо ҳам дейишадди) ёдгорлик масканидир. Жой номларининг пайдо бўлиш тарихи билан азал қизиқиб келганим боис, туманимиздаги кадамжойлар ҳақида ҳам илгаритдан маълумотлар тўплаб юрардим, булардан бир қисми Н. Абдулаҳатов ва В. Азимов нашрга тайёрлаган «Олтиариқ зиёратгоҳлари» китобига (Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 2005) қўлёзмадан олинган парчалар тарзида киритилган. Ўшандан кейин айрим олимлар, зиёлилар бу китобдаги қўлёзмадан келтирилган юлқилар хусусида баъзи фикрларни билдиришди, натижада айрим қарашларим ўзгарди. Жумладан, Киткон «кўзतिकон», «каттакон тепа» каби тахминлардан кўра, душманни кутиб олувчи ҳарбий қўрғон маъносини англатувчи «кутаргон» ёки «кутагон»дан келиб чиққани ҳақиқатга энг яқини эканлигини англаб етдим.

Шу жойда туғилиб-ўсган, ҳарбий қўрғоннинг жанговар ўтмиши ҳақида ўта гўзал ҳикоя ёзган таниқли адиб Алишер Ибодиновнинг айтишича, бошланғич синфда ўқиётган чоғларида Китконтепа ёнидан қазиб ўтилган зовурда ўртоқлари билан чўмилаётиб, қирғоғи ўпирилиб тушган жойдан сариқ тангачалар топиб олишибди. Қарашса, булар лой тупроқ орасидан оғзи элас-элас кўриниб турган сопол кўзачадан тўкилиб тушаётганмиш. Уларни қўлга илинганича тақсимлаб олишиб, бу нима, дея бир-иккитасини ўқитувчиларига кўрсатишибди. Ўқитувчи булар шунчаки йилтироқ темирчалигини айтиб, қаердан топишгани-

ни суриштирибди. Сал ўтмай қишлоқни аскар ва милиционерлар босибди, бир қисми зовурни титкилашга, қолганлари уйма-уй юриб, сапёрлар ускунасида хонадонларнинг молхонаю катагига текширишга тушибди. Болалар топган йилтирок темирчалар, аслида, олтин тангалар экан.

Зурай она «зийрак», «зирокой» кабилардан эмас, бу авлиёсифат аёл ўлишида сеҳрли балдоғини ечмасдан дафн этишларини васият қилгани хусусидаги ривоятга кўра, «зирак»дан келиб чиққанини энг тўғри тахмин деб ўйлардим. Қадимги туркларда «зўр» сўзи «катта», «улкан» маъносини билдиргани (масалан Қозон татарлари ўзбекчадаги «катта концертни» «зўр концерт» дейди), бу онанинг оти «тўлин ой»ни англатувчи Зўрой эканлиги борасидаги янги маълумотлардан сўнг, энг асослиси шу, деган хулосага келдим охири. «Олтиариқ зиёратгоҳлари» китобида Зўрой она ҳақида шу ерда яшовчи кишилардан ёзиб олинган турли гап-сўзлар ҳам берилган. Шулардан бири – Сабохон Шокированинг айтишича, Зўрой она унинг тушида дераза олдида тўлин ой қиёфасида келиб, кулиб турганмиш... Бу, балки, ғойибдан юборилган ишорадир?

Кўп зиёратгоҳлар шу ерлардаги боғ-роғлар, дов-дарахтлар, манзаралар, бирон азиз кимсанинг исми, лақаби, касби, одати, қиёфасидаги асосий белгиси кабилардан келиб чиқиб номланган. Бошқа жойларда Олмаота, Норота, Чўпонота, Зангиоталар бўлганидек, Олтиариқда ҳам Шафтоли ота, Сертут ота, Мойкўл (ёки Мойкўл) ота,

Умоч ота, Кўктил (ёки Кўктилли) ота, Ўрикмозор ота, Оқ ота, Юлғун ота, Сўгал ота, Жийдали ота янглиғ муқаддас жойлар анчагина.

Баъзилар жайдарилаштириб, «Тўнгах ота» деб атовчи Тўнга ота мақбараси хусусида алоҳида тўхталиб ўтмасам бўлмайди.

Оғзаки ривоятларга кўра, мохир аскарбоши Тўнгаботирни душманлар очик жангда енголмагач, битим тузиш баҳонасида уни кенгашга чақириб, зиёфат чоғида оғу ичкизишибди. Қайтишда унинг аҳволи ёмонлашиб, йўлдаёқ жон таслим этибди. Кенгашга Тўнгаботирни кузатиб келган аскарый қисм бошлиғи унинг кийимини кийиб, жангчилари билан ғаним устига от солирибди. Тўнгаботир тирик қолибди деб қапалаги учган ёвлар тум-тарақай қочишга тушибди. Душман айғокчилари Тўнгаботирнинг ўлимидан вақтинча хабар топмай тургани маъқуллигини ўйлаб, унинг жасадини энг ичкари худудлардан биридаги ҳарбий кўрғонга элтиб кўмишибди.

Ушбу ривоят мазмуни дунё тарихида Афросиёб номи билан машҳур бўлган Алп Эр Тўнга тақдири баёнига ўхшаброқ кетса-да, бу айнан ўша баҳодирнинг қабри деган даъводан йироқмиз. Лекин, Алп Эр Тўнганинг аниқ қабри йўқлигини, бошқа бирон жойда шундай аталувчи зиёратгоҳ мавжуд эмаслигини; Муҳаммад Али ҳазратларининг бу томонларга умуман қадами етмаганлигига қарамай, Туркистон ўрамида ихлос юзасидан Шохимардон деб аталувчи бир қанча қадамжойлар борлигини назарда тутган ҳолда,

Эскиарабдаги бу табаррук масканни буюк ватандошимизнинг рамзий қабрига айлантирсак, янада обод қилсак, ўз ўтмишимизга бўлган юксак эҳтиромимизни тагин бир карра намойишлаган бўлардик. Китконтёпа ҳарбий қалъаси бу зиёратгоҳдан сал нарида, холос. Демак, ушбу ерга доврукли ҳарбий шахслардан бири дафн этилгани ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Китобнинг бошроғида айтиб ўтганимдек, Болосоғун каби донг таратсин деган ниятда шу ном остида пайдо бўлган, кейинчалик шевада бузиб атала бошланган Полосон қишлоғида ҳам табаррук тавофжойлар сақланиб қолган. Бора-бора аҳолиси қалинлашиб, кейинчалик бир неча йирик маҳаллалар ундан ажралиб чиққани туфайли, ҳудуди анча торайиб кетган ота қишлоғимда иккита асосий зиёратгоҳ бор. Шулардан бири – Кўктил ота мозори. Қуруқшоқ кўкйўталга чалинганлар еттита ёки тўққизта чалпак кўтарганича шифо излаб келиб, сағананинг тупроғидан ялаб кетишади. Баданида кўк белги билан туғилган Кўкивой, Кўканбой, Кўкихонлар; қоғоғида, лабида, тилида кўкишлик пайдо бўлган кишилар ҳам шу жойга жиз атаб туришади.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаги очарчиликда полосонлик Ҳасанбой ҳожи (илойим, гўри нурга тўлган бўлсин) покдомон исломчи Кўктил отанинг руҳи Оллоҳдан барака сўраб турсин деган ниятда шу мазор ёнига дошқозонлар курдирган, минг уйли Полосон ва Повулғон қишлоқлари аҳолисига қишдан буғдой

пишиғигача ўз ҳисобидан овқат пишириб бериб, неча-неча одамни ўлимдан сақлаб қолган экан (лоақал, қишлоғимиз кўчаларидан бирини шу эл-парвар инсоннинг номи билан аташ, нечундир, ҳозирга қадар бировнинг эсига келмади).

Қишлоғимиздаги иккинчи муқаддас қадам-жой Шермуҳаммад охунд мазоридир. Тарихдан маълумки, Қашқардаги Офок Хожа кўлида кўплаб машҳур уламолар, ҳатто шоир Бобораҳим Машраб ҳам таҳсил кўрган. Соқи охун шулардан бири бўлган экан. У устозидан оқ фотиҳа олиб Марғилонга келгач, полосонлик Шермуҳаммад охун унинг энг содиқ муриди, энг ишончли шогирдига айланибди. Худо кўнглига солгани учун, Қашқардаги Офок Хожа мазорига кўмилган устозининг жасадини туяда олиб келиб, ҳозирги Эшон бува мазорига кўмдирибди; вақти етиб, ўзи ҳам қазо қилгач, васиятга кўра, уни ўша жойга дафн этишибди. Бу зотнинг кейинги авлодлари эшонлик мартабасини мудом улуғлаб келмоқда.

Олтиариқдаги зиёратгоҳларнинг аксарияти ўзбеклар эркинликка чиққанидан сўнг қайтадан обод қилинди. Кўп яхши тадбирларга бош қўшиб келган Аъзамжон Муҳиддиновдан сўнг туманни узоқ вақт бошқарган, эл ташвишига жон тортувчанлиги, кўзи тўқлиги, имони бутунлиги билан оддий кишилар ҳурматини қозонган Нўъмонжон Омонов бу масалага алоҳида ихлос-ла ёндошди, ўзи доим ишнинг устида туриб берди.

Асли касби қурувчилик бўлган Нўъмонжон ака ҳокимлик даврида ободончиликка бошқа со-

ҳаларда ҳам жуда катта эътибор қаратди: туман марказида ўртаси бетон тўсиқли, усти ёритқичли қўшқўча бунёд этилди; ҳар бир қишлоқда врачлик пунктлари, кутубхоналар қурилди; дам олиш боғи кескин кўркамлашди; янгидан-янги замонавий коллеж ва мактаблар, ҳашаматли дўконлар, маиший хизмат тармоқлари, маъмурий бинолар қад кўтарди. Қаттиққўл бўлса-да, бировга ўринсиз озор етказиб қўйишдан асранишга тиришар, уйдан чиқаётганида хотини доим бир гапни такрорлаб, жон дадаси, бугун иложи борица бировнинг кўнглини оғритманг, деб ялинишини тез-тез таъкидлаб турарди. Баъзи ишбилармонлар бирон корхонача тиклаш учун ер ажратилишини сўраб унга пора қистирмоқчи бўлса, сиз бу пулни фалон қишлоқдаги мактаб ёки шифохона қурилишига сарфлаб, фалон-фалон ишларни битказиб беринг, ерни керагича олаверасиз, дер экан. Одамлар барини кўриб-билиб туради...

Бири эл-юрт кўриқчиси, бири руҳона кадрийатларимиз ҳимоячиси сифатида доврўғ таратган қони тоза боболарнинг избосарлари эканиданми, олтиариқликлар ҳануз худонинг эъзозида – улар ёппасига ўта меҳнаткаш, тиришқоқ, интилувчан, энг муҳими, фикрчан ва беҳад ишбилармон қилиб яратилган. Бу ерда туғилиб ўсганлар орасидан неча-неча кўзга кўринган арбоблар, таниқли мутахассислар, ноёб ҳунармандлар, доврўкли адиблар, олимлар, хонандалар етишиб чиқди. Дехқонлари ва боғбонларининг омилкорлиги бутун бошли Ўзбекистонда тилгатушган. Томорқалардан

йилига тўрт мартагача ҳосил кўтариш; энг эртанги сабзавотни иссиқхоналарсиз ҳам етиштира олиш; четдан нотаниш кўчатлар келтириб, тез фурсатда иқлимлаштириш; янгича навлар яратиш; ўтган йилги узумни совутгичдан фойдаланмаган ҳолда бу йилнинг кеч баҳоригача янги узилгандек саклай билиш; бўрдоқига боқиладиган уй ҳайвонларини тез семиртиришда буларга тенг келадиганини топиш қийин.

Оллоҳнинг назари тушган маконда туғилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Мен доим шунисидан қувонаман, шунисидан ғурурланаман, шунисига шукур қиламан...

Тупроғига митти оёқчаси илк бор жизиллаб теккан қутлуғ масканни турмуш эҳтиёжи ёки хизмат бурчи важҳидан узоқ муддат ташлаб кетишга мажбур бўлганларни тушуниш мумкин, аммо тирикчилигинг қаерда яхшироқ ўтса — ҳақиқий она еринг ўша, дейдиган кимсаларнинг кўнгли нимадан ясалганини ҳеч англаёлмайман. Гоҳ билим олиш иштиёқи, гоҳ ҳарбий мажбурият туфайли; дам етишмовчиликлар ёки ногаҳоний безитувчан муҳитдан қочиб қутулиш истаги, дам эзгу орзуларга етишмоқ умиди боис тақдир мени қайларга элтмасин; ҳатто баъзида қанчалар тўкин кун кечирмайин, юрагим қишлоғимга бўлган ўтли соғинчимдан қувват олибгина жўшқин уриб турди; бу мўътабар гўшага, унда истиқомат қилувчи бири-биридан азиз инсонларга талпинувчан меҳр-муҳаббатим мавжлари ҳеч қачон пасаймади.

Олам учун юлдуз тугар
Олтиариқ осмонлари.
Юлдуз тилин кундуз уқар
Олтиариқ инсонлари.

Ўзларидан кўзлари тўқ,
Ҳаммаси шоҳ, вазири йўқ,
Даврон сураш шодону шўх
Олтиариқ султонлари.

.....

Ошиғи мард, Тоҳир бўлар,
Доноси бой, моҳир бўлар...
Бор-йўғи бир шоир бўлар
Олтиариқ нодонлари.

(1993)



УНИВЕРСАЛ БОДРИНГ

**Ютқизиқда ҳам даромад
бордур.**

Гулмат ШОШИЙ

Тошкентдан улкан ютқизиқ билан қайтганим
рост. Кейинроқ билсам, бир ўчоқ «мағлубият
куллари» остида сочин-сийрак «ютуқ чўғлари»
ҳам аралаш экан, яширин кўрланиб тургани учун
ўшанда сезмабман. Пойтахтдаги дайдиликлар
туғалай бесамар кетмаганини кейинроқ пайқай
бошладим.

Бу даврда, энг зарури, тинсиз шарақлаб
кайнаётган адабий муҳит қозони таомларидан
иссиғида, имкон қадар мўндароқ тановул қилиб,

миямни тез тўйинтириб бордим; кўп танишлар ортирдим, уларнинг феъл-атворини, қай бирига қайси ёқдан ёндошмоқ қулайлигини идроклаб етавердим. Оташин миллатпарвар Миразиз Аъзам, мутолаасевар олим Маҳкам Маҳмудов, қайтмас курашчиларга айланаётган ёш китоббоз ёзармонлар билан бўлган суҳбатларда ўтмишимиз Римникидан-да улуғворлигини, маданий меросимиз битмас-туганмас хазина эканини, маънавиятимиз остдевори жамики инсоният ҳавас қиладиган даражада мустаҳкамлигини ёрқинроқ англаб бордим, етти эмас, етти минг пушти покиза элдан тарқаганимни билиб, ўзимни бошқатдан кашф этдим.

Талай китоблар ўқидим. Ўз классикларимиздан ташқари, Жек Лондон, Мопассан, Дюма, Гунтегин, Байрон, Толстой, Бальзак, Есенин, Айтматов, Несин, Гамзатов сингари «сеҳргарлар»нинг русча ёки ўзбекчадаги асарлари билан чуқурроқ танишдим. Савиям юксалишида рус тили зўр суянч бўлди.

Шеърый тўпламимни ўқиб кўришга бериб, фикрини ололмаган бўлсам-да, Эркин Воҳидов билан лоақал бир лаҳза юзма-юз гаплашишдек улкан орзум рўёбга чикди. Ўқтам ака билан уйига йўқлаб бориб, Ҳабибий домланинг қўлидан чой ичганим; «Мартин Иден»имни эълон қилганидан сўнг менга алоҳида эътибор билан қарашни бошлаган, ижодкор деган банда бўрини пойлаётган овчидан-да тоқатлироқ бўлиши лозимлигини қайта-қайта таъкидловчи, ҳузурига бостириб киришга анча-мунча қаламкашнинг юраги бетла-

магучи Асқад Мухтор билан суҳбат қурганим, болалар адабиётида ғазал жанрини тирилтирганимни олқишлагани, шеърларимни шахсан ўзига кўрсатиб туришдан тортинмаслигимни тайинлагани катта бахт эди.

Жуда салобатли эди бу зот, радиодаги ишимдан зўрға вақт орттириб Тошкентга борсам, у киши билан ров кўришардим-у, шеърларимни қўлига беришдан барибир тортиниб, бўлимдагиларга ташлаб келаверардим. У эса, ўзининг машхур «Гулистон»идан менга яна жой ажратаверарди. Бир гал болаларга аталган туркум шеърларим бир ярим саҳифа қилиб берилганида, Миразиз аканинг ҳайрати жўшиб, бу сенсация-ку, Асқад ака ўз журналидан таниқли шоирларга ҳам зўрға бир бет ажратади, деганди. Ўша шеърларимга маошимдан кўпроқ гонорар олганим ёдимда.

Саксонинчи йиллар бошида тўрт бетли «Ўзбекистон маданияти» саккиз бетли «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига айлантирилиб, Асқад Мухтор бош муҳаррирликка тайинлангач, «Гулистон» журналидан ортиб қолган «Булбулнинг чўпчаклари» туркумига кирувчи ғазалчаларимни ўзи билан олиб кетиб, янги нашрнинг биринчи сониди берганлиги мен учун сира қутилмаган ҳол бўлди. Кейинроқ эса, конвертда юборган «Уччаноқ»ларимни хатдаги сўзларимдан парча келтирган тарзда эълон қилди. Яна юборавердим, яна чиқараверди.

«Муштум»да масъул котиб бўлиб ишловчи Неъмат Аминов билан ҳам илгари сал танишиб

олгандим, юмористик шеър ва ҳажвий ҳикояларимни журналда ора-сира ёритиб турарди. Хат орқали юборган Мирзақанд туркумидаги ҳажвияларимни ёқтириб қолиб, кетма-кетига чоп этишни бошлади-ю, мени ўзига тобора яқин тутиб, Тошкентга борсам чой ичдирмасдан жўнатмайдиган бўлди. Ҳажвияларим хатто атоқли адиб Саид Аҳмадга ҳам маъқул келганини айтиб, бир гал мени жуда шодлантирганди.

Имонли, ростгўй одам эди Неъмат ака. Тошкентга борганимда, хатда жўнатган янги ҳажвиямнинг тақдири билан қизиқдим. Бунисини босишга имконимиз бўлмади, деб қўяверса, асло ранжиб ўтирмасдим. Йўқ, тўғриси айтиб, менга маъқул келди-ю, редколлегия аъзолари ўтказишмади, деди. Редколлегия аъзоларининг аксарияти Парпихўжаев, Маҳмудов сингари журнал ходимлари бўлгани учун, бирма-бир хоналарига кириб, ҳажвиямнинг айнан нимаси ёқмаганини суриштиришга тушдим. Уларнинг гапи бир жойдан чиқаверди – нарсангизни муҳаррир ўринбосари саҳифадан олдириб ташлади, биз бошлиқни шунчаки қувватлаган бўлдик. Ўринбосарга йўлиқиб, қолдирилган ҳажвиямда қандай нуқсонлар борлигини тушунтириб беринг, деб туриб олдим. Бўйи шипга етадиган бу норғул кимса аввалига буниси бўлмаса, унисини чиқарармиз, шунга шунча ваҳимами, деб дўранглади; мен талабимдан қайтмай тураверганимдан сўнг, терслиги қўзиб, журналдаги хўжайинлардан биттасиман, билганимни қиламан, деб ўшқирди.

– Йўқ, бу журнал сизники эмас, меники, – дедим тосрайиб. – Уруғ-аймоғимнинг кўпи ё колхозчи, ё ишчи, бизнинг пулимизга ташкил этилган бу журнал. Сизнинг оилангиздагилар ўзингизга ўхшаб бюджет ташкилотларида ишлашади, давлатга бермайсизлар, давлатдан оласизлар, холос.

Ана энди машмашами! Кетганимдан сўнг бу жанжал бош муҳаррир Иброҳим Раҳимнинг кулоғигача етиб борибди, ўша йигит келса ўзим гаплашиб қўярман, ҳозирча бу ғалва идорадан ташқарига чиқмасин, дебди у.

Кейинчалик ўринбосар билан ярашиб, бир-биримизга ҳурмат ила муомала қиладиган бўлдик.

Тошкентда орттирган дўстларимдан бири қашқадарёлик ёш шоир Муҳаммад Раҳмон эди. Талаба Юсуф Ҳамдамовникидаги ўтиришда танишганимиздан сўнг у билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Курсдошим Акрамжон, Усмон Азим, Эркин Аъзам кабилар иштирокидаги бир улфатчилигимизда магазиндан шароб олиб, кўчада ичишга идиш тополмаганимиз, шунда мен бозорчадан катта сариқ бодринг топиб учини кесганим, ичидаги уруғни бармоғимда ковлаб чиқариб стакан ясаганим, ундан шароб хўплабоқ четидан озгина тишлаб газак қилаверишимиз оқибатида қадаҳ тобора кичрайиб бораверганини Муҳаммаджон доим кулиб-кулиб эсларди. Шу ошнам энди университетни тамомлаб, «Ёш гвардия» нашриётида муҳаррир бўлиб ишлар, болаларга аталган шеърий тўпламим унинг жонқуярлиги билан 1980 йил нашр режасига киритилган эди.

Радионинг адабиёт бўлимида ишловчи Усмон Азим шеърларимни гоҳ эфирга тарқатиб, тузуккина қалам пули жўнаттириб турарди. Ғафур Ғулом нашриётининг бўлим муҳаррири Шавкат Раҳмон бир туркум битигимни «Ёшлик баёзи» тўпламида чиқариб берди. Катталарга аталган бу каби шеърларим алоҳида китоб бўлиб босилиши ҳам мумкин эди, аммо муҳаррир Миразиз ака неча бор тавсия қилмасин, шеърлари илгаритдан менга жуда севимли бўлган бўлим мудир, негадир, рад этаверди. Бир-икки бор ўзим ҳам фикрини олмоқчи бўлдим, кўрамиз, деб тумтайишдан нарига ўтмади. Охирги киришимда, ўта кўпол муомала қилган эди, қаерда йўлингизни кесиб ўтувдим, одамдек гаплашсангиз бўлмайдими, бойвачча, дея деворга ниқтадим. Донг қотиб қолди, беш юзта муаллифим бор, ҳаммаси ёкамдан силтайверса, қандай кун кўраман, деб талвасаланди.

Барибир хайрихоҳларим кўпроқлигидан суюнардим. Тошкентда дайдиб-дайдиб қайтмаганимда, булар қаёқда эди.

Қайиғи тешилиб чўккан балиқчи аввалига даҳшатли фалокатни ҳис этади. Танаси шу баҳонада денгиз сувининг шифобахш маъданларига роса тўйинганини соҳилга чиқиб олганидан кейингина англай бошлайди.

* * *

Фарғона радиосида эътибор қозониб боравердим. Етмиш тўққиздан саксонинчи йилга ўтар қиш мен учун аввалгисидек оғир кечмади,

шаҳарда кун кўришга анча мослашиб олгандим. Энди эғнимда янги қалин пальто, оёғимда оҳорли қишки ботинка. Фақат бошимда ҳануз ўша оқ куёнттери телпак, орқа томони буткул шалвираб, пальтомнинг ёқаси устида осилиб турарди. Кутилмаганда бунинг ҳам эми топилди, ходимамиз Шаҳодатхоннинг Марғилондаги уруғларидан бири телпакчи экан; бир жумада қалпоқни бошимдан зўрлагудек юлқиб олиб, шанба-бозор чидаб турунг, бу пўстакни ўнглаштириб, душанбада олиб келаман, деди. Айтганидек, уни бошқатдан қолипга солдириб, қора рангга бўяттириб, душанба кунини олиб келди; яп-янгидан фарқи йўқ. Раис ўринбосари собиқ куёнттерини таниёлмай, янги кулоқчин муборак, деб ҳатто ювмоқчи бўлди.

Радиоода тўртта бўлим бор эди – ўзбек, рус, тожик, қрим таҳририятлари. Қайнотамдан сўнг Шафоат аммам вафот этиб, Бунёд ўғлим туғилган 1980 йилнинг февралида мени ўзбекча эшиттиришлар бўлимига бошлиқ этиб тайинлашди.

Бунгача ушбу лавозимда бир пайтлар Фарғонада кенг довуғ таратган адиб Жалол Машрабийнинг жияни Абдумутал Қодиров ишларди. Унинг Мутал Қодир имзоси остида ёзган шеърлари, ҳажвиялари, асосан, вилоят газетасида чиқиб турарди. Покизалиги, пазандалиги, ҳазилкашлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Ўртоқлари орасида ҳам тегишқоқлар кўп бўлиб, лақаби «ит»лигини тинимсиз пайровга солишар, шулардан энг ёпишқоғи республика радиосининг Фарғона бўйича муҳбири Мамадали «қирғиз» эди.

Шаҳардаги Марғилонсой бўйида янги ресторан очилиб, унга Абдумутал аканинг дўсти бош ошпаз этиб тайинланган экан, бир куни унинг таклифи билан ўша жойга овқатлангани бордик. Тамаддиланаётсак, ресторанда тўсатдан Мамадали ака пайдо бўлди, Абдумутал акани кўрди-ю, ие, бу кошонада хайвон нима қияпти, анави итни ким столга ўтиргизиб қўйди, э, чип-э, дея бор товушда ўдағайлашга тушди. Шеригим кулиб тураверди, мен атрофдаги нотаниш хўрандалардан уялиб, ер ёрилмади, ерга кирмадим.

Ўзбекча бўлимга иккита хона ажратилган, кичикроғида сайёр мухбирлар, каттасида Абдумутал ака, мен ва машинкачи опа ўтирардик. Лавозимга тайинланганимдан кейин хонага кириб борсам, Абдумутал ака ғаладондан олинган турли папкаларни тўридаги савлатли столнинг устига тахлаб турибди. Мени кўриб, вақтида бу ёққа кўчиб ўтақолинг, деди. Нима фарқи бор, жойингизни совутманг, дедим-да, ўзимнинг пастак столимга ўтириб, нималарнидир хотиржам ёза бошладим.

Бу ерга келганимдан бери, ходимларимиз ўртасидаги ахиллик ҳар ойда бир марта – гонорар тарқатилган куни андак бузилиб турарди. Мен бирор марта ҳам эътироз билдирмаган эсам-да, гоҳ униси, гоҳ буниси тутоқиб, ўтган ойда фалонча эшиттириш тайёрлаганман, нега менга кам ҳақ қўйдингиз, деб Абдумутал акани қисувга оларди. Айниқса, тажрибаси ҳамманикидан ортиқлигидан, ширали овози борлигидан очиқ фахрланиб юрувчи Тоштурғун Исоқов ўзидаги туғма самимий фази-

латни бир муддат четга суриб, кескин дағаллашиб коларди. Шуни ҳисобга олиб, Абдумутал ака билан Тоштурғун акани ёнимга чақирдим-да, мен бунақа ҳисоб-китобларга жуда нўноқман, қалам пулини икковларинг ой оралаб навбати билан қўйиб турсаларинг, ташвишимни енгиллатган бўлардиларинг, дедим. Ёрдамдан қочмаймиз, бу ёғини бизга қўйиб бераверинг, дея хурсандчилик билан рози бўлишди. Улар молия техникумида таҳсил кўрганидан ҳам, ҳарбийда буғолтирлик, колхозда табелчилик қилганимдан ҳам беҳабар эдилар.

Ўзимни доим мулойим тутишга, бошқаларда босиқ, яхши тарбия кўрган кимса сифатида таассурот қолдиришга; ҳатто бултур бошланган афғон уруши юзлаб ўзбек аскарларнинг бошига етаётганидан ичим эзилиб бораётганини ётларга сездирмай, бу ҳақда гап очилиб қолса, мамлакатимизнинг хавфсизлиги учун керакдирки, ҳукуматимиз шунга мажбур бўлгандир, дея партияга садоқатли кимсалигимни кўз-кўзлашга нечоғли тиришмайин, баъзан эски жиззакилим беихтиёр кўзиб, бор «такводорлигим»ни зумда чиппакка чиқарарди. Бир марта шундай бўлди. Бош бухгалтеримиз рус аёл эди, қайсидир олис туманга борадиган бўлдим-у, ўзимга икки кунлик сафар йўлланмаси ёзиб, пулини ҳисоблатишга олиб кирсам, негадир тўсатдан янгича тартиб жорий этишга уриниб, русча ёзиб кел, деди-да, қоғозни олдимга иткитди. Бошим электр симига теккандек зириллади.

– Ўзбекча бўлсаям, сенлар бизга олиб келган ҳарфда ёзилган, – дея қоғозни унга қайтариб

улоқтирдим. – Синчиклаб кўз югуртирсанг, туманнинг номини тушунасанми – тушунасан, қайси санадан қайси санагача экани кўриниб турибдими – кўриниб турибди. Яна нима керак?

Бош бухгалтер менга еб қўйгудек бўлиб кўз қадади-да, сен – миллатчисан, деб бармоғини бизгизлади.

– Ҳаммаларинг гувоҳсизлар, – дедим бухгалтериядагиларга юзланиб. – Коммунистни миллатчи дегани учун буни судга бераман. У ҳақ бўлса, ҳар қандай жазога тайёрман; мен ҳақ бўлсам, тухматчилиги учун уни қаматмасдан қўймайман.

Буни эшитиб, бош бухгалтернинг бирдан ранги оқарди. Йўл харажатларини ҳисоблашга киришаётиб, билганингни қил, дея унсизгина минғирлади.

Раис ўринбосари ўртага тушиб, бизни яраштирган бўлди. Ташқарига чиққанимизда, барибир кўрасан хали, деб ўдағайладим буғолтирга.

Ўзи диққинафас ишидан зерикиб юрган бўлса, менинг пўписам қиттай туртки бердим, сал ўтмай, бош буғолтиримиз ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзди, кейин Россияга бутунлай кўчиб кетди.

Ўшанда асабимни жиловлолмаганим учун ўзимни ўзим кўп тергадим. Тилни тийиб юриб, бор зардобингни қоғозга қусавер! Ёзганларингни, бугун бўлмаса, эрта-индин кимлардир ўқийди, ҳар бир сўзинг минглаб кишиларнинг юрагига аста-секин йўл излайверади; ўқиганлардан юзтадан биттасининг кўнглида зиғирдайгина ўзгариш ясай олсанг ҳам, ютуқ сеники. Гап ҳавога совурилади,

сатрлардаги нидолар қоғозга муҳрланганича тураве­ради.

Ана, академик Иброҳим Мўминовни кўргин – компартия тарихи, советлар фаолияти ҳақида қанча илмий ишлар яратди, китоблар чиқарди. Ичида ўзбекона ғурури вулқонланиб ётган эканки, Москванинг қаҳрига йўлиқишини аниқ би­ла туриб, кейинчалик «Темур тузуклари» мавзуида битта рисо­лача ёзди-ю, тоталитар тузум саводсиз қароқчига йўйиб келаётган Амир Темур бобомиз аслида нечоғли буюк шахс бўлганини баёнлаб берди, миллатнинг кўзини очишга хизмат қилувчи улкан ишлардан бирини амалга оширди. Рисо­ла ёзмай, тилда куйиниб юраверса, гапи ко­вак-кандикларда қолиб кетаверган бўларди.

Гапирма! Ёзавер!

*Замон сенга турса чап,
Сен замонга боқавер.
Замонни гоҳ олқишлаб,
Ўз йўлингдан оқавер.*

(1999)

Хайрият, буғолтиримиз билан боғлиқ ўша можаро авжга минмай бир ёниб сўнди-ю, тез унутилиб кетди. Бу воқеани муҳокама қилиш у ёқда турсин, бирон-бир киши шунчаки енгил танбеҳ бериб ҳам қўймади. Ишни ҳеч нима бўлмагандек давом эттиравердим. Ишларимдан эса, ҳамма рози эди, назаримда.

Бу сафарги киш менга янги пальто ҳам, таъмирланган телпак ҳам ато этмади, аммо улардан да минг бор қимматроқ бўлган бошқача бир совғани тақдим қилди – «Баҳромнинг ҳикоялари»

деган иккинчи китобим босилиб чиқди. Қани энди, ўн қоп пулим бўлса-ю, охирги тийини тугаб битмагунича «ювди-ювди»лардан бўшамай, табрикка оғиз жуфтлаган банда борки, ҳар бирига алоҳида зиёфат бераверсам!

Афсуски, ёнчиғим ҳамон юпқа эди. Тошкентга ров бориб, муҳарририм Муҳаммад Раҳмон орқали йиғилган ёш ижодкор оғайнилар учун куюғидан суюғи кўп ўтиришча қилиб беришга зўрға ярадим. Ўшанда Муҳаммаджон сира-сира эсимдан чиқмайдиган бир гапни айтганди:

– Болаларимизга шунақа ажойиб шеърлар ёзганингиз учун аслида сизга биз ош дамлаб беришимиз керак эди.

Мабодо, тилнинг учида сўзлаган бўлса ҳам, кўнглини ниҳоятда кўтаргувчи, адибни тинмасдан ёзаверишга илҳомлантиргувчи қувватбахш сўз эди бу.



БОШКЕНТДАН ХУШХАБАР

*Юз дардни бир шишадош
билан аритавер, бўтам.*

КУЛКУЛ афанди

Бу маҳалга келиб, рўзғоримизга анча қут кирди. Аям чеварчиликдан топиб турибди, менинг чўнтагим олдингидан қаппайганроқ, укаларим тобора қад ростлаяпти – Акрамники оиласига етиб турибди, Тохир Россияга мева-сабзавот олиб бориб сотишдан тузуккина наф кўряпти,

Файзиобод бетон буюмлар комбинати ошхонасида ошпазлик қилаётган Авазбекка маошдан ташқари ҳафтасига қўшимча хом харажат бериб туришади, армиядан қайтган Дилмурод милиционерликка жойлашиб олган. Фақат, ари уясини эслатувчи хонадонда ғужланиб яшаш билан боғлиқ қийинчиликлар баттардан ошиб бораётган, Тоҳир укамнинг қўққисдан уйланиши бир муаммога ўн муаммо қўшган эди.

Тоҳир укам, юқорида айтганимдек, майда тижорат билан шуғулланар, мева ёки сабзавотни беш-ўнта картон кутига босиб, поездда Куйбишевга йўл олар (олтиариқлик мевафурушларнинг аксарияти фақат шу шаҳарга борарди), бирда иши юришмай елка қисиброқ қайтса, кўпинча қанд-курс, бизда камёб бўлган баъзи газмолларга лиқ тўла сумкани кўтарганича, уйга жирафадек бўйни узайиб кириб келарди. Бир гал Куйбишевга борганида, бозорда тижоратчи акасига қарашиб юрган озарбайжонлик киз билан танишиб қолиб, уни қишлоғимизга опқочиб келди. Тўйни шошилиш равишда ўтказдик. Аям энди дўнгалак уйнинг тор ва зах даҳлизида, Тоҳир хотини билан ичкарида яшай бошлади. Ичкиликбозликка тобора ружу қўяётган Акрам укам охири ўша, мен табелчилик қилган бригада худудидаги чўлкуварлар учун қурилган уйлардан бирига болалари билан кўчиб кетишга мажбур бўлди, ҳовлимиздаги уйи Тоҳирга қолди, аям ниҳоят «зиндон»дан кутулди. Бу орада озарбайжонлик қудалар келиб, меҳмон бўлиб кетишди.

Ёш келинни ёлғиз ташлаб Россияда ҳафталаб юришни истамадими, Тохир укам аввалига майда-чуйда юмушларга ўралашиб вақт ўтказди, кейин Шаҳодат опам яшайдиган Рудник-кондан ёғликроқ иш топиб, шофёрлик қила бошлади. Кўрпа-тўшакларини машинага юклади-ю, ижара-хонага хотинини ҳам олиб кетди.

Ёппасига тупроқтом уйлардан иборат бўлган, отамиз энг катта мерос қилиб қолдирган, нураб бораётган дуволларидаги ҳар қайси кесакдан тортиб, қаровга муҳтожликдан зардаланмай озми-кўп ҳосил тухфа қилиб турувчи дов-дарахтигача юрагимизнинг бир парчасига айланиб улгурган ғарибгина ҳовлимиз ечими қийин муаммоларга лиммо-лимдек кўринарди. Аммо, ўзимиз сезиб-қадрламаган ҳолда, энг улкан бахт, энг катта бойликка бўғзимизгача кўмилиб яшаётгандик — ҳаммамиз соғ-саломат эдик.

Минг шукурки, ўзимнинг ҳам соғлиғим жойида эди. Четдан кузатганлар буни бир нарсадан сезиб олиши қийин эмасди — қорнимнинг оч-тўқлиги, шароитнинг бор-йўқлигидан қатъи назар, қўлим сал бўшасаёқ, Ғалати ойсанамга чирмовукдек чирмашиб, тинимсиз ёзаётган, ёзаётган, ёзаётган эдим.

*Минбарларни сизларга бердим,
Бор «зангори экран»ларни ҳам.
Неча йиллар четда кун кўрдим,
Ёзавердим индамай,
Илдам.*

*Бир шеър ила ўнлаб минбарни,
Зирқиратиб юрганингиз чоқ,
Сўз экиб мен,
Ўнлаб дафтарни –
Индамасдан қилавердим бог.*

(1981)

* * *

Радиоода ишлаётганимнинг учинчи йили бошланиб, 1981 йилнинг қиши тугаётганида, раисимиз Дониёр аканинг одамгарчилиги, ишни тезлаштириш учун ходимимиз Тоштурғун аканинг ёнимда идорама-идора юриши натижасида, Тўқимачилар шаҳарчасига туташ массивдан менга икки хонали уй берилди. Янги уйланган Авазбек укам Тоҳир акаси бўшатиб кетган уйда яшаётгани учун ҳозирча ҳовлимизда жой етиб турганди, оилам билан шаҳарга кўчишга шошилмадим. Ишда юмушларим кеч тугаса, янги уйимга бориб, одамдек овқатланадиган, бемалол ухлайдиган бўлдим. Қишлоқдагилар бирда бир меҳмонга келиб, супуриб-сидириб кетишарди. Баъзан ошна-оғайнилар, баъзан бу ердан сал нарида яшовчи Машраб жияним шериклари билан йиғилиб, тун бўйи улфатчилик қилишар, хонанинг ўртасига тўшалган юпка ипшолча устида маст-алас ғужанакланиб қолгунча ичишарди. Инсондек ухлашни исташганда ҳам, бу уйда ўзимникидан бошқа кўрпа йўқ эди.

Бошпанали бўлганимдан сўнг, радиодаги ишимга янада унум қўшилди. Гоҳо юқори идораларнинг кечки мажлисларида қатнашардим, гоҳо тунги соат тўққиз-ўнгача ишхонада қолиб, катта-

конлар топшириғига кўра шошилинч тайёрланган материалларни кичик техник Насибахон ёрдамида эрталабки эфирга тахт қилгач, уйга кўнглим хотиржамланиб қайтардим.

Ходимларимиз ўзаро суҳбатда, раисимиз бу йигитни ўзига ўринбосарликка тайёрлаяпти, деб қўйишаркан. Абдумутал ака бир куни шу ҳақда шама қилиб қолди. Э, қўйсангиз-чи, шу ишимни эплаб турсам ҳам катта гап, дедим-у, бошимда ўз-ўзидан бир ўй чақнади: «Шу пайтгача қизиқиб кўрмабман-а, ўринбосаримиз қанча ойлик оларкин?»

Дониёр ака сал ўтмай, вилоят партия кўмитасининг ташвиқот бўлими бошлиқлигига кўтарилиб кетди-ю, бундай тусмол гаплар ўз-ўзидан барҳам топди. Шу кўмилада учинчи котиб бўлиб ишлаб юрган Роза Каримова бизга раис этиб тайинланди. Опа билан ҳам тезда чиқишиб кетдик. Яхши аёл эди. Унинг отаси 30-йиллардаги репрессия қурбонларидан бўлгани учунми, партияга фидойилик фақат тилида эди, дилида бу ёвуз тузумга нисбатан гина-кудрати кўплигини айрим гапларидан, тутумидан сезиб олиш қийин эмасди. Балки, буни менга сездириб қўйишни ўзи хоҳлагандир. Назаримда, у ички туйғуларини керакли жойда, керакли одамгагина хиёл ошкор қилиб ўтарди, холос.

«Ялтироқ тугма» деган қиссамни бир йил олдин ёзишга киришиб, асосий қисмини қоралама-лаб бўлган эдим. Янги уйдаги тинч шароит қўл келиб, шуни чалароқ тарзда бўлса ҳам баҳор ичида охирига етказдим. Қисса, балки, ўша йил-

нинг ўзидаёқ мукаммал шаклга эга бўлармиди, лекин бирдан шароит ўзгариб, ичимга тугиб қўйганларим – айрим жойларга қўшимча кириштишлар, жумлаларга қайта жило беришлар ниятлигича қолиб кетди.

Ёзнинг бошларида, жонтортар дўстларим қаторида турувчи Муҳаммад Раҳмон ишхонамдаги телефонга қўнғироқ қилиб, муҳим бир гап бор, тезда Тошкентга келиб кетинг, деди. Бордим. Матбуотчилар ошхонасида бирга тушлик қилаётиб, жуда шошилишча қақариб қолдингиз, яна бирорта китобимни чиқармоқчимисиз, деб ҳазиллашдим унга.

– Бундан ҳам зўрроқ масала бор, – деди Муҳаммаджон. – Ишқилиб, худо йўлингизни очсин.

Билсам, «Ёш гвардия» нашриётининг янги бош муҳаррири Эркин Воҳидов «Баҳромнинг ҳикоялари» тўпламимни босмахонага топширишдан олдин ўқиб кўриб, китоб муҳаррири Муҳаммаджонни хонасига чақарибди, мен ҳақимда сўраб-суриштиришга тушибди. Муҳаммаджон хайрон бўлиб, бу йигит ўзингизнинг Олтиарингиздан-ку, танимайсизми, деса, бир-икки кўришганмиз-у, тузукроқ гаплашганимизни эслолмаяпман, дебди. Сўнг шеърларим жуда ёққанлигини айтиб, булар менга болалар адабиётида янгиликдек бўлиб кўринди, ё адашдиммикан, деб савол берибди.

– Бир Тошкентга келиб, иш тополмай кетган эди, – деб гапни керакли мавзуга бурибди Муҳаммаджон. – Шу йигитни Тошкентга олиб келолмайсизми?

Буни эшитиб, Эркин ака кулиб юборибди:

– Ўзим ҳам худди шуни ўйлаб турувдим. Бошқа жойдан иш топсак, уларга нимасидир маъкул келмай қолиши мумкин. Яхшиси, ўзимизда бирорта ўрин бўшабини кутайлик. Бўшаши биланок, тезда эсимга солинг.

Бундан икки-уч кун олдин бир муҳаррир бўлак ташкилотга ишга ўтиб, ўрни бўшаб қолган экан. Муҳаммаджон ўша куниёқ Эркин аканинг олдига кириб, мени ёдига солибди. Бугундан қолдирмай чақиринг, бир гаплашиб кўрайлик-чи, дебди Эркин ака.

– Бу жойга ишқибоз кўп, – деди Муҳаммаджон. – Ўзимиздаги кичик муҳаррирлардан тортиб, четдагиларгача ғиззо-ғиз бўлишни бошлашди. Эркин ака директорга сизни шипшитган бўлса керак, ҳозирча бировга ён бермай турибди.

Аслида, муҳаррирлик лавозими у ёқда турсин, китоб чиқаришга оид ҳужжатларни расмийлаштириб ўтирувчи кичик муҳаррир, имловий хатоларга жавобгар корректор (мусаххих), ҳатто куни нашриёту босмаҳона ўртасида бўзчининг мокиси-дек борди-келди билан ўтадиган югурдак техник ходим бўлиб ишлашга ҳам шай эдим. Илон бошини ковакка сиғдириб олса бас, кейин сичқон ундан қутулиб бўпти!

Соат учларда Эркин аканинг олдига кирдик. Муҳаммаджон гап-гапга қовушгунча пича ўтирди-ю, мен ишлаб турай, бўлмаса, деб чиқиб кетди. Эркин ака диплом бўйича касбимни, қаерларда ким бўлиб ишлаганимни, турмуш ша-

роитимни бир-бир суриштира кетди, мен борини борича айтавердим. Гап оилавий аҳволимга бориб тақалганда, Эркин ака наъра тортиб юборай деди:

– Бешта?! Хаҳ ҳў-ў! Шунча бола билан Тошкентга келиш учун жасорат керак бўлади одамга. Жасоратга тобингиз қалай?

– Ҳаммасига чидайман, – дедим дадил. – Ҳатто уйсизликкаям.

Эркин ака уй муаммосини бирор йилда ҳал этишга ҳаракат қилишини айтган эса-да, тўрт-беш йил бошпанасиз юришга ҳам рози эдим.

– Тугунингизни тугиб тураверинг, – ниҳоят, кирганимдан бери мен илҳақ бўлиб кутаётган гапни айтди Эркин ака. – Директорнинг олдидан яна бир марта ўтиб, ишни пиширай. Кейин сизга хабар қиламан.

Бошим кўкка етди деган сўзнинг туб маъноси-ни англаш учун киши менинг шу топдаги ҳолимга тушиши лозим бўлади. Осмонда бўлгандаям, еттинчи осмонда эдим. Қуёш тизимидаги барча кезғичлар аллақачон пастда қолиб кетганди.

Ўша куни бошқа бир нарсадан ҳам қувондим – эски оғайним Аҳмаджон Мелибоев бу нашриётга яқинда бош муҳаррир ўринбосари этиб тайинланган экан. «Ёш ленинчи» газетасида ишлаётганида, бутуниттифоқ миқёсидаги зарбдор жабҳага айланган Қарши чўлини ўзлаштиришга бағишлаб битган «Қаршига қарши» достонимни чиқаришга кўп уринганди; ҳатто бош муҳаррир ҳам босишга мойил бўлиб турганида, катталигидан газетанинг

бир саҳифасигаям сиғмаяпти, беролмайдиган бўлдик, деб бирдан айниб қолишди. Газетанинг маданият бўлимида бир опа ишларди, икки йилча олдин унга кўрсатган шеърларимни маъқул эмас деб қайтарганида, озгина айтишиб қолган эдик; билсам, шу аёл яна монелик қилибди. Устоз Миразиз аканинг, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, тезроқ танилиб олишга уринавериш, кўпгина доврүкли шоирлар каби замонсозлик ниқоби остида ижод қилавериш лозимлиги борасидаги насихатлари таъсирида туғилганди бу дoston. Қолдириб юборилгач, «Шарқ юлдузи» босмаган партияни шарафловчи бошқа дostonим каби буни ҳам ўшандаёқ дафтаримдан йиртиб ташладим.

Қарши ҳақидаги дostonим билан боғлиқ бир қизиқ воқеа юз берганди. Дoston босмадан қолдирилган чоғларда бир юмуш билан Тошкентга келиб, орада «Ёш ленинчи»га кирсам, ходимларнинг бир қисми Қарши чўлида учрашув ўтказиб келишга отланиб турган экан; лоақал ўша асардан парча ўқиб берарсиз, деб мени ҳам бирга олиб кетмоқчи бўлишди. Таътилда бўлганим учун иккиланмай кўндим. Темирйўл кассасига кўнғироқ қилиб, қўшимча патта масаласини ҳал этишолмагач, у ёғини ўзим эпларман, дея менга йўлланма ёзиб беришларини сўрадим. Йўлланмани олиб, тўғри аэропортга бордим; уни бошлиқ ўринбосарига кўрсатиб, Қаршида эртага эрталаб ҳукумат катталари иштирокида йиғилиш бўлади, шунга етиб боришим шарт, дедим. Бир соатдан кейин учадиган учоққа амаллаб

тикиштиришди. Газетадагиларнинг шаҳардаги фалон меҳмонхонага қўнамиз дегани эсимда турганди, тўғри ўша жойга бордим. Мен самолётда учдим, қолганлар поездда эрталаб етиб келишади, деган гапимдан гуруҳ бошлиғи шу одам бўлса керак деб ўйлашдими, бир кишилиқ алоҳида хона бериб, столимни еяр-ичарга тўлдиришди. Оч эдим, тансиқларини пок-покиза тушириб, қолганларини бир-бир чўкилаб чиқдим.

Эрталаб газетачилар етиб келишди. Вилоят раҳбарияти вакиллари уларни вокзалда кутиб олган бўлса керак, меҳмонхонага бирга кириб, жой тақсимлашга тушдилар. Алоҳида хоналардан биттагинаси бўш эди, уни кеча келган манави ўртокқа бердик, деб мени кўрсатди маъмур. Ҳечқиси йўқ, мен бошқа жойга ўтақоламан, дедим-да, нарсаларимни олволиш учун бош муҳаррир Рустам Шоғуломов билан бирга хонага бордим.

Шоғуломов диван-каравотда ғижимланиб ётган чойшаб, қўл ёғлари артилиб, стул суянчигига илиб қўйилган шатмоқ сочик, стол устида аёвсиз титкиланганича турган ноз-неъматларга тунд кўз югуртирган асно анча донг қотиб турди. Кейин ўзига келиб, менга кинояли бокди:

– Ҳаммаёқни кучук пайпаслагандек қилворибсиз-ку, укам...

Сал ўтмай, Тошкентдан хушхабар келди. Июньнинг ўн бешинчи кунда раисимиз Роза Ўринбоевнага ишимдан озод этиш ҳақидаги аризамни олиб кирсам, сизни анча-мунчага қўлдан чиқармасдим-у, кўтарилишингизга тўсқинлик

килолмайман-да, деб кўл қўйиб берди. Ҳаётини тажрибамдан келиб чиқиб айтганда, баъзида ишдан бўшаш ўзини суймаган хотин билан ажрашаётгандек ҳузурбахш туюлади. Шу топда эса, Тошкентга қанчалар интиқиб талпинаётган бўлмайин, бу ишхонадагилардан ҳам айрилгим келмаётганди.

Агар туғма ланж бўлмасанг, яхши кайфиятда бошлаётган юмушинг унум келтирмай қолмайди. Тошкентни забт этишга қаратилаган иккинчи юришим олдидан чеҳрам яшноқ, кўнглим сокин эди: опаларим бир этак-бир этак болаларини эрлари Собирвой, Аъзамбой, Тўлқинбойларга боқтириб, тинчгина яшаб ўтиришибди; Акрам укамга колхоз томонидан қурилган кооператив уйлардан бири тегиб, чўлда кун кечирини азобларидан фориғ бўлди; Авазбек магазинчиликка ўтиб, ўзини янаям ўнглади, мотоцикл сотиб олди, оиламизнинг умумқозони жазлари асосан унинг бўйнида; Дилмурод хануз милиционер, лейтенантлар мактабига киришга уриняпти; ака-укалар ўртада тўй қилиб, каттароқ ўғилларимизни мактаб ёшига етмасидан «кестириб» олганмиз...

Бу пайтда Тоҳир укам юк машинасида довол оша Қирғизистоннинг шимолий минтақаларига қатнайверишдан толиқиб, Рудник-конда буфетчилик қилишга ўтганди, тоғ-тошда юрмасдан шу ерга келиб яшайвер, деб шаҳардаги уйимни унга бердим. Яхши ўйлаган эканман, укам кейинроқ аммамнинг ўғли Машрабга қўшилиб, Камчаткага мева-сабзавот топшириб келадиган бўлди, картмони бўртиб, кишлокдаги оиламизнинг пишиққина таянчига айланди. Аямни кўпдан бери хавотир-

лантириб юрган эски дўнгалак уйни бузиб, пастакроқ бўлсаям, бошқа иморат қуришимизга катта улуш қўшди, гоҳо ҳатто болаларимнинг кийим-пийимига ҳам парво қилиб турди.

Тошкент сари шайланувни радиодаги меҳмонхонада тунаб қолганимда кечалари машинкалаб юрган шеърларим ва насрдаги бири битган, бири чала қўлёзмаларимни картон папкаларга йиғиб, жомадонга жойлаб қўйишдан бошладим. Буларнинг аксариятини болаларга аталган асарлар ташкил этарди, энг ишонган кузур қарталарим шулар эканига «Баҳромнинг ҳикоялари» китобимга мақтовлар қўпайгани сайин тобора иқрор бўлиб бораётгандим.

Ўзбек болалар шеъриятининг туб илдизи анча чуқур. Насрда мазмун, назмда матн ёдда қолишини аждодларимиз қадим замонлардаёқ яхши англаб етгани боис, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги мақол, матал, топишмоқлар, жумладан болалар айтимларининг аксарияти қофиядош сўзлардан тузилган. Эски мактабларда эртақлар, ривоятлар, мумтоз адибларнинг диний-ахлоқий, маърифий-маиший мавзудаги шеърлари, масаллари, чистонлари қаторида болалар айтимларидан кенг фойдаланилганининг сабаби ҳам шунда.

Юртимизнинг давлат тасарруфидаги маориф тизими ўтган асрнинг 20-йиллари охирида тўлароқ шаклланиб, барча мактаблар учун бир хил қўлланмалар жорий этилаётган чоғларда, адабиёт дарсликларини болаларга аталган «ҳазми енгил» шеърлар билан бойитишга эҳтиёж кучайди. Дастлабки дарсликларда Увайсий, Гулханий,

Ҳамза, Авлоний асарларидан кўпроқ фойдаланилган бўлса-да, уларнинг тили барибир ўсмирларга мос эди. Кичкинтойларнинг соддатил шеърияти 40-йиллар бўсағасида пайдо бўла бориб, Зафар Диёр, Амин Умарий, Султон Жўра, Элбек, Шукур Саъдулла, Илёс Муслимлар бу жабҳанинг биринчи қалдирғочларига айланишди.

Уларнинг замонидан сўнг «катта оқим»ни ҳосил этган, кичкинтойларга аталмиш китоблари пешма-пеш босилишни бошлаган Қуддус Муҳаммадий, Толиб Йўлдош, Қудрат Ҳикмат, Азиз Абдураззоқ, Дўстжон Матжон, Пўлат Мўмин, Ҳамидулла Ёқубовлар исми адабиётшунослар тилидан тушмай келар, уларнинг сафи Обид Расул, Қамбар Ўтаев, Рауф Толиб, Сафар Барноев, Анвар Хўжа, Саодат Тожи қабилар билан муттасил тўлиб борар; бу даврда Ҳамид Олимжон, Асқад Мухтор, Ғафур Ғулом, Шухрат, Эркин Воҳидов қабилидаги катталар адиблари ҳам жажживойларни ора-сира сийлаб туришар; болалар шеъриятида бўлакча изланишлар қилишга интилаётган Миразиз Аъзам, Ҳабиб Раҳмат, Турсунбой Адашбоев, Султон Жаббор сингари «кичик оқим» вакиллари ижодидаги ўзгаришлар негадир мунаққидлар эътиборидан четда эди. Бу шоирлар «катта оқим»дагиларнинг мавжуд тузумни улуғлашга, байрамбозликка, шиорбозликка, яланғоч насихатбозликка, қуруқ баёнчиликка асосланган, биринчи галда «болалар онгини пишитиш»га қаратилган анъанасини эски кўникма таъсирида ўз-ўзидан давом эттираётган

эсалар-да, аввало, ўқувчининг қалбини забт этиш мақсадида битилган ўзгача шеърлари ҳам бир-бир урчиб бораётганди.

Бошқачароқ бу поғонага илк бор қадам қўйиб берган, миллий эрк мавзусини болалар адабиётига биринчи бўлиб олиб кирган Миразиз Аъзам ижодида новаторлик ўта ёрқин товланиб кўринарди. Ачинарлиси шунда эдики, болалар адабиётида кадрини топмаётганидан ўксинибми, кейинги йилларда бу шоир жажживойлар даврасидан тобора узоқлашиб, катталар учун ёзишга бутунлай берилиб кетаётганди.

Ҳа, болалар адабиётида кўриқ ерлар кўп, ўзлаштиришга астойдил уринаётганлар эса кам. Катталар адабиётида кун кўролмаганлар болалар адабиётини тирикчилик манбаига айлантириб олиб, илгари ўзлаштирилган майдонларда ортиқча жон койитмай давр суриб юришибди. Худо омадимни берса, аввало, айнан шу плацдарм орқали ёриб ўтишим, айнан шу сахнада ўзимни яққол намоён эта олишим мумкиндек туюлаётганди.

Қисқаси, ўзбек болалар адабиёти, айниқса, шеърияти жаҳон уммони сари шиддат билан интила олишга қодир бўлган тамоман янгича оқимга ўта муҳтож эди. Бу оқим вакилларининг асосий вазифаси — болаларнинг ақлидан кўра кўнглига кўпроқ таъсир ўтказиш билангина чекланиб қолмай, турмуш ҳақиқатларига имкон қадар яқинлашиш, мурғак қалбларда миллий ғурурни шакллантириш, пишиқ-пишиқ сатрларда

мафтункор манзаралар яратиш; шунингдек, тивити тўкилмаган топилмалар, тагдор ташбеҳлар, тиниқ ва ёниқ иборалар, болалар айтимларидаги каби одми сўзлар, ўйноқи жумлалар, жарангдор қофиялар, қувноқ ифодалар кўмагида шеърни кичкинтойларнинг суюкли ўйинчоғи даражасидаги эҳтиёжига айлантиришдан иборат бўлмоғи лозимлиги аёнлашиб бораётганди.

Гап битта – асосан ушбу йўналишда фаол ҳаракат қилаверган маъқул. Катталарга атаб ёзган шеърларим, ҳажвий ҳикояларим ҳозирча панадаги аскарлардек писиб туратурсин, олдин синалган замбаракларни ишга солайлик-чи. Агар, шундан ҳам наф чиқмаса, кўнгилни чўктирмасликка куч топиб, энди омадни катталар адабиётидан қидириш, бу зичликда кўзга тузукроқ чалина олиш учун алоҳида тайёргарлик кўриб, «ёриб ўтиш» масаласини кечроққа суриб туришга тўғри келади.

Ҳар қадамда жуда-жуда хушёр, яхши маънода устомонроқ бўлмоқ керак. Бу – турли-туман тўсиқлардан сабр-бардош билан ошиб ўтилиши талаб этиладиган беҳад машаққатли, беҳад изтиробли йўл. Янгиликни яратишдан кўра уни тан олдириш ўн марта қийин. Бири-биридан улкан девларнинг тўқмоғига чап бериш, зарурат туғилса, пухта тараддуд билан қарши ҳамлага ўтиш учун маълум даражада ақл, ички қувват, юмшоқроқ кўринишдаги ўжарлик, чидам, матонат талаб этилади.

Шуларнинг барига тайёرمىсан, шоирча? Аввало эсингни йиғ, таваккалчиликнинг ҳам чегараси бор...

Эркин аканинг таклифи ҳақида ишхонада-
гиларгаям, уйдагиларгаям охирги паллагача ҳеч
нима демагандим, тўйдан олдин ноғора чалиш-
ни илгаритдан ёқтирмасдим. Тошкентга ишга
ўтаётганимни аямга радиодан бўшаб борган ку-
ним айтдим. Аям ҳайратга тушиб, қачон кетишим-
ни сўраган эди, бугун кечқурун поездга чиқаман,
дедим. Гапимизни эшитиб ўтирган Дилмурод
укам оғзида паравозникига ўхшатиб чўзиқ сигнал
чалди:

– Пупу-у-у-п!!!



ТУГАЛЛОВ

*Ўзинг бир ботқон бал-
чиқзорга боратуриб, кову-
шингни тозалаб ол.*

Гулмат ШОШИЙ

Умримнинг асосан қишлоқда кечган даври
яқунига етганди. Ҳаётимнинг бу қисмида илк бор
инсон фазога учгани (СССР), Ой кезғичига қадам
қўйгани (АҚШ), совет фазогирлари ҳалокатга уч-
рагани; руслар эндигина синовдан ўтказаетган
ҳарбий ракета воситасида америкаликларнинг
«У–2» айғокчи учоғи уриб туширилгани; Корея
уруши бир миллатнинг бўлиниб кетуви, Вьет-
нам уруши эса, ажратиб ташланганларнинг бир-
лашуви билан барҳам топгани; икки уммонни
туташтирувчи қазилма Сувайш канали, Мисрда

Осуан тўғони фойдаланишга топширилгани; чапани Хрущёвнинг «омон-омон»ида юз минглаб сиёсий маҳбуслар, урушда душманга асир тушгани учун қамалган аскарлар озодликка чиқиб, халқ душмани сифатида отилганлардан кўпининг номи оқлангани; Отатурк қайта шакллантирган Туркияни бут асраб қолиш ниятида ҳокимиятни ҳарбийлар қўлга олгани; рангли телевизор, «Моторола» русумли кўполдан-кўпол симсиз телефон, нейлон мато, нейтрон бомбаси, одам аъзосини кўчириб ўтказиш кашф этилгани; Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги урушни тўхтатиш юзасидан иккала давлат раҳбарлари Ўзбекистонда музокара олиб бориб Тинчлик шартномасини имзолагач, ҳиндлар етакчиси Лаъл Баҳодир Шастри Тошкентда бандаликни бажо келтиргани; совуткичлар, магнитофонлар, кир ювиш машиналари қишлоқларгача кириб келаётгани; жаҳонда энг узунлардан ҳисобланмиш Байкал-Амур темирйўл магистрали барпо қилингани; қирғинбарот афғон уруши бошлангани; Тошкентда метрополитен пайдо бўлгани каби тарихий воқеаларнинг шохидига айландим.

Жавоҳарлал Неру, Сталин, Мао Цзе Дун, Ким Ир Сен, генерал Де Голл, Анвар Саодат, Чемберлен, Жон Кеннеди, Анвар Хўжа, Индира Ганди, Фидель Кастро, Хошимин, Ёсир Арофат, Сальвадор Альенде янглиғ шов-шувчи давлат арбобларига; жанубий америкалик Чегевара, жазоирлик Жамила, америкалик Мартен Лютер Кинг, россиялик Солженицин, африкалик Манделла каби бири

халқининг ҳақ-ҳуқуқи, бири юртининг озодлиги учун жонини тикиб курашган кўламдор исёнчиларга озми-кўп муддат замондош бўлдим.

Суюкли «Пахтакор»имни оёққа турғазганлардан Биродар Абдураимов, Геннадий Красницкий, Тўлаган Исоқов; ўзбеклардан биринчи бўлиб жаҳон чемпионига айланган боксчи Руфат Рискиев; оламга доврўғ солган футболчилардан Пеле, Марадона, Мюллер, Чарлтон, Яшин, Круифф, Бест, Чулак, Хамрин, Гарринча, Стрельцов, Лобановский, Пушкаш; спортнинг бошқа турларидаги юлдузлар – боксчи Мухаммад Али, Стивенсон, хоккейчи Грецки, Харламов, Недомански, Карлсон, шахматчи Спасский, Фишер, Гаприндашвили, штангачи Жаботинский, баландликка сакровчи Брумелларга бевосита ишқибозлик қилдим. Ўшанда мен билан бир вақтда яшаб, етти иқлимга донг таратган фан-техника намояндалари, буюк ихтирочилар, бетакрор адиб-санъаткорларга бир бошдан тўхталадиган бўлсам, на қоғоз етади, на фурсат.

Ўзбек кўшиқчилигининг алоҳида шайдоси эдим. Жўрахон Султонов, Расулқори Мамадалиев, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Саодат Қобулова, Юнус Ражабий, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ҳалима Носировалар давронидан хатлаб, янгитдан чақнаб кўринаётган Комилжон Баратов, Олмаҳон Ҳайитова, Таваккал Қодиров, Очилхон Отахонов, Фахриддин Умаров, Алижон Ҳасанов, Маҳмуджон Тожибоев, Икромжон Бўронов, Камолиддин Раҳимов, Неъматжон

Қулабдуллаев, Холисахон Қодирова, Толибжон Бадинов, Қобилжон Юсуповлар хонишидан қониб баҳра олишга, ашулалари ёзилган қиммат лаппакларни тўплашга ўтдим. Айниқса, безоритабиат эканлиги орқасидан бир-икки бор қамалиб чиққан кўқонлик Комилжон Баратовга кўпроқ ихлосманд эдим, концертларини қувиб юриб томоша қилардим.

Яна айтадиган бўлсам... Шеърий дафтарларимдан ташқари, футболга аталган ўнтакча, кинога аталган ўндан ортиқ умумдафтарим бўларди. Футболникига «Пахтакор»нинг собиқ Иттифок олий лигасидаги биринчи ўйинидан бошлаб майдонга қайси таркибда тушгани, кимлар нечанчи минутда гол ургани, учрашувга ким ҳакамлик қилгани кабиларни газеталардан кўчириб ёзиб, ўйинда юз берган қизиқроқ ҳолатларни қисқача қайд этиб кўярдим. Нариги туркумдагиларга эса, кўрган киноларим мазмунини битиб, ўзим чизган расмлар билан безаб чиқар эдим. Ҳарбий хизматдан қайтгач, емай-ичмай бўлса-да, битталаб тўплаб кўйган китобларимдан анчагинаси сингари бу дафтарларни ҳам тополмай, йиғлагудек аҳволга тушганим бугунгидек ёдимда турибди.

Тагин айтсам... Газета парчасига ўраб чекиладиган бадбўй махорка; найчадум «Красная звезда», «Прибой», «Север», «Беломор канал», «Казбек» папирослари; «Памир», «Прима», «Махорочная», «Лайка», «Космос», «Шипка» сигаретлари замонидан тортиб, шўролар юртига ниҳоят четдан (асосан Болгариядан) кириб кела бошла-

ган «Ту-134», «Стюардесса», «БТ», «Родопи»дек
фильтрлилар, ҳатто Куба сигараларини кўз-кўз-
лаб тутатиш давригача бўлган йўлни босиб ўтдим.

Йигитчиликдан кейинги ҳаётимда тирикчи-
лик ташвишлари-ю, у-бу нарсаларни ёзиб-чизиш-
дан бошим чиқмагани, улфатчиликларга вақтим
кам бўлгани боис, дўстларим ҳам кўп эмасди.
Юқорида тез-тез тилга олиб ўтилган Машраб, Аб-
дусалом кабилардан ташқари бу паллада Юсуф-
жон дўхтир, Мирзамурод химизатор, Карим
Шодмон, Муҳаммад Ғиёсий, Аъзам «бодрингчи»,
Аъзам Эсоларга қуюқ даврадош бўлдим. Аҳмад,
Раҳим, Аюб, Ҳомит сингари синфдошларим би-
лан бот-бот юз кўришиб, гурунглашиб турардик.
Эски иш жойларимда, армияда, техникум ва уни-
верситетда орттирган кадрдонларимнинг акса-
риятидан эса, вақт ўтгани сайин, ширин-ширин
хотираларгина қолиб бораётганди.

Миллатчилик туйғуси кўнглимда ўз кўрғо-
нини кунма-кун мустаҳкамлаётгандек эди. Бу
туйғу ҳаётда ўз бошимдан ўтказган, жисмим-
да оғир асоратлар қолдириб улгурган айрим
касалликлардан-да хатарлироқ ҳисобланмиш
руҳий хасталик эканини тушуниб етишим учун
ҳали анча вақт керак бўлади. Зеро, миллатнинг
ҳар ёқлама етук бўлиши учун қайғурмоқ, уни
ўзлигини англашга, ғурурли бўлишга чорламоқ,
эгамен юртда мустақил фикр билан яшашга
қодирлигига ишонтирмоқ, элни камолотга етак-
лаш истагида ёнмоқ — яхши маънодаги миллат-
чиликдир (балки буни «миллийчилик» деб аташ

тўғрироқ бўлар). Аммо, биз барчадан дономиз, зўрмиз, бенуксонмиз, бошқалар бизнинг олдимизда ҳеч ким эмас, улар бизнинг раъйимизга қарашлари шарт, ётларга таъсиримизни кўпроқ ўтказишга, ёлғон далиллар тўқиб бўлса ҳам, гоҳ у, гоҳ бу худудни асли бизники деб даъво қилишга уринаверишимиз зарур каби сершовқин ғояларга таянувчи, айниқса, қирғинга ундовчи миллатчилик мазкур миллатнинг турқини совуклаштириб бораверади, жаҳонда яккалатиб қўя бошлайди, охир-оқибат кулфатлар хандағига ағдаради. Энг аввало, ўзбек зиёлилари қалбида алангаланиб бораётган бундай ёввойи миллатчиликка бир пайтлар ҳатто ашаддий руспарвар Достоевскийни ҳам ташвишга солган рус шовинизми асосий сабабчи бўлаётганди. Аслида, бу шароитдаги бирдан-бир тўғри йўл — ўзбекка ўзини яхшироқ танитиш, тоқат билан иш кўриб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан саводини муттасил ошира бориш, уни бировга гапини бермайдиган, ҳақини ўтказиб қўймайдиган, ётларни ўзига ҳурмат билан қарашга мажбур этадиган, маданий меросларимизга жонкуяр, кўхна удумларга содиқ, она тилига мислсиз ошиқ, дунёвий янгиликларга интилувчан, тарқоқликни юзага келтирувчи ғаразли мафкуралар замиридаги кир ниятларни вақтида пайқай оладиган, миллий жипслик манфаатини ўзиникидан устун деб биладиган оқил ва ориятли инсон қилиб тарбиялаш эди.

Қутуриб турувчи айиқ деймизми, муғомбир шерик деймизми, майпараст Россия — таг-туғи билан ёқиб юборилса ҳам, ҳатто куйиндисиди.

нинг кўлами кишини саросимага солаверадиған; тўзғиган куллари ёндош юртларни-да кўмиб ташлаши мумкин бўлган сиёқдаги ҳайбатли мамлакат. Ана шу мамлакат сўриси остидаги СССРни бу маҳалда худо урган орденхўр, дарёкўнгил Леонид Брежнев бошқариб турар, компартиянинг олий маслаҳатхонаси саналмиш Сиёсий бюрода Украина, Белоруссия, Грузия раҳбарларининг ўрни азалдан бронлаб қўйилган бўлиб, энди мусулмон республикалар етакчиларидан ўзбек Шароф Рашидов, козоқ Динмуҳаммад Қўнаев, озарбайжон Гайдар Алиев ҳам бу каторда балкиб кўрина бошлаган эди. Ўзбеклар етиштириб бераётган пахтанинг салмоғи олти миллион тоннага яқинлашаётганди.

Кимларга замондош бўлмадим, неларни кўрмадим. Насиб этса, ҳали яна қанча-қанчасини кўраман.

Советлар мамлакатадаги каби Ер кезғичида ҳам аҳоли тинимсиз кўпайиб бораётганди. Хомтамаликни қарангки, миллиардлардан бири бўлиб турган Анвар Обиджон шу тор-тиқинлик ичра алоҳида кўзга ташланиш учун ўзича терлаб-потираб ирғишлаётган эди.

* * *

Эркин Воҳидов билан учрашганимдан сўнг, бошкентга кетишим ойдинлашиб қолган чоғларда, куну тун ўйланиб, ўзимни тергаб юрдим. Ўпкангни янаям босиб ол, шоир. Эндиям енгилсанг, бари тамом дегани. Чоҳга ағдарилиш тугул, каттиқроқ қоқинишдан ҳам асранишинг шарт.

Емиши ерда бўлса-да, туяларга тепаланмаслик учун тўрғай учишни ўрганди. Тўрғай тажовузчи эмасди, шу боис туялар унинг ўзларидан баланд-да эканлигини малол олмади, зиён етказишга уринмади. Ҳар юмушда етти ўлчаб бир кесишинг, етмиш ўйлаб бир сўзлашинг; оғирчиликларга, ноҳақликларга, кадрланмасликларга, иғвогарликларга, ҳаттоки камситишларга — ҳамма-ҳаммасига сабр-тоқат билан чидашинг; ўзингни гоҳ анқовликка, гоҳ омиликка, гоҳ карликка солиб яшашинг; бири-биридан дағдағадор девларнинг оёғи остида мажақланганча буткул ном-нишонсиз йўқолиб кетмаслик учун тиришиб-буришиб кучанмоғинг керак бўлади. Яна бир муҳими — эски кин-гиналарни кўнглингдан ёппасига супуриб ташла, янги жойга топ-тоза юрак билан кириб бор. Салобатини йўқотиб бўлган оиланинг нуфузини бошқатдан кўтармоқчи бўлсанг, шуларга қатъий амал қилишга қувват топ. Энг аввало, ўта шармандали ишга қўл уришдан, жинойт кўчасига кириб қолишдан, айниқса, эҳтиётсизлик ёки жаҳолат боис аҳмоқона ўлиб кетишдан ўзингни асра.

Кўриниб турибди, бу қадар эҳтиёткорлик, бу қадар ҳуркаклик кўнглимга мустаҳкам ин қуриб олса, бўйин қисиб яшаш даражасида кўрқоқлашиб кетмайманми; турмушда ўта қалтис вазиятга тушиб, назокатли туйғуларни четга суриб туриш зарурати туғилса, бу кўникмалар қуршовидан лоақал вақтинча суғурилиб чиқа оламанми, деб безиллаяпсан. Буни билмадим, лекин у томонини

ўйлаб ўтираверсанг, бу томонда сезиларли сил-
жиш юз бериши қийин...

Бунақа ўйларнинг адоғига ҳам, тагига ҳам етиб
бўлмасди. Хаёлларга нуқта қўйишга интилар-
дим – бу ёғини худонинг ихтиёрига ҳавола қилиб,
йўлингдан дангал бораверсанг-чи. Аммо, бош-
га тушганнинг барини ҳам худодан кўраверма,
кўпига барибир ўзинг сабабчи бўласан.

Ҳа, талай нарса, аввало, инсоннинг ўзига боғ-
лиқ; у хулқ-атвори, феъл-хўйи, ўй-нияти яхши-
ёмонлиги билан; иши, тутуми, қилмиши ўринли
ёки ўринсизлигига қараб, ўзига гоҳ мунавварлик
келтиради, гоҳ фожиа.

*Ҳеч бирингга қилмайман таъзим,
Ҳеч бирингга бермайман ҳисоб.
Мен-чун ҳаёт – поёнсиз назм,
Сўз айтмасдан яшамоқ азоб,
Менинг тинчим – менинг таъзиям.*

*Фақат Ундан тиларман паноҳ,
Фақат Унга берурман жавоб...
Босган ҳар бир қадамим – гуноҳ,
Чеккан ҳар бир аламим – савоб,
Менинг ўзим – менинг фожиам.*

(1989)

Йўқ, керак бўлганда, бандасига ҳам таъзим
киласан, ҳисоб берасан, у жорий этган қонунларга
бўйсунасан. Бу жабҳада ким ҳақ-у, ким ноҳақ-
лигини эса, пайти келиб, У ажрим қилади: эгрини
жазолайди, тўғрининг бошидан эҳсон ёғдиради. Бу
ёқдагилари – омонат, у ёқдагиси мустаҳкам; бу то-
мондагилари – ўтқинчи, у томондагиси – абадий.

Ҳозирча бу тарафда эдим. Қандайлиги менга тузуккина маълум бўлган манзилда мени номаълум бир қисмат кутмоқда эди.

Ўшанда 35 ёшга тўлаётгандим. Тошкентга кетиб, яна шунча яшайманми, йўқми, билмасдим. Униб-ўсаманми, тугалай оёқости бўламанми, буниси ҳам қоронғу эди. Тангрисини ҳануз хира-ярим таниб юрган мен чаламусулмон банда фақат бир нарсани – шу дамгача қай тарзда кун кечириб келганимни билардим холос. Болалик – пошшолик, ўсмирликдан бошлаб эса, нукул бахтимни қидириб яшадим.

*Тополмасанг бахтингни,
Сўролмасанг ҳаққингни,
Нега келдинг дунёга?*

* * *

*Танамдан қўр сўнмоқда,
Кўзимдан нур сўнмоқда...
Дурга тўлиб борар бош.*

(«Уччаноқлар»дан)

Баъзан бошимда ажиб бир ўй эловланиб, ғойибдан келаётган товушдек, мени саволга тўтарди – Яратгучининг амри ила ҳаётни янгитдан бошлашни истармидинг?

У вақтда қандай жавоб қайтаришни билмасдим, энди эса, ҳеч иккиланмасдан айта оламан: нелардан яйраб, нелардан ўксиган, кимларга талпиниб, кимлардан безиган бўлмайин; худди ўша муҳитда, айнан ўша одамлар билан бирга бошқатдан яшашга розиман. Бегона муҳит – би-

ровнинг уйи, у ерда бирон-бир нарса кўзга иссиқ кўринмоғи даргумон. Берсангиз, яна ўзимнинг кечмишимни беринг. Фақат, жоиз топсангиз, биттагина саволим бор – янги ҳаётга, озгина бўлсада, энг зарур ўзгартишларни киритиш мумкинми?

Мумкин бўлса, биринчи галда, лоақал, дадамни имкон қадар камроқ ранжитган, аямга кўпроқ дам берган бўлардим; тили ҳали бурроланмасдан вафот этган Ҳомитжон укам, Зухрахон синглимни кўз қорачиғимдек асрардим, уларни ўша лаънати дардларга сира-сира чалинтирмасдим; болалигимда бошини тошда чақиб ўлдирган гуноҳсиз чумчуқчани энди секингина ердан олиб, тутдаги инига авайлабгина жойлаб қўярдим. Кейин... агар-р, яна мумкин бўлса...

Яна нималар қилай? Нималарни қилмайин? Ўзингиз шипшита қолинг, яхшилар...

БИРИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ

2003–2005 йиллар,
Тошкент

МУНДАРИЖА

Бошлов	3
Ёқимли тажовуз.....	4
Мен кимман?!	6
Қўрқинчли кезғич	10
«Уҳ!» деб юборманг, она.....	17
Қарғанишни билмайдиган аёл	29
Туғилсак туғилибмиз-да.....	36
Бахт – ҳаммага ўхшаб яшашдами?	44
Азадаги бекинмачок.....	52
Беш ёшли хуштор.....	56
Эски мачитми, янги мактабми?	62
Толқўчадаги олишув	67
«Ҳалол»лар қаторига кириш азоби	80
Амал ширинми, жонми?.....	84
Генералчасига чўмилиш	92
Бирлашган қўшин	107
Сурнайбозлик	117
Дадамнинг «қоровулли уй»и.....	126
Оёқларим қаёққа кетди?!.....	137
Компартиянинг худо бўлгани.....	151
Мактабдан қувилиш арафасида.....	163
Салом бердик, шаҳарвой!.....	172
Малинахон, Малина.....	182
Қўлларим рулда, рулда-а.....	192
Опамни савалайдиган мард борми?	203
Мировой уста	211
Тешик пойабзалли рицарь.....	223

Текин кийимлилар сафида	240
Икки ўғил – икки ёт юрtda.....	247
Ҳарбий базадаги жаннат.....	257
Бошим иккита бўлди.....	269
Алвидо, дадажон!	285
Ўпкани босиш керакми, босамиз.....	295
Киссавурнинг мактуби.....	306
Шеър ёздирадиган қиз	323
Пойтахтга юриш.....	341
Боғсиз боғбон	353
Диққат! Фарғонадан гапирамиз!.....	363
Усмон Носирнинг сургундоши	373
Қут-баракалар қалъаси	383
Универсал бодринг.....	392
Бошкентдан хушхабар	403
Тугаллов	418

Адабий-бадиий нашр

АНВАР ОБИДЖОН

АЖИНАСИ БОР ЙЎЛЛАР

Турмуш кечинмалари

Муҳаррир	<i>Л. Игасова</i>
Рассом-дизайнер	<i>Д. Мулла-Ахунов</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Харитонова</i>
Кичик муҳаррир	<i>Д. Холматова</i>
Мусахҳих	<i>М. Ишонхонова</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АИ № 158. 14.08.09.

Босишга 2015 йил 5 февралда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Бичими $80 \times 100 \frac{1}{32}$.

«Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 19,98. Нашр табағи 16,43.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 14-366.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

О-14 **Обиджон**, Анвар. Ажинаси бор йўллар / А. Обид-
жон – Тошкент: «O‘zbekiston», 2015. – 432 б.

ISBN 978-9943-28-073-1

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6